

821
М-89

Нуриддин МУРОДОВ

ОШИТНА

ҚУРБОНЛАРИ



821
M-89

НУРИДДИН МУРОДОВ



- 1890 -

ФИТНА ҚУРБОНЛАРИ

ҚИССАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI



НУРИ АСР АБИДУЛА
ТОШКЕНТ

2020

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84 (5Ў)1

М – 89

Муродов, Нуридин

Фитна қурбонлари: қиссалар / Нуридин Муродов.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – 336 б.

ISBN 978-9943-20-663-2

Дунё шиддат билан ўзгариб бораётган аҳборот асрида ёшлар онту шуурини захарлаб, фикрини ўзгартириб юбораётган маънавий таҳдид ҳар қандай қуролдан-да хавфлироқдир. Бу ҳақиқат муаллиф Нуридин Муродовнинг ушбу китобида киртилган биринчи қиссасида янада ёрқинроқ тасвирланади. «Фитна қурбонлари» қаҳрамонлари ўз оламини ҳимов қилмайдиган, ҳаёлларию озуллари тизгинсиз, зътиборга муҳтож, кучга тўлган, аммо шу кучни ниматга, қаерга ишлатишни англаб етмаган, келажакга лозим даражада қайғурилмаган ёшлар. Яқини ниятда ўқиб ёки ишлаш учун чет элга кетган ўсмирлар дин ниёбиди остида бўғунчилиқ қонунларини илгари сураётган гуруҳлар таъсирини тушиб қолганида. Қабоҳат ва жоҳилик ботқоғи уларни ўз домига тортиб, қай аҳволга солганини мутлоаа давомига билиб оласиз. «Ҳиёнат» қиссасида эса қабиҳлик, ёвузлик кечирилса-да, жазо муқаррарлиги маҳорат билан ифодаланган.

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84 (5Ў)1

ISBN 978-9943-20-663-2

© Нуридин Муродов, «Фитна қурбонлари». «Янги аср авлоди»,
2020 йил.

ФИТНА ҚУРБОНЛАРИ

Тероризмнинг бирор динга, жумладан, исломга ҳам ҳеч бир дахли йўқ.

Террор, экстремизм, фундаментализм – ҳар бири ўз номи билан айтилиши лозим.

Бу тушунчалар суёсий унсурлардан озиқланган ва бошқа манфаатларда ниқобланган разил ишлардир. Разил ишлар, зътиқорчиликка кўра, у дунёда ўта кечирилмас гуноҳ, бу дунёда эса ўз номи билан оғир жиноят саналади.

Бу разилликларни ким, қайси дин, давлат ёки давлат вақилли қилишидан қатъи назар, улар жазога маҳкумдирлар...

Террорчи гуруҳларнинг Суриядати ҳаракати муваффақиятсизликка юз тутиб бораётгани аён бўлиб қолган пайтлар эди.

Сурия армиясининг ҳарбийлариغا қарши кечати отишмада оёғидан ўқ еган Шокир кечаси билан оғриқнинг зўридан ухтай олмади. Сўнг «қозбоши» тортиқ қилган «оқ доридан бўрнига найча орқали чуқур нафас олиб тортди. Ҳа, оғриқни қолдиришининг ана шундай йўли бор, бу усул оғриқни тезда босади. Шокир бироз енгил тортгандай бўлди. Баданига куч югурди. Оёғидати жароҳатнинг оғриғи бир оз бўлса-да чекинди. Тасаввурида унинг кўкраги кенгайгандай туюлди. Қони қизиди. Кўзи қизарди. Қизилган бошида турли ўй-фикрлар чархалакдай айланиб қолди. Қизарган кўзлари катталаниб, кўз қосасини тўлдирди. Оғзи

кўпириб, негачир ўзига ўзи алжирлади. Кўллари ҳам ўзига бўйсунмас эди. «Ёра»нинг кайфи ёмон бўлади. Чалажонга ҳам бирпасда жон киритади. Киши ўзини шердай тутати. Наъра тортмайди холос... Шокир сапчиб турмоқчи бўлди. Жароҳатланган оёги панд берди. Наъра тортмоқчи бўлди-ю, файритабийи бўкирди. Кейин бўри каби ириллади. Бу ириллаши атрофдаги «бўрилар»га ёкмади. Шокир тулки қиёсига кирди. Ёнидаги ўзидан-да «тулки»роқларни кўриб, қуёндек қилиқлар қила бошлади... Кейин уйкута кетди.

Тонг маҳали у қаттиқ чинқираётган, зорланиб, бўғилиб, файритабийи оҳангда бақираётган аёлнинг овозидан уйғониб кетди. Кечати отунинг кайфи тарқатган, қарахт ҳолатдан чиқиб-чиқмаган, шу боис нима бўлаётганини тўла идрок этолмаётган эди. Аёл кишининг овози баландлади, энди у таниш туюлди, жуда ҳам таниш. Ана холос, бу хотинининг овози-ку! Ҳа, бу унинг хотини — Солиҳаниннг овози эди (асл исми Сабоҳат, Солиҳа эса Сурияга келганди кўйилган эди).

«Ўйинг куйсин сенинг. Сенларга ўхшаган диндорларнинг, жиҳодчиларнинг падарига лавнат, минг лавнат, — деб дод соларди у. — Бошимда эрим бор, раҳминг келсин. Шокир ака, сиз ҳам одаммисиз, эр-какмисиз, мени кутқаринг бу ҳайвонлардан!»

«Аслан чечен» лавабди юзбоши Солиҳани мажбурлаб номусига тегаетган эди. Миннбонитиксда ўрнатилган тартиб-таомилга кўра, Солиҳа ўзининг «жинсий жиҳод» деган мажбуриятини бажараётганди. Бундай мажбурият эса, ўрнатилган тартиб-таомилга мувофиқ, эри ўлган аёлга тегилли бўлган. Бироқ Солиҳа эри Шокир ҳали ҳаётлигида Аслан юзбошининг шаҳвоний нафсини қондираётгани ўта аламли ва у ишонтан шаръий қоидаларга мутлақо эид эди. Сурияда бундай гуруҳларда ўрнатилган тартибга биноан кўл остидагилар юзбошиларнинг, юзбошилар

миннбониларнинг жинсий эҳтиёжини қондириши учун лозим шароитларни ҳозирламоқлари шарт эди. Элиқбоши мақомини олган Шокирнинг эса жуфти ҳалоли бўлун Аслан юзбошига торттиқ этилган эди. Ўрни келганда бу қабилликлар вақтинчалик никоҳ билан покланарди. Яъни бир кун, икки кун ёки бир неча соатлик никоҳига олиб, кейин талоқ қилиш ода-ти урчиб кетганди...

Ҳар қанча уринмасин, оёғидаги жароҳат туфайли Шокир хотинига ёрдам бера олмасди. Унинг ўрнидан туришга ҳоли йўқ эди. Хотини дод солар, аммо унга ҳеч ким ёрдам кўрсатмас, охир-оқибат у тақдирга тан берди. Аслан юзбоши «жинсий жиҳод» деган «шарафли» ҳуқуқини адо этди. Номуси топталган Солиҳа тинчиб қолди, қаршилиги фойдасиз бўлди. У ёруе дунёга келганига пушаймон бўлди... «Мени ўлдирунг, Шокир ака, сиз ҳам эркакмисиз, сизни катта қилган ота-онангизга минг лавнат. Сизга-тегмоқчи бўлмаганимда мажбурлаб турмушга берган ота-онамга минг лавнат. «Дин ҳимоячилар» бўлган сен тўнғизларнинг барингга лавнат... Мени ўлдирунг», деб нола қилди. Охирги гапи шу бўлди, бошқа чораси қолмади. Аслан юзбошидан кейин уни яна бир «Ироқи» юзбоши мажбурлади. Солиҳа иккинчи юзбошига қаттиқ қаршилик кўрсатмади, қаршилик кўрсатишга-да ҳоли қолмаганди, иложсизлигини тан олди. Кўл-оёғи бўлашиб кетганди. Хўнграб-хўнграб йиғлади...

* * *

Жанубий Корея. Кимхе шаҳри.

Тоҳирнинг Андикондан Кимхе шаҳрига келганига ҳам, мана, ҳадемай икки йил тўлади. Ўзи каби бу ерда ишлаш учун келган юртлошлари билан дўстлашди. У ишлаётган заводда яна тўрт нафар ундан

олдин келиб ишлаб юрганлар — ўзбекистонлик Аҳмад, Равшан, Рустам, Илёс исмли, яна икки нафар қирғизистонлик Эрбой, Тожибек исмли йигитлар ҳам бор эди.

Аҳмад Қашқадарёдан, Равшан Тошкент вилоятидан, Рустам Сурхондарёдан, Илёс Самарқанддан, Эрбой ва Тожибек Жалолободдан эдилар.

Тоҳир солда, самимий, очиккўнгил, кичирим-ди бўлганлиги учун бу болалар билан тез чиқишиб кетди. Йигитларнинг ҳаммаси ҳам мусофир юрда бир-бирига меҳр кўрсатгиси келар, бир-бирларига суянчи бўлиб юриш тарафдори эдилар.

Бу еттовлон тезда қалин жўралар бўлиб олишди. Еттовлон икки-уч ой рисоладагидек ишлаб юришди. Жумладан, Тоҳир ҳам биринчи маошини отасига юборди.

«Отасижон, кўшнни Пўлат акадан олган қарзимни бериб кўйинг», деди. Иккинчи ойлигини онасига юборди. Учинчи ойда кўзонлик Самандар ўзбекистонга қайтаётганли, ундан укасига атаб олган ноутбукни бериб юборди. Укасининг қувончи беҳисоб бўлди. Отасининг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилди. У хотинига «Бу ўғлимиз уддабурон чиқди. Ўзимга ўхшапти-да, ўзимга», деб керилиб кўйди. Ойниса опа ҳам бўш келмай «қайдан сизнинг ўғлингиз бўлиб қолди, охири пайда ҳовлида кўринди дегунча ундан олиб, бунга солардингиз Тоҳиржонимни, ўзимнинг ўғлим, ўзининг Тоҳиржоним, дадаси». Шундай деб Ойниса опа ўгли юборган, ўзи айтганидек, «Франклин бобонинг расми туширилган» пуллардан иккитагинасини — 200 долларни туман марказидаги бозорда ўтирадиган долларфурӯшларга майдалади-да, яхшигина бозорлик қилиб қайтди. Кўни-кўшнни аёллар, хотин-халакни чорлаб мушкулкушод ўқитиб юборди. Ана шу баҳона кўшнни аёллар жам бўлишди.

— Отин буви, айтанай сиздан, кўз тетмасин денг-а, Тоҳиржонимнинг иши анча яхши экан. Янаим юришиб келсин деб, бир мушкулкушод ниёт қилганим, бордингизга шукр, шу баҳонаи сабаб бирийўла дуонингизни олай дедим. Бир яхшилаб дуо қилинг, болагинам катта бой бўлиб келсин шу Корейсидан. Хай, кўшнижонлар, сизлар ҳам қараб туравермай бир илож қилиб болагарингизни жўнатинглар Корейга, мана, болам ойига икки минг доллар жўнатяпти. Контракти уч йил, яна чўздираман дегпти. Бетоналардан кўра кўшниларга бўлгани тузук-да.

— Шу коресларга ҳам ҳайронман-эй, кўзи қисқ бўлса ҳам анча бой яшаркан-да, а! Кимдан сўрама, Корейга ишлагани бораман дейди. Ўзи иш шароити яхшимикан? Тоҳиржоннинг иши заҳарли завод-паволда эмасмикан-а? Шундай гапларни ҳам эшитапмиз-да, Ойниса, — деб жавради кўшнни Ойгул опа.

— Эй йў-а, Тоҳиржоннинг иши енгил эмиш. Нималарнидир тузатамиз дейди. Ҳа, шундай. Ўзи ҳам ишим қийин эмас, дейди телефонда. Яна денг, овози ҳам бир яқин эшитилади. Худди шу атрофдан телефон қилгандек. Ўғлим иши енгил бўлгани учун яна бир кўшимча иш оламан деди. Мен бўлсам қўй, ўғлим, шу ишинг ҳам етади. Биэга сенинг соғлигинг керак, болам, еб тўймаган ялаб тўярмиди дедим. Тўғри-да, мента боламнинг соғлиги керак.

— Ҳаммамизга ҳам, Ойниса опа, ҳаммамизга ҳам... — Тўғри, тўғри айтасиз, Ойнисахон, — салобат билан сўз бошлади отин буви, — муқаддас китобларда ёзилганига таансак, бирни ҳам баракали қилиб берса, мингта татиркан. Агар минг топсангизу, барака берилмас экан, зинҳор бирингиз икки бўлмайди. Қани, дастурхоннинг дуосини қилайлик, кейин расм-русумларга ўтамиз-а бўлмасам...

Ҳозирда Кореядаги ишени якунлаб, Ўзбекистонга қайтган поллик Самандарнинг бу ерда орттирган тажрибаси ва тавсияси билан еттовлон дам олиш кунлари шаҳар марказидаги турк емакхонасига бориб таомланиб келишни одат қилишди. Бу емакхонанинг иш юритувчиси Абдуллоҳ бўлиб, туркилик эди. Унинг айтишича, бу шаҳардаги муслмон мусофирларнинг барчаси шу емакхонага келишар экан.

— Таомларимизнинг бари ҳалол, емакхонадаги ишчиларимиз ҳам намозхондирлар. Аёлларимиз ҳам намозини сира қанда қилмаслар. Емакхонанинг ертўласида намоз ўқишга барча шароитни қилганмиз. Сизлар ҳам келиб шу ерда намоз ўқишларингиз мумкин. Агарда ишдан руҳсат бўлмаса, ҳеч бўлмаса жума намозини бу ерда келиб адо этиш лозимдир. Немаки, биз муслмонлармиз, ўзга юртда ишимизнинг баракаси учун Аллоҳга ибодат қилмоғимиз, шукроналар айтишимиз керак. Бу биз муслмонларнинг биринчи фарзимиз. Сизлар Ўзбекистондан келгансизлар, Бухорий, Термизий боболаримизнинг юртидан. Биз ва сизларнинг тилимиз бир, динимиз бир, қонимиз бир, мусофир юртда бамаслаҳат юрсак, Ўраганнинг ўзи бизларни кам этмас. Кам бўлмаймиз, иншооллоҳ. Қўйинда Туркиядан катта уламо Зиёдий биродаримиз келадилар, у киши диний ва дунёвий соҳаларда жуда катта олим, атамнинг суйган бандаси — шундай биродаримиз келиб маъруза ўқиб кетгани ҳақида эшитганимиз ҳеч?

— Йўқ, эшитганимиз йўқ.

Уларни бошқа мусофирлар каби диний мавзулар қизиқтиргани боис Абдуллоҳнинг гапини қизиқиш билан тингладилар.

— Домла қачон келадилар ўзи? — деб сўрашди йигитлар.

— Зиёдий домла жуда қизиқарли масалалар ечими ҳақида гапирарди. Келиши билан сизларга хабар бераман, у билан суҳбат кони фойдалир. Пировардида фақатгина илмингиз ошади. Илмингизга шундоққина кўйиб қўя қолади илмини ўзим. Истасангиз, у келганига қадар биз билан шаҳардаги «Туркистон» жоме масжидига қатнашингиз мумкин, у ерда ҳамюртларимиз жуда кўп, тез-тез маърузалар бўлиб туради, Аллоҳни яқиндан англайсизлар. Кўнглингиз равшан бўлади, енгил тортасиз, қалб ҳаловат топади, вақтингиз қандай ўтганини билмай қоласиз. Ўзбекистонга борганингизда ўрганган илмингиз сизни билганларни қойил қолдиради. Мени айтди дерсиз...

— Йў-эй, ростданми?

— Албатта. Бир бориб синаб кўриш лозим. Зеро, ҳар бир инсон ниманидир танидан ўтказмай туриб инонмайди. Сизлар ҳам бориб кўринглар-чи, ундан сўнг гаплашамиз...

Ана шундан кейин улар Кимхе шаҳридаги «Туркистон» жоме масжидига бомдод ва хуфтон намозини ўқиш учун қатнай бошладилар. Қолган уч вақт намозни ижара уйда ёки иш жойида ўқишарди. Еттовлон бу ерда кўпгина Ўзбекистонлик ва бошқа ўрта Осиё ҳамда мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатларидан келган йигитлар билан танишинди.

Айниқса, чуқулик Фанишер исмли йигит кўп масалаларда анча-мунча ҳозиржавоблиги билан кўпчиликнинг кўнглига ўтирди. Фанишер спортга ҳам қизиқар экан, ҳатто ҳамюртларидан футбол жамоаси тузганлигини, истаса уларни ҳам кўшиб олишни мумкинлигини билдирди. Фанишер бир кунни суҳбат жараёнида Достон исмли синфдоши ҳам шу ерда ишлаганини, айни пайтда у Саудия Арабистонига умра сафарига кетганлигини айтиб қолди. Кореядан ҳажга бориш жуда осонлигини, навбат кўтиш

деган гап йўқлигини ҳам кўшиб кўйди. Достон сафардан қайтганида у билан таништириб кўйишینی таъкидлади.

— Барча ўзбекистонлик йигитлар уни чуқур диний илмига эгаллиги учун қаттиқ ҳурмат қилишади. Келса ўзингиз гувоҳ бўласиз ҳали.

— Достон умра сафаридан қайтганидан кейин бизларга диний таълим беришни илтимос қилсак бўладими?

— Албатта, ўзим таништириб кўяман, илтимосимизни ерда қолдирмайди. Ахир синфдошим-ку, бегона эмас, биз мусофир юртда бир-биримизни ҳар доим кўллаб-қувватлаб юришимиз даркор, шундай эмасми?..

Шундай қилиб, улар бир ойда икки кун Достон ва Ғанишернинг ижара уйида йигилишадиган бўлди. «Муаллими соний» ва «Ҳажвир»дан таълим ола бошлашди. Достоннинг тавсияси билан Тоҳирни жоме масжидига имомликка таклиф этишди, шундан кейин у намозда имомлик қиладиган бўлди.

Еттовлоннинг сафига яна икки нафар тожикистонлик йигитлар — Искандар, Зиёназар ҳам кўшишди...

Орадан бир неча ой ўтганидан кейин Сеул шаҳрида ишловчи Ойбек ҳам шартнома муддати тўтаб, ишдан бўшаганлиги туфайли Достондан иш сўраб кўнироқ қилди. Достон уни ҳам олдинга чақириб олди ва улар биргаликда дарста қатнай бошлашди. Уларнинг сафи кенгайгандан кенгайиб борарди. Энди йигитларга ижара уй торлик қилгани босис, «Туркистон» жоме масжидида йигиладиган бўлишди. Достоннинг таклифи билан Зиёдийдан интернет орқали сабоқ ўтишни сўраб, мурожаат этишди. Бироқ Зиёдий вақти йўқлиги туфайли, Зиёдийнинг шотирди, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида яшовчи

асли тожикистонлик Каромат исмли йигит скайп орқали дарс ўтиши мумкинлигини билдирди. Улар рози бўлгач, ҳафтада бир-икки кун интернетда скайп орқали сабоқ ола бошлашди. Йигитлар сабоқ вақтида жиҳодчиларнинг жангари ҳаракатлари акс этган видеоларни ҳам томоша қилишар ва ўзбекистондан «ҳижрат» қилиб чиқиб, мужоҳид биродарларга бирлашиш, «жиҳод» амалларини бажариш каби даъватларни тинглашар эди.

Дастлаб Кореяда ишлаётган йигитлардан бири Акбарнинг Туркияга кетиб, у ердан Покистонга ўтганлиги, айна пайтда Зиёдий хутбасига кўшилганини, кофирларга қарши жанг қилаётганини, унинг интернет орқали ҳарбий кийимини, қуроладан ўқ узиб маътангани акс этган видеои томоша қилишди...

Орадан кўп ўтмай, Акбарнинг ҳалок бўлгани, шаҳид-еифатида дафн этилаётгани акс этган видео кўрсатилди. Акбар Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридан тўрт йил олдин Кореяга ишлагашга келган эди. Уч йиллик шартнома муддати тўташи арафасида Покистондаги диний экстремистик гуруҳ сафига кўшилган эди.

Достон ҳаммага ҳам Акбарники каби шаҳидлик мақомидаги ўлим насиб этишини тилади. Бу пайтга келиб, еттовлон ва дўстлари Кореяга келганлик мақсадини унутиб, диний таълим олишга мукасиадан кетган эдилар.

Энди улар террорчилик таъкилотининг етакчиси томонидан гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида яратилган «Ҳаннат ошиқлари» веб-сайтининг доимий кузатувчиси эдилар. У ерда жангариларнинг амалиёти ва уларнинг Ер юзида ағона халифалик давлатини барпо этиш мақсадида мусулмон биродарларни жамлашга қаратилган даъватларидан илҳомланиб, террорчилик таъкилотининг таркиби

та кирувчи «Тавҳид ва жиҳод» экстремистик гуруҳига ҳам аъзо бўлишди. Олти ақидонасглик ғоялари билан тўлиб, шериклари билан бирга террорчилик таъкилотининг фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда Корея республикасида «ҳижрат» қилиб, чинқо кетинини режа қилишди. Режани амалга ошириш ишларини таъкил этиш ва вазифаларни тақсимлаш Абдуллоҳ томонидан бажаришлар эди. Абдуллоҳга топшириқлар тоҳ телефон, тоҳ келган меҳмонлар, тоҳ Интернет ижтимоий тармоғидаги махсус электрон почта орқали келиб турарди. Бироқ кўрсатмаларнинг аксарият қисми, яъни асосий ва тезкор топшириқлар Абдуллоҳнинг синглиси Меҳмен орқали келиб турарди. Абдуллоҳнинг синглиси Меҳмен Сеулдаги турк емакхоналарининг бирида иш бошқарувчи бўлиб ишларди. Бу емакхона унинг эри Неймат ҳожига тегишли бўлиб, у гуруҳнинг Туркиядан Жанубий Корея, Хитой, Малайзия ва Индонезиядаги катбадари (ячейкалари)га юбориладиган барча кўрсатма ва вазифаларни етказувчи ҳамда уларни ўзаро тақсимловчи эди. Унга бу хизматлари аъзига байтулмол ва бошқа тушумлардан келадиган катта мукофотлар бериларди.

Абдуллоҳ эса Неймат ҳожи, яъни почаси орқали олган топшириқлари асосида иш кўрарди. Абдуллоҳга келган ана шундай кўрсатмаларнинг бирида ундан қўл-оёғи чаққон, гапга чечан, молли ва ҳисоб-китобни яхши биладиган, раҳнамоларига сўзсиз итоаткор бўлган ишончли одам юборилиши сўралди. Унга бу хизмати учун мукофот пулидан ташқари ҳар бир юборилган одам учун 7 минг АҚШ доллари ваъда қилинди.

— Кимни юборамиз, Абдуллоҳ. Ишончли одаммики?

— Бор, почча. Достон — ўзбекистонлик биродарим. Яхши шогирдларимдан. Ақл-хуш жойида, бизнинг кўрсатмаларни сўзсиз бажаради.

— Нафси-чи, нафси қандай? Вақт ўтиб бизнинг қозонга қўл чўзалинганлардан эмасми? Ишончингиз қонми, қайним?

— Ишончим қонил, илмли, эсли-хушли бўлгани билан содда ва самимий, синатанман. Хотирингиз жам бўлсин.

— Яхши, унда Достоннинг расмини юборинг, бир ҳафта ичида ҳужжатларини тайёрлаб юборишди почтадан. Туркиядан юборилган Достоннинг паспортда унинг исми Довуд, англадингизми?

— Англадим.

— Миясига яхшилаб қуйинг, қайним. Ўзбекистон паспортини олиб қўйиб, Меҳмента беринг, кимга юборини айтаман.

— Хўп.

— Достоннинг Ўзбекистон билан алоқаси масаласи нима бўлади? Туркияга кетиши сабабини уйидатилари, ақинлари сўрашса, суриштириб қолшса нима деб тушунилади?

— Айтим-ку, у ақлли бола, ота-онасига жўяли баҳона айтмаса унамайди.

— Сиз мени яхши англамаган кўринасиз, қайним, биринчидан, энди у Довуд, иккинчидан, бу томондан хавотир олманг. Аввал борганлар қаби, юртимиздан эканлиги зинҳор Ўзбекистондагиларга билдирилмайди. Доимгидек маошини шу ердан юбориб турамиз. Туркияга йўл олганлигини на оиласига, на ватанига асло билдирмасин, тушунарлими? Биласиз, ҳозирда Ўзбекистон Туркиядаги фуқароларини қаттиқ назорат қилишга уринмоқда. Ўзбекистон раҳбарияти биродарларимизнинг Туркиядаги ишларидан хабар тошган.

— Ҳа, тушунарли. Ўзбекистонлик биродарларимиз айтган эди. Ўзбекистон раҳбарияти Туркияга ёшларни ўқитишга юборишни тўхтатибди. Ўзбекистондаги турк лицейларини ёпиб қўйибди.

— Ҳўри айтишибди... Шунинг учун ҳам ўзбек ва тожик талабаларни Қоҳирадан олиб келишимиз. Қоҳира орқали жалб қилиш бизга анча қимматга тушмоқда. Уларни жалб қилишнинг бошқа йўлларини ҳам излашимиз лозим. Лекин ҳозирча биродарларни Корея орқали юборилишини ҳеч ким пайқаганча йўқ.

— Почча, менимча, ўзбек, тожик, қирғиз биродарларимизни Тожикистон, Афғонистон ё бўлмаса Туркманистон орқали чақириб олсак кам харж бўларди. Шунингдек, чегараларни айланма йўллар орқали кесиб ўтганларнинг ватанига қайтиши ҳам муаммо бўлади. Ана кейин итоаткорлиги ҳам шунчага ошади...

— Достон номзоди масаласида дедрли келишдик... Яна ўнга йигитга эҳтиёж бор. Ҳар бири учун сизга бериладигани икки минг АҚШ доллари. Шуларнинг бирини Қирғизистонга, иккинчисини Ўзбекистонга юборамиз. Бироқ йигитларнинг бири қирғиз ва иккинчиси ўзбек бўлиши шарт. Амирларимизнинг Сеул ва Москвадаги файридинларнинг тапскилоти билан келишувига кўра, икки кишини тайёрларликдан ўтиши учун Сеул ва Москвадаги сектага юбориш керак бўлади.

— Бу қийин иш. Йигитлар рози бўлишмайди.

— Уларни кўндириш ва тапскилотга боғлаб бериш сизнинг маҳоратингизга боғлиқ. Пул шу хизматингиз учун ҳам берилмоқда. Тушунарлими, қайним? Бу ёнга дадил бўласиз. Тушундингиз-а? — дея хандон отиб кулди Неймат ҳожи.

— Билмадим, бир нима дейиш қийин олдидан. Биродарларимиз рози бўлишармикин? Ислом арконларига эътиқоди баланд. Шундоқ ҳам осон бўлгани йўқ уларни бунга ўргатиш. Энди бошқа дин туруҳларида ишлаши янада қийин.

— Айтдим-ку, бу масалани ҳал этиш сизнинг зиммангизда. Агар ишончингиз комил бўлмаса, бошқа

кишининг хизматидан фойдаланамиз. Лекин сиз тайёр маблағдан қолиб кетасиз.

— Йўқ, илжжи йўқ демадим-ку, фақат қийин бўлади дегиман. Ахир ўйлаб кўринг, бизга илжос қила бошлаган, бизнинг оптимиздан эргашган биродарларимизни бошқа эътиқодга хизмат қилсан дейишга хижолатман, холос.

— Бошқа эътиқолами... бу иккинчи даражали масала, бизнинг энг асосий мақсадимизга, муштарак мақсадларимизга хизмат қилади. Сиз чуқур ўйга толманг, асосий мақсадимиз Ҳақ йўлида хизмат қилиш. Бу масалаларда бош қотириш амирларимизнинг иши. Биз билан сизнинг вазифамиз топпириқларни адо этиш, қолаверса, тирикчиликнинг асоси шу каби ишлардан. Шу боис ортиқча ҳиссиётларга берилмаслигимиз, мақсадимиздан чалғимаслигимиз керак. Албатта, хизматимиз учун ҳақимизни оламиз.

— Тушунарли, почча.

— Йшанг, қайним, бу бошқа гал.

— Сиз аввало мен айтган икки нафар йигитни Сеулга юборасиз. Қолгани уларнинг иши. Йигитларга илжигина ҳақ тўлашади. Улар ҳам бунга рози бўлмай илжжи йўқ. Чунки бу ерга пул топиш учун келишган. Айнан шу мақсади бизга асқотади. Сизнинг давватларингиз ҳам баъки пулнинг кучини беролмас. Аммо пул, бойлик ҳеч бир инсонни эътиборсиз қолдирмайди, қайним. Отни қамчиланг. Шу ўн кишини айтилган жойга етказиб берсангиз, сизни Швейцарияга юборамиз. Шунинг таралдулидамиз.

— Швейцарияда нима бор мента? Юртга қайтиб, ширкат очсам дейман.

— Унга ҳам улгурасиз ҳали. Амирларимиз Швейцарияда сиздек иш юритувчига муҳтожлик сезишган. Шунга яраша ҳақ ҳам оласиз. Бунни мен кафолатлайман.

— Сиз нима десангиз шу, почча.

— Ҳа айтганча, сизга Зиёдиннинг уч қизидан бири, ўрганчасини никоҳлаб берамиз. Швейцарияда тураар жойи бор.

— Кўз остига олиб қўйганим бор.

— Қайним, бунга ҳам эътирозимиз йўқ. Онадўлида кўз остига олиб қўйганингизни никоҳингизга олин.

— Зиёдиннинг қаҳрига учраб қолмайлик ана.

— У кишининг розиликларини менга қўйиб берасиз, иним.

— Раҳмат, почча!

— Яна бир гап. Пул ўтказмалари ҳеч бир банк орқали эмас, Сеулдаги ўзбек емакхонаси орқали етказилади. Бунинг назоратини сизнинг ўринигага қолдирган йигитингизга қатъий тайинланг. Сеулдаги емакхонага бериладиган пулни Самарқанддан олишди. Мана бу Самарқанд, Бухоро, Кўлоб, Турсунзода шаҳри, Наманган, Андижон, Термиз, Музробод тумани, Чирчиқ шаҳри, Жалолободдаги одамларимизнинг координатлари. Албатта улар билан боғланишин. Бу жойда ўта эҳтиёткорлик даркор, шунини утириш ёлдингизда бўлсин.

— Ҳўп бўлади...

Абдуллоҳ сўнги уч ойда Равшанни (Тошкент вилоятидан) ва Тожибекни (Жалолободдан) Сеулга тайёрларликдан ўтиш учун юборишга аришти. Улар Сеулдаги сектада тайёрларликдан ўтгач, Равшан ўз уйи — Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманига, Тожибек Жалолободга қайтишди. Келишувга кўра, улар икки ойдан сўнг Москвадаги белгиланган жойга етиб бориши ҳамда у ердан керакли қўлланмаларни ўрганиб, Равшан секта фаолиятини Чирчиқ шаҳрида, Тожибек Жалолободда давом эттиришлари лозим эди. Режага кўра бу хизматлар ҳамда бошқа сарф-харажатлар учун уларга бериладиган пул Сеулдаги ўзбек емакхонасига берилар, келишувга

кўра у ердаги вақтининг мобил тасдиғига асосан Самарқанддан шу қийматдаги пул Равшан ва Тожибекга етказилар эди...

Пушта ишланган кўрсатма — режага мувофиқ, Тоҳир — Андижонга, Ғанишер — Наманганга қайтишлари ва шу ердаги вақидан қўшимча кўрсатмаларини олиб, турухга хизмат қиладиган бўлишди.

Аҳмад ўз уйи Қашқадарёга, Илғс Самарқандга қайтди. Матлум муддатдан кейин кўрсатма бўйича Россияга ва Россия орқали Туркияга борадиган бўлишди.

Искандар ҳам Турсунзода (Тожикистон)га, Рустам Сурхондарё (Музробод)га қайтишди. Телефон бўлиши билан меҳнат муҳожир бўлиб, Москва шаҳрида, худди шундай Эрбой аввал Жалолободга (Қирғизистон), Зиёназар Кўлоб (Тожикистон)га боришди, сўнг Санкт-Петербургда меҳнат муҳожир сифатида жўнаб кетишди... Булар ҳақида бир оз кейинроқ тўхталамиз.

Хуллас, Достон — молча ва ҳисоб-китобни яхши билгиланган лойиқ номзод сифатида Туркияга юборилди... Кўрсатманинг мазмунига кўра ҳам юборилётган номзод имкон қадар иқтисод ва ҳисоб-китоб илмидан хабардор бўлмоғи керак эди-да. Достон бу талабга ҳам мос бўлиб, олгий таълимнинг айни бухгалтерия ва аудит соҳасини ағдлаган...

Достон энди Туркияда «Довуд» исми билан турух раҳбари «Амир» томонидан топирилган масъул ва-зифаларни амалга оширадиган бўлди. У ўша ерда жамоат аъзолари билан бирга «байтулмода»та пуллар йиғиш, йиғилган маблағни «Эҳсон — илм ёрдамлашма дарнағи» мадрасасида ташиқил этилган яшрин жамғармада жамлашар эди. Жамғармани ҳам «Байтулмода» номи билан аташарди. Жамғарилган маблағлар эса, амирлар ва раҳбарларнинг қўлида

қурултой томонидан тақсимоат қилинар эди. Тақсимоатнинг асосий мақсади ёр юзиди ағона халифаликни ташкил этиш мақсади бўлган фундаментал экстремистик роияларни илгари сўриш учун ёлланган ва «ҳижрат», «жиҳод» ниқоби остида террорчилик фаолиятидан сабоқ олаётган биродарларни қўллаб-қувватлаш, шу роияларни уларнинг онига сингдириш, экстремистик роияларни тарғиб этилиши, террористик ақтларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларига йўналтириллар эди. Айнан шу жамғармага маблагларнинг келиб тушиши, тақсимоат учун амирлар та тақдим этилиши ва сарфланишининг молиявий ва хисоб-китоб хужжатларини юритиш ишларига масъуллардан бири этиб Довуд тайинланди.

Хужжатларни юритиш ишларига масъуллардан бири дейишимиздан мулдао шуки, «байтулмола»нинг Туркиядан ташқари Афғонистон, Покистон, Сурия, Миср, Ливия каби давлатларда тармоқлари, Россия, Чеченистон, Ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Хитой, АҚШ сингари давлатларда кичик тармоқлари, уларда ҳам хужжат ишларига алоҳида масъуллар тайинланган эди. Жанубий Корея, Индонезия, Австралия, Канада, Финландия, Англия, Франция, Германия, Руминия, Австрия, Белгия, Швецияда эса, шу давлатлардаги ислом динига эътиқод қилувчи аҳоли орасидан Афғонистон ва Ўқин Шарқдаги жангари харакатларнинг жабрлийдалари ҳамда Хитой ва Ўрта Осиёдаги мусулмонларни қўллаб-қувватлаш ниқоби билан маблаг тўплашга масъул шахслар танланган эди.

Хисоб-китоб ишларини юритувчи бўлган Довуд каби масъуллардан ташқари, жамғармани шакллантириш, бадал тўловчи тарафдорларнинг рўйхатини кенгайтириш, уларни жалб этиш, «байтулмола» маблагларидан ташкил этилган тадбиркорлик ширкат-

лари ва уларнинг фаолиятига масъуллар каби катта бир тузилма, чамбарчас боғланган яширин узвий тармоқ фаолияти тизимли иш олиб борди.

«Байтулмола»га ўхшаган жамғармаларнинг, яъни айни мақсаддаги жамғармаларга маблаг ҳажми жахатлиан Сурия, Миср, Ливия ва Покистондаги жамғармаларнинг ўрни катта эди.

Туркияди жамғармага келиб тушган маблаглар асосий йўналиш бўйича Афғонистонга, иккинчи йўналиш бўйича Россия орқали «байтулмола»га яхшигина маблаг ййиллар, кйрим-чиқимдан кейин қолган қолдиқ маблаглардан Довудга ҳам маълум уллуш мोजना сифатида ажратиб бориларди. Довуд ўз навбатида ажратилган бундай уллушнинг бир қисмини Жанубий Корея орқали Ўзбекистонга – ота-онасига юборарди. Негаки, режага асосан ота-онасини Жанубий Кореяда ишлаётганлигига ишонтитриши ва улар унинг Туркида эканлигини билиб қолмасликлари керак эди.

Бундан ташқари, Довудга бир йилда бир марта Россия, Қозғистон ёки Қирғизистон орқали Ўзбекистонга, уйига бориб келишига ҳам рухсат берилганди. Аммо берилган рухсатнинг ўз шарти бўлиб, бу шарт юртидаги ўзига ўхшаган ёшларни «биродарлар» сафига жалб этиш, Россия орқали уларнинг Туркидаги юборилишини таъминлаш керак эди. Достон аввал Россияга «Довуд» исми қайд этилган паспорт билан ўтиб, «Қозон» вокзалига бориши ва шу ерда яқин жойда бир-икки кун қўним топиб, шу ерда ишлайдиган кортдошларини топиши ва уларни Туркидага чорлаб, харажат масагларини ҳал этиши керак эди.

Довуд асосан водийдан иш излаб келган ёшларни яхши ишга тақлиф қилиш асносида «Ислом жиҳодчилари» (Туркия ҳудудида ташкил тошган террорчи ташкилотнинг Афғонистондаги фирқаси. Фирқа асосан Марказий Осиё аҳолисида мансуб жиҳодчилар-

дан таркиб тошган) сафига қўшилишда катта ойлик маош, бориш-келиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва етиб олиш учун бошқа харажатларни ҳал этиши лозим эди. Унга бу ишда «Ислом жиҳодчилари» раҳнамоси Абдували қорининг Россиядаги, хусусан, Москва шаҳри ва Москва вилоятидаги ўнг қўли — ўзбек, тожик ва қирғиз, афғон меҳнат муҳожирларига «Пашка» номи билан таниш бўлган тожикистонлик Фарҳод ижрочи сифатида ёрдам берадди.

Довулнинг «уй сафари» икки ой давом этгани боси, шу вақт оралиғида унга иш излаб юрган ва пулга муҳтож ёшларни ўз мақсадлари сари оғдириш юзасидан пухта ишланган қўлланма берилганди. Довул ва Фарҳод ишни ҳар кўни, кўнора ош тапшиқлаштириб, қўлланма муаллифи Абдували қорининг майин овозда «яшайдан мақсад — мўмин-мусулмон кишининг хижрат (аслида «ҳижрат» сўзи бир нарсадан ажраш, узилиш, тарқ этиш, узоклашиб деган маъноларни англатганди. Шариятда эса, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларидаги бир қанча саҳобай киромларнинг Маккай мукарамадан Мадинай мунавварага кўчиб ўтганликларига айтилади) қилиши» каби даъватлари тарғиботидан бошлашди.

Шу мақсадда «жамоат йиғин»ларини тапшиқл этишди...

— Довул ака, бутунги йиғинимиз жияним Жавдотнинг мўъжазгина ижара уйида бўлса, агар сиз руҳсат берсангиз?

— Ишончли жойми ишқилиб?...

— Албатта, ҳеч қандай гап-сўз чиқмайди, ишончли жой, участка инспектори таниш. Вақтида «чўта»ини олиб туради.

— Жавдот-чи?

— У ўзимнинг туғилган жияним, синалган, бизга садоқати баланд, ўлса ўладики, ҳеч кимга чурқ

этмайди. Сизга йиғинни жиянимнинг уйида ўтказайлик дейишимнинг яна бир сабаби бор, йиғиндан кейин сиз билан шу ҳақда маслаҳатлашиб олмағучи эдим...

— Йиғиликками маслаҳатингиз?

— Ҳа, яхшиликка, бўлмаса айтардим. Ўзи сизнинг келишимингизни эшитиб аңчадан бери ўйлаб юргандик, жияним Жавдот у ёғини тушунтиради сизга.

— Йхши.

Москва шаҳри, Беляева метроси атрофида жойлашган Жавдотнинг ижара уйи.

— Ассалому алайкум, хуш омадиетон тоғаеи Фарҳод, хуш омадиет акаеи Довул...

— Йхшимисан, жиян. Меҳмонҳо аз ўзбекистон. Ўзбеки гапзан тожикиро намедонад.

— Ассалому алайкум, Довул ака, яхши келишимми?...

— Ваалайкум ассалом, Жавдот ука, яхшимисан?

— Келинг, киринг ичкарига.

Қўли кўксига Жавдот Довулни квартиранинг ички хонасига бошлади. Хонадаги чамаси йиғирмага яқин йиғитлар ўрнидан туриб, қўллари кўксига, салом-алиқдан сўнг чордана қуриб ўтиришди...

Ёрғис ва бир оз эзгилиб қолган ош еб бўлингач, дастурхонга дуо қилинди.

— Биродарлар, бу киши Довул акаemiz, сизлар билан танилиш учун Туркиядан келдилар. Биз ва сизга ўхшаб иш излаб мусофирчиликда юриб, мана, амирларимизнинг назарига тушиб, у ерларда обрў-эътиборга эга бўлгандар. Ҳозирда юртига, онасига катта-катта пул юбориб, уларнинг дуосини олмақдалар. Шу билан бирга бутун сизу бизга тўғри йўлни кўрсатиш ниятида бизнинг камтарона хужра-мизга ташириф буюрдилар, — деб қўли кўксига сўзини яқунлади Жавдот. Шу орада Довул йиғилганларни бир-бир назардан ўтказиб чиқишга ҳам улгурди.

— Довуд ака, бу йигитлар шаҳарнинг Мариноград массивида жойлашган қурилиш фирмасида ишлаганди. Менинг ва жияним Жавдотнинг давлатларимиз ҳамда сиз ва амирларимизнинг шарофати билан Ҳаф йўлига кирдилар. Пирларимиз Абдувади қори, Абдулмоҳаммаднинг маърузалари, «Шаҳидлик», «Халифалик», «Жаннат ошқлари», «Қофирлар» асарлари билан савод чиқаришди. Сурияди биродарларимизни ўлдирибётганлиги, жанглар акс этган видеоларликлари кўчириб олиб, биродарларга имкон қадар намоиш этмоқдамиз. Ўз телефонлари орқали ҳам Интернет тармоғидан махсус сайтларга кириб туришни тавсия этиб, паст-баландлини ўргатиб келдик. Иншооллоҳ, йигитларимиз жиҳодга шай. Албатта, биродарларимизни кофирлар қўлига топшириб қўйишга йўл қўймаймиз. Нима дедингиз, йигитлар? — деб Фарҳод ўтирганларга бир-бир қараб чиқди.

Ҳа, худди шундай, дегандай бошини ҳам қилиб, қўлини кўксига қўйишди улар.

— Фарҳод, биродар, ўзини биродарларимиз камиди «жаннат ошқлари» бўлиб етишганлари юз-кўзларидан кўриниб турибди, — дея давом этди Довуд. Ўртада кулги кўтарилиди.

— Нимасини айтасиз, Довуд ака, биродарларимиз, ака-укаларимиз Ҳаф йўлдалар, иншооллоҳ.

Ўша кунни суҳбат тунга қадар давом этди... Ижара уйда Довуд, Фарҳод, Жавдот ва ана бир йигит қолди.

— Довуд ака, руҳсатингиз билан бу биродаримизни таништирсам, исми Бахтиёр. Юртингиздан. Қашқадарёнинг Қасби туманидан. Биродаримиз шаҳардаги қабристонларнинг бирида қоровул бўлиб ишлайди. Бахтиёр биродаримиз билан почтаси Хушидди. Бахтиёр биродаримиз. Ҳозир биродаримизнинг ака орқали танишганмиз. Ҳозир биродаримизнинг почтаси Хушидди ака Нижний Новгородда катта бир қурилиш фирмасида иш юритувчи — бригадир, кўз

тегмасин, иши жулда ўнгланиб кетган. Шу сабаб ўз ўрнига қоровул қилиб Бахтиёр биродаримизни қолдирган. Шундайми, биродар?

— Ҳа, рост. Аввал менинг жойимда почтам ишлаганлар. Почтам тожикистонлик. Довуд ака, биз ҳам асли тожикистонликмиз, тақдир тақозоси билан Қасби туманига бориб қолганмиз. Ота-онам Қасбида яшашди.

— Ўй укам, аслида биз ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз. Биримиз тожик, биримиз ўзбек бўлсак-да, муслмон биродарларимиз. Бизга ётлар фақатгина кофирлардир.

— Шундан гап бошламоқчи эдим, Довуд ака. Мен ўша кофирларнинг қабристонига қоровул бўлиб ишлаганимизнинг динимизга тўғри келармикан?

— Ўй яшанг, укам. Бу саволни сиздан кутганим. Мен ўйлаганимдек, анча-мунча фаросатли чиғиб қолдингиз.

— Раҳмат, Довуд ака.

— Агар билсангиз, сиз пул топиб, оила боқмоқдасиз, фақатгина савоб илмиде. Бизнинг эътиқодимиз барча инсонларни муслмон бўлиб туғилишини тан олганликлари каби, улар оламдан ўтганларида ҳам савол-жавоби бизнинг динимизда бўлади. Шунинг учун ҳам сиз тирик кофирлар ёки ғайридінларни эмас, билгач, жаннат ва дўзах орасида турган марҳумларни қўриқламоқдасиз. Шундаймасми, Жавдот ниним?...

Бу гапдан сўнг чунонам кулги бўлдики, тўртовчи ҳам кулгидан зўриқиб, қизариб кетишди.

— Шундай, шундай, окаеи Довуд, уввв. Жавдот оғзини қўли билан ёпиб таширишга уринса-да, кулгидан ўзини тўтиб тура олмади. Орадан бир оз вақт ўтиб, Довуд жиддий оҳангда ана сўз бошлади:

— Кулги-кулгию, лекин айтганларим айни ҳақиқат. Шунинг учун ҳам, биродар, бошқа буни ўйлаб ҳеч хижолат чекманг. Биз дини арконларимизга ва амирларимизнинг кўрсатмаларига хиёнат қилмасак бўлгани. Бизни ҳақ йўлдан ҳеч ким чағити олмайди. Аллоҳ ўзи бизга мададкор. Ўлсак ўламызки, бу дунёда Аллоҳнинг ризолити учун ҳар қандай юмушни қилишга тайёرمىз. Бу юмуш жонимизни талаб қилса бунга ҳам тайёرمىз. Зеро, чин дунё бу дунё эмас. Биз чин дунё ошиқларимиз.

— Довуд ака, мен, жўраларим ва поччам билан курилишда ишлайман. Қашқадарёнинг бошқа туманидан келган танишларим ҳам бор. Улар поччамнинг курилиш бригадасида ишлашади. Ҳозир улар Нижний Новгородда. Курилиш объекти ёнида 14 та кўча вагонда яшаб ишлашапти. Рухсат берсангиз, Жавдот акам билан ҳам маслаҳатлашганим, агар сиз менинг ойлик маошимни, харажатларимни ҳал қилиб берсангиз, Нижний Новгородга бориб уларга ҳақ йўлни давват қиламан.

Бир оз ўйланиб қолгандан сўнг Довуд Фарҳод ва Жавдотга бир-бир назар солди-да, шундай деди:

— Айтдим-ку, сиз жуда фаросатли чиқиб қолдингиз деб, тўғри ўйлабсиз, бу фикрингизни икки карра қўлаб-қувватлайман. Қоровулликдан қанча маош olasиз, укам?

— Олти юз доллар.

— Яхши. Жуда яхши. Сиз айтган курилишда неча киши ишлайди?

— 200 тача бор, менинг танишларимнинг ўзи 40 дан ортми. Улар ўша мен айтган 8 та вагонда яшайди. Қолганлари Озарбойжон, Тожикистон, Ўзбекистондан, келган, уларни танимайман.

— Айни мулдо. Улар билан ҳам поччангиз орқали алгоқа боғлайсиз. Уларни ҳам бизнинг мақсадимиз

йўлида давват қиласиз. Бунинг учун сизга ҳар ойда 1200 доллар бериб турамыз. Пулни Фарҳод биродаримизнинг ўзи сизга етказиб туради. Ўзингизга ҳам бирор яқинингизни қўйиб кетсангиз, бу ерни ҳам йўқотмайсиз. Сизга барча кўрсатмаларни Фарҳод орқали берамиз. Ўна бизни уалтириб қўйманг. Чунки амирларимиз ҳар бир пулнинг ҳисоб-китобини ва унинг натижасини мenden сўрайди. Ўна бир гап. Ўша танишларингизни бизнинг йўлга бошлаганингиздан сўнг, ишончингиз комил бўлгандан кейингина улардан ҳам ҳақ йўлда «байтулмола»га имкон қадар эҳсон йиғишни ўз зимманингизга оласиз. Қолганини Фарҳод сизга атрофлича тушунтиради.

— Ҳўп, Довуд ака, раҳмат, ишончингизни оқлайман... Шундан сўнг Бахтиёр хайр-хўшлашиб чиқиб кетди. Энди Жавдотнинг ижара уйида Довуд, Фарҳод ва Жавдотлар қолишти.

— Энди асосий масаллага ўтсак ҳам бўлаверадди. Довуд ака, мен сизга Жавдот жининининг маслаҳати бор дегандим. Эсингиздами?

— Ҳа, албатта, аввало шу учун ҳам мени бу ерга таклиф этгансиз-ку, шундаймасми?

— Албатта. Гапир жиян, маслаҳатингни.

Фарҳод Жавдотга юзланди.

— Довуд ака, ўртамызда қолар гап йўқ. Сизга ишонамиз. Биз каби мусофир юртда ўз ўрнингизга ага бўлиб, амирларимизнинг ишончини оқлаб юрибсиз, шу учун ҳам тоғам билан келишиб, сиздан маслаҳат сўрашга қарор қилганмиз. Шунинг учун ҳам сизнинг Москвага келишингизни интиқ бўлиб кутаётгандик...

— Ҳўш, хўш?

— Анчадан бери мента «Ҳизбул-таҳрир» жамоатидан таклиф бўлиб, ҳоли жонимга қўйишмаяпти.

— Қандай таклиф экан?

— Қисқаси, таклифнинг мазмуни шундайки, мен бу жамоат учун Москвада юрган ўзбек, тожик, қирғиз

меҳнат муҳожирларини даъват қилишим керакмиш. Эъзизга яхшигина ҳақ беришар экан. Шунга сиздан сўрамоқчи эдик. Улар билан ҳам ҳамкорлик қилсак, Туркиядаги амирларимизга билдирмай... Ҳам сикни, ҳам кабообни куйдирмай деганларидек... Бу ўзимизнинг ишимизга ҳалақит бермайди. Фақат улар айтган яна бир-икки қўлланмани кўпиб ўргатамиз. Уларга тўплаб берадиган йигитларимиз бизникига асло аралашмайди. Уларнинг мақсадлари ҳам бизники каби, фақат улар мақсадини Ўзбекистонда амалга оширмоқчи экан.

— Ҳа, хабарим бор асл мақсадидан.. «Ҳизбут-таҳрир», «Ақромий» ва «Ваҳҳобий» оқимларининг менинг юртимдаги раҳнаомлари билан қиладиган амалларимиз бор. Амирларимиздан махсус кўрсатма олганман. Бу кўрсатманинг сизларга алоқаси йўқ. Сизларнинг бу ишларингизга шахсан қаршилигим йўқ. Бироқ улар билан ишнингиз бизнинг амирларимиз бераётган кўрсатмаларни сўзсиз бажарилишига таъсир этмаслиги керак. Акс ҳолда бошдан айрилдим деверинглар.

— Йўқ-йўқ, асло таъсир этмайди. Ўзбекистонга қайтаётган меҳнат муҳожирларини «Ҳизбут-таҳрир»га тарафдор қилсак, шу етарли. Тарафдор бўлмаса ҳам майли, биз уларни бир жойга тўплаб берсак кифоя. Фарҳод тоғам қўлланма билан таништирса бўлгани.

— Яхши. Бу учун қанча ҳақ таклиф этишяпти?

— Тоғам иккимизга 70 000 доллар. Агар рози бўлсангиз, 20 000 долларни сизга атаймиз, гап тамом.

Довуд розилик бергандай бош қимирлатиб қўйди.

— «Ҳизбут-таҳрир»га «Ислоҳ низоми»ни тарғиб қилишда ёрдам бераман дегилар. Эътирозим йўқ.

— Билмадик, ҳали қанақанги қўлланмалари бор экан уларнинг, — мийғида кулди Довуд. — Ҳа, пули хоҳласа кулдиради, хоҳласа йиғилганди, деганлари шу бўлса керак-да.

— Фақат, Довуд ака, Абдували қорининг ҳам билмагани маъқул, — деб қолди Фарҳод.

— Тушунарли.. Қани энди дам олайлик, а. Тоғажилар, нима дейсизлар?

— Албатта-албатта. Уэр, сизнинг суҳбатингизга муштоқ бўлганимиздан вақт анча маҳал бўлиб қолганини ҳам сезмай қолибмиз...

Шу тариқа Довуд Москва шаҳрининг турли ҳудудларида тапқил қилинган «жамоат»нинг «ҳалқас» йиғилишларида қатнашиб, шундан кейин Наманганга йўл олди. Ҳа, айтганча, Наманганга Довуд эмас, Достон бўлиб учиб кетди...

Достон мактабда яхши ўқиган эди. Институтда ҳам энг яхши талабалар қаторида эди. Учинчи курсда ўқиб юрган кезларида Сурайё опа, яъни унинг онаси 44 ёшида тўсатдан юрак хуружидан вафот этди. Бу воқеа унга жуда ёмон таъсир этди, ўқини буткул ташлаб қўйди. Бир амаллаб институтни тугатиб олди. Қишлоққа қайтиб тайинли бир ишнинг бошини тутмади. Отасининг ҳам топши-тутишининг тайини йўқ эди. Дилмурод ҳисобчи дейишарди уни билганлар. Устига-устак Дилмурод ҳисобчи ичкиликка ружу қўйди. Туман шифохонасида ҳисобчи бўлиб ишлаб юрганди, шундан ҳам ҳайдади. Қайси бир фермер хўжалигида ҳисобчи бўлиб арзимеган маошга ишлаб юрди. Шу маошни ҳам баъзан олар, баъзан йўқ. Тоҳида натура шаклида беришяпти деб буғдуй-ми, маккажўхориими, мошми, нўхатми ёки бошқа полиз экинларими — нима қўлга илашса, уйига олиб келарди. Ичкиликка ружу қўйган кишининг ҳурмати ҳам шунга яраша бўлади-да. Шунинг устидан ҳам оилада кунора жанжал эди. Ота ҳам анойи эмас, Достон

тонга қараб «сен ўзинг ўғил бўлиб, ёшинг 21-22 га кириб бир сўм пул олиб келганингни кўрганим йўқ. Ўна ўз отанга ағл ўргатасан. Бор, сен ҳам ишга, бекор юрма ҳўкиздай бўлиб», деб бақиради. Аёлсиз, онасиз қолган уйдан файз ҳам кетди.

Хуллас, ана шундай кундалик ҳолатлардан безор бўлиб кетган Достон, анча-мунча чопа-чопдан сўнг, қарз ҳавола қилиб, дипломни сандиққа солиб, Жанубий Кореяга ишга йўл олган эди. Кореядаги қисқача тарихи сизга аён...

Достоннинг Туркиядан, оила аъзоларининг назарида эса Кореядан бу талти келиши иккинчи келиши эди. Биринчи бор келганида эндигина коллежни тамомлаган холасининг қизи ўғилга уйлانган эди. Ҳозир уларнинг Абубакр исмли ўғиллари бор.

Бу орада Достоннинг Жанубий Кореяда ишлаб топганлари аста-секин қарадан узалиб, отасини бир жувонга уйланишига, синглиси Дилшодани узатиб, камига уйни қайтадан пишпқ ешпуган кўтариб, бир қора «Нексия»ни дарвозахонанинг тагига «боғлаб» қўйишга, камига куёв билан бирга 5 гектар бор қилиб, боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил этишга ҳам етганди. Ортиқчаси келиннинг, яъни Достоннинг хотини ўғилнинг кўлида йиғиларкан, деган гап ҳам болаларганди. Қисқаси, оилада ижтимоий аҳвол изга тушганди. Тагин Дилмурод ҳисобчи ҳам куёвининг фермер хўжалиги ишларига қарашини билан бирга, тумандаги бир коллеж ҳисоб-китобини ҳам юритар ва Ҳаж сафарига бораман деб гап чиқартач, рўйхатга туриб, шу илинжда ичкиликни ҳам йиғиштирган эди.

Достон «амир» кўрсатмаси билан «Ҳизбут-таҳрир», «Акромиий», «Ваҳҳобий», «Туркистон ислом ҳаракати» ташкилотларининг ўзбекистонда, хусусан, водийдаги раҳнамо вакиллари билан учрашиб ҳамда ҳам-

маслак Туркиядagi ташкилот раҳнаомларининг ҳам-корликка дахлдор гап-сўзларини етказиши лозим эди. Ташкилот сифатида «Ҳиҳодчилар» диний-экстремистик оқими ташкилоти фаолияти ўзбекистон ҳудудида тақиқланган, шунга қарамасдан топириқ юзасидан у водийда махсус тайёрларликдан ўтганларни Россия орқали Туркияга ёки Тожикистон, ўзбекистон ёки Туркманистон орқали тўғридан-тўғри Афғонистонга, Покистонга юбориш ишларини, моливий ҳисоб-китоб масалаларини ҳал этиши лозим эди. Ёна бир асосий вазифа эса, раҳнаомлар томонидан манзиллари берилган кишиларга учрашиб ва улардан «байтулмо»га водийдан юборилган маблагнинг саломини ошириш чорадарини кўриши лозим эди.

Ана шу мақсадда Достон синфдоши Ғанишер ҳамда андижонлик Тоҳир (у ҳам Кореяда бирга ишлаган) билан олиндан келишибган режа асосида берилган вазифаларни амалга оширишлари керак эди. Ғанишер Достонни кўгани уйга келганда бунга келишиб олишди. Агар эсингизда бўлса, Ғанишер – Достоннинг синфдоши, Жанубий Кореяда ҳам бир-таликда ишлаган. Достон Туркияга, Ғанишер ва андижонлик Тоҳир жамоатга даъватни давом эттириш учун ўз уйларига қайтарилганди.

Агар Достон тайёрларликдан ўтганларни Россия орқали Туркияга ёки Тожикистон, ўзбекистон ёки Туркманистон орқали тўғридан-тўғри Афғонистонга ва ёки Покистонга юбориш ҳисоб-китобига вазифадор бўлса, Ғанишер, Тоҳирлар эса, айнан ўшаларни «ҳижрат», «жиҳод»га тайёрлаш учун раҳнаомларнинг кўрсатмаларини оғинамай, ими-жмида адо этаётган эди. Шунинг учун ҳам Достоннинг бу вазифаси осон кечди. Эндиги вазифа эса «Ҳизбут-таҳрир», «Акромиий», «Ваҳҳобий», «Туркистон ислом ҳаракати» таш-

килотларининг Ўзбекистонда, хусусан, водийдаги раҳнаомолари билан учрашиш эди.

Ҳудди шундай тартибда Ғанишер ҳам Наманганда бу фаолиятни олиб бораар ҳамда жоме масжидларининг бирида имомлик ҳам қилаётган эди.

Достон, Ғанишер ва Тоҳир водийда «Туркистон ислом ҳаракати», «Ҳизбут-таҳрир», «Акримийлар» ташкилотининг масъул вакиллари билан, Андижонда эса уларга қўшимча яна бир гуруҳ – «Ваҳхобий»ларнинг вакили билан Наманганда учрашишди. Режага штаритландек, учрашувдан кўзланган мақсад ҳосил бўлди. Бу ҳақда ўша кунлик Туркиядagi раҳнаомоларга махсус шахсий электрон почтадан шифрланган – ниқобланган сўзлар орқали хабар берилди (бир марта фойдаланиладиган бундай «электрон почта», «профил» ва бошқа ижтимоий тармоқдаги сохта электрон почта, трол – аккаунт ва профиллар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги ҳужжатлар энг хавфсиз алоқа воситаси саналарди).

«Туркистон ислом ҳаракати» (Афғонистонда фаолият юритаётган, фаолияти Ўзбекистонда тақиқланган диний экстремистик-террористик жамоат) ташкилотининг масъул вакиллари билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида кўришишди. Тошкентдаги масъул вакилнинг исми Шокир бўлиб, Достон ва Ғанишер у билан деярли тенггуру бўлгани боис гап-сўзлари жуда бир-бирларига маъқул тушди. Достон Тошкент молия институтини, Ғанишер Ўзбекистон Миллий университетини, Шокир эса Тошкент техника университетини тамомлагани ҳақида сўз очилиб, гуруҳни қизитди. Шу кунни улар Шокирнинг уйида қолдиган бўлишди. Ҳар икки томон ҳам ўз раҳнаомолари ҳамкорлигининг айрим «нозик жиҳат»лари бўйича келишувга эришгандек бўлди.

Шокир «Туркистон ислом ҳаракати» оқими ташкил этилишида фаол иштирок этган аъзолардан бири си-

фатида тайёрларликни дастлаб Тожикистонда ўтаган. Ўзбекистонда халифалик давлатини тузишга тип-тирноғи билан киришган радикаллардан бири.

– Шокир ака, фарзандлардан нечта? – сўради Ғанишер.

– Ҳазирча битта фарзандим бор, Аллоҳга шукур.

– Уми узоқ бўлсин, иншооллоҳ.

– Ўзингиздан сўрасак?

– Менда ҳам бир нафару, лекин эгизак.

Кулпи кўтарилди.

– Қандай қилиб бир нафар эгизак бўлиши мумкин? – яна сўради Шокир.

– Ҳазиллашдим, ака, эгизак фарзандларим бор, Фотима ва Зухра. Бир пайтда туғилгани учун ўртоқларимга ҳазиллашдим, кўрқманглар, битта эгизак қизим бор деб. Шунга сизга ҳам ҳалдим сивиб бир ҳазил қилдим, ака.

– Эй яшанг, Ғанишер ака. Ҳазилнингиз бор бўлсин, одам сиқилиб кетганди, мана, сизларни кўриб суҳбатлашиб, анча кўнгил ёзилди. Бу шаҳарда тенгдошларим билан гапимиз кўпам тўғри келавермайди. Ўтқиқоди сушт кўп тенггуруларимни айтаман, билмадим, охиратга қайси юз билан боришадди.

– Ҳа, гапирманг, ака.

– Достон ака, сизда фарзандлардан нечта? Кўринингиздан уйланмаганти ҳам ўхшаб турибсиз лекин?

– Уйланганман, ака, уйланганман, фақат хотиним битта, шунинг учун ёш кўринсам керак-да. Менинг ҳам сиз каби бир нафар фарзандим бор, ака, Ғанишер ўртоғим бироз шошиб кўйганди, а?

– Ҳа, Худонинг бергани. Достон ака, илмоқли гапингизга тушунмадим ё Ғанишер аканинг хотинлари иккитами?

– Йўқ. Жиндай ҳазиллашдим, холос.

– Сўраганининг айби йўқ, Шокир ака, қанча тарафдорларингиз бор?

— Анча бор. 700 тача Афронистонда. Бу ерда ҳам 1000 дан ортиқ аъзоларимиз бор. Асосан Тошкент ва водийда кўпроқ. Кейин Ёшқадарё ва Самарқанд, Сурхондарё дегандай...

— Ҳа яхши, ҳақ йўлидагилар кўпаяверсин. Энди Шокир ака, атар иложи бўлса, иккимиз бир тоза ҳа-вога чиқиб келсак.

— Албатта, узр биродар, юринг, юринг.

Достон Шокирга уларнинг ўртасида Ғанишер ҳам билмаслиги лозим гап борлигига шама қилди.

— Ҳовлингиз шинамгина экан, Шокир ака.

— Раҳмат, Достон ака. Раҳматли адамлардан ме-рос, икки ошам борлар, улар аллақачон оилали, уй-ли-жойли бўлиб кетипган, жингларимнинг бўйи ҳам мента тенглашиб қолди, кўз тегмасин.

— Ҳа, дадангизни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, анча файзли ҳовли қолган экан сизга.

— Шундай, шундай. Дадам раҳматли шофёр эди-лар. Олдинги қурилиш министрини олиб юрадилар.

— Шофёр эдилар денг? Яхши касб...Менинг дадам ҳисобчилар...

— Шофёрлик ортидан ҳагол ўстирганлар бизлар-ни. Ҳисобчининг фарзанди эканлигингиз сезилиб ту-рибди, ҳатто ҳар бир гапингизда ҳам ҳисоб-китоб бор. Бекорга гапни сарфламайсиз дейман-да. Мана, биз-нинг оиламиз билан ҳам танишиб олддингиз.

— Тўғри айтасиз, Шокир ака, аввало сиз билан та-нишганимдан хурсандман, меҳмондорчилик учун эса алоҳида раҳмат. Ишимиз шу-да, гап-сўзга эътибор дегандек...

— Йўқ, йўқ, у маънога бурманг, мен фақат гап кел-ганда кайфиятингизни кўтариш мақсадида айтган-дим.

— Хуллас, Шокир ака, кечати кўрсатмалар ва кели-шувимизнинг асосийсини Ғанишер ёнида атай айт-

магандим, қўлай фурсатни куттандим. Мана, ҳозир бемағлол гаплашиб олсак бўлади.

— Марҳамат, қўлоғим сизда.

— Шокир ака, раҳнаомларимизнинг келишувлари-га кўра, тапкилотингиз аъзоларидан ўта садоқатли, тил-забони мустаҳкам уч-тўрт кишини ҳукуқни муҳо-фаза қилувчи идораларга ушлаб беришингиз керак.

— Ия нега, бу иш ҳаммамизнинг бошимизга бағло келтиради-ку?

— Раҳнаомлар бу масалаларни ўзаро ҳал этишган. Сиз боғлансангиз тушунтиришди. Хукуқни муҳо-фаза қилувчи органларга қилиб бераётган ечимиз уларнинг назарида ем, лекин бизга уларни чағли-тиш ва қамоқхоналарда маҳбۇслар орасида ҳақ йўл-ни даъват қилиш. У ерда сафдошларимиздан биз-нинг мақсадимиз йўлида хизмат қиладиганларни тайёрлашдир. Чунки раҳнаомларнинг кўрсатмасига кўра, маҳбۇслар — мазлумлардек тушқунликка ту-шар экан, уларни ана ўша даврда ўзимизга оғдириш ва бизнинг ғояларга эргаштириш, уларни озодликка чиққанларидан сўнг фақат бизнинг фойдамизгати-на хизмат қилишга эришишдир. Қамоқхоналарда мавжуд тузумни ёмонлаш, унга қарши жиҳод қи-лиш, амалдорларнинг инсофсизлиги, таниш-билиш, адолат йўқлиги, олдий халққа жабр қилинаётгани кабиларни маҳбۇслар онгига сингдириш, уларни заҳарлаш биз билан сизнинг олдимизга қўйилган вазифа. Бу раҳнаомларимизнинг катга йўғинида ишлаб чиқилган «иккинчи босқич» қўлланмасидир.

— Гапни шундан бошламайсизми, мен ўйлабман-ки, раҳнаомларимиз биродарларимизни сотипни ис-ташпигими деб, эй, одамни кўрқитвордингиз-ку.

— Ҳа, энди мақсадни англадингизми? Сизнинг одамларингиз Тошкент, Сурхондарё ва Ёшқадарё вилоятларида қўлга тулиши ва ўша ерда тергов қи-

линиши ҳамда ҳудуд бўйича юборилган қамоқхоналарга жўнатилиши лозим бўлади. Чунки бошқа ҳудудларда ҳам, масалан, Тошкент, водий, Хоразм вилоятларида ҳам «иккинчи босқич» қўлланмасини бажаришга киришилди.

— Демак, бизнинг йигитлар сиз айтган учта ҳудудда тергов қилиниши, ўша ҳудуд судлари томонидан уларга ҳукм ўқилиши керак. Ана шунда ўша ҳудудлардан сиз тахмин қилган қамоқхоналарга юборилганди, шундайми?

— Йшанг, шундай. Буни раҳбарларимиз ишдан инаситгача ўйлаб, шу кўрсатмани ишлаб чиққан.

Достон қўлидаги қовозларни Шокирга тутқазди. Ушбу кўрсатмалар электрон почта орқали юборилган ҳамда электрон ташувчига кўчирилиб, муҳрлаб олингандан кейин электрон почтадан ҳам ўчириб ташланганди. Бу ҳам туруҳнинг ахборот хавфсизлигига масъул шахсларнинг кўрсатмаларидан бири.

— Шокир ака, Ғанишер кутиб қолди, қолган гапларни олган қовозларингиздан батафсил ўқиб-тушуниб оласиз. Сиздан илтимос, бarchаси раҳнамолар келишувига кўра биз амал қиладиган қатъий қоидалар бўйича бажарилиши керак. Мукофотингиз ҳам шунга араса, — Достон Шокирнинг елкасига қоқиб қўйди.

— Албатта, Ҳаф йўлида шахид кетсак ҳам бу ишларни олишмай адо этамиз. Уч-тўрт йил эмас, бир умр қамоқда ўтиришга рози содиқ йигитларимиз бор. Улар Афғонистонга, жангга қачон боришини кутиштипти. Бу ишга ана ўшаларга ўхшагандаридан танлаймиз.

— Шокир ака, бир нараса ёдингиздан кўтарилмасинки, қўлга тушгандан кейин ўзини қандай тутуши кераклиги, терговда қандай кўрсатма бериш, уларни чаплатиш кетма-кетлиги, ана бир бор айтаман, қўлингиздаги қовозда аниқ қилиб ёзилган, йигитларингизга бу қовозларни бермайсиз, фақат адашиб кетмайдиган қилиб тушунтирасиз ака, хўпми?

— Хўп.

Ўша тунда учовлон тунги соат иккига қадар суҳбатлашилди.

— Айбга бўюмасангиз, Достон биродар, бир нима сўрамоқчи эдим.

— Марҳамат, Шокир ака, тортинмай сўрайверинг, қўлимдан келса...

— Раҳнамоларимиз «Иккинчи босқич» режаси бўйича яқдил хулосага келишди делингиз. Майли, у тушунарли. Мен тушулмаган «Биринчи босқич» ҳам борми ёки келишилган режанинг фақатгина номи шундай — «иккинчи босқич» деб қўйилганми? Мантиқан ўйлаб кўрсак, биринчи йўл режаси ҳам бўлиши керак-да, Ғанишер дўстим, сиз хабардормисиз?

— Йўқ, Шокир ака, биз келган кўрсатмани бажарилган кичкина одамимиз. Ҳаф йўлдан бошқасини билмаймиз, ака. Достон дўстим билмаса бўёғини.

— Шокир ака, гапингизда жон бор. Биринчи дас-туримизнинг номини билмайману, лекин биринчи босқичда амирларимиз ишлаб чиққан турли қўлланмалар асосида Ҳаф йўлга бошланган бўлса керак. Билишимча, «Ҳам-қамдан» кўрсатмаси билан, эсингиздами, Ғанишер? Кореядалигимизда Абдуллоҳнинг қўлида шундан бошлаганмиз, яъни фақат биргаликда намозга бориш, дам олиш кунларини бирга ўтказиш, фақат бир ҳафта кечқурунлари бирга диний китоб ва қўлланмаларни ўқиш, жамоанинг йиғиларида қатнашиш, ҳафтада бир марта дўстларни ҳам даъват қилиб бориш каби кичик илтимослар қилиш йўллари ўргатилганди. Ундан кейин доимий «Мия чайиш» воситасида жамоанинг ғояларини амалга оширишга ёлланаётган биродарларнинг шахсий қийинчиликлари ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг йўли, деган тушунчани тинмай ўқитиб борадик. Сўнгра «Ҳамаовий ҳаракат усули»ни қўл-

лардик. Жамонинг барча аъзолари янги аъзони турли ривоятлар асосида ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан қамраб олардик. Буларнинг барчасини Абдуллоҳдан ўрганганмиз. Билмадик, Абдуллоҳ раҳнамомиз Зиёдиннинг қўлланмаси деб айтганди. Биринчи босқичда энди ислом арконтларини ўрганаётган биродаримизга бетиним янгидан-янги маълумотлар бериш ва ўз фикрлари билан ёлғиз қўлинига йўл қўймаслик орқали унда эътироз билдириш ёки баҳслашишга имкон қолдирмасликка ҳаракат қилиш ва унга нисбатан фақат ширин сўзлар гапирилиб, ғамхўрлик қилиб, аксарият ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатилар эди. Ўзингиздан сўрасак, Шокир ака, сизларнинг раҳнаомаларингизнинг услуби қандай?

— Ҳа, Шокир ака, айтиб беринг, жуда қизиқ-да бизга, — деб Ғанишер ҳам туриб олди.

— Бизнинг услуб бироз бошқачароқ экан. Биродарларимизга илмни ўргатдикми, асл илмга чуқур киришга йўл қўймаймиз. Шунинг учун ўзимни назорат қила оламан, чиққим келса, жамоамиздан чиқиб кета оламан деганларга муроа қилмаймиз. Чунки жамоамиздан чиқшса сотади. Бундай ҳаёлга бормасликларини тушунтириб, ортга қайтишга имкон қолдирмаймиз. Акс ҳолда биздан бошқа ҳам турли оқимлар домига тушиб қўлинининг олдини олиш зарур. Ҳозир ўзим тувоҳи бўлишманки, кўп ёшлар ва айниқса эрсиз аёлларимиз ғайридинларнинг секталарига ўтиб кетмоқда...

Гуруҳнинг ғояларини тарғиб қилиш билан бирга мана шу кўрсатмалар Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент вилояти, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги кичик раҳнаомаларга ҳам етказилди.

Туркия. Истанбул.

Амир ва раҳнаомаларнинг ёпиқ эшиклар ортидаги иккинчи яширин қурултойи. «Байтулмо» жамаарасининг яна 13 та давлатларда яширин фаолият олиб борувчи масъуллари ҳам жам бўлишган.

Қурултойда кўриб чиқилиб кенгашилган ва кўрсатма берилган масалалар қаторида ўрта Осиё ва МДХ давлатларида «Иккинчи йўл» қўлланмасини амалга ошириш бор эди. «Иккинчи йўл» деб номланган қўлланмада, аввало, номлари баён этилган давлатлардаги озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ижро этаётган маҳбусларни «Ҳақ йўл» китобида ёзилган гуруҳнинг яширин ғараз ғоя ва мақсадларини амалга оширишга даъват этиш, бу ғояларни улар онгига сингдириш кўрсатилган эди.

«Иккинчи йўл»нинг ноанъанавий жиҳатларидан бири унда кўрсатилган мақсадга етишиш учун бошқа ҳар қандай радикал оқим, экстремистик гуруҳлар, секталар, фирқалар ва ғайридинлардаги ана шундай гуруҳ ва фирқалар билан ҳам ҳамкорлик қилишга фатво берилганди. Ўша давлатларнинг ҳукуқни муҳофаза этувчи органларга олдидан пухта ишланган дастур асосида қўлга тушиши (туширилиши) режалаштирилган гуруҳларнинг жувонмардлари (гуруҳ манфаати учун керак бўлса, жон берувчилар) терговни атайин тайёрланган сценарий асосидаги маълумот ва ахборотларни ошкор қилиши орқали бу маълумотларни уларнинг ҳукуматларида етказилишини кўзлаган эдилар. Бундан мақсад шу давлатларнинг куч ишлатар тизими эътиборини асосан давлатнинг ички ҳудудидаги гуруҳлар фаолиятига қаратиш, қамоқхоналардаги радикал гуруҳлар фаолиятидан эътиборни четлаштириш ва энг асосий

қўзланган муддао эса, четда юрган меҳнат муҳожир-ларига бу гуруҳлар катта куч сарфлаётганлигига эътибор қарата олмай чалғиб қолганини таъминлашга қаратилганди.

Шу билан бирга бошқа давлатларга, айниқса Россия, Туркия, Жанубий Корея, АҚШ, Финландия мамлакатларига меҳнат муҳожирлиги бўлиб келганларни ўз сафларига тортиш ва бу юзасидан қурултойнинг мафкурачи, гоа ижодкорлари, яъни «эксперт» – «мия»лари томонидан ишлаб чиқилган қўлланмалар қабул қилинди. Қўлланмаларда меҳнат муҳожирларини гуруҳнинг мақсадлари йўлида хизмат қилишга оғдиришнинг кетма-кетлиги ишидан иттифоқча баён этилганди. Айниқса, қўлланмаларни тасдиқлаш юзасидан баёнотда ҳар бир мамлакат ва ҳатто уларнинг ҳудудларидан келган мигрантлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилгани «вербовшик» («Ҳақ йўл»га даъват қилинганларни гуруҳ мақсадларига ёлловчилар) ва «мия»ларнинг жуда пухта тайёр-тарлик ва таҳлилларни тинимсиз ва тизимли амалга ошириб боришини кўрсатар эди.

Қурултойда кўтарилган асосий масалалардан бири мақсадларни амалга ошириш ва тарафдорлар сафини кенгайтиришда Интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар имкониятидан, шунингдек, ахборот ва коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишга қаратилган.

«Электрон ҳужра»ларнинг вазифаси ижтимоий тармоқларда гуруҳга бирлашиб, тавсия этилаётган ахборотларни, аудио, видео материалларни, эшитиш қўлланмаларини ўрганиш орқали ҳам фойдаланиш бўлиши. Ўз масаладошга айлантириш эди. Ва онлайн мулоқотларда даъват қилиш сингари усуллардан изчил фойдаланиш режасини кенг қўллаш, бунинг учун «вербовшик» – даъватчилар гуруҳи аъ-

золарига имкон қадар ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида кўникма ва билимга эга кишиларни жалб этишлари лозим эди...

Шу кунни қурултойда, нима сабаблigni бизга қоронғи-ю, бироқ айнан Қозғистонда «Салафийлар» оқими бошқа ҳудудларга нисбатан фаол иш юритишга ҳам келишиб олингани эълон қилинган. («Салаф» сўзи аслида Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг яшаган асрлари ва ундан кейинги икки аср уламоларига нисбатан ишлатилинадиган сўздир. Бу оқим эса асл мақсадларини «салафийлар» номи ила ниҳоблаган). Шундан кейин Қозғистоннинг икки вилоятида «Салафийлар»нинг ҳаракати жонланди. Улар бу вилоятларда бошқа экстремистик оқимлардан кўра устулликни қўлга олди...

* * *

Қашқадарё вилояти, Қарши туманидаги «Шайхали» жазони ижро этиш муассасаси.

- Яхшимисиз?
- Ассалому алайкум.
- Иминг нима?
- Бобур.
- Сизники-чи?
- Бахтиёр.
- Қаерликсиз?
- Бухоролик.
- Сиз-чи?
- Шу ерданман, Касбидан?
- Ёшингиз нечиди?
- Йигирма тўртда.
- Сизники-чи?
- Йигирма бирда.
- Унда сенгасам ҳам бўлар экан, ука, статянг нечуги?

- 159.

— Німа эди у?

— Конституційний тузумґа қарши...

— Конституциявий нуқтаи назардан...

— Шундаймасми?

— Йўқ, унлай эмас, биз ислом дини ва Ҳақ йўл та-

рафдоримиз.

— Бизнинг йўлимиз ноҳақ йўлми?

— Мусулмонмисиз?

—Ха, мусулмонман.

— Ҳа, мусулмонлар.
— Мусулмонлар шариат қондалари билан яшаши керак...

— Биз қонун билан яшаймиз, кўриб турибмиз керак...

— Қонуң билан яшаб келгән жойинтиз мана шу ерми?

Кочуни бугатанман, жазоимни олыпман....

– Статяныгіз неччыл?

— 167. Камомат.

— Каерда ишлагансиз?

— Пахта завудцда.

— Пахта заводидида.

— 14 миллион сўм, 6 йил.

— Тарозилда ишлатганмисиз?

— Каердан билдингиз?

— Тахмин қилдим.

— Сенда срок қанча?

— Етти йил...

— Етти киши...
Шу тариқа Бобур ва Бахтиёр дўстлашиб олишди.
Бир ярим йилда Бобур Бахтиёрнинг онглига ўз жамо-
атининг фойдлари ва мақсадларини синдириб улуғ-
ди. Жамоат раҳнамоларининг асосий мақсадлари-
дан бири ҳам шу эди. Яъни жазони ўтаётганларнинг

тушқун ва мазлۇм кайфиятидан фойдаланиб, улар-
ни жамиятдан норози қилиш орқали ўз сафига кў-
шиб олиш эди.

Жазо ўташдан муддати, ан олдин озоДликка чиққан Бахтиёр эса кейинроқ пул топиш мақсадида Москва шаҳрига, почтаси Хушид аканинг ёнига ишлаб келиш учун йўл олди. Москвада Жавдог билан, у орқали эса Достон (Довуд) билан танишгани ва Москвадан Нижний Новгородга бориб, қурилишда ишлаётган меҳнат муҳожирлари – ҳамюртларини жамоатга даъват қилиши ва бу учун 1200 доллардан ҳақ олиниши келишиш воқеасини сизларга илгаридан қисқа баён этиб ўтган эдик...

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри. Махсус хизмат.
Терговчи хонаси. Сўроқ жараёни.

— Кимсан?

— Бахтёрман.

Түлпик айт исм-шарифингни, датта...

Живнов Бахтиёр Келдиёрович.

– Нима қилиб қорбисиз, жаноб Бахтиёр Келдиёри-

ВИЧ?

—Хочу нима...

— Хеч нима? Камерангда тушунтиришмадимми?

— Нимани тушунтириши керак эди?

— Сента ўхшаган ифлосларга сарфлайдиган ортиқча вақтим йўқ, тушундингми, мараз? Кўзингни мўл-тиратиб раҳимини кетираман деб ўйлама, ватангадо, хон. Халифалик тузасан, ислом давлати қурасан, ўзбекжонда тузум бўлмайди, уни ағдарипш керак дейсан... Мана, қовоғ, бир соат вақт сента, бир бошидан бирма-бир, яхшилаб мана бу қовоғ каллангни иплатиб... Биографиянгни... биласанми ўзи биография нимадигани?

– Ўзим ҳақимдами?

– Ҳа, ўзинг, кимлигинг, ота-онанг, бу йўлга қачон киргансан, ким киргизган, сен кимларни давват этгансан, нима қилмоқчи эдиларинг «биродарлар» бир бўлиб, кимни ўлдиarmoқчи эдиларинг, қаерни портлатмоқчисан, қаерга ўт қўймоқчи эдинг, нима учун Қаршигамас, ўрганча учдинг, раҳнамоларинг ким, амиринг ким, улар сенга қандай кўрсатмалар берган – сенга бир соат вақт, ҳаммасини ёзиб берасан. Бир соатдан кейин кираман хонага, тушундингми? Агар ёзилмаган бўлса, мендан ўпсалама... Ҳў, тушундингми?

– Ҳа, ҳа, тушундим, ҳаммасини ёзаман...

– Ҳўш, қани, ёзиб бўлдингми?

– Ҳозир, озгина қолди.

– Китоб ёзпсанми? Бир ярим соат бўлди, нима ёздинг ўзи, қани, бу ёққа ол-чи, нима бу, чумоли юриш, са... ддан ҳам бор экан-да, а? Яна шу савод билан бош-қаларни йўлдан урасан, э ўргилдим, тез тутат, ўн беш дақиқа етдингми?

– Ҳа, етди, ака.

– Менинг сендай укам йўқ. Бўлса ҳам ўзим бўғиб ўлдираддим, ака дема мени, тез бўл, ҳозир қайтиб кираман, тутатган бўл, ўқиб берасан, тушундингми?

– Ҳа, тушундим.

– Ҳўш бўлади, ҳурматли терловчи дегин, ҳурматли ўргатмаганими устозларинг, а?

– Ҳўш бўлади, ҳурматли... терловчи.

– Ана шундай, тез бўл, ҳозир келаман.

– Ҳўш, тутатдингми, қани, кўрайлик-чи. Ҳмм... ахши, эй, 167 билан ўтирган экансан-ку, эй, ҳам давлатни ўмараман, ҳам хонлиқ қиламан де! Қашқадарёлик бўлсанг, нега самолётда Қаршига учмадинг, ўрганча келсам билмайди, у ёғида секин «Нексиа» да ликиллаб етволаман уйга, дегансан-да,

а? Эй, сен шохида курсанг, биз баргиде юрамиз, ҳар бир қадаминг назоратда эди сенинг, ўйлайсанки, шаҳар бедарвозами, бошқа ерда қиласан ўйинингни, Афғонистонингдами, Покистонингдами ё давват этаётган Сурияндами, а, шундайми? Сурияга давват этаётгандингларми ҳомийларинг билан ҳамюртларингми?

– Ҳурматли терловчи, мен ҳаммасига тушуниб етдим.

– Нимани тушундинг?

– Нотўғри иш қилганимни...

– Нотўғри иш қилганингни, қанақа нотўғри иш, сен жиноят қилгансан, жиноят бўлса ҳам-чи, ўта оғир жиноят, биласанми қанчага кетшинингми?

– Ҳа, биламан.

– Қай тўрдан биласан?

– Эшитганман.

– Оғир жиноят эканини биллиб туриб ҳам шу ишга қўл урдингми-ей, қойил, ўйлаб гапиряпсанми?

– Йўқ, йўқ, ҳурматли терловчи, шу ерда, камерада айтишди...

– Камерада билдириб қўйишдингми?

– Ҳа, шундай...

– Нечтанг Москвада қўлга тушдинг?

– Кўпчилик, 20 кишича бор.

– Уларингни ҳам олиб келамиз ҳали, сен аъзо қилганларни ичиде нечта хоразмлик бор эди?

– Тўртта.

– Нега ёзмадинг? Ҳаммасини ёз, бир киши ҳам қолиб кетмасин.

– Эсимдан чиқибди, ҳозир ёзаман, ҳозир...

– Пулни кимдан олиб тураддинг?

– Жавдот деган тожик боладан.

– Тўлиқ ёзмабсан-ку, тўлиқ ёз, қачон, қаерда, исми, фамилияси, отасининг исми ким, унга ким пул

еткларди, унинг бошлиғи ким, пулни қаердан оларди — ҳаммасини ёз, тушундингми? Ўзи ақлли бола экансан-ку, нима қилардинг бу йўлга кириб, сента биров ёмонлик қилгандими? Аввал ҳам ўзинг мана бу жигилдонингта давлатнинг ҳаққини ўзлаштириб ўтириб чиққан бўлсанг, тинчгина юрмайсанми ота-онангнинг бағрида, нима қиласан фитна кўзғаб, уруш керакми сента, ота-онанг, қариндош-уруғ, она-оғайнингнинг қонини тўкишинг керакми?

— Йўқ...

— Нега унда ўзбекистонда тузумни ўзгартириб, халифалик қилиш керак деб даъват қилдинг?

— Улар ўргатишди мента...

— Ўзингнинг калланг йўқми?

— Энди тушуниб етдим ҳаммасини.

— Энди кеч, ўзингта ўхшаган неча кишини заҳарлаб бўлдинг? Неча кишини Туркия орқали Сурияга чиқариб юбордиларинг?

— Уч кишини...

— Тўлиқ ёз уларнинг исм-шарифи, туғилган йили, қачон чиқиб кетган, нима деб алдатынсанлар, ёз... Жанг қилиб ўлган бўлса сенларнинг гапингта кириб... ота-онасига нима жавоб қиласан-а, эй, шуни ҳам ҳеч мана бу миянгда ўйлаб кўрганмисан ё фақат ўзингни ўйладдингми?

— Хўп. Исми, фамилияларини ёзаман, лекин туғилган йилини аниқ билмайман-да.

— Яхши биласан. Яхшигина биласан, олиб қочма, аниқ-аниқ ёз. Манзилини ҳам биласан, паспорти сенларнинг кўлингта бўлган. Айтмоқчи, почтажонинг қаерда? Исми нима эди?

— Хуршид. Тожикистонда.

— Уям Тожикистонда камерада сента ўхшаб сайраб ўтирибди ҳозир... Шунинг учун бирор нарсани яшираман деб ўйлама, сендан олдин келганларинг

айтиб бериб бўлишган сенлар ҳақингта, нима, тасо-дифан ушландингми сен аэропортда. Эй бола, эй аҳмоқ бола! Ўзингни ўзинг жувонмарг қилдинг, шуни биласанми? Сента-ку раҳим келмайдди, бечора ота-онангта қийин у ёқда, яхши қилдингми, а ота-онангта? Олиб берган раҳматинг шу-да сенларнинг. Йиглама, вақтида ўйлаш керак эди. Шайхалида кирган экансан шу йўлга, Бобур дегани даъват этди деб ёзибсан... Амнистия билан чиқдинг, давлат раҳм-шафқат қилди сента, одам бўлсин деди, ҳаёти синиб кетмасин, имкон берайлик деди. Сен нима қилдинг? Бобур бу иши ҳақида маълумот бериш ўрнига ликиллаб бориб, Москвада ўзингникиларни йўлдан урди. Шу тўғри ишми, тўғри ишми?

— Йўқ, пушаймонман.

— Ҳали кўп пушаймон бўласан. Агар билсанг, сени мана шу ишларингнинг ўзи гўноҳ, бошқаларни жиноятга бошлаган, ўз ватанига куроғ кўтариб киришга даъват этиш.

— Мен ундай деганим йўқ.

— Сен айтмаган бўлсанг, раҳнамоларингнинг шундай деган видео тасвирли маърузаларини қўйиб бергансан, шундайми?

— Ҳа, уни ёздим, тан оламан.

— Эй яша, сен-ку яхши, мана, тан олапсан, айримларинг тан олмайсанлар, битта-иккитанг бу йўлдан қайтмапсан, чириб бўлгансанлар.

Сента бир нарсани айтмай, ақллилик қилишга деб ўйлама-ю, агар мана бу бошинг ишласа, оч бўлсанг ҳам, яланғоч бўлсанг ҳам ўз ватанингта, ўз юртингта хизмат қилишга ҳеч нарса етмайди, ҳимоя қилсанг, ўз опа-сингилнинг ҳимоя қил. Сента ўхшаганларнинг баъзилари бировлари ўзимизнинг аёл-қизларни ўша жанг кетаётган жойларга етаклаб бориб хор қилганлар. Ё нотўғрими?

– Ўғри, лекин мен аёлларни давват қилмаганман...

– Булулга етарли, бошқаларни ҳам сўроқ қилишим керак. Эртага чақираман. Эртага Туркияга ўтвозлиб кўрсатма берадиган раҳнаомоларнинг эслаб тур, улар ҳақида ёзиб берасан. Кейин Қашқадарёга сени поезлда олиб кетишди, маъза қилиб кетасан ўз юртингга...

* * *

Россия. Санкт-Петербург.

Жанубий Кореяда ишлаган ва аввалги саҳифаларда баён этганимиз учун номи таниш бўлган Эрбой ўш шаҳрида ўзининг минтақавий марказини барпо қилган «Ҳизбут-таҳрир» таъкилотининг маъкур республикадаги намондалари ишончини қозониб, Абдуллоҳ томонидан билдирилган келишувга кўра, Санкт-Петербургда меҳнат муҳожирлари сифатида келиб, қурилиш бригадлари бўлиб ишлаётган эди. Айнан ўша келишувга кўра, Жанубий Кореяда меҳнат муҳожирлари бўлиб юртанда давват этилганлардан бири сизга таниш кўлоблик Зиёдназар эди. Эрбой ва Зиёдназар Санкт-Петербургдаги қурилиш фирмаларининг бирида улар томонидан қуриляётган объектларга мардикор ишчиларни ёллашар ва уларни бошқаришар – бригадирлик қилишарди. Эрбой рус тилини яхши билар, шу боис у Кавказ миллатига мансуб меҳнат муҳожирлари билан ҳам тез тил топишиб, уларни ҳам қурилишдаги ишларига ёллаб олишга эришган. Зиёдназар асосан Тожикистондан келган меҳнат муҳожирларини ишга жалб этарди. Ўрта ҳисобда Эрбой ва Зиёдназарларнинг қўлида икки юздан ортиқ меҳнат муҳожирлари ишлашарди. Уларнинг асосий қисми Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистондан бўлиб, камчилик қисми Арманистон, Озарбойжон, Чеченистонликлар озчилиқни ташкил этарди.

Ҳа айтганча, Эрбой ўш ва Жалолибод ҳудудларида раҳнамо таъкилот оқими тааллуқли 30 мингдан кўпроқ китоблар ва дискларни бошқа электрон таъшувчилар, ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиш ва давват қилишга улгурган бўлса, Зиёдназарнинг қўлобдаги яширин фаолияти салмоғи Эрбойнинг натижаларидан ҳам кўпроқ эди. Раҳнамо таъкилотнинг Қирғизистонда 50 мингга яқин, Тожикистонда ундан ҳам кўпроқ тарафдорлари шаклланган. Уларнинг бу фаолиятларини меҳнат муҳожирлари ниқоби остида Россияда давом эттиришларининг учта сабаби бўлиб, биринчиси Жанубий Кореядаги келишув, иккинчиси ўз давлатларидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг назарига тушиб қолганининг ижтимоий оқибатларидан йироқда юриш ва учинчиси мўмай даромад топиш ҳамда давват этилган ва улар сафига кирган биродарларини Туркия орқали жангари ҳаракатлар давом этгаётган ҳудудларга жиҳод учун юборишни ташкил этиб, уларнинг ҳар бири учун икки минг доллардан мукофот пули ваъда қилинганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Балки биз билан сизга жумбоқ бўлган бошқа вақлари ҳам бордир, ҳозирча бир нарса дейиш қийин...

Қурилиш объектларида ишлайдиган меҳнат муҳожирларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйишар, қурилиш ишлари тутатилгандан кейин берамиз дейишарди.

Уларнинг камиди ярми қурилиш объектлари атрофига ўрнатилган кўчма вагонларда яшаб ишласа, қолганлари шу атрофдаги ижара уйларида яшарди.

Нега уларнинг қаерда яшаётганликларига алоҳида тўхталмақдамиз? Сабаби раҳнаомоларнинг кўрсатмаларини бажариш ва давват қилишнинг тарғибот шакли ҳар икки алоҳида турадиганлар орасида турлича таъкил қилинган эди. Биринчисида вагонлар-

дан бири бўшатиб қўйилган, намоз, маъруза, даъватлар ва видеоматериаллар намоёнлиги асосан ўша бўш вагонларда ташкил қилинар эди. Ижара уйларида яшовчилар учун ҳам ҳар бир уйда бир тарғиботчи – даъватчи бриктирилиб, бошқалардан бу мақсадни яширган ҳолда даъват қилиши шарт эди. Хуллас, маҳаллий ҳукумни муҳофаза қилувчи органларнинг эътиборини тортмаслик учун тарғибот асосан меҳнат муҳожириларининг ўзаро суҳбати усулидан фойдаланган ҳолда олиб бориларди.

Ҳар ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари «Ҳаф йўл»га даъват қилинганлар учун навбати билан ташкилотнинг маърузачилари амри-маъруф қилиб берад ва раҳнамоларининг даъватлари акс этган видеотасвирини кўрсатишарди. Ушбу видеороликларни кўчириб олишга руҳсат беришар ва ижтимоий тармоқлар орқали ўзлари ишонтан ва яқин кишиларига улашишни тавсия этишарди. «Агар юртта кетсангиз, бу ердаги амри-маъруф ва кўрган видеоларингиз ҳақида чўрқ этмаслигингиз керак. У ерда биллиб қолмиса, сизларни қамаб қўйишади. Зинҳор ва зинҳор биродарларингизни сотманглар. Биз айтган кунлар ҳам келади, ҳижрат қилиб кофирларга қарши жиҳод қиламиз», дея маърузачилар қатъий талаб қўйишар эди.

Ваъзхонларининг бош мақсадлари «жиҳод», «ҳижрат», «шаҳидлик», «такфир» каби диний тушунчаларни қасддан сохта талқин қилиш орқали мусофир ва меҳнат муҳожириларини оиласи ва яқинларидан, ўйишдан ажратиб олиб, кўролли тўғнашувлар кетаётган Афғонистон ва Покистонга, шунингдек, Ўзин Шаръда жуда катта имкониятларга эга бўлиб олган «Ироқ ислом давлати» ташкилот сафларига жўнатиш эди. Шунинг учун ҳам фаолиятини меҳнат мигрантларини ўз таъсир доирасига тушириб олиш, «ҳужра-

лар»да туруҳнинг яширин мақсадлари сари етаклаш учун атай сохталаштирилган, ёлгон далиллангизилган диний ғояларни сингдириш, диний экстремистик мазмундаги материалларни босма ва электрон шаклларда тарқатиш Интернет орқали даъватнинг замонавий усуллари, жумладан, электрон «ҳужра-лар»га кўчирилди. Айниқса «hizbuzbekiston.info» веб-сайти ҳамда «Facebook», «Youtube» каби ижтимоий тармоқлар, «Telegram» ва бошқа каналларда даъват урчиди...

Ана шундай кунларнинг бирида, Азамат укасининг «Facebook»даги профилида шу каби даъватларни ўқиб қолди. Шу кунийё дарсдан кейин кечта томон укасининг олдига, яъни Эробой ва Зийёназар кўли остида ишлагётган Ўмиднинг ёнига борди. Айни шу пайтда укаси ҳам ишни тутатган ва шу атрофдаги ижара квартирада бирга ишлайдиган бошқа юртдошлар билан зўр бериб, жон қўлогли билан «қорин»нинг навбатдаги ваъзини тинглаётган эди.

Кириб келган Азаматни аввал укаси Ўмид, кейин юртдошлар ва «қори» ҳам алоҳида тавозе билан кўтиб олди.

Азамат Санкт-Петербургдаги давлат университетининг учинчи босқичида таҳсил олаётганли. Бундан юртдошлар бохабар, «қори»га эса бу ҳақда Ўмид айтганли. Маъруза давом этар ва дастурхон ҳам ҳали ёпилмаган, ундаги бир-икки туруч доналари ош ейилганидан дарак бериб туради. Азаматга ҳам ярим лаган ош келтирилди. Олинг ака, дейишди таниган ва танимаган юртдошлар, «қори» ҳам тавозе билан ошга имлаб ишора қилди.

— Олинг, биродар. Биз ҳозиргина едик. Айтадилар-ку... қайнонангиз яхши кўрар экан. Мана, сизнинг ҳам насибанингиз қўйилган экан, иншооллоҳ, оз бўлса ҳам шерик бўласиз энди.

ларга бормас эдингиз. Бизни ҳам, биродарларимизни ҳам ҳақ йўлдан чалғитишга уринманг... Бу ишнингиз Пратаннинг ғазабини кўзғатади, холос. Дузах аҳлларидан бўлишни сизга раво кўрмасдим, биродар. Биз бир-биримизга фақатгина хайрли амалларининг раво кўрамыз.

— Қори ака, мен Тошкент ислом институтида ўқиганман. Менинг фикримча, «жиҳод» сўзи инсон ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, ҳаракат қилиши дегани. Масалан, мен илми ўзлаштириш учун барча имкониятларимни сарфлаб ўқиб-ўргансам, илм йўлида жиҳод қилган бўламан. Ҳадиси шарифда айтилишича, «Бир киши Расулulloҳнинг (саллоллоҳу алайҳи васаллам) ҳузурларига жиҳодга изн сўраб келди. Шунда унга: «Сенинг ота-онанг борми?» дедилар. «Ҳа», деди у. «Бас, икковлари (хизмати)да жиҳод қил!» дедилар. Бу ердаги ака-укаларимизнинг ҳам асосий вазифаси ота-онасига хизмат қилиб, оиласига ёрдам берип деб ўйлайман. Мен ўқиган ана бир ҳадисда «Жиҳоднинг афзали ҳавои нафсинга қарши жиҳоддир» деб ёзилган. Шунинг учун бизга ҳозирча ўқип, ишлаш ва ортиқча ҳой-ҳавасларга берилмай, тинчгина Ватанга қайтсак, шу кифоямасми?

— Сизнинг дунёқарашингиз қотиб қолган, юз йилга яқин кофирлар қўлида бўлган юртнинг сабоғини олган домлалардан дарс олганлигингиз шундоқки-на билгиниб турибди. Сиз билан мунозара қилишни ўзимга эп кўрмайман.

Шундай деганча «қори» қисқача дуо қилиб, кватирадан чиқиб кетди ва бўлган воқеани Эройга сўзма-сўз айтиб берди.

Азамат Умидни кўчага бошлаб чиқди.

— Мента қара, ука, кимларга қўпилиб юрибсан? «Facebook»даги профилнинг нималарни кўйётганини биласанми, аҳмоқ?

— Нимани кўйибман? Ёмонми, ўзимиз ўрганаётган нарсаларни жойлашман, ака.

— Эй аҳмоқ. Бу жойлаётган нарсаларинг «Ҳизбут»нинг даъватлари-ку. Биласанми бунинг жиноатлигини? Бу учун қанчага қамалиб кетилишнинг биласанми? Мени ҳам тортиб кетасан. Оиламизни шарманда қиласан. Ақлингни йиғ, тез ўчир профилнингизларни, бу қўйган нарсаларинг даъватимизга қарши даъватлар-ку, шунчалик ҳам солда, аҳмоқ бўласанми-я? Келганинга ҳали олти ой ҳам бўлмади. Сентабрда сени ўзим ўйётган университетга ўқишга топширтирамыз, деб дадам билан келишгандик. Дадам билса ўлдирди иккаламизни ҳам. Ё ақлингни йиғиб ол, ё уйга қайтиб кетасан, тушундингми?

— Ҳа, тушундим, кўп ваҳима қилманг! Исломи динини ўргансак ёмонми, мана, сиз ҳам ислом университетига ўқигансиз-ку.

— У расмий университет. Нега тушунмайсан? Сен жойлаётган нарсалар даъват дейилди. Эстремистик гуруҳларнинг даъвати, тушундингми энди?

— Ҳа, тушундим. Ҳозир ўчириб ташлайман.

— Шу ой якуни билан ойлигингни оласан. Уйга кетасан, даданинг олдига, имтиҳонлар бошланса чақираман, хўпми, ука, тапшгани икки қилма, бир нарсани билмасам айтмайман, хўпми?

— Хўп, хўп. Бўлди ака, ваҳима қилманг. Мени ҳам кўрқитвордингиз, ойлигини олиб кетаман, хўп. Фақат дадамга айтманг.

— Бор нарсаларингни олиб чиқ. Унгача мен билан турасан.

— Йў, ака, бошлиқларимиз хафа бўлади. Жаҳтчи қисқа ойликларимни ололмай қоламан. Сиз бораверинг, хавотир олманг, ўн-ўн беш кунда ойлик маошларимни олиб олингизга ўтаман. Ўзингиз кузатиб кўясиз. Хавотир олманг, ака.

— Хўп, ука, ўзингни эҳтиёт қил! Гапларим эсингдан чиқмасин, ҳеч кимга айтма гапларимни, эҳтиёт бўл, телефон қилиб тур.

Квартирага қайтиб кирган Умид юртдошларининг унга муносабати ўзгарганини сезди.

— Нима қиларди акант ҳам тортишиб, ишдан ҳайдаб юборишса нима қиламиз, агар ишдан ҳайдайдиман деса хафа бўлма, Умид, кўрадингизнинг кўрасан.

— Умиднинг айби йўқ, — Умиднинг синфдоши Жалил унинг тарафини олди. — Азамат акани мен ҳам яхши биламан. Жуда билимли, бу ерда ҳам ўз билими билан ўқияпти. Ҳам ишлайди. Умиддан аламлини олмайлик, ҳайдаб юбормаса керак, қурилиш тутамди-ку ҳали.

— Ҳе, бир нарса дейиш қийин, олдиндан фол очмай туринглар, бўлди, дам оламиз, эртага кўрамиз нима бўлишини, бошга тушганни кўз кўради... — деди уларнинг орасида ёши каттарови бўлган Тўқсин ака...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Азаматнинг телефони жиринглади. Соат кундузги 12 лар чамаси.

— Алло.

— Ассалому алайкум, — деган бўғиқ овоз келди.

— Ваалайкум ассалом, Умид...

— Азамат ака, мен Жалилман, Умиднинг синфдоши...

— Ҳа, Жалил, яхшимисан, тинчликми? Умиднинг телефонидан кўнгироқ қилишсанми?

— Тинчликмас, ака, Умид қурилишдаги бинонинг саккизинчи этажидан йиқилиб тушди...

— А, нега, нимага, йиқилди?.. Жони соғми ишқилиб, бирор нима қилмадимми?

— Келинг ака, келинг... — Жалил йиғлаб юборди...

Қори бўлган воқеани Эрбойга айтиб бергандан кейин у ҳам бунга ўз навобатига Туркиядagi раҳнамога етказди. Раҳнамодан ҳеч бир хатога йўл қўймаслик ва «исини чиқармаслик» ҳақида кўрсатма олин-

гандан кейин Умидни қурилиш туталланмаган бинонинг баланд қаватидан туртиб юбориш — бахтсиз ҳодиса режаси тузилди ва бу ими-жимиди амалга оширилди... Бу Эрбой ва Зиёдназар амалиётидagi иккинчи ҳолат эди...

Эрбой Азаматни юпатар экан, бу фалокат тақдир эканлигини тушунтириб, ўзини роса ғамхўр қилиб кўрсатди, ҳатто ўликни уйга юбориш учун ҳам Азаматга ёрдам кўрсатишини айтиб, агар иш очилса, кўп сарсон-саргардон бўлишини, ўлик ҳам хор бўлишини кўнчаклик билан уқтира кетди. Ҳа, тажрибамда кўп воқеаларни кўрдим, инсон ғанимат, омонатни олиб бориб тезроқ тупроққа қўйинг, бу сизнинг бурчингиз деб унинг қўлига Умиднинг ойлик маошидан ташқари 2000 доллар берди. Азамат ҳам бу воқеадан қарахт эди. Пулни олди, қолган харажатлари учун Умид билан бирга ишлаган юртдошлар имкониятга қараб йиғиб беришди...

«Қори» эса маърузаларида эринмай, ана, кўрдингизми, Умид ўз акиси Азаматнинг Аллоҳга ёқмайдиган нотўғри гаплари, бизга қарши чиққан ва ишониб келаётган ёпон амали учун товон тўлади, жабрини Умид кўрди, деб, қурилишда ишлаётган меҳнат муҳожирадорининг онига сингдиришга зўр берди...

Азамат Умидни ўзи ўқийдиган олий даргоҳда ўқитаман, унгача ишлаб турсин, пишйиди, ҳаётни ўрланади, мусофирчиликни билади, деб, ота-онасини ишонтириб олиб келганди. Умид келиб иш бошлаши биланок ёнига синфдоши Жалилни ҳам чақириб олганди. «Эҳ, бу икки синфдош қанча-қанча оруз-умидлар қилганди. Мен нега ваҳима қилдим? Менимча, Умидни менинг айбим учун атай ўлдириб юборишди. Дадамга қандай айтаман? Энди нима қиламан? Мени ҳам тинч қўйишмаса керак». Умиднинг жасадини водийга, она қишлоғига олиб келиб, қабрга

қўйиб келгандан кейин Азаматнинг бошида шу каби ўй-хаёллар тинмай айланаётганди...

«Эҳ, асиз укам-а, жон укам-а, сени ўқитаман деган мен ўлсам бўлмасмиди»...

Ана шундай руҳий азобда икки-уч кунни ўтказган Азамат ўйлаб-ўйлаб, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органга билдиришга ва улардан ёрдам сўрашга қарор қилди. Ҳуқуқни муҳофиза қилувчи орган идорасига бориб, мурожаат қилди ва расмий амалларни кутиб ана икки кун қатнади. Шундан сўнг Азамат ана Санкт-Петербургда қайтди. Ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари эса, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалий ҳаракатларни бошлаб юборди. Азаматнинг бу гаплари сир қолгани ва аynиқса ота-онаси хабар топмаслиги лозимлиги ҳақидаги илтимоси ҳам эътибордан четда қолмади.

Ўзбекистон, Россия, Қирғизистон ва Тожикистон махсус хизматларининг ҳамкорлиги билан орадан бир қанча вақт ўтиб, Эрбой ва Давлатназар бошчилигида давлат қилинаётган меҳнат мухожирлари бирин-кетин ўз давлатларига олиб кетилиб, айбонлик масаласи кўриб чиқилди. Эрбой ва Давлатназар узоқ муддатта озодликдан маҳрум этилди. Қурилишда ишлаётган жамоатга алоқадор бўлмаган бошқа меҳнат мухожирлари орасида «қори» ўз жонига қасд қилибди деган гаплар тарқалди...

Россия. Москва шаҳри.

Жанубий Кореяда ишлаб юрган пайтлари Абдуллоҳнинг давлатига эришган тожикистонлик Искандар, бойсунлик Рустамлар ўз юртларида турушнинг фойдлари ва вақти-вақти билан етказилиб турган кўрсатмаларини бажариб, қўлланма ва норасмий диний

тарқатмаларини тарқатиб, ўша ҳудудларда тарафдорлар кўпайтириш вазифалари билан шуғуллангандан сўнг келишувга кўра, энди Москва шаҳрида, шаҳарнинг чеккароқ қисмидаги Зийдийга тегишли ва унинг татар миллатига мансуб никоҳдони аёлига расмийлаштирилган дачада яшашаётганди.

Улар бу ерда ўзларига юклатилган вазифаларни, жамоатнинг Туркиядаги раҳнаомаларининг Зийдий орқали бериладиган яширин кўрсатмаларини бажаришарди. Бирламчи Ўзбекистоннинг ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларидан келган меҳнат мухожирларини Интернетдаги жамоатнинг 10 га яқин веб-сайтлари, «Facebook», «Youtube» ижтимоий тармоқлари, жамоат ва унинг аъзоларининг профиллари, «Telegram» ва бошқа каналлардаги «электрон хужжатлар»га жалб этиш билан шуғулланди. Бунинг техник жиҳатини уларга Фарҳод ва унинг жияни Жавдот ўргатар эди.

Тоға-жиян Фарҳод ва Жавдот бу пайтга келиб Довуд, яъни Достоннинг розилигини олиб «Ҳизбут-таҳрир» жамоати вакили билан келишувини адо этиб бўлганди. Энди улар раҳнамоси Абдували қорига етказиладиган ва «Байтулмола»га жамғариладиган маблағдан ташқари, жамоат сафига қўшилган ва қўшилмаган тарафдор бўлган меҳнат мухожирларидан имкониятига яраша ҳар ойда 1000, 1500, 2000 Россия рубли миқдоридида «табарруот»га деб пул йиғиб олишни йўлга қўйганди. Уларнинг айтишларича, бу пуллар гўёки Мқин Шарқда кофирларга қарши кураш олиб бораётган ҳақиқий мусулмон биродарларни ҳамда у ерларда қуриллажак халифаликка асосланган Ислам давлатини қўллаб-қувватлаш учун экан. Кейинчалик бу тўртовлон бошчилигидаги турух меҳнат мухожирлари учун қалбаки хужжатлар расмийлаштириб берадиган тўдага ҳам раҳбарлик қилишди. Бу тўда

Москва шаҳридаги вокзаллар ва аэропорт ҳудудларида меҳнат муҳожирларини қалбаки ҳужжатлар билан оғирини «енгил қилиш», шу орқали уларни жамоатга жалб этиш билан шуғулланишди. Уларнинг бу савъ-ҳаракати билан айнан Ўзбекистон ва Тожикистон, Қирғизистон ва Хитойнинг 200 га яқин меҳнат муҳожирлари Афғонистон, Покистон ва Яқин Шарқдаги жанг бораётган ҳудудларга ёлланиб кетишди.

Россия ва юқорида номлари тилга олинган давлатлар махсус хизматларининг ҳамкорлиқдаги амалиёти билан ушбу жиноий тўда фожияли. Ҳозирда тўда аъзолари ўз мамлакатларида қамоқ жазосини ўташмоқда. Жамоатнинг икки аъзоси, тоға-жиян Фарҳод ва Жаводот қўлга олиш чоғидаги отишма туфайли ҳалок бўлишди. Искандар Туркияга ва у орқали Яқин Шарқдаги жангари туруҳлар сафига қўшилганча дом-дараксиз... Рустам аса, кейинчалик Туркиядаги диний-экстремистик туруҳдаги фаолияти учун Туркия ҳукуфни муҳофаза қилувчи органлари томонидан қўлга олинди. Ҳозирда узоқ муддатли қамоқ жазосини ўтамоқда...

* * *

Тошкент вилояти. Чирчиқ шаҳри.

Сеул шаҳридаги секта бўлимида тайёртарликдан кейин Москвадаги марказий бўлимдан ҳам керакли қўлланмалар асосида «сир-синоатлар»ни ўрганган Равшан Абдуллоҳ сектанинг марсал ва вазифаларини Чирчиқ шаҳридаги раҳнамосига ёрдамчи бўлиб давом эттираётган эди. Айни шу «синарий» асосидаги тайёртарликдан сўнг, мана бир неча йиллирки, Тожибек ҳам секта раҳбарини ўшда тарғиб қилар, сектанинг жаалоболдаги бўлими раҳбарига раҳбарини давом эттиришлари учун кўмаклашарди.

Бу хизматлари ҳамда бошқа сарф-ҳаракатлар учун уларга бериб бориладиган пуллари ҳали-ҳамон Сеулдаги ўзбек емакхонаси – «Самарқанд» орқали олишар эди... Бунинг боиси Сеулдаги секта раҳбарлари ва юқорида номи келтирилган Невмат ҳожи ҳамда унинг қайниси ўртасидаги келишувларга кўра, маблагнинг «байулмо»га юбормай яшириш бўлса, иккинчи томондан Ўзбекистон ва Қирғизистон махсус идоралари нишонидан қочиб бўлиши мумкин.

Сектанинг Ўзбекистондаги бўлимига етказиб берилган миссионерлик мазмунидagi китоблар ва қўлланмалар уларнинг ҳомийлари ташаббуси билан туб аҳоли орасида маҳаллий тилда, яъни ўзбек ва ҳатто қорақалпоқ тилларида ҳам тайёрлана бошланди. Тайёрланган китоб ва қўлланмалар Германия ва яқин қўшни давлатда чоп этилар эди. Бу наشرлар аввало сифатининг юқорилиги билан кишини ўзига тортса, тарғибот – даъват материалларининг жуда профессионал мутахассислар томонидан тайёрланганини ҳам англатади. Албатта, бу олинсаги раҳна-моларнинг солда одамларни ишонтитиришнинг мақбул ва самарали тарғибот усулини қўллашлари билан изоҳланади.

Дарвоқе «секта, секталар» деганда ислом, насроний, буддавий, яҳудий каби илоҳий динларга эътиқод қилга туриб, уларнинг ўз динларидаги эътиқодини тўғри йўлдан адаштириб, ўзларининг паст ва ғараз мақсадларини амалга оширишни ният қилган ва бошқаларни шу йўлда бошқаришга қасд этган турли туруҳлар, фирқалар, оқимлар, жамоатлар ва шу каби ташкилотлар тушунилади. Сеантология отаси Р. Хаббард ақлини танитанидан бошлаб миясида доим бир фикр, яъни одамлар менинг қўлим бўлиши керак, олам мента итоат қилиши шарт, деган доминант фикрда юрган.

Секталар ўзларига, асосан, иши юришмай, туш-кун кайфийтда юрган кишиларни аъзо қилишга уринади. Чунки тушкун кайфийтдаги, иши юришмаётган, омади чоппаётган кишилар ширин сўзга, эътиборга, таскинга учиб, ёлгон ва алдовга аҳамият бермайдилар. Секталарнинг асосий услуби ҳам шунда, тўғрироғи, асосий кириш услуби (*сектани меҳрибон, ширинсўз кишилар жамоаси, инсонга уни ҳаётга бўлган ишончини қайта уйғотувчи киши бўлсанмиш. Давват этилаётган шахс бу томонига асосий диққат-эътиборини қаратиши, «шу одамлар билан бўлсам, доим ўзимни енгил ҳис эгаман»* деган тушунчани улар онгига усталик билан жойлаб қўйиш, иложи бўлса бир-икки ҳаракат ва сеансингт ўзидаёқ) кишини ўзларига олдириб олгунларига қадар бўлган жараён. Кези келганда айтиш жоиз, дунёда мавжуд ва фаоллият юритаётган турли секта аъзолари орасида ёлғиз аёллар қирқ беш фоиздан ортиқни, бевағлар эллик тўрт фоизни, қари қиз бўлиб умуман эрта тегмаганлари ўн тўрт фоиздан кўпроқни ташкил этади. Секта тавсирига тушганлар ичида ўттиз саккиз фоизини нафақахўрлар, беш фоиздан кўпроғини ногиронлар, ўн икки ярим фоизини уй бекалари, йигирма беш фоизга яқинини вақтинча ишсизлар, олтимини тўққиз фоизини ишсизлар ташкил этиши улар инсонларнинг ожиз қатламини ўз манфаатлари учун бўйсундириш услубидан усталик билан фойдаланаётганини билдирарди.

Ўндан кейинги усул ва услублар эса, қутилмаган кўриниш олади. Равшан ва Тожибек Сеул ва Москва шаҳарларидаги секталарнинг ҳам ғовий, ҳам ташкилий раҳнаомолари ва ҳомийларидан бу усул ва услублар сабоғини мукаммал ағаллаб олишганди. Равшан Чиряқда, Тожибек эса Ўш шаҳридаги раҳнаомолардан анча-мунча сабоқ олди. Бу сабоқлар

уларнинг онгу шуурига шунчалик таъсир элдикки, улар бутун вужуди билан сектага кириб кетиши билан бирга, насронийликни ҳам қабул қилишди.

Энди Равшан ва Тожибек бир неча йиллардан бери амалда қўллаб келаётган сабоқлари, давватларининг сиру синоати, усул ва йўллари қабилартга тўхталамиз. Шундай қилиб, уларга ўргатилганми ёки миясига қўйиб қўйилганми, ҳар ҳолда буларнинг аксарияти қўйидаги тартибда ишлайди.

Бирламчи, сектага давват мукаммал ишланган дастур асосида олиб борилади. Давватнинг биринчи кўринишида улар юфоридаги тоифа одамлар билан бевосита кўча-кўйда учрашиб, шундай мурожаат қилишади: «Сизнинг юзингизда қандайдир нур бор. Лекин ҳозир негадир кайфийтингиз тушкун. Тўғрими? Хавотир олмаң, бизнинг Тантримиз сизга жуда меҳрибон, сиз яқинда жуда катта ютуқларга эришасиз. Сизни катта амаллар кутиб турибди. Тантри сизни танлагани муборак бўлсин. Яратганининг назари айнан сизга тушган... Мана бу кичкинагина китобдаги Унинг сўзларини ўқисангиз, кейин тушунасиз. У сизга белги беради, яхшилаб ёлда тутингки, сизга белги берганда, бу сирни ҳеч кимга очманг, акс ҳолда мўъжизалар юз бермай қўйиши мумкин...»

Ёки интернетдаги ижтимоий сайтларда нотаниш одам билан қўйидагича суҳбат бошланади.

Миссионерлик. «Миссионер» – бирор диний гуруҳ, бирор диний бирлашма томонидан бошқаларни ўз ғоясига тартиб қилиш ва киритиш учун юбориладиган киши. Равшан ва Тожибек секта аъзоллигига олдиroomчи бўлган киши билан олдий масалаларда ёки дин, Яратувчи ҳақида суҳбат бошлашаркан, ўз сўзларини маъқуллаётганини сезгандан кейингина секин, усталик билан маъсалга ўтишарди. Ўндан кейин жамоати йиғиладиган суҳбатларига таклиф этишар, бир-икки

келиб-кетиб юрган, ўзлари таплаган кишиларни секин-аста яна муҳимроқ масалалар сари етакларди. Манипуляциянинг бу босқичларидан ўтган киши аъзо қилиб олинади. Аъзоларга улар айтган эътиқодлар ҳам алоҳида-алоҳида қабул қилирилар ва сир сақланиши лозимлиги ўқитириларди. Шу босқич якунлангандан сўнг Равшан ва Тожибек ўз тонарларини олишарди.

Кейин эса, аввало сектага нисбатан бўлган шубҳатумонларнинг олдидан пухта ишлаб чиқилган тўқима ва ёлгон асослангирлига қаратилган фактлар, далиллар ва исботларнинг мажозий, тарихий мисоллари ва ўқитириш, майин ва нозик, секин ва айни пайтда донишмандларга хос услубда олди олинарди. Аъзо бўлганларни имкон қадар тинимсиз ўзлари тайёрлаган кўлланмалар, ахборотлар билан банд этиш, бошқа адабиёт ва китобларни ўқимаслик, оммавий ахборот воситаларини кўп ҳам кузатмаслик, бошқа кишилар билан имкон қадар суҳбат қурмасликни ўқитиришар, туруҳдан ташқи бошқа ахборот манбаларини жилволашнинг барча чораларини кўришарди. Бундан мақсад – бошқа нарсалар билан чалғиб қолсам, Тангри менга мўъжизани кўрсатмайди деган кўрқувни пайдо қилиш эди. Шунинг учун аъзоларнинг аксариятида ўзлари эътиқод қилган ҳақиқий дин аҳкомларини эс-ламаслик, эшитмаслик, ўқимаслик, ҳатто ўз ақинларининг тўй-маръакасига бормаслигига мойиллик пайдо бўларди. Мойиллик ҳам вақт ўтиши билан секта даъватидан бошқа ҳар қандай ўй-фикрдан кўрқув шаклланиши босқичига алмашарди. Ана шундай қилиб, секта ўз аъзоларининг онгини назорат қила бошлади.

Бу жараёнда «типноз» каби воситалар айниқса яхши натижа бергани учун ундан тизимли фойдаланишнинг ўзига хос мактаби яратилган эди. Секта раҳнамолари, ваъзхонлари, раҳнамоларининг ишон-

ган шогирдлари «типноз» илминни шу даражада ўзлаштирган эдиларки, кўзи бойланган киши сектадан чиқиб кетса ҳам типноздан сира ҳам чиқиб кета олмас эди. Кўпинча бунинг натижаси оғир оқибатлар билан якунланарди.

Типнознинг сирү синовати нафақат ваъзларда, балки аъзолар томонидан ўқилаётган адабиётлари ва бошқа маълумотларда ҳам яширин таразда қўлланиларди. Бунга ўта синчков, типнозга бардошли аъзолар сезмаса, бошқа аъзолар бу ҳақда ўйлашга ёки фикр юритишга ҳам кўрқиншарди. Аъзолар ижтимоий ҳаётга таъсир этувчи бундай умум психологик муҳит яратиб, шировардида секта ва унинг раҳнамосини жисмоний ва моддий жиҳатдан қарам қилиш учун мустаҳкам замин ҳозирлаган эдилар. Бу жараёнда аллақачон ҳосил бўлган аъзолардаги кўрқув уларни секта аъзолигидан чиқиб кетишларига тўсқинлик ҳам қилган аслида. Бундай пўнсалар сирасида, алабатта, муқаддас китоблардан узиб-узиб олиниб, ёлгон аралаштирилган кўчирмалар ҳам бўлади.

Равшан ва Тожибекнинг ютуғи секта аъзоллигига диний талъимоти шаклланиб улгурмаган, эътиқоди мустаҳкам бўлмаган, оиласида муҳит мақтарли эмас, аламзада ва тушқун кайфиятдаги кишиларни даъват этиш сирлари ва илминини анча дуруст ўзлаштирганликлариди эди дейиш мумкин.

Секта аъзоларининг шахсий ҳаёти устидан назорат ўрнатилгандан сўнг, уларнинг турмуш қуриши, ким билан турмуш қуриши, фарзанд кўриш керакми, йўқми, оилавий ҳаётини қандай кечириб борасида ҳам кўрсатма бериш жараёнига ўтилади. Бу босқичда жамоанинг гуноҳга йўл қўйган аъзолари билан сатомлашиб ҳам таққиллаб қўйилади.

Агар ота-онаси у билан таплаганмай қўйганлиги ва унинг бу ишларининг асл моҳиятидан бохабар қарин-

дошлари ҳам воз кечганлигини ҳисобга олмасак, Равшанинги ишлари анча юришиб кетди. Дароматди кун сайин ортиб борди. Бунинг учун эса, аябатта, Равшан Чирчиқ шаҳридан ташқари, Олмалиқ шаҳри, Са-марқанд, Бухоро, Жиззах вилоятларидаги, Тошкент шаҳри ҳамда туманида яширин фаоллият қоритаётган секталар ҳамда Қозоғистон, Қирғизистондаги баъзи норасмий ва фаоллият қоритиши мумкин бўлмаган диний тапшилотлар билан Тожибекнинг ёрдамида ҳамкорлиқни кенг йўлга қўйди. Тожибек ҳам ўз нав-батид а Ўзбекистондаги бундай тапшилотлар билан алоқадан бевосита манфаатдор эди.

Уларнинг бу миссионерлик фаолиятидан асосий даромадлари секталар ва саентологларнинг аъзолик бадаллари авазига ёғилиб келадиган тушумлардан эди. Аъзоларга типноз ёрдамида сингдириладиган таълимотта кўра, бу пуллар «азилганлар ва камбағаллар» ахтиёжларига сарфланар, кўриниш бермас зотиимлар билан жанг қилиш ҳамда Худонинг олдида йўл кўйилган гуноҳларни «сотиб олиш» учун харжланар экан. «[Гуноҳларни сотиб олиш]ни деярли барча аъзолар хоҳлашади. Равшаннинг ўлимига ҳам айнан мана шу аъзолик бадаллари сабаб бўлди...

Мана, Парвинанинг секта аъзолигига кирганига ҳам ҳадемай уч йил тўлади. Парвина Равшан билан кўчада танишиб қолган эди. Равшан уни бошқа аъзолар каби осонгина тузоққа туширди.

– Асагалому атайкум, синглим, юкинглиз огир экан, кетипт, ёдлаглапий юбораман.

—Рахмат, шарт эмас, уйим яқин...

- Гадааг, ширь өмнөх үүсвэр
- Келинг, келинг, тортинманг, ха, анча огиригина
экан, койилман сизга, бунча офир юкни ку́тарио кела-
этганингизни-чи.

Бу гап Парвинага ёққанлиги шундоқгина унинг юз-кўзидан сезилиб туради.

– Йўё, унчаллик, оғир эмас... Ўрганиб қолганман.

– Ёнгасизми, тўғрисишни айтсам, сизга ўхшаган қизларга ҳавасим кетадди, ёш бўлсангиз ҳам бозор, рўзғор, уй-жой дейсизлар.

— Мен турмуш кур'анман.

— Уэр, ҳечам ўхшамайси-да. Бир гап айтсам айбга бўярмайсизми?

— Айттинг-чи?

— Сизнинг юзингизда қандайдир нур бор.

– Йўғ-е, ошпирвординглиз...

– Беҳазил. Лекин ҳозир негадир кайфиятингиз тушқун. Юзингиздан сезилиб турибди. Қандайдир таъшиқдасиз. Тўғрими?

— Түүри, бошимга кулфат тушсан...

– Ҳавотир олмаг, Тантри сизга жуда меҳрибон, сабр қилсангиз, яқинда жуда катта ўзгаришлар бўлади, хурсанд бўласиз.

– Сиз қаердан биласиз ё мени бировдан сўраб-сўриштириб олдингизми, кузатиб юрдангизсиз балки?

– Негә унақа дейсиз, ранг кўр, ҳол сўр, деган-
пар-ку.

— Фолбінгта ўхшаб гапірыпсіз...

— Виласиз, фотобинтик гуноҳ. Лекин сизга Ярат-

ГАННИНГ НАЗАРИ ТУШКАН, АЙНАН СИЗГА...

— Мана, уйға ҳам келип қолдик, катта раҳмат сизга ёрдамнингиз учун.

– Арзимайди, синглим, мана бу китобдаги Тантри-нинг сўзларини бир ўқиб кўринг, қолганини ўзингиз тушуниб olasiz, хўшми?

— Үҗиб кўраман, қизиктириб кўйдилмиэ.

— Яхшилаб ўқинг, сизга белги беради. Сизга Унинг назари тушган.

— Рахмат, аммо мени кўп мақтаб юбурдингиз.

— Мақташ эмас, бор гап шу. Бу телефон рақамим, ўқиб кўнғироқ қилсангиз, сизга ёрдамим текканидан хурсанд бўламан. Инсоннинг туғилиш ва яшайдан мақсади аслида шу. Албатта, мен ва сизнинг суяндиған тоғимиз бор, мен Худота ишонаман, сиз-чи? Ишонгизни ҳам сўрамабман.

— Исмим Парвина, албатта, мен ҳам Худота ишонаман.

— Меники Равшан, танишганимдан хурсандман, синглим. Шу кичкина китобдаги ҳикматлар Худонинг сўзлари, бошқа нарсас эмас...

— Раҳмат сизга хўп, ўқиб чиқиб кўнғироқ қиларман, лекин анча кўнглимни кўтардингиз, соғ бўлинг.

— Кўнғиронгизни албатта кутаман. Дарвоқе, Парвинахон, агар хафа бўлмасангиз, бу китобни ҳеч кимга берманг, китоб сизга ўхшаган юзида фаришта-си бор инсонлар учун аталган, мен ҳар кимга ҳам ишонавермайман, айбга буюрмайсиз-да...

— Хавотир олманг, ҳеч кимга бермайман, аввал ўзим ўқиб чиқай-чи...

— Унда яхши қолинг, кўнғиронгизни кутаман, хайр.

Парвина асли болалар уйида катта бўлган. Бундан уч йил олдин ўн тўққиз ёшида Рустам деган йигит билан турмуш қурганди. Рустам, мана икки йилдирки, қамоқда ўтирибди. Эри ҳам болалар уйида ўстан бўлса-да, унинг Чирчиқ ва Топкент шаҳридаги буюм бозорларида мўъжазгина иккита дўкони бор эди. Қамоққа тушиб қолганига эса, Топкент шаҳридан Чирчиқдаги дўконига мол олиб келадиганида йўлда одам уриб юборгани сабаб бўлди. Бир эмас, уч кишини ҳалокатга учаради, икки нафари одамдан ўтди, учинчиси эса нотирон бўлиб қолди. Рустам қамоқда...

Парвина Равшан берган кичик китобни ўқиб бўлгандан кейин унга кўнғироқ қилди. Натижа шу бўл-

дики, кўп ўтмай Парвина ҳам сектанинг фаол аъзоларидан бирига айланди. Бир-икки ой ўтгач, Равшан билан унинг ишқий муносабатлари ҳам бошланди. Рустамнинг не-не машаққатлар авазига олган Топкент ва Чирчиқ шаҳридаги дўконлари сотилиб, сектанинг аъзолик бадалларига сарфланди.

Бу пайтта келиб, амнистия акти асосида жазо мулатидан олдин озодликка чиққан Рустам хотинининг дўконларни сотиб юборганини эшитиб, савоб учун бечораларга ёрдам бердим деган гапига ишонган бўлса-да, унинг хатти-ҳаракатлари ўзгариб, қанақадир жамоатга қўшилгани, энг ёмони, оёқ олиши ўзгарганидан шубҳаланиб қолди. Бу орада қўни-қўшнилари ҳам у қамоқдалигида уйига бир йигит келиб юришини шипшитиб қўйишди. Рустам хотинининг изига тушди, уни ўйнаши билан қўлга тушириш режасини тузди. Ўзи тузган режага қўра у эртага зонада бирта ўтирган яқин ўртоғининг фарзанд тўйига Самарқандга кетиши, бормаса бўлмаслигини айтди.

— Самарқандда ўртоғингиз борлигини айтмагандингиз-ку, — деб қолди хотини.

— Айтмаган бўлсам, мана, энди айтдим.

Рустам эртаси куни гўё Самарқандга отланди-ю, сафар сумкаси ва паспортини олди.

Рустам атайлаб паспортининг орасига хотини ишонини учун поезд чиптасини солиб қўйганди. Шундан кейин у синфдоши Марат билан шаҳар айланиб юрди, қоронги тушгач, уйи атрофига келиб пойлоқчиллик қила бошлади. Рустамнинг шубҳаси тўғри чиқди. Кечки соат йигирма бирлардан ўтганда Парвина келди, беш-ўн дақиқа ўтиб эса Равшан ҳам уйга кириб кетди. Айни дақиқадаги Рустамнинг аҳволини не сўз билан ифодалаш мумкин? У бир лаҳзада адойи тамом бўлди. Бутун дунё кўзига қоронги кўринди... «Хиёнат қилиб юрган экансан-да, манжаллақи, сен эса

номард, сохта художўй, кўшпак, қамоқда ўтирган эр-
какнинг хотинини йўлдан урдингми?! Икковинг
ҳам сўяман энди!..» Рустамнинг кўз ўнгиди Парвина-
нинг келин либосидagi тасвири гавдаланди, Парви-
на унга нозланди, нозланган тасвир эса Рустамнинг
нафратини баттар оширди. «Икковингни ҳам сўяман!
Фоҳиша! Хотинбоз!»

Орадан бир оз вақт ўтгач, Рустам ўз уйининг эши-
гини тақиллатди. Оёқ овози эшитилди.

— Ким у?

— Оч!

Парвина Рустамнинг овозини эшитиб довдираб
қолди. Оёқ-кўли қалтираб, ранги ўчди, овози титради.

— Рустам ака, сизмисиз? Самарқандга кетмаганим-
дингиз?

— Йўқ, кетмадим, ҳа, тинчликми? Нега кўрқиб кет-
динг?

— Тинчлик, Рустам акажон, тинчлик... Сизга ав-
валроқ айтгандим-ку, Равшан ака ҳақида, жамоати-
мизнинг раҳбари, мени ибодатга ўргатган, шу киши
келган. Жон Рустам ака, нотўғри хаёлларга борманг,
ҳозиргина келди...

— Ҳозиргина келдимми? Сени «тўғри» йўлга бошла-
ганми у? Ё зиногами, хиёнатгами, фоҳишаликками?

Ўша Равшанми?

— Йўқ-йўқ, Рустам ака, бекорга шуҳахлаяпсиз,
мен сизга хиёнат қилганим йўқ...

— Қани у мараз?

— Ошхонада.

— Ўйнашингни олдин еб-ичирасан-да, а? Ҳаётимни
барбод қилдинг, дўконларимни сотиб, айшларингни
сурибсан, индамадим, савоб учун бечораларга бер-
дим дегинг, ишондим, қани бечораларинг? Қани
диндор художўйларинг, Тангри, Тангри дердинг, ана
ишондим, ишончимни ҳаром қилдинг, устимдан ку-
либ келдинг, қанжиг, фоҳиша!

Шундай деганча Рустам бутун эрталаб ўзи билан
сумкасига солиб чиққан пичоқни яланғочладди, ошхо-
на томонга югурди.

Равшан саломга оғиз жуфтлаганча қотиб қолди.

— Ҳа, сенинг айбонг йўқ, поксан, айб менда, чунки
мен сендан сўрамай қамалиб кетганман-а, шундай-
ми? Мана, ифлос, хотинбоз! Мана, мана, мана...

Рустам Равшаннинг танасига ўйлаб ўтирмай ўн
етти марта пичоқ санчди.

— Жазонингни олдингми, ҳароми? — деди ҳансира-
ганча.

Бир зум ўзини йўқотиб қўйган Парвина эри унга
қараб келаяётганини кўриб, жон ҳолатда кўча эшикка
қараб қочди. Рустам уни қувлаб, дарвоза тагиди етиб
олди-да, сочидан бор кучи билан ўзига силтаб тортиди.
Парвина ордаси билан Рустамга урилди. Рустам уни
чап кўли билан бўғиб, ўнг кўлидаги пичоқни бўғизга
тиради.

— Жон Рустам ака, тавба қилдим, мени кечиринг,
жон Рустам акаааа...

— Мени кўргани борганингда ҳам айтгандим-а
сента, оғоҳлантиргандим, кўзингни лўқ қилиб мени
алдаб кетган экансан-да, а, нима дегандим сента,
а, ўзингга қараб юр деганмидим? Кечирайми энди,
хиёнатингни кечирайми, а, фоҳишалигингни кечи-
райми?!

У Парвинанинг бўғизига пичоқ тортворди... Қон
тизиллаб отилди, дарвоза қонга бўялди. Парвина
хириллай бошлади, бир оз ўтиб қон секинлаб ка-
майди, сизиб оқа бошлади. Шундан кейингига Рус-
там ўзига келди. У нималар қилиб қўйганини энди
англай бошлаган эди... Бошини икки кўли билан
маҳкам қистан кўйи жасадининг ёнида ўтириб қолди.
«Нималар қилиб қўйдинг, Парвин, мен нималар қи-
либ қўйдим...»

Ошхонада эса Равшан ҳали ҳам жони узилмай хирллаб ётарди. Рустам хотинини сўйган ва Равшанга ўн етти бор санчилган пичоқни олиб, тўғри ички ишлар бўлимига борди.

Ҳайрон қараб турган навбатчи сержантга:

— Мен хотиним ва ўйнашини ўлдирдим... Иккоролик аризаси берман. Қани терговчи, қани суриштирувчи, чақир, чақир тез... — деб бақирди.

Орадан тўрт ой ўтди.

Қирғизистон. Ўш шаҳри. Махсус хизмат. Тергов жараёни.

— Салом, Тожибекжон, аҳволларинг яхшими? Европада туғилгансан, кейин Кореяда катта бўлган экансан-а?

— Ассалому алайкум, йўқ, мен Қизғизда туғилганман, ўшда катта бўлганман, Кореяда эмас, Кореяда ишлаганман.

— Билами-и-из, Тожибекжа-ан, билами-и-из... Кореяда ишлагансан, ўшни ҳаром қилгансан. Сен ўзинг кимсан, мусулмонмисан, христианмисан, буддистмисан?

— Ўзимнинг хоҳишим ким бўлиш.

— Ўзингнинг хоҳишинг ҳалиям, ким эътироз билдирди, мен ўзингни хоҳишингмас дедимми? Лекин сен бирорта расмий дин вакили эмассан. Но-расмий-ноқонуний миссионерсан-да, укам, бу ҳам ўзингнинг хоҳишингми, а лаббай?

— Ҳа, ўзимнинг эътиқодимни тарғиботаман, хоҳишим бўям.

— Хўш, эътиқодингдagi динингни айт, қайси дин?

— Христиан.

— Бекорларнинг бештасини айтибсан, христиан динига юртимизда фаолият юритишга қонуний рухсат

борм. Аммо сенинг эътиқодинг, сенинг сектант у динда ҳам йўқ, сенлар бузғунчи миссионерсанлар, энди тушундингми бу ерда нега келганингни?

— Менинг айбим йўқ.

— Сенда айб нима қилади, сен опшоқсан, Тожибекжон, опшоқсан, ҳамма айб бизларда, биз мусулмон ва христианларда. Чунки сен билган нарсаларни билмаймиз. Шунинг учун биз айбдормиз. Бизга ҳам ўртат, Тожибекжон, англ эътиқодингни. Гипнозингни ҳам ўргатасанми, Тожибекжон?

— Ўстимдан кулманг.

— Кулганим йўқ, Тожибекжон. Нима деб алдасизлар одамларни? Гуноҳингни сотиб оламиз дейсизларми? Ё Тангри сени танлаган дейсизларми? Қитоб, қўлланмаларинг Германияда чоп этилган экан, пуларинг кўп эканда-а? Нега аъзоларингга бошқа китобларни ўқима, телевизор кўрма, биздан бошқалар билан кўришма дейсизлар? Бошқа нарсалар билан чалғиб қолсаларинг Тангри мўъжизасини кўрсатмайди деркансизларми? Яна бир савол: сен кўп нарсани билар экансан-ку, айт-чи, нега секталарингдagi аъзоларинг кўпчилиги нафақахўрлар, эри йўқ бевалар, қизлар? Тожибекжон, шу саволимни бошқача қилиб берсам... Виждонинг қийналмайдими шуларни алдашга, ифлос? Ҳазил тамом. Ички ишларга ёзиб берган кўрсатмаларинг билан танишдим. Ментга у кўрсатмаларинг ўтмайди! Хойн! Кореяда ишлаган даврингдан бошлайсан, Москва, Ўзбекистон, Қозғистондagi ҳамма ишларингни ёзиб берасан. Тошкентдан сен ҳақингда маълумотларни олганмиз, алдашга урина кўрма! Тушундинг-а?

— Тушунмадим.

— Нима дединг?

— Қирғизча айтйман... Тушунмадим. Билганимни ёзиб берганман ички ишларга, мен бу йўлдан қайтмайман. Хоҳласаларинг ўлдириб юборларинг!

— Ўлдириб юборайлик? Кўрмас Тожибекмисан? Сени ҳеч ким ўлдирмайди, кўрмас. Осонгина ўлиб кетишингга ҳам йўл қўймаймиз. Ўлиш сентагга осон жазо. Қанча пенсионернинг уйини куйдирдинг?! Қанчаси гипнозингга даққа тушган? Бунинг учун ўзинг жағаб берасан, бошқа биров эмас! Нега кишини сектантга тортгансан, кимлар қанча ҳомийлик қилган? Булар жиноятми? Билатурсиб ўз юртдошларингга бунга даъват қилиб алдадинг, типноз қилдинг? Ҳаммасини айтасан, сайрайсан, кейин ёзиб берасан. Унгача бу ердан чиқмайсан. Ҳаммасини ёзганингдан кейин судга борасан, сўнг зонага кетасан. Ундан кейин ўласанми, қоласанми — мента фарқи йўқ. Сенга ўхшаганларнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Тушундингми? Қани, бир бошидан ёз! Битта йўлинг ёзиб қутулиш, иккинчи йўл — ўлиб қутулиш. У йўл зонада бўлиши мумкин, бу ерда эмас. Так что давай, бошла! Ҳали сен билан юзлаштиришим керак бўлган тўрт юз одам бор. Шеритинг Равшан ўлиб қутулди. Сента мен айтган битта йўл қолди, холос...

Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

Аҳмад Жанубий Корёдаги фаолпитидан кейин Абдуллоҳнинг юборган кўрсатмасига мувофиқ Қашқадарёда фаолит олиб бораётган гуруҳнинг Чироқчи туманидаги вакили эди. У гуруҳ томонидан вақти-вақти билан етказилиб турган кўрсатмаларини бажариши, қўлланма ва норасмий диний материалларини тарқатиши, ўша ҳудудларда тарафдорлар кўпайтириши вазифаларини бажариши керак эди. У ҳам бошқа шерикларига ўхшаб эҳтиёткорлик ва вазминлик билан ишга киришди. Бу орада Аҳмад оидали ва икки фарзандли бўлди. Гуруҳнинг мақсад

ва қоялари тавсирини анча-мунча тарафдорларни жалб қилиб, улар ўртасида ҳурмат ҳам қозонди. У ўз отасини ҳам бу йўлга бошлашга, мана, неча йиллардан бери уринди. Лекин отаси ўзига яраша илмига эгалиги боис ўғлига бу йўлнинг нотўғри, бола, синалмаган отнинг сиртидан ўтма, синалмаган дўстни дўст қилма деб бўйин эгмасди. Ўғли бўлса даъват қилишдан чарчамасди:

— Ота, кўзингизни очинг, ёпингиз олтишга етишти. Ҳали-ҳануз эътиқодингиз заиф. Ҳатто беш нақт намозни ҳам қойиллатиб ўқимасиз. Бизнинг жамоатга қўшилинг, ҳақ йўлга юринг, ота, кейин кеч бўлади. Эртага сўроқ-жавоб кўни нима деб жавоб берасиз?

— Эй ўғлим, сен чағамулларингдан ўрганиб турганга соқол қўйиб, эътиқоди зўр бўлиб қолдингми? Қандай жамоат экан сенинг жамоатинг, бир билайлик-чи, отасига гап қайтаралдинг, айт-чи, қайси дин у?

— Ота, керак бўлса, ҳақ йўлда сиздан ҳам воз кечиш буюрилган. Ўйлаб кўринг, кўча-кўйда сиздан уялман, эътиқод ва ҳидоят йўлига киришгга тезроқ, бошқаларнинг олдида нима деган одам бўлдим... Ана, сўранг, ота-онасидан воз кечганлар ҳам бор бизда...

— Сента минг марта айтганман, бу гапни гапирма деб, ҳатто кофирлар ҳам ўз ота-онасидан воз кечмайдилар.

— Сиз Аллоҳнинг олдида гуноҳкорсиз, шунга биласизми?

— Нега гуноҳкор бўлай? Ўттиз йилдан олди, мактабда дарс бераман. Сени шунинг ораасидан ҳалол ўстирдим. Яхши тарбия бердим. Мана, ўзинг ҳам Корёда ишлаб келдинг, Худога шукр. Ҳозир ҳам топиш-тутишинг яхши. Нима камимиз бор? Менинг юратимда эътиқод, имоним бут, бундан ҳеч хавотир олма сен. Қайтаганга мен сендан хавотир оламан,

болам, яна бир бузғунчи турухга кўшилиб, алданиб қолган бўлма. Жамоат дейсан, масжидга борганинг яхши, лекин алламаҳалгача қаерларда юрасан? Пулни қаердан олапсан? Масжид имоми ҳам охири пайтда сендан кўп шикоят қиладиган бўлди. Унга танбех берамишсан. У билсанг, эшонлардан, худди бизларга ўхшаб. Эҳтиёт бўл, бола. Уни давлат ишониб шу масжидга имом деб тайинлабдими, биллади давлат уни. Сен қироатни билволиб, ҳаммадан зўрман дейсанми? Тўғри, илминг бордир, ammo бу билан одам керилиб, имомга ақл ўргатиши керакми? Агар ақлингни йигиб олмас экансан, сен мenden эмас, мен сендан кечиншим мумкин... Бу жуда оғир гап бўлади лекин...

— Эй отаси, ундай деманг-эй, Худо сақласин, — деб тапта кўшилди айвонда буларнинг мунозарасини кузатиб турган кампири Хайри опа. — Сен ҳам бир гапдан қол-да, болам, отангнинг жаҳлини чиқармай. Ахир биз шундай тарбия берибмидик? Бир кун ўзингни ҳам, бизни ҳам жарга торгасан, болам, бу кетишингда. Отангнинг гапига кир, билмаса бир нарса демайди сенга. Қачонгача бизни қийнайсан, сен ўқитган китобларни бошқалар ўқимабдими? Фақат сен билганинг тўғри, қолганлар худобехабарми? Тўйиб кетдим шу гапларингдан ҳам... На отани биласан, на онани...

— Эна, отамга кўшилиб сиз ҳам нотўғри тапираве-сангиз, бир кун шу уйдан бош олиб чиқиб кетаман.

— Эй, нафасингни ел учирсин-эй. Ундай дема-я.

Сени шунинг учун туққанмидим...

— Ўғлим, мен сенинг отангман. Қайси ота ўғлига ёмонлиқни раво кўради? Ўзимдан ўтганини ўзим биламан, ҳатто онангга ҳам айтмайман. Сендан хавотирдаман, болам. Эрта бир кун ўзингни ҳам шарманда қиласан, бизни ҳам адоий тамом қиласан, болам...

Кечалари ухлай олмайман, ҳар хил хаёлларга бора-ман. Гап-сўзингдан яхшиликнинг дарвати келмапти, ўғлим. Намозинг бўлса ўқи, қанча эътифод қилсанг қил, лекин жамоат деганинг нимаси, масжиддан бошқа қанақа жамоатинг бор-а сенинг? Нимага бори-га шукр, йўғига сабр қилиб яшамайсан, нуқул нолиганинг нолитган. Имом Термизий ривоятига «Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсин-ки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан». Сен нимага яна жамоат дейсан? Ҳақ йўл дейсан. Сен билган нарсангни биз ҳам билармиз, мана, кичкина амакинг уястковой, у ҳам айтпти, Аҳмаднинг қадам олиши ёқмапти, ака, айтиб кўйинг, дейди. Бекорга ундай демаса керак у ҳам. Жигарим-ку, ичи ачиганидан ё бирор нарсани билганидан айтаётгандир ахир. Сен ҳали ёпсан, болам, ҳар кунни телевизорда айт-аппти, отоҳ бўл, деб. Юртимиздаги тинчликка ёмон кўз билан қараётганлар, фитна қилаётганлар ҳам бор. Шуларнинг қармоғига тушиб қолмасайдинг бир кунни сен бола...

Аҳмад ота-онасининг насихатларига қулоқ солма-ди. Ёнг асосийси, масжид имомига ақл ўргатиб, ҳа-войи гапларни тапириб юриб, атрофида тарафдорлар йиғилгандан кейин кибрга берилди. Ўшпирин фаоли-ят қоидаларига амал қилмай кўйди. Шу сабаб ҳам келишувга кўра, Россия орқали Туркияга йўл олиши керак бўлган Аҳмад Тошкент шахар халқаро аэро-портида анчадан буён кузатиб юрган махсус хизмат вакиллари томонидан кўлга олинди.

Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани.

Илбс ҳам Кореядаги меҳнат муҳожирлигидан ке-йин худди Аҳмад каби режа асосида Самарқанд ви-лояти Каттакўрғон туманида турух фаолиятини қўл-лаб-қувватлаётганди.

Илѐс ёшлитиди отаси оламдан ўтган эди. Уни ота ўрнида амакиси Икром ака катта қилган. Илѐс Кореяда ишлаб юрган дастлабки пайтларда онаси ва ёлғиз синглисига ёрдам бериб турди. Икром амакисига ҳам пул жўнатиб турди. Икром ака яхши хунарманд, топиш-тутиши ўзига яраша баракали эди. Шунинг учун ҳам унда Илѐснинг пул жўнатишига эҳтиёжи бўлмаса-да, жияним тарбияли ва жуда фаросатли бўлиб улғайибди деб, укасини хотирлаб кўзига ёш олиб эсларди ва бу ҳақда келиннига гапириб, уни ҳам алғаб қўярди. Икром ака эътиқодли, беш вақт намозни канда қилмайдиган, ислом динидан ўзига яраша хабардор, дину диёнатли, илмли кишилардан бири эди...

Илѐс ҳам Аҳмадга ўхшаб Кореядан келгандан кейин радикал диний оқим татсирига тушиб қолганди. Бу қараш аввалига амакисига сезилди. Кейин онасига ҳам. Икром ака билан кўп баҳс ва мунозара қилар, охириги пайтларда эса «ҳижрат» қилиб чиқиб кетаман, бу фарз, у дунёда нима деб жавоб бераман, у ёқларда (Афғонистон, Покистон, Яқин Шарқ) мусулмонларнинг қонини тўкишпти, деган гапларга ёпишиб олганди.

— Эй болам, сени нима жин урди? Гапирса фақат ўзингникини маъқуллайсан. Ахир бунақа бола эмасдинг-ку, Илѐс! Бу фикрларинг нотўғри.

— Сизники тўғрими унда? Кўрмалпсизми телевизорни, кўрсатишпти-ку?

— Кўришман, болам, кўришман. Улар террорчилар, улар бузғунчилар, бизнинг динимиздан узоқ одамлар, ваҳшийлар. Кўрбони қаримда ўзингизни ўлдирманглар (Нисо сураси, 29-оят). Фитна қотилликдан ёмондир (Бақара сураси, 191-оят). Эй имон келтирганлар! Ҳаммангиз тинчлик ишига киришингиз! (Бақара сураси, 208-оят) дейилган. Бунга нима дейсан? Агар билсанг, одамлар ўртасида итҳо тарқатиш, фитна чиқариш, адоват кўзғатиш, жангга етаклаб

бир-бирини ўлдириб динимизда ҳаром қилинган, бу жуда катта гуноҳ. Бориб айт ўша сента ўртаётганларга, нима дейишар экан. Ёки уларнинг кимлигини айт мента, мен керакли жойларга мурожаат қилай. Сенинг онгингни заҳарламасин, сен ҳам бировларнинг ҳаётини заҳарлама. Бола-чақали бўлдинг ахир, болам. Ундан кўра кел, мента ёрдам қил.

— Эй амаки, барибир мени тушунмайсиз-да, тор ўйлайсиз.

— Билганингни қил бўлмаса-ей.

Аҳмад кўлга тушгандан кейин орадан бир қанча вақт ўтиб, «Туркистон ислом ҳаракати» жамоати сафига қўшилиш мақсадида Қозғистон, Россия ва Туркия орқали раҳнамолари кўмагида Покистонга ўтиб кетишни режалаштирган Илѐсни ҳам кўлга олиш операциyasi ўтказилди. Илѐсни шахсан ҳибсга олиш операциyasi муваффақиятли амалга оширилмаган бўлса-да, операцияни амалга ошириш учун махсус хизматларнинг Илѐсни бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида кузатишгани орқидан Самарқанд ва Қашқадарёда яширин фаолият юритаётган элликка яқин жамоатнинг аъзолари кўлга олинди. Илѐсни ҳибсга олишда, у қуролли қаршилик кўрсатди, юз берган отишмада четарачи жароҳат олди. Илѐс эса ҳалок бўлди. Унинг икки фарзанди отасиз қолди.

Аҳмад Қашқадарёдаги «Шайхали» жазони ижро этиш муассасасида жазо ўташ даврида ҳам жиноятини давом эттириб, жамоатнинг мақсад ва фойдаларини тарғиб қилганлиги орқидан кўшимча жазо тайинланиб, Қорақалпоғистондаги жазони ижро этиш муассасасига жўнатилиди. У икки йил олдин афв этилди. Лекин ҳали-ҳануз хурмача қилиқлари туфайли ҳукукни муҳофаза қилувчи органларнинг назаридан қолмаган.

Сурхондарё вилояти. Термиз шаҳри.

Маҳаллий аҳоли тилида «Дайхона» номи билан машҳур ички ишлар хизматига қарашли шахсни аниқлаштирувчи маскан. Термиз шаҳар аэропортида «Шереметьево» халқаро аэропортидан учган самолётда йўловчи сифатида келиб тушган ота-бола Қўзиёевлар ушланди.

Суриштирув жараёни.

— Россияга нима мақсадда боргансиз?

— Ишлаш учун.

— Ёлгон гапирма.

— Ёлгон гапирганим йўқ.

— Раҳнамоларинг шундай деб ўргатдимиз? Гапир!

— Тушунмадим, ким у раҳнамо? Менга ҳеч ким ҳеч нарсга ўргатгани йўқ, командир, Ўзбекистон фуқароси бўлсам, мени нега бу ерга олиб келиб душманддай сўроқ қилишсизлар?..

— Тушунмадиммиш... яхшиликча гапирмасанг, шундай тушунтираманки, жуда тез тушуниб қоласан, хойн. Ўзбекистон фуқароси эмин, компьютерингдан нима чиққанлигини биласанми, а, галварс?

— Нима чиқибди, тушунмадим. Командир, кўрқитмай тушунтиринг-да бундай.

— Билмайсанми нима чиққанини? Ўзингни билмаганга солисанми? Буням биродарларинг ўргатганими? Мабодо қўлга тушиб қолсанг, шундай дейсан деб. Ўзбекистондаги «лох оперлар»ни алдайсан делими?

— Йўқ-йўқ, командир, ўлай агар ёлгон гапирарётган бўлсам.

— Қасам ичма-е... Шошмай тур, ҳозир ўғлинг-ни ҳам сўроқ қилолай, агар бор гапни айтмасанг, тутилганинга шундай пушаймон бўласанки, тоққа қўйганимдан кейин булбулдай сайрайсан. Ҳозирча шансинг бор, эй мараз, яхшиликча айт, сени ким

юборди? Компьютерингдани видеони қаерда, кимларга тарқатмоқчи эдинг?

— Командир, жон ака, мен компьютерни тушунмаيمان. Ўғлим кенжамаизга арзон экан ишлатилган бўлса ҳам деб 50 доллarga олди. Нима бор экан ичиди: портрафийми ё анавиндақа уятсиз киноми, а ака, нима бор... келишайлик... Керак бўлса шу компьютерни ташиб кетаман, компьютерсиз қолсин-эй шудар.

— Эй, гаранг, биринчидан, мен сенинг аканг эмасман, иккинчидан, гарансираб мени лох қилмоқчимисан? Ёшингни ҳурмат қилиб индамаётган эдим. Ҳозир кўрасан кўралитганингни. Сержанг! Обор мана бу геройни, тоққа қўй, ақли жойига келсин. Эй, сента ўшаганининг юзасини кўрдим, хойн... Ёш бола деб ўйлапсанми мени а, лақиллатиш қанақа бўлишини кўрсатаман сента!

— Командир, туноҳим бўлса кечиринг, бола-чақам бор, ростини айтдим сизга. Эллик доллarga сотиб олдик компьютерни.

— Кимдан сотиб олдинг? Исми борми? Россиядан топиб олиб келсам, иккалангнинг гапинг бошқача чиқиб қолмайдими?

— Бемалол, ёшим элликдан ошиб ёлгон гапирманми? Бир тожик боладан олди ўғлим. Ўзимиз билан кўрилишда бирга ишлаган.

— Олиб бор бунни. Ақли кирсин, кейин гаплашамиз. Ўғлини олиб киринглар...

— Ассалому алайкум.

— Ким исминг?

— Дилшод.

— Отангнинг исми-чи?

— Иззат.

— Сендан олдин кирган отангми? Аниқми?

— Ҳа, Ҳа, отам.

— Менга қара, тушунган болага ўхшайсан. Ёлгон гапиргани учун отангни ҳозир тоққа қўяди. Ҳазилла-

шаётганим йўқ. Шунинг учун менинг саволларимга тўғри жавоб берсанг, отангни ҳам қутқарасан, ўзингни ҳам, тушунарлими?

— Командир, ёрдам қилинг.

— Ёрдам қилишим сента борлиғи.

— Тушундим.

— Эй ука, барибир ота-бола иккаланг ҳам қамаласан. Агар тўғрисишни айтсанг, жазибанингни енгиллаштиришга ёрдам қиламан. Тушундингми?

— Наҳотки ҳеч нарса қилмаган бўлсак ҳам қамалиб кетаверсак, ака?

— Ҳеч нарса қилмагансан, сен давлатга, конституциявий тузумга қарши видео тарқатмоқчи бўлгансан. Тоҳир Йўлдошнинг видеомаршузаларини нега олиб қорибсан-а, айт-чи?

— Ким у Тоҳир Йўлдош?

— У сенларнинг раҳнамонинг, шундаймасми? Компьютерингдани ким, қачон, нима мақсадда берди, қачон алоқага чиқасан? Раҳнамонларинг ким — ҳаммасини бирма-бир айтиб берсанг, енгиллик бор, бўлмаса, кетасан ўн беш йилга, ма, Жиноят кодексининг 242-моддасини ўқиб кўр, саводинг борми ўзи? Қаерда ўқигансан?

— Коллежда.

— Эй коллежда ўқимай ўл, гарант. Айт бор гапни, вақтим йўқ сен билан ўйин ўйнашга. Бўл, сени ҳам ҳозир токка қўяман бўлмаса...

— Жон ака, ноутбукни элик долларга олдиқ. Ишлатилган экан. Ичиди нима борлигини қаердан билибмиз. Ишлатиб ҳам кўрганимиз йўқ-ку ҳали.

— Ким сотиб олди, отангми, сенми?

— Мен сотиб олдим.

— Отанг мен олдим деди-ку?

— Йўқ, мен олдим, отам фақат укангга бир компьютер олиб беришимиз керак-да, деганди.

— Қаердан олдинг?

— Ўзимиз билан ишлаб юрадиган бир боладан.

— Исмини айт, қаерлик бола?

— Исмни Ибод, тожикистонлик.

— Қаерда бирга ишлагансизлар?

— Теплицда.

— Неча киши ишлардингиз?

— Саккиз киши.

— Катталаринг ким эди?

— Каттамик йўқ. Шу теплицанинг эгаси.

— Миллати нима?

— Рус бўлса керак.

— Русми ё бўлса керакми?

— Рус.

— Ўша Ибод деганинг қайси оқимга аъзо?

— Нима дегани оқим дегани, ака?

— Билмайсанми? Қаллангга мана бундай мушт

тушса биласан!

— Билсам билман дейман-ку.

— Сержант, обор буни ҳам. Токка қўйсин, билатди,

билмаган нарсалари кўп экан...

Ота-бола токка қўйилди. Терловгача суриптирув акунланди. Уларнинг иши жиноят иши қўзғатиш учун терловга топширилди. Терлов жараёнида Россиялик хўкуфни муҳофаза қилувчи органлар ҳам корлигида ота-бола ишлаган жойда Ибод деган тожикистонлик йигит ҳақиқатда ҳам ишлагандлиги ва ҳозирда уни топишнинг иложи бўлмагандлиги ҳақида жавоб олинди. Шунингдек, Россия хўкуфни муҳофаза қилувчи органларда ота-болага нисбатан қораловчи маълумотлар мавжуд эмаслиги билдирилди. Ва ниҳоят, ота-бола билибми, билмайми қилган гуноҳлари учун суд ҳукми билан айбдор деб топилиб, тегишли жазоларини олинди...

Наманган вилоти. Наманган шаҳри.

Тергов изолятори.

— Ўртоқ бошлиқ, терговчининг талабномасида 159-маҳбусни сўроққа олиб бориш сўралган (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 159-моддаси билан айбланаётган Каримова Ҳалимани тергов изоляторидан сўроққа олиб бориш сўралган). Мумкинми?

— Олиб кириш.

— Ассалому алайкум.

— Ҳмм, қани, қаллангиз жойига тушдимиз? Эсланингизми? Ё яна камарата...

— Йўқ, йўқ. Билганимни айтаман.

— Агар ёлгон гапирсангиз, биласиз-а нима бўлишини?

— Биламан.

— Хўш, ким эди сизга варақаларни тарқатишни айтган?

— Тошкентдан келганди.

— Исми нима?

— Ёзал.

— Қардан танийсиз? Ким таништирган? Қачондан бери танийсиз?

— «Отчопар» бозорида танишганман, беш йилча бўлди. Ўша пайтда отчопарда савдо қиларди.

— Ҳозир қаерда?

— Ҳозир билмайман. Икки йилча бўлди кўрматанмга.

— Кўрсангиз танийсизми?

— Ҳа.

— Ёши нечада?

— Мендан ёшроқ эди.

— Аниқ айтинг!

— Мендан икки-уч ёш кичик бўлса, Ҳозир ўттиз икки ёшларда бўлса керак.

— Икки йилдан бери кўрмаган бўлсангиз, тарқатиб юрган китобларингизни қаердан олддингиз?

— Ёзал менинг манзилимни бир кинигга берган экан, шу одам тўрт-беш сўм пул эвазига шу китобларни олиб келиб берганди.

— Қанча экан тўрт-беш сўм пулингиз?

— Ҳар келганди 500-1000 доллар бериб кетади.

— Жами неча марта келган? Қанча пул олгансиз?

— 6-7 марта келган. 3-4 мингча бўлса керак.

— Пуллари нима қилдингиз?

— Рўзғорга ишлатдим.

— Яна бошқа шерикларингиз ҳам бор экан-ку, балки уларга ҳам бергандирсиз, тўғриси айтинг.

— Йўқ, мен бир ўзим тарқатганман, ҳеч кимга берганим йўқ.

— Компьютерни қаердан ўргатгансиз?

— Кўрсда ўқидим.

— Нима учун?

— Интернетда ҳам даъват қилсангиз, кўшимча пул берамиз дегани учун.

— Ким айтди бунни?

— Ўша одам.

— 7-8 марта келган бўлса, кимлигини сўрамаганмисиз? Нимага ўша одам-ўша одам деб билмагандай, танимагандай лағмон осасиз, исми нима, қаерда турдингиз?

— Унисини билмайман, билсам айтардим.

— Ёлгон гапирсан, ахшигина билсан, шунча пулни сенга, танимаган одамга ташлаб кетадими?

— Мени кузатган бўлиши мумкин.

— Нимани режалаштирганди ўша одам, сендан яна нима сўради, кўзингни пирпиратмай гапир бори-ни, хойн?

— Бир келганида ўзини ўлдиришга рози аёлни топиб беришимни сўради.

— Қандай ўзини ўлдиришни?

— Ўзини портлатадиган.

— Топлингми?

— Йўқ.

— Нега топмадинг?

— Топа олмадим.

— Қаерни портлатмоқчи экан?

— Ўнсини айтмади.

— Эсла яхшилаб, ўзимизда портлаш қилмоқчимиди ёки четдами?

— Ўзимизда, менимча. Қайсидир бозорда бўлса керак.

— Ўзи айтганмиди, қаердан биласан?

— Одам тавжум жой деганди.

— Одам топдингми, тўғрисишни айт! Агар бирор жой портласа, нима бўлишини биласан-а?

— Йўқ, топа олмадим, топмадим. Шундан кейин у одам ҳам келмай кетди.

— У одамнинг қўлга олганмиз. Шунинг учун кўринмай кетган сента, хонлар. Ўз ватанингга қарши чиқасан... Эртага сени Тошкентда юзлаштирамиз ўша одамнинг билан. Агар гапингдан қайтсанг, танимайман десанг ё портлатишни айтганини яширсанг, қара, итнинг кунини бошингга соламан. Тушдингми?

— Тушундим, тушундим, ҳаммасини айтман. Фақат менга ёрдам берсангиз бўлди. Бола-чақам бор...

— Бола-чақани вақтида ўйлаш керак эди. Беш-тўрт сўм пул учун бошқаларнинг бола-чақасини, она-онасини ўйламайсанлар. Сенларни ўйлаш керакми, сотқин, хонин. Қўлга тушмаганларингга нимадлар қилмасдинглар сен террорчилар... Одаммасан сенлар, манкуртлар, мана бу каллами, опқовоқми, кимга

қарши чиқсан, бир ўйлаб кўрганмисан аёл бошинг билан? Ўз ватанингга, ўз ота-онангга, ўз фарзандларингга қарши жиноят қилисанлар-ку! Эртагача яна қайта-қайта ўйла. Бирор нарсга ёлнингдан чиққан бўлса, айтасан, тушундингми-а?!

— Ҳа, тушундим.

— Олиб чиқинг камерага...

Тошкент шаҳри. Олмазор тумани.

Шокирининг мобиль телефони жиринглади. Хотини Сабоҳат (Солиҳа) кўнгироқ қилаётган эди.

— Ассалому алайкум.

— Бунча ҳовляқмасанг, Сабо, тинчликми?

— Шокир ака, почангиз бор-у, холангизнинг хўжайини — Малик акани икки-уч киши келиб олиб кетибди.

— Милицияданмикин?

— Формаси йўқ экан, фуқаролик кийимда дейишди.

— Ким? Қаерга олиб кетади?

— Жиноят қилиув бўлиминданмиз дебди, ички ишлар бўлимига олиб кетишибди.

— Ким айтди, нега онкетибди?

— Билмадим, опангиз айтдилар.

— Эҳ, аҳмоқ, тамом... Энди тамом. Сабо, айтганимдек, эсингдами, сента тушунтиргандим...

— Ҳа, ҳа, эсимда.

— Уйни саранжом-сарингга қилиб қўй, тушундингми-а?

— Ҳўй, ўзингиз қачон келасиз?

— Мен энди уйга бормай тураман.

— Нега? Мен нима қилай?

— Сен айтганимни қилиб, ҳеч нарсга бўлмагандай боғаларга қараб тур. Телефонимни ишлатмайман.

Сен ҳам ишлатмай тур, керак бўлса ўзим сени топан. Пул турган жойни биласан-а?

— Ҳа, биладан.

— Рўзғорга ишлат.

— Кўпга кетасизми, адаси?

— Йўқ, поччам тинчисин, қайтаман.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

— Сен ҳам эҳтиёт бўл, биров бир нарса сўраса ҳеч нарса билмайсан. Сента ўргатганларимни эсла, сўралса фақат шуларни айтасан...

— Ҳўп, майли. Лекин кўрқашман, энди нима қиламан, дадаси?

— Ўзингни бос, сен ҳеч нарса билмайсан, биз ёмон иш қилмаганимиз, тамом-вассалом. Сабо... ҳаммаси яхши бўлади.

— Ҳўп...

Ўша кўни Шокирнинг поччаси Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси терговда бўлган шахсининг кўрсатмасига кўра, ўз уйдан ушлаб кетилди. Шундан кейин Шокир ва унинг ақин ҳамтовоқларининг ҳам пайтавасига кўрт тушди.

— Шокир ака, эшитдингизми, поччангизни Жалил сотибди.

— Эҳ, Жалил, Жалил... Сента терговда нима дейишни айтгандим-ку, сенлар ҳам оғзингизга маҳкам бўлларинг, бутун кечга томон бирин-кетин Янги-йўлга чиқиб кетамиз, дачада кўришамиз. Сардор, сен қоласан, эртага поччамга адвокат ёллаб, вазиятни билиб турасан, тушундингми?

— Тушунарди.

— Поччам ўлса ҳам бизни сотмаса керак, кўп тайинлаганман, шундай бўлса ҳам ишончли адвокат топиб ана тайинлат, ўргатган гапларидан бошқа ҳеч нарса демасин?

— Ҳўп, шундай қиламан.

— Солиқ, сен кечгача бошқаларнинг номига билдирмасдан икки-учта сим кара олвол.

— Ҳўп.

— Қолган гапларни ўша ерда гаплашиб оламиз, омад ёр бўлсин ҳаммамизга, иншооллоҳ...

Шокир ва у ишонтан ана олти киши Янгиўллага дала-ҳовлида уч-тўрт кун писиб ётди. Ва ниҳоят, олтинчи кун саҳарлаб Сардор ҳам шаҳардан етиб кетди. Шокир уни кўтиб оларкан, дарҳол англиклардан сўради.

— Айтганингиздек, адвокат топдим, поччангиздан хабар олиб чиқди, кўнглингиз тўқ бўлсин. Лекин поччангизнинг адвокатага айтишича, масжиднинг имоми чақимчи экан. Кечга поччангиз билан юзлаштирибди.

— Йўқ-е...

— Ҳа, адвокат шу гапни топиб чиқди.

— Бизнинг уйда нима гаплар, кеннойнинг кўмадингми?

— Йўқ, кўрмадимиз, лекин тинч бўлса керак, адвокатнинг айтишича, поччангиз бизларнинг номимизни айтмаган. Ўзим водийлик танишларим билан ишлаганман дебди.

— Ҳа, яхши, биров хотиржам қилдинг одамни, Сардор, қани чой-пой ичволгин.

— Айтгандай, Шокир ака, барча ақинларини ҳам текширармиш деган гапларни эшитдим.

— Ким айтди?

— Ўша ердагилар.

— Буни биламан.

Шундан сўнг Шокир «Туркистон ислом ҳаракати» жамоатининг янги раҳнамосига кўнғироқ қилди. Янги раҳнамо асли тошкентлик бўлиб, ўн йилдан бери Афғонистон ва Покистондаги жангари гурӯҳларга раҳбарлик қиларди.

Шокир раҳнамога Тошкентда поччаси билан бўлган воқеани ва ҳозирги вазиятни айтиб берди. Шо-

кирта у янги топириқлар берди... Берилган кўрсатмалар беҳато бажарилмаса, қандай оқибатлар келиб чиқшини Шокир ва унинг атрофдагилари жуда яхши билгиларди.

Топириққа кўра масжиднинг имоми пичоқланди. Уни ўлдиришга жамоат аъзоларидан эмас, муқаддам ўғрилик ва босқинчилик учун бир неча бор «ўтириб чиққан», ҳозирда «наркоман» деган номни олган Икром танланди. Икромнинг кейинчалик терговга аён бўлган кўрсатмасига кўра у 3 000 доллар вавазига имомнинг кўксига пичоқ санчган. Ҳар қанча уриммасин, тергов буюртмачини топа олмади. Чунки буюртмачилар раҳнамонинг кўрсатмаси ва ёрдами билан Ўзбекистондан Тожикистонга ва Тожикистондан Афғонистонга ўтиб, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангарилари сафида фаолиятини бошлаб юборишга улуғлиганди...

Сабоҳатга етиб келган хатда «Сабо, болаларга яхшилаб қара, қолганини ўзинг биласан, кўришунча. Сизларни Аллоҳга омонат топириқим», деб ёзилганди, холос.

Тошкент шаҳри. Тергов жараёни. Юзлаштириш.

Терговчи аввал тўвоқларнинг бераётган кўрсатмалари тўғри эканини тасдиқлашни сўради. Тўвоқлар икром бўлишди.

— Фуқаро Ҳалима Каримова, фуқаро Ҳалилов Малик Мавлонович (Шокирнинг поччаси — холасининг эри)ни танийсизми?

— Ҳа, танийман. Лекин исм-шарифини билмасдим. Исмини айтмаган.

— Сиз-чи, фуқаро Малик Ҳалилов, фуқаро Ҳалима Каримова Носировнани танийсизми?

— Ҳа, танийман.

— Демак, сўроқ баённомасидати кўрсатмаларингизга эътирозлар йўқ. Шундайми? Энди сизларга бир-икки аниқлаштирувчи саволлар бераман, жавоб берасиз. Каримова, сизларни Малик Ҳалилов билан ким ўраштирган?

— Ёзиб беранман-ку, Ўзал деган аёл.

— Яхши.

— Ураштирган аёл Малик Ҳалиловнинг аёли

эканлигини билармидингиз?

— Йўқ, сизнинг хотинингизми Ўзал?

— Ҳа, хотиним.

— Сиздан анча ёш кўринарди-ку...

— Неча марта кўришганингиз, олди-бердиларингиз, портлатишга одам ёллаш ҳақидаги охириги учрашувларингиз — бу кўрсатмаларга кўшимчалар борми?

— Йўқ.

— Йўқ.

— Сиз жим туринг, Маликов. Каримова, Ўзал билан охириги марта қаерда кўришгансиз ва ҳозир қаердалигини биласизми, кўришган бўлсангиз нима ҳақда гаплашдингиз? Борини яширмай айтинг.

— Бу ҳақда Наманганда терговчига борини айтганман. Икки йилгча бўлди кўрмаганимга. Шундан кейин бу киши келиб кетарди.

— Тўғрими гаплари?

— Ҳа, тўғри, кейин четга чиқиб кетган ўйнаш топиб.

— Бу ҳақда Каримовга айтганмидингиз?

— Йўқ. Нима қиламан айтиб?

— Ҳозир қайси мамлакатда яшашини биласизми, ёлгон аралаштирмай тўғрисиини айтинг, барибир топибиз, биздан қочиб кета олмайдди, ёлгон кўрсатманинг оқибатини тушутиртганман-а сизга?

— Ҳа. Мен олдин ҳам айтганман, у қанжикнинг қаердалигини билмайман. Кўлимга тушса, калласини

олардим... Туркияга кетган дейишганди ёнидаги сав-
догарлар. Ҳозир қаердалигини билмайман, тўғриси.

Малайзия. Куала-Лумпур шаҳри.

Раҳнамоларнинг ёпиқ эшиклар ортидаги учинчи
яширин курултойи. Унда Покистон ва Афғонистон-
да фаолият олиб бораётган «Толибон», «Ал-Қоида»,
«Ваҳхобий»лар, «Туркистон ислом ҳаракати», «Ҳиз-
бут-таҳрир»нинг вакиллари, Яқин Шарқ мамлакат-
лари: Ироқ, Ливан ва Сурияда илдиз отган «Ироқ
ислом давлати» номи остида Ироқда тузилган тапши-
лот вакиллари (кейинроқ бу тапшилот Ироқ ва Шом
(Сурия) ҳудудларида халифалик тузилгани ва унинг
раҳбарининг халифа эканини эълон қилгандан сўнг
тапшилот номини «Ироқ ва Шом ислом давлати» –
«ИШИД» деб атади. ИШИД ўзининг халифаси деб
даъво қилган ер юзида ягона халифалик тузиш даъ-
вати билан чиқти ҳамда халифалик номини «Ислом
давлати» – «ИД» деб эълон қилди).

Шунингдек, эндигина жонланаётган «Жиҳат
ан-Нусра», «Мужоҳид биродарлар гуруҳи» ва яна Тур-
кия, Россия, Америка ва айрим Европа давлатларида
фаолият олиб бораётган 9 та экстремистик гуруҳ ва
оқимлар аъзолари бор эди.

Улар қаторида Марказий Осиёда яширин фаоли-
ят юритиб, мақсадлари сари ҳаракатланаётган ҳамда
курултойда «Ҳизбут-таҳрир» вакилининг маърузаси-
да янграган икки юз мингдан ортиқ тарафдорлари
бўлган турли оқим, гуруҳ ва жамоатлар вакиллари
иштирок этаётган эдилар. Хусусан, Ўзбекистондан
«Жиҳодчилар», «Жиҳодий», «Салафийлар», «Туркис-
тон ислом ҳаракати», «Ҳизбут-таҳрир», «Акроми-
лар», «Нурчилар», «Тавҳид ва Жиҳод катбаси» ва

«Таблиғчилар» диний-экстремистик тапшилотлар
ва норасмий диний жамоалар, Тожикистонда фао-
лият олиб бораётган «Туркистон ислом ҳаракати»,
«Ҳизбут-таҳрир», «Тавҳид ва жиҳод» оқимларининг
вакиллари, Қирғизистондаги «Ҳизбут-таҳрир», «Жай-
шуд Маҳдий» ва яна икки гуруҳ, Ызоғистондан
«Таблиғчи», «Жундул халифат» ва «Салафий» ақи-
дапарастлари, радикал гуруҳлар, Туркменистонда-
ги «Жиҳодчилар» ва «Жиҳодий», «Тавҳид ва жиҳод»
ислом амирлиги шаклидаги давлат қуришни мақсад
қилган диний-сиёсий гуруҳларнинг катта-кичик ва-
киллари ҳозир бўлишган.

Курултойда Покистон, Афғонистон, Яқин Шарқда
жанг олиб бораётган биродарлар – жиҳодчиларни
қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш ҳам
исломий давлат пойдевори учун аёлларни кенг жалб
этиш мақсадида «Жинсий жиҳод»га фатво берилди
(Жинсий жиҳод – жангари ҳаракатлар олиб борила-
ётган ҳудудлардаги жиҳодчиларни, биродарларнинг
жинсий эҳтиёжини қондириш ва шу мақсадда шаръ-
ий никоҳга киришга аёлларни шу ҳудудларга «ҳиж-
рат» этиш фарз эканлигига даъват қилиш). Фатво-
нинг муҳокамаси пайтида «Ироқ ислом давлати»
тапшилоты билан «Толибон», «Ал-қоида», «Ваҳхобий»-
лар, «Туркистон ислом ҳаракати», «Ҳизбут-таҳрир»-
нинг раҳнамолари ўртасида қизгин баҳс-муноза-
ра бўлди. «Ироқ ислом давлати» ва «Толибон»лар ўз
тапшилотларини ўтказма олдди.

«Ал-қоида» вакили «Ироқ ислом давлати» тапши-
лоты раҳнамоларини мақсадларга хиёнат қилган-
ликда, баъзи давлатларнинг махсус хизматлари
билан ҳамкорлик қилаётганликда, улардан кат-
та-катта маблағ олиб турганликда айблади. Ўз на-
вбатида «Ироқ ислом давлати» тапшилоты вакили
айни айбни «Ал-қоида»га ҳам ментгади. Ўртадаги

мунозара мушглашувга айланиб кетди. Иккала ташкилот вакиллари зўрға ажратиб қўйилгандан кейин «Ал-қоида» вакили қурултойни намойишкорона тарқ этди. «Ироқ ислом давлати» ташкилоти вакили уни йўқ қилиб юбориш билан дағдаға қилди. Шунингдек, «Жебхат ан-Нусра» ҳам «Ал-қоида»ни тарқ этишини маълум қилди.

Сўзга чиққан «Ўзбекистон ислом ҳаракати» раҳна-моларидан бири бarchа туруҳлар вакилларида қарата шундай деди: «Биродарлар, бир жинсли никоҳ, бачавозлик авж олапти. Ёвуҳи бўлиб турибмиз. Биз бу ерда бир-биримиз билан тортишиб турган бир пайтда ғарбдаги секта ва туруҳлар бизнинг худудимизда ниятларига етмоқда. Ҳар бирингиз биласиз, бугун жантоҳлардаги ҳаммаслақларимиз орасида ҳам бу нарсалар урчимоқда. Чунки ғарбликлар Интернет деган бағодан зўр фойдаланишпти. Тарғиботи яхши, шавқни, зинони кўрсатишти, бир жинслилар никоҳини тарғиб қилишти, бизни ваҳший қилиб кўрсатмоқда, биз эса бир-биримизнинг тўғштимизни емоқдамиз. Агар шундай давом этаверса, биз ютқазинимиз тайин. Биродарлар, амирлар, раҳнамолар, бунга қарши бир қарорга келмасак, ўйлайманки, яқин келажакда ҳеч ким бизнинг мақсадларимиз учун жант қилмайди, жонини бермайди, шахид бўлмайди. Бирлашшинимиз керак. Яқинда Германияда чоп этилган бир китоб қўлимга тушиб қолди. У ўрта Осиёда тарғиб қилинмоқда. Нема биз ўз юртимизни ғайридинларнинг секталари назоратига бериб қараб турибмиз... Бирлашмасак бўлмайди...»

Голландия. Амстердам.

Ҳанишер Ўзбекистон ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари кузатаётганлиги тўғрисида хабар топган

Достоннинг ёрдами билан аввал Россияга, Россия орқали Туркия ва Европада бўлиб, Амстердам шаҳрига етиб келди. Бу ерда уни ҳижоба ўранган истараси иссиқ, 30-32 ёшлардаги Ёзал исмига аёл кутиб олди. Ёзал асли Тошкентнинг Олмазор туманидан бўлиб, «Ақромийлар» жамоатининг аъзоси эди. У бу жамоатга турмуш ўртоғи Малик акани ҳам жабб этган. Зукко ўқувчи буни Тошкент шаҳрида ўтказилган теровнинг юзлаштириш сўроқ-жавобидан (Малик Халилов ва Ҳалима Қаримовлар) ҳам фаҳмлаб олди.

«Ақромийлар» жамоатининг ғараз мақсадлари амалга ошмай, уларга сиқоннинг ини минг танга бўлиб қолгандан кейин Ёзал Руминияга ва ундан кейин тақдир тақозоси билан эри ҳамроҳлигида Амстердам шаҳрига келиб қолишган. Ҳа айтганча, Ёзалнинг янги эри андижонлик қори Ибодуллоҳ эди. Бироқ Руминияга келгандан сўнг ўзи каби юртдан қочиб келган ва қилирувда бўлган жамоатнинг фаол аъзоларидан бири Ибодуллоҳ қорига иккинчи никоҳ билан турмушга чиқди. Андижонда Ибодуллоҳ қорининг биринчи хотинидан фарзандлари ҳам бор эди.

Эр-хотинлар Амстердамда Интернет тармоғи орқали жамоатнинг ғояларини тарғиб қилиш, «Ақромийлар»нинг «комил мусулмонни тарбиялаш» ниқоби йўлидаги радикал диний экстремистик ғоявий ботқоқига ўрта Осиё ва айниқса Ўзбекистон аҳолисини ботириш билан машғул эдилар... Мана, икки йилдирки, Ибодуллоҳ қори Сурияга кетганича қайтиб келмапти. Эрининг йўқлигида эса, Ёзал Рашид қори билан яшаб юришга мажбур бўлди. Чунки Рашидининг мажбурий қистовидан чиқа олмас эди. Рашид қори унга сени ҳукуқни муҳофаза қилувчи идораларга топшираман, эринг жангариларга — террорчиларга қўшилиб кетган деб қўрқитарди. Рашид қорининг

пасткашлиги шу даражага етгандики, Яқин Шарқ ва Покистонга кетган «Акромиё» сафдошларидан бир нечасининг аёллари ва қизлари билан айш қилиб юришни ўзига касб қилиб олди. Рашид қорининг Ўзал билан кўрқмай яшаб юришининг икки сабаби бор эди. Биринчидан, Ўзал исмига мос хушсурад жувон эди, иккинчидан, Ибодуллоҳ қори Сурия хулудлида ўқиб ҳалок бўлди деган гап тарқалган эди.

Ўзал Ғанишерни илғи кутиб олиб, уйига таклиф қилди.

Ўзал егулик келтирди. Чой ичилди, суҳбат ҳам қулоқ бўлди. Суҳбат давомида Ўзал тошкентлик, Ғанишер наманганлик экани ойдинлашди.

— Ўзбекистонимиз жуда ҳам ўзгариб кетганими? — деб сўради жувон.

— Ўзгаришлар катта, фақат биродарларимизга кун йўғ, мана шунинг учун ҳам мен бу ерларга қочиб келишга мажбур бўлдим, — деди йигит.

— Ғанишерманг, бир кун келиб бизнинг кўчада ҳам байрам бўлар.

— Ўзалхон, қачон жамоатга қўшилгансиз, бу ерларга қандай келиб қолдингиз, хўжайинингиз қаерда? Ўэр, аммо билгим келди-да, тўғриси.

— Эй, нимасини айтасиз, неча йиллардан бери сарсон-саргардон бўлиб шу шаҳарга келиб қолдим. Тошкентдан қочиб Туркияга, кейин Руминияга ва энди мана шу ерга жойлашиб турибмиз. Тошкентда биринчи хўжайиним ва икки фарзандим қолди.

— Фарзандингиз ҳам борми? Ўхшамайсиз...

— Ҳа, жуда ёш турмушга чиққанман, ўн еттига тўлар-тўлмасимдан узатиб юборишган. Икки фарзандим Тошкентда. Катта бўлиб қолгандир, уларни бир кўриб бағримга боғсам, армоним йўғ, жуда соғинганман.

— Сиқилманг, ҳали албатта кўришасиз болаларингиз билан.

— Иншооллоҳ айтганингиз келсин. Тақдир экан, иккинчи бор Руминияда Ибодуллоҳ қори билан никоҳга кирдим. Хўжайиним андижонликлар. Биринчи хўжайиним мендан ўн икки ёш катта эди. Ибодуллоҳ ака мендан саккиз ёш катта.

— Ҳечқиси йўғ, эркак киши аёлидан каттaroқ бўлгани ахши.

— Ҳа, шундай деб кўниб кетаверамиз-да биз аёллар, бошқа чорамиз ҳам йўғ. Шариат буюргани биз учун.

— Кимдан таҳсил олгансиз, Ўзалхон?

— Кўшнимиз Муқим аканинг аёлларидан ўқиб-ўрганиб юрдим. Охири дарсларимда «Жаннатга йўл» китобида ёзилган нарсалар бутун ҳаётимни ўзгаришиб юборди. Жаннатга кириш учун жамоатга қўшилиш, раҳнамоларнинг кўрсатмаларини бажариш фарзлгига ишониб қолдим. Лекин биринчи бор шу китобдан сабоқ олганимда бутун ҳаёт кўрқинчли бўлиб туюлган. Шунинг учун эрта турмушга чиқишга рози бўлдим. Қизлар бағоватга етган заҳотийёғ эрта тегиши, никоҳсиз юрмаслиги миёмта сингиб қолганди. Мана, икки никоҳимдан ҳам ҳаловат топа олмадим, жуда чарчадим. Энди менга барийбир, ҳеч нарсанинг қизиги қолмаган. Қачон ажал келиб мени олиб кетишини кутиб юрибман. Кечирасиз, сизга дардимни дастурхон қилиб юбордим.

— Нега унақа дейсиз, одам тафтини одам олади деган гап бор. Менинг ҳам дардим сизникидан кам эмас.

— Қани, Ғанишер ака, энди сиз ташириб беринг. Нега ёшласиз, оилангиз, бу ерларга қандай шамоллар учирди?

— Менинг ҳаётимда ҳам сизники каби саргузаштлар бисёр, ёзсам бир роман бўлар.

– Ҳали шoirман ҳам дент?
– Ёзувчи дент, шoirлар шеър ёзди-ку, мен роман ёзмоғчиман.

– Э бариибирмасми шoirми, ёзувчими — иккиси ҳам бир мента.

– Айтдим-қўйдим-да, Ёзалхон. Ёшим 33 да. Ойлам, икки нафар фарзандим бор...

– Қаерда ўқигансиз?

– Тошкентда, Миллий университетда ўқиганман.

– Бунча яхши! Бизнинг уйимизга яқин жойда ўқиган экансиз, Фанишер ака, талабалар шаҳарчасидан ўтганимда талабаларга бирам ҳавасим келарди. Нима ҳам қилардим, тақдир экан, афсуски, мента талаба бўлиш насиб этмади.

Фанишер Жанубий Кореяда ишлагани, жамоатга қандай қўшилгани ва кейинги ҳаёти ҳақида эринмай гапириб берди...

Суҳбат қизгин паллага келганда телефон қўнғироғи жиринглади.

– Ёзалхон, яхши юрибсизми? Телефонни Фанишерга берсангиз.

– Ҳўп, Довуд (Достон) ака.

– Фанишер, яхши етиб бордингизми, ука, бир муаммо чиқиб қолди.

– Тинчликми?

– Тинчликмас, Тоҳирни қамаб қўйишибди. Ҳамма-мизни сотаётган эмиш.

– Йўр-е?

– Ҳа, шундай, ишончли матбумот. Мен ҳам Швепцга қўчиб ўтаман эрта-индин. Бориб жойлашганимдан сўнг ўзим алоқага чиқаман. Ҳа айтганча, дўстим, амиримиз билан гаплашдим, сиз Ёзалхонни никоҳингизга олиб, унинг уйида яшаб турасиз, менинг сизга ёрдамим шу.

– Эри бор-ку, қизиқ экансиз...

– Ибодуллоҳ қори шахид бўлган-ку, Ёзалхон айтмаган бўлсалар керак...

– Йўр, айтмади...

– Ҳўп дўстим, гаплашамиз...

– Ҳўп, ўзингизни эҳтиёт қилинг...

* * *

Афғонистон, Фор айлоти, Тайвара тумани.

«Толибон» билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангари гуруҳи ва Афғон ҳукумати, АҚШ иттифоқчи қўшинлари ўртасидаги тўғнашув.

Эрта тонгда бошланган отишма шом маҳалпача давом этди. Жанг шиддатли кечди. Ҳукумат қўшинларининг қўли бағалд кела бошлади. Жангари гуруҳ аъзолари чекинишга мажбур бўлди. «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангари гуруҳи катта талафот кўрди. «Толибон» «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангариларини қолдириб, чекинишга улғурди. Бундан фойдаланган иттифоқчилар чекинаётган томонга фазодан зарба бериш режасини муҳокама қилишди. Эрталабки соат саккизларга яқин ҳукумат қўшинлари «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жамоатининг ортда қолган жангариларига қарши ҳужумга ўтди. Шу кунга жамоатнинг етминчдан ортиқ жангарилари ҳалок бўлди. Ҳукумат қўшинларида ҳам кам бўлса-да талафот бор эди. Иттифоқчиларнинг фазо зарбаси натижасида «Ўзбекистон ислом ҳаракати» раҳнамоси йўқ қилинди. Жангарилар бутунлай чекинди.

Шундан сўнг жамоатнинг янги раҳнамоси мартабаси учун жамоат ичиди зимдан кураш бошланди. Бунинг асосий сабаби бу жамоатда ўнга яқин давлатлардан жамланган жангарилар ҳаракат қилаётган эди... Ўзбекистонда жамоат сафларига қўшилган жангарилар ватандош раҳнамосини дафн этишди.

Шу тарифа жамоатда низо юзата келиб, Шокир Сардор ва ўзи билан келган бошқа сафдошларини олиб, Суриятига «Ироғ ва Шом ислом давлати» — «ИШИД» сафларига қўшилдилар. Шокирга «ўнбоши» сифатида 4000, сафдошларига 2000 доллар миқдорида маош бериладиган бўлди.

— Сардор, амиримиз билан гаплашдим, келиноининг Сабони ҳам олиб келмоқчиман.

— Нима қиласиз, ака, келиноинини бу ерларга олиб келиб, шароитни кўриб турибсиз-ку?

— Амир унга ҳам 4000 доллар маош тўлайдиган бўлди. Аёлимни соғиндим. Келса овқат-повқатимизни қилиб юради. Яқин ўртада барибир бу давлат халифалик давлати бўлади. Кейин болаларимни ҳам олиб келаман. Шу ерда яшайман, ука.

— Билмадим, ака, сизга бирор нарса деб ақл ўрта толмайман. Агар имкони бўлса, мен Тошкентга қайтиб борардим. Ота-онам, укам, синглим Зилолани жуда соғиндим, кап-катта қиз бўлиб қолгандир ҳозир.

— Ҳа, катта бўлиб қолган. Лекин Сардор укам, тақдиримизга Аллоҳ буюрган экан, шу ер ватанимиз бўлади энди. Тошкентга қайтиб борсак ҳам умримиз қамоқда чирийди. Шунинг учун хом хаёлларга берилма, пешонада борини кўрамиз энди. Бу ерда бўш кетма, бўш кетсанг, бошингга чиқишади. Кўрдинг-ку, россиялик, европалик, ҳатто хитойликлар ҳам шу ерга келишган, биз билан бирга жанг қиляпти. Сардор, аёлларни айтмайсанми, аёллари ҳам келган-а. Шу дейман, улар ниманидир биллишади ё маоши биздан анча каттами дейман-а?

— Билмадим, бўлса бордир.

— Ўйга пул юбордингми?

— Мен синфдошимга юбориб турибман, адам билан гаплашгандим, олиб турибмиз дедилар пулни.

— Ҳа, яхши қилибсан?

— Сиз-чи Шокир ака, кимга юборишсиз?

— Сабога.

— Билиб қолишмасин тагин.

— Билишмайди, бошқа кишининг номидан кетяпти пул, мени ҳамма Афғонистонда ўлиб кетган деб юришган экан.

— Ҳа, мен ҳам эшитдим шу гапни, мени ҳам шундай дейишаркан ўртоқларим.

— Майли, сиқилма, биз ҳақ йўлдамиз, укам, ҳали ажру савобларини ҳам кўрайдиган кунлар келиб қолар... Дostonнинг кўмаги билан Шокирнинг аёли Сабоҳат (Солиҳа) Туркия орали Суриятга, Шокирнинг ёнига эсон-омон етиб келди. «Жиҳод»га келган бошқа аёллар қаби Шокирнинг ва унинг шерикларининг у-бу юмушларини қилиб юрди. Сабоҳат келганига мингдан-минг пушаймон бўлса-да, ойлик маошини олиб уйига жўнаттач, бир оз таскин толиди. Ва яна эрининг ёнидалиги ҳам унга далда беради. Хаёлининг бир четида эса, қани энди бу кунлар тезроқ ўтиб, уйга анча-мунча пул тўшлаб борсак-да, ҳаётимизни ўз юртимизда тинчгина ўтказсак, деган орау айлана-верарди...

Шеуца. Стокгольм.

Амир ва раҳнамоларнинг ёпиқ эшиклар ортидаги учинчи яширин кўрултойи.

Кўрултойда сўзга чиққан Зиёдий ўрта Осиёдаги аҳвол юзасидан ахборот берди.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракатуҳ. Азиз амирлар ва раҳнамолар, ўрта Осиёдаги иккинчи босқич режимизни амалга ошириш дарғумон бўлиб қолди. У ерларда куч ишлатар тизим бизнинг бу уринишимиздан воқиф бўлиб, ҳаракатларимиз-

ни пуча чиқаряпти. Одамларимиз кўлга олинб, қамоқхоналардаги ва меҳнат муҳожиротидаги биродарларимиз амаллари оид кўп нарсадан хабардор бўлипти. Энди бу усулларимиз ўтмайди. Бунга барчамиз яхши билиб турибмиз. Шунинг учун ҳам айни дамда бизнинг сафимизга қўшилган биродарларимизни йўқотиб қўйиб хавфи юқори. У давлатларнинг муҳожиротидаги ва қочқиндаги фуқароларига агар юртига қайтиб борулдек бўлса, муқаррар энг оғир жазо кутаётганлигини унутишимиз лозим. Шу йўл билан уларнинг сафимизни тарқ этмаслигини таъминлашимиз мумкин. Интернетда у давлатларда қамалган биродарларимизнинг тарғиботини қилиб, сафимизда юрган биродарларимизни қайтиб бормаслигига ундашимиз даркор.

Россиядаги меҳнат муҳожирлари орасида у давлатлардан келган кўплаб фуқароларнинг спиртли ичимликларга мойиллиги ҳам бизнинг савъ-ҳаракатларимиз натижаси паслигига сабабдир. Агар амир ва раҳнамоларимиз руҳсат берсалар, биз Ҳақ йўлда уларга ҳаром қилинган ичимликни ичишга ҳам тўсқинлик қилмай, сафимизга қўшиб, вақт ўтатиши билан уларни содиқ қилмоғимиз мақбул. Бунинг яна бир жиҳати шуки, биздаги маълумотларга кўра, у давлатларнинг куч ишлатарлари айрим ҳолларда гумонсиратган биродарларимизга ҳаром ичимлик тутқазиб синаб кўрар эмиш. Агар уни ичмаса, демек, бизнинг сафларимизда деган хулосага бораётган эканлар. Агар биродарларимизга ичимликка ҳам руҳсат қилсак, ҳам куч ишлатар тизимларни чаплаган, ҳам ўз мақсадларимизнинг рўёбини сир тутган бўлар эдик.

Яна бир бизни хавотирга солаётган жиҳат шуки, Интернет орқали тарғиботимиз давлатлар махсус тапшиқлогларининг қатъий назоратида турибди.

Тармоқ ва профилларимизга у ерларда «тақир» қўйилмоқда. Бу масалада ҳам бош қотиришимиз керак. Энди сўзга чиқишимнинг бош асоси бўлган зарур масала хусусида. Ўйниким, бизнинг жамоатларимиз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган давлатларнинг махсус хизматлари бизга маблаг ажратиб, айрим ишларни қилишимизни таклиф қилмоқдалар, бу маблаглар бизнинг мақсадимиз йўлида сарфланса, кудратли халифалик сари қадам бўлади. Ҳозирча бизнинг ўрта Осиёда икки юз мингдан кўп тарафдорларимиз бор. Уларни ҳаракатга келтиришимиз учун ажратилаётган маблаг айни пайтда биз у юртларда келажакда ислом давлати барпо этишимизга ҳам кафолатдир. Бу масала юзасидан бутун амирларимиз ва раҳнамоларимиз бир тўхтамага келишлари фойдасиздан холи бўлмайди.

Шахсан мен Яқин Шарқда ғалаба қилишимизга ишонмай қолдим. Бунга асосларимиз ҳам етарли. Маълумотларга кўра, бу ерда тегмон давлатлар аралашуви бошлангани бизнинг мақсадимиз амалга ошмаслигини аниқламоқда. Гапнинг қисқаси, менинг таклифим, Яқин Шарқдаги ҳаракатимиз билан чекланиб қилишимиз бизни тез орада ҳалокатга бошлайди...

Андижон вилояти, Тўрақўреон тумани. Соат тунги икки.

– Дадаси, турунт. Ҳовлида кимдир юрибди.

– Ким юрарди, Тоҳирдир-да.

– Йўқ, йўқ, турунтг дедиман. Вой турунт, дадаси, маска таққан одамлар юрибди, келипти биз томонга, турунт, қарант.

Тоҳирнинг отаси Саттор ака деразадан қарагунча, ниқоб таққан, ҳарбий формага ўхшаш кийим кий-

ган кишилар уйга киришга улгурди. Саттор ака ва Тоҳирнинг онаси Мағоҳат опа кўрувудан нима бўлаётганлигини фаҳмламай ҳам қолишди.

– Кимсизлар, нима керак сизларга?

– Тоҳир ўғлинигиз қани?

– А-а, ётибди ўз хонасида... Нима қилди ўғлим?

Шу пайт шовқинни эшитиб, Тоҳир ҳам уйғониб, ота-онаси ётадиган хона томонга келаётган эди.

– Тўхта, исминг нима?

–...Тоҳир, кимсизлар, нима қилишсизлар бизнинг уйда?

– Икки кўлингни тепага кўтар, биз кўрайлик.

– Ўтирил девор томонга, кўлингни деворга кўй.

– Мана, мана, хўп.

Тоҳир икки кўлини деворга кўйдди.

– Ўшанни тақ.

– Хўп бўлади...

Тоҳирнинг кўлига кишан тақилди.

– Ўғлимни қаерга олиб кетасизлар?

– Ўғлинигизни бўлимга олиб кетамиз. Жиноят қидирувданмиз... Бир-иккита саволларимиз бор. Эртага қайтиб келадди. Ваҳима қилманг.

Анджонк вилояти, Анджон шаҳри. Суриптирув жараёни.

– Сени бу ерга нега олиб келганимизни биласан-а,

Тоҳир?

– Йўқ...

– Ҳанишер қаерда?

– Қайси Ҳанишер?

– Саволимга савол билан жавоб берасанми, а, эй, сен хўроз? Ҳали қаердалигини билмайман ҳам дерсан-а?

– Қайси Ҳанишер, аниқроқ айтинг-да, билмасам, кимни сўрайсиз?

– Ҳанишер деган танишларинг шунча кўлими, шеринг Ҳанишерни сўрайшман, «биродаринг»ни... Ҳа, биродар, тушундингми энди кимни сўраётганимни?

– Ҳанишерни ақин ўртада кўрганим йўқ.

– Нега кўрмас экансан? Ҳозир шундай эслатаман-ки, қачон кўрганингни бир умр ёдингдан чиқмайдиган бўлиб эслаб қоласан. Ҳанишер қаерда деб сўрайшман сендан, яхшиликча айт. Бўлмаса, бошингга ит кунини соламан, эшитасанми?

– Тўғрисишни айтшман, мен уни кўрганимга анча бўлди. Икки йилдан ошди.

– Ёлгон гапирма, охири марта сўрайман, айтмасанг, бошқача гаплашаман сен билан, подвалда тушунтиришадди, кейин чиқасан мул्ला минган ашакка ўхшаб, ана кейин булбул бўлиб сайрайсан. Ишонмансанми? Пушказга олапти деб ўйлашсанми, эй хойн, террорчи?

– Йўқ, биламан, эшитманман. Лекин Ҳанишернинг қаердалигини билмасам, қандай айтаман? Уйини биламан, телефон рақами ҳам бор, аммо гаплашганим йўқ анчадан бери, ишонмасангиз текшириб кўринг.

– Сен айтмасанг ҳам текшириб кўрамиз, сенинг телефонинг қачондан буюн «прослушка» далигини биласанми? Нимани, қачон гаплашганингни ҳам биламиз, лекин ўзингдан эпитмоқчиман. Ўзинг яхшиликча айтиб бер, бола, вақтни чўзаверма! Тушундингми?

– Ҳа, тушундим, Ҳанишер билан анчадан бери гаплашганим йўқ. Қаердалигини билмайман. Билсам ҳам айтмасдим.

– Нега билсанг ҳам айтмасдинг?

– Ҳа, айтмасдим, мен бировни сотмайман. Адвокат керак менга. Адвокат келмаса, ҳақиниғиз йўқ мени сўроқ қилишга.

– Йўғе, хукуқимни биламан де, ўргатилганман яхшилаб дейсанда-а?

– Йўқ. Ҳеч ким ҳеч нарса ўргатмаган менга.

– Ўргатганим, ўргатмаганим, менга бир тийин. Бу ерда сен учун терговчи ҳам, адвокат ҳам менман. Ик-када кулоғинг билан ҳам яхшилаб эшитиб ол, қачон мен рухсат берсам, адвокат келади, рухсат бермасам, келмайди. Рухсат беришим учун менга Ғанишернинг қардалиги, қачон кўришганинг, нималарни режа қилганларингни айт! Туркиядаги «ошна»ларинг бор-ку, ким эди улар?

– Билмадим.

– Жуда яхши биласан, вақтни чўзиб, терговни чалғитаверсанг, ўзингга қийин бўлади, жазонинг оғирлашади холос, ука! Бўлди, келадиган жойингга келиб бўлдинг, бу ердан чиқмайсан, чиқсанг тўғри «зонага» кетиш учун чиқасан.

– Нима айб қилибман қамалдиган?

– Йўқ, сен айб қилмагансан, фаришгасан, айбони биз қилишимиз, сиздек беайб одамни нотўғри олиб келиб сўроқ қилишимиз, бекорчи вақтимиз кўп-да ёки қиладиган ишимиз йўқ, зерикашпимиз, шундайми?

– Ундай демоқчимасман, мен ҳеч қандай жиноят қилмаганман дегиман, холос.

– Мен ҳам шунни айтаяпман-да, сен жиноятчи эмассан, сени тавakkал ушлаб келдик, ишимиз йўқ-лигидан. Андижонда икки миллиондан ортиқ одам бор, сен тасодифан учраб қолгансан бизга, шундай демоқчимисан?

– Йўқ. Нима жиноят қилдим, айтинг унда?

– Айтайми, яхши. Экстремистик гуруҳ аъзосисан, давлат қилгансан, неча кишини йўлдан ургансан, биродарларинг билан халифалик давлати қураман дегинглар, ислом давлати қиламиз дегинг, раҳна-моларинг билан қанча-қанча ёшларимизни Сурия-та олиб бориб, жанг қилишга давлат қилдинг, лекин буларнинг ҳеч бири сен учун жиноят эмас, тўғрими? Нега жимсан, айт, тўғрими?

– Мен бу айтганларингизни қилмаганман.

– Қилмагансан...

– Йўқ.

– Демак, сени адашиб олиб келганмиз... Эй, менга қара, агар шу ишларни қилмаганингда бу ерга олиб келинмас эдинг... Сени оғоҳлантирдим-а, яхшиликча айт дедим, кўнмадинг-а, тўғрими?

– Ҳа.

– Зўрман де ҳали, «герой»...

– Зўр эмасман.

– Сержант, олиб бординг буни камерасига. Кейинроқ айтаман бу хўрозни қайси камерага ўтказишни, сайроқи бўлбул бўлиб келади олдимга ҳали...

Кейинги кун.

– Қани, «герой», камерада қандай бўлди? Маза қилиб дам олдингми? Менга айтадиган гапинг борми?

– Нимани айтишим керак?

– Кеча камерада айтганларингни.

– Кеча камерада ёзиб бердим-ку.

– Ёзганинг бошқа, ўз озингдан эшитмоқчиман.

– Ғанишер қарда?

– Менга Туркияга кетаман деганди.

– Туркияга? Россияга эмасми?

– Йўқ, Туркияга.

– Нима учун?

– Билмадим.

– Гапини айлантирма, яхши биласан.

– Қочиб кетмоқчиман деди.

– Йиша, энди ўзингга ўхшапсан. Нимага қочиб кетаман деди?

– Милитция менинг орқамдан тушди деди.

– Ҳа, баракалла. Нега орқасидан тушганини айт-димми?

– Йўқ.

— Муғомбирлик қилма, энди сенга нисбатан фирим ўзгараётган эди, ўзингга қийин қилма, бола, сенга бир ёрдам қилай, худди сен қилган ишларни у ҳам қилган. У Наманганда, сен Андижонда. Нима, арқонни узун ташлаб қўйганимизга булар ҳеч нарсани билмайди деб ўйлапсанларми? Билиб қўй, сенинг кўрсатманг менга умуман керакмас, ўзим ҳам яхши билман — нимага, қаерга кетганини, фақат сендан қўшимча бир нима билсанг айт, деб сўрапман. Тўғрисини тапирсанг, ўзингга яхши бўлади, ука!

— Мен фақат шуни билман — Туркияга кетаман деди.

— Туркияга кимнинг олдига кетди, ким чақирди уни?

— Бунисини билмайман.

— Биласанми, ука, айтавер, энди айтдинг, охиригача айт.

— Билганимни айтдим.

— Достонни қаердан танийсан?

— А...

— Ҳа, кутмагандинг-а, нима, билмайди деб ўйлагингми, кўрдингми алдамапманми? Эй укам-ей, укам, қорибсан-да сен ҳам нонни «нана» деб... Шунинг учун сен ҳам саволларга жавоб бер...

— У билган Жанубий Кореяда бирга ишлаганмиз.

— Ҳўш, кейин-чи?

— Шу... шунда танишганман.

— Давом эт.

— Танишдик, ишлаб юрдик, кейин масжидга қатнадик, намоз ўқидик...

— Масжидга қатнаш, намоз ўқиш гуноҳ эмас, бемалол ўқийверинглар, ким ҳалай беради? Агар билсанг, энг кўп масжид Ўзбекистонда, сенлар, ношуккур, нонкўрлар... Нимани ҳам билардингларинг, одам ҳам шунча лақма, содда бўладими? Нима бўлган бўлса

бўлди, энди қонун олдига жавоб берасан, укам. Тезроқ савол-жавоблардан қутулай десанг, менга ким сенларни истомий давлат қуришга, Ўзбекистон конституциявий тузумига қарши даъват қилганини айт.

— У туркиялик эди.

— Исми ким?

— Абдуллоҳ.

— Абдуллоҳ... арабми? Туркми?

— Турк...

— Асл исми бўлмаса керак бу... Ҳўш, ҳозир қаерда ўша Абдуллоҳ деганинг?

— Кореяда бўлса керак.

— Аниқми, алдамапсанми?

— Йўқ, нимага алдайман. Охириги кўрганимда Кореяда эди.

— Охириги марта қачон кўрдинг, Кореядан кетганингдан кейин кўрдингми, гаплашдингми?

— Йўқ. Кўрганим ҳам, гаплашганим ҳам йўқ.

— Достон қаерда ҳозир?

—...Туркияда бўлса керак.

— Керакми ё аниқми?

— Аниқ бўлса керак.

— Эй, довдир. Аниқми дедиман?

— Аниқ...

— Аниқ эмас-да, укам, аниқ эмас, у Европанинг қайси бир давлатида қорибди, чучварани хом санаб. Мен сенларга ҳайронман, нима, сенларнинг ота-онанг йўқми? Ота-онангни ўйламайсанми? Давлатга хонлилик қилсам, улар қандай кунларга қолади, даъватлар эшитмайдими мен учун деб ўйламайсанларми?

— Мен адашганимни тушуниб етдим, ака...

— Тушуниб етганинг йўқ. Бир ўйлаб кўр, нима, бошқалар сенлар билган нарсани билмайдими? Нима учун улар қилмайдиган ишни сенлар қиласан?

Бунинг учун катта калла керакмас, шуңча ақлими-сизлар – бошқаларга маълум бўлмаган нарсаларни биладиган? Сенларнинг шу хатоларингизни деб қанча-қанча беғуноҳларнинг уйи куйиб кетяпти. Ахир урушга, одам ўлдиришга даъват этиш гуноҳ-ку ё гуноҳмасми?

– Гуноҳ...

– Сен бир нарсани яхшилаб миёнига қуйиб ол, ука. Ислом дини нуқтаи назаридан ким, қайси миллат, қайси дин, қайси давлат вакили амалга оширишидан қатъи назар, бундай ишлар оғир жиноят. «Жиход», «халифалик», «хижрат» каби тушунчаларни бузиб ишлатишнинг ўзи ислом динига қилинган разиллик. Худонинг нафратига учрашдан кўрқмайсизларми сенлар?

– Кўрқаман.

– Ё сен ҳали ҳам ўша бирёқлама фикрдамисан?

– Йўқ.

– Ҳа яша, Куръонни ўқимагансан-да, кўр-кўрона кириб кетгансан алдов гапларга, пуҷ ваъдаларга ишониб, нима ватда қилишди ўзи сента раҳнамою амирларинг?

– Ҳеч нима.

– Ҳеч нима? Кореддан келганингиз неча йил бўлди, тоғ ишлаб келган бўлсангиз ҳам ейилиб кетарди, ҳозир сен ҳеч қаерда ишламайсиз, пулни қаердан топишсан, осмондан тушмаётгандир ё осмондан тушаётгани сента?

– Йўқ, ишлашман...

– Аллама, ҳеч қаерда ишламайсиз, нима қилиб юртанингизни биланмайсиз, яхши тапираётганимизда ёлгон тапириб асабимизга тегма, ука, маблагингиз қаерлардан айланиб сенларга етиб келишди, сенлар йиғайтган ҳомийлик маблагларингизга нима деб ном қуйиб олгансанлар... «Байтулмола»га, яна нимага, «Табарру-от»га деб йиғасизларми?

– Йўқ, «байтулмола»га деб мен йиғмайман.

– Ким йиғайди?

– Билмайман ким йиғишини, мен ҳеч аралашмаганман.

– Достон журанг раҳбар экан-ку пул йиғишга, сен билмайсанми? Ука, билганингизни айтавер, айтдим-ку сента, ҳаммасини билиб оламиз бари бир. Нимани ишрайётган бўлсангиз, айт, ўзингизга қийин қилима.

– Билганларимни айтдим, кеча камерадати акага ҳам айтдим ҳаммасини.

– Ўша камерадати акангиз айтганларингизни ҳаммасини ёзиб берасан. Мана қоғоз ва ручка, ҳеч нарсасиздан чирмайсиз, хўш, агар хоҳласангиз, яна ўша камерага юбораман.

– Йўқ, керакмас, ёзиб бераман.

– Яхши, ёзиб бер-чи, кўрамиз. Достон ҳақида ҳам билганларингизни ҳаммасини ёз, хўшми?

– Хўш.

– Айтиб қўй, ука, вақтингиз бематол. Ҳали «зона»га улгурасан, жамоатнинг ҳалқа йиғилишлари қаерда бўларди, ким нима дерди, раҳнамоларингиздан қандай кўрсатмалар келарди – ҳамма-ҳаммасини шопилмай, каллангизни бир жойга қуйиб ёз. Хўш, хўш деб тагин алдашга уринма, мазангизни қочираман.

– Хўш, билганларимни ҳаммасини ёзиб бераман...

Германия. Бонн шаҳри.

Амир ва раҳнамоларнинг ёпиқ эшиклар ортидаги тўртинчи яширин кўрултойи. Норасмий халифа ўринбосари сўз бошлади.

– Ҳурматли амирлар ва раҳнамолар. Гувоҳи бўлаётганингиздек, Яқин Шарқни ҳам бой берипмиз, халифалигимиз инқироз ёқасига келди. Бизнинг сафларимизда жанг қилаётган шахид кетган биро-

дарларимизнинг бекорга жон бермаганини алоҳат та исботлашимиз керак. Сафимизда катта йўқотиш бўлди. «Жибҳат ан-Нусра» каби жамоатларимиз «Ал-Қоида»дан ажраб, кейин барчамизнинг бош мақсадимиз йўлида фойдалан кўра зарари кўп тегди. Аравани ўзи томон тўртиб, мана бүгун ўн беш мингдан ортиқ аъзосидан беш мингга ҳам қолмади. Бу ўзбошимчалик, очқўзлик оқибати барчамизга сабоқ, олий мақсадимизга тўғанок бўлди. Қолган жамоатлар ҳам кучимизни бирлаштириб, халифалик давлати барпо этиш ўрнига нефтнинг катта миқдорини, газни назорат қилиш пайида бўлиб, шахсий бойлик орттиришга берилиб кетдик. Ғарбнинг ажра-таётан садақа пул-ёрдamlарига ишониб қолдик. Мустаҳкам, кучли армия ва ҳукумат туза олмадик. Сафимизга мутахассисларни етарлича тўплай билмадик. Бунинг устига-устак жоҳиллик қилиб, Суриядаги музей осори-атиқалари, санъат буюмларини сотиш билан шуғулланиб, халқнинг ғазабига учрадик. Қани, ким айтади: нега Жанубий Европададан Марказий Осиёга халифалик давлати яратилди, мақсадимизни унутдик?

Энди асосий эътиборимизни уч йўналишда давом эттиришга мажбурмиз. Биринчи йўналиш, жанубий Афғонистон орқали Марказий Осиёга кириб бориш. Иккинчи йўналишимиз Марказий Европани кўрқувда ушлаб туриш, доим бизнинг бош мақсадимизга эришиш йўлидан Европа мамлакатларини чаплатиб туришимиз керак. Учинчи йўналишимизни эса, вақти етиб келмагунча қадар Шарқий Осиёда давом эттиришимиз даркор. Бу ҳудудда савдо йўларини кўлга киритиш орқали ҳукуматларга таъсир ўтказишни ўйлашимиз керак.

Сиз ва бизга яхши таниш бўлган Абдуллоҳ суъата чиқди. Абдуллоҳ Австриянинг Вена шаҳрида қурул-

тойнинг Марказий Осиёдаги кўрсатмаларини бажаришга масъул амирлардан бирига айланганди.

— Ҳўматли амир ва раҳнамоларимиз. Мен айтмоқчи бўлган хабар ҳам қувонарли эмас. Бугун Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда қилган шунча савй-ҳаракатларимиз саробга айланмоқда. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти бизнинг сафдошларимизни ҳукуматга дўст қилиб олмақда, не-не машаққатлар билан ҳукуматга, Ўзбекистонга қарши курашга шайланган юз мингта ақин биродарларимиз бизнинг салимиздан чиқди. Сурия, Ироқ, Туркия, Афғонистон, Ливия, Россия ва Америкада муҳожиротда юрган Ўзбекистон фуқаролари ҳам юртига қайтмоқчилар.

Динга буткул ижозат берилибди, Қуръони карим мусобақаси, Қуръонни ўқитиш, ёшасига илмдан бохабар қилиш бошланганимиз, бу бизнинг ишимизга қатъатқич зарба бўлди. Бунга тан олайлик.

Биринчи навбатда муҳожиротдаги ва сафимизда туриб жангу жадалларда юрган бу давлатлар фуқароларини қандай йўл билан бўлмасин, олиб қолишимиз шарт. Аксинча бўлса, барча режаларимиз хомхаёл бўлиб қолаверадди... Интернетда қилётган ҳаракатларимиз ҳам биз кутганчалик самарасини бермаётир. Айни дамда Россиядаги меҳнат муҳожирларини давлатга чорлаш учун йўлга қўйган веб-сайтларимиз ҳамда «Facebook», «Youtube» ва «Telegram» ахборот ресурслари ва ижтимоий тармоқлардаги «Абу Садоҳ дарсликлари», «Жаннат ошпазлари», «Шом овози», «Тавҳид ва жиҳод», «Туркистон», «Нажот», «Усули фикр», «Тавҳид дарси», «Қиёматдан аввалги фитналар», «Фоида ва қоидалар», «Тафсир дарслари», «Талбиси ибليس дарслари», «Намоз ва бенамозларга тааллуқли масалалар», «Аёллар ва ақийда дарслари», «Сигналавий дарслар ва маърузалар», «Мўҳим дарслар», «Ақийдагул восита»,

«Ал-фатх» каби икки юздан ортиқ профилларимиз, канал ва саҳифалар Ўзбекистонда қонунига зид деб топилиб, уларни тақиқлаш бўйича тезкор чоралар кўрилмоқда. Айниқса Ўзбекистон раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Мабрифат ва диний бағрикенглик» Резолюцияси ҳамда «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси»нинг ташаббуси ҳомийларимизни иккилантириб қўйди. Пул ажратишни тўхтатишмоқда, устига-устак, биродарларимиз ҳам юртига бемалол қайтишмоқда. Чорасиз қолмоқдамиз. Гўёки бизнинг ҳар қадамимиздан бир қадам иштариламоқда у ернинг янги ҳукумати. Шунинг учун ҳам ҳурматли раҳнамолар, ҳукумат у ерларда ўз фуқаролари билан дўст бўлиб яшашига биз имкон қолдирамаслигимиз керак...

Сабоҳат (Солиҳа) «Ироқи» юзбошининг ҳирсини қондиргандан сўнг қанча пайт беҳуш ётганини эслай олмади... Хушга келган пайт эса, бўғизга пичоқ тиралганлигини кўрди. Шокир оқсоқ оёғини судраганча хотини бошига келиб, уни бўғизга пичоқ тираб ўлдирмоқчи бўлиб турганди. Кўзларидан эса тинмай ёш оқарди. Балки унинг кўз ёши Сабоҳатни хушга келтиргандир, у ёғи биғага қоронғи.

— Шокир ака... Сизмисиз?

— Ҳа... менман, Сабожон, менман, мен бадбахтман, жоним, севгилим...

— Имм... Сардор, қолган шерикларингиз қани, Шокир ака?

— Улар шахид кетди... Ўлди улар, Сабо, ўлди...

— Ҳа, шахид дент... Яхши бўлди, Шокир ака, мен ҳам сизнинг қўлингизда жон бераман, мени ҳам ўлдирасиз-а, ўлдирасиз-а?

— Ҳа, Сабо, ўлдираман...

— Энди армоним йўқ, Шокир ака... Фақат, адаси, уйга қайтолсангиз болаларимга яхши қаранг, улар ўлмасин... Берган пулларингизни синглим йигиб турибди, синглимдан оларсиз. Адаси, атар ўлганими олиб кетолсангиз, олиб келинг, отамнинг ёнига кўминг, адаси. Олиб кетолмасангиз шу ерга қабрга қўйинг. Жон адаси, сиздан розиман, мenden рози бўлинг!

— Минг-минг розиман, жонгинам, Сабожон, розиман... Мени кечир, мен бадбахт, ярамасни кечир... Эй Худо... Эй Худо...

Шокир Сабоҳатнинг кўзларини қўллари билан секин беркитиб, бўғизга пичоқ торгўти. Сабоҳат хириллаб ўрнидан турмоқчи бўлди. Шокир жон ҳолатда унинг жони чиқиб кетгунча кўрагидан босиб турди... Шокир бир тожик шеригига беш юз доллар бериб, Сабоҳат учун қабр қовлатар экан, у фақат Сабоҳатни эмас, яна бир кишини туПРОҚА тириклайин қўяётганлигини билмасди. Сабоҳатнинг бўйида бор эди...

Шокир Сабоҳатни қабрга қўйиб бўлганидан кейин бир нималар деб пичирлади-да, юзига дуо тортиб, қадрдон бўлиб қолган автоматини юрагига қадаб тепкини босди...

ХОТИМА

Инсон эътиқодсиз, дину диёнатсиз яшаши амри маҳол. Юртимизда ўн олти диний конфессияга мансуб икки минг икки юздан ортиқ диний ташкилот фаолият юритади. Булар ислом, христиан, яҳудий, баҳойи жамоалари, Күришнани англаш жамияти, Будда ибодатхонаси, Библия жамияти ва бошқалардир. Эътиқодлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил, эмин-эркин фаолият олиб бориш ҳуқуқлари таъминланганига барчамиз гувоҳмиз.

Инсон аралтач, унга ақл берилиб, онги чархланиб боради, фикрлайди, тасаввур қилади ҳамда тафаккур юритади. Ҳозлар, ғозлардан эса мангуликка даввогар мафкурани яратмоқчи бўлади.

Кекса ва навқирон мозий гувоҳки, инсон ҳеч қачон диндан қучли ғоя, диндан қучли мафкура яратмаган. Ярата олмайди ҳам. Чунки динни инсон яратмаган. У мукаммал ғоя, абадий мафкура, илоҳий китобдир. Инсонга эса эътиқод хос бўлиб, у эътиқодга таъниб яшайди. Эътиқодки, одамийликни, инсонийликни намоеъ этсин.

Мана шунга яхши билган, азиязу мукарам дея сифатланган инсон зотининг айро бир вакиллари, яъни асл эътиқоддан кечганлар, одамийликдан йироқлашганлар, одамсифат махлуқлар абадий ва муқаддас эътиқод китобларини ниқоб қилиб, ўз манфаатларига мослаб талқин қилишгача борди. Манфаатлари сари етакловчи йўлда ғаразли мақсадларга эришишнинг пухта ва сохта асослантирилган

стратегиясини ишлаб чиқди ва тақомиллаштириб бормоқда. Бу стратегиянинг асосини ёшларимизнинг онгини заҳарлаш орқали айни шу мақсадларга эришиш ташкил этади.

Содир этилаётган терактларнинг аксарият қисмининг ижрочилари ёшлар эканлиги тахминлардан маълум. Тайёрланаётган террорчи ва экстремистларнинг кўпчилигини ҳам ёшлар ташкил этаётгани хавотирли ҳолатдир. Булар биз эътиборсиз қолдираётган, келажакга лозим даражада қайғурмаётган, керагича ҳимоя қилолмаётган ёшлар. Ўз вақтида бандлигини таъминлаб, тўғри йўл кўрсатмаётганимиз, оқибат воқеликни ўзимиздан соқит қилишга чираниб, ўрни келганда эса, тагин уларга «адашганлар» деб таъға босаётганимиз – ёшлар...

Терактларнинг буюртмачилари эса ёши катталар, катталарки, «улкан» марраларни кўзлаган. Мақсадлари ҳам катта-катта, ғаразли, шу даражада ғаразлики, бир давлат четарасига сиймайди, бир ёки икки миллат билан четараланмайди, камиди трансмиллий, теосийсий вазнга эга. Бу катталар деганда казо-казо инсонларни тасаввурингизга келтириб чекланиб қолманг, бунда катта-катта теомон давлатлар ҳам бевосита иштирокчидир. Ана теомон давлатлар ҳам бевосита иштирокчидир. Ана ўшаларнинг мақсадларига эришиш йўллари ҳам мукаммал режалар асосида қурилган. Уларнинг мукамаллиги шундаки, мақсадлари йўлида энг аввало инсон онтига таъсир этади. Бу мақсад йўллари стратегик унсуур билан мустаҳкамланган. Стратегияки, миллий ахборот маконларида ўз мавқеаларини теомон доирада ўрнатиш, иқтисодни издан чиқариш, энергия ресурсларига, халқаро транспорт йўлларига, арзон ишчи кучига эгалик қилиш, ҳукуматларни ўзларига маъқул битимлар тузиш ҳолатига олиб келиш, сарҳад билмас макон яратиш,

хомашё маконига, камёб табиий ресурсларга эгаллик қилиш, маҳсулотни учун бозор, бозори учун харидор топиш. У шундай харидорки, давлатлардаги ҳақиқий давлат – «корпорациялар» кулол-яроғта ҳам доимий буюртмачи бўлсин, бу соҳа индустриясини ҳам қўллаб-қувватласин, тўхтаб қолмасин. Чунки бутунги дунёда энг катта даромад шу соҳага тегишли...

Мана шу кабиларга эрипиш ва давом эттиришнинг омилли ёшларни ўзига олдириш, улар онгига таъсир этиш орқали чағлантилади.

Ёшларнинг бойлиги – уларнинг ёшлигида, ёлғиз камчилиги ҳам уларнинг ёшлигидадир. Ёшлар – ҳимомта муҳтож куч, тизгиндан чиқса, энг вайронкор кучдир. Ғаразли мақсадларга тикилаётган инвестиция ҳам шунинг учун айнан ёшларга қаратилган, уларнинг жигловланмаган, меҳрга муҳтож, эътиборга эҳтиёжли кучига тикилган...

Ёшлар деганда фақатгина ёшлар билан чекланманг, тасаввурингизни кенг қўлоч ёйиб фикр қилишга қўйиб беринг ва ёшлар деганда ёш, эндилик на оёққа тураётган ёки йиллар давомида гегемон давлатлар томонидан сиқувга олинавериб, ҳеч ҳам катта бўла олмаётган давлатларни ҳам қўрқмай тасаввур қилаверинг, *демократизм*, *холод*...
Яратганининг назаридан қолмайлик...

ХИЁНАТ

У ақлини танибдики, эл қорига камарбаста эди. Тўй-ҳашамда, мараканда дейсизми, элининг хизматига доим ҳозир нозир эди. Камтар ва камсуқум бўлганлигидан биронинг уйи тўрига ҳам, давраси тўрига ҳам асло чиқмасди. Умининг охирига қадар ана шундай яшади. Эл хизматига бўлди. Аммо... Шу эл унга хиёнат қилди. Уни ўлдиришди...

Қаримнинг тўйи бўлди. У ўттиздан ўтиб, укаси-қандан кейин уйланди. Аммо кўз остига олиб юрганга уйланди. Қишлоқдошлари орасида «келиб-келиб шу қизга уйланибдими?» – деганлари ҳам бўлди. Қиз ҳам рошша-роса ўттиз йекида элида... У сипта-устак, жисмоний нуқсонни ҳам бор эди... Айтишларига қараганда, тўй анчайин қизик ўтибди. Борганлар «зўр тўй бўлди ўзим», дейишди. Қишлоқдошларнинг роса битлари тўкилганмиш. Бу гапларни гап урчатиш бўйича «қишлоқда хизмат кўрсатган»лар айтишганмиш.

Мабодо кузатган ёки эътибор қилиб юрган бўлсангиз, халқ орасида «кўзга кўринган казо-казоларнинг тўй-ҳашамларидан кўра, камсуқумгина, оддийгина одамларнинг тўйлари қизиқарлироқ бўлади», деган гаплар бежизга эмас. Мен уларнинг бу фикрларига ноз фоз қўшганиман.

Ҳақиқатда ўртаҳол оидалар кўпчиликини тапқил этади, шунданми ё ўзга асосми, билмадим, ана шу то-

ифата мансуб кишилар бағри кенгроқ, саховатлироқ бўлади назаримда. Бу тоифа кишилар ўз давраларида мирфиб, яйрашади. Шу кунни атай туйғуларга эрк беришадими-эй, ҳар ҳолда бир-бирларига меҳрини кўрсатиб қўйишади; яъни бир-бирлари билан энг яқинлари каби самимий суҳбат кўришади, ҳеч қачон дилни очмаганлари ҳам униси бунисидан маслаҳат сўраб қолишадими-эй, ҳатто бир-бирларига насиҳат ҳам қилиб қўйишади. Ҳа энди, бир қони жўпса керак-да; тўй кунни бир-бирига меҳрлари товланиб кетса керак, менимча. Зеро, бундай тўйларда самимий муҳит ҳукмрон бўлади, шу боис меҳробну меҳмонлар беҳижолат, ўзларини эркин туттишади. Шу кунни ўзига ҳам, бошқаларга ҳам кўпроқ эътибор қаратишади. Нимаси ёмон бунинг...

Шуккуҳли, аммо нимаси биландир муңгли ёр-ёрдан кейин даврани очиб деб эълон қилган оқсоқол, аввал бошлаб, ўлмас тоғага сўз берди.

— Ўлмас ака, сиз меҳнаткаш, ҳалол инсонсиз, сизга ўхшаш инсонлар кўп бўлсин, марҳамат, ёшларга ниятларингизни билдиринг, — деди.

— Биз Каримбой билан бирга ишлаймиз, ҳаммаларинг биласизлар, — деди Ўлмас тоға оқсоқолга бош чайқаб. — Мен асли Каримнинг отаси билан пачти тенгқурман. Отаси Бадал ака билан кураш тушиб катта бўлганмиз. Мен ўзи яхши кураш тушман, буням яхши биласизлар. Тўғриси айтсам, қишлоқда мени «тўлка» Бадал ака курагимни ерга текизган. Бошқаси текизолмаган. Тўғрими, Бадал ака... Ҳа, энди у киши урушдан қуцайиб келди. Қон кечиб келди-да. Унга қадар бизнинг қўлларимиз тенг келарди. Бадал ака урушдан чиниқиб, янаям чайир бўлиб келди. Лекин ҳозир Бадал акани бир қўлда оламан, ўзим биллади. Мен сохта гапни ёмон кўраман. Эй, хотин-халаклар биров шовқин солмай туринглар-эй.

Бу нимаси, гапиршгам бермапсизлар, тинч туринглар-эй... Сўз берган экан, ҳурмат қилиб, тилакларимни айтиб олай, сабр қилинглар, қайнаб кетаётган бўлсаларингиз ҳам...

Бадал ака ўзим зўр инсон. Мен қишлоқда унча-мунчани тан олмайман, биласизлар. Мана гўзапоё вағтида Бадал акага бир оғиз айтсам, умридан барака топсин, олти марта қатнайди менинг гўзапоёمنى даладан келтириш учун. Энди гўзапоёним денг, қишлоқда энг кўпи бизникига тушди-да, буням ҳамма яхши биллади. Гаприб юрасизлар, кўп эшитганман. Ҳа энди, сувчи бўлганимдан кейин хизматимга яраша гўзапоё оламан-да. Газ баллон ҳам бор, трубапровод газимизам бор, шуккур. Лекин оила катта, дошқозонга ўт қўйсанг, кўп ўтин кетади. Ўтин-да бу, мана бундай тўйлардаям газ билан бўлмайди-ку ахир, ҳмм... Мана қўшним, ҳов Толиб, даврадамисан ўзи? Дала деса, иш деса, жонинг чиқади, ишламайсан. Ўтин керак деса, оstonада ётиб олсан. Бизнинг гўзапоёни бир четидан тортанинг-тортган. Ўзи шу ердамисан? Нега дамнинг чиқмайди, ҳой, Толиб, майли, лекин кўп ичма яна. Ҳаммани безор қиласан тонгтача кейин.

— Ҳув оқсоқол, бу ўлмас тоға жа чўворди ўзим. Ҳеч бўлмаса, келин-куёв ҳақида гапирсин-эй, биламиз ўзиниям, гўзапоёсиниям. Ким қуйиб берди шу ўлгурни ўлмас тоғага, унақамас-да энди, — деб давра аҳли бирваракайига шовқин-сурон солди.

Оқсоқол ўлмас тоғага бош чайқаб, имо қилди, қисқа қилинг, детандек, кўзларини қисиб қўйди.

— Ҳа энди, ҳамқишлоқлар, келин-куёв ҳақида гапирсак гапирбимиз-да, — каловланиб яна сўз бошлади ўлмас тоға. — Иккаласиям бегона эмас. Кўз ўнгимизда униб-ўсишган. Келиннинг отаси билан ҳам улфатмиз. Ҳа-я, улфат, нима дедингиз... бери келинг-эй,

мен гапирётганимда ёнимда туринг-да. Хуллас, менинг икки ёшга тилакларим кўп, лекин сизлар қисқа қилинг, қисқа қилинг, деб қўймайсизлар. Майлига, қисқа қилсам, қилай... Бошларинг тошдан бўлсин. Келин сен келган жойингга тош қоттин. У вали-жували бўлинглар. Кейинги йил бешик тўйи, ҳамма эшитсин, кейинги йилдан кечикмасин...

Лекин бу артистлар кутиб қолди-а. Ана, Салим «медиатр»ини торларига ишқаб, рубобини «интратиб» бошлади. Энди навбатни санъаткорларга берамиз. Маълуми, оқсоқол?

— Сиз гапингизни тезроқ тутатинг, ўзим биллиб-билиб сўз бераман, санъаткорларга.

Оқсоқолга бош чайқаб, ўлмас тоға ана сўзида давом этди:

— Ўртоқ санъаткорлар, кўпам оғир ашулаларни айтманглар, илтимос сизлардан. Тунов кунги тўйда «Муножот»ни ярим соат айтдиларинг. Ҳа бу қишлоқ аҳли, меҳмонлар тўйга ўйнагани келади. Йиғлаганамас. Ҳой, сен — Тошпўлатнинг ўғли, биламиз, ўзинг ашулани яхши айтасан, ўша телевизорда чиқиб айтиётган «артист»лардан овозинг ҳам, салобатинг ҳам анча дуруст, хўлми, «уровен»инг ҳам дуруст улардан, ширалди овозинг ҳам бор... Майли кўп мақтавордим. Лекин сендан ҳам бугун бир илтимос қилмоқчиман. Менга қара эшит, Тошпўлатнинг ўғли, шу сендан ана бир бор илтимос, бугун ўша кийик ҳақидаги кўпинингни айтма, хўлми? Кўп эшитганмиз бу ашулангни, она-бола кийикларни ёдлаб олди десак ҳам бўлаверди-а, нима дедиларинг?

Даврада ана «кий-чу» бошланди.

— Жуда оғир-да бу ашуланг, ахир бу тўй-ку. Тўйда шўх-шўхидан айтинглар-да, бундай бир маза қилсин давралатилар... Оқсоқол, сиздан узр сўрайман. Бир қошиқ қонимдан ўтинг, сизнинг рухсатингизсиз

санъаткорларга навбат бервордим... Қани санъаткорлар бошланглар-эй, мана микрофон, марҳамат.

Лекин, барибир, тўй мумтоз наволар билан бошланди. Кейин шўхларига уланди. Қишлоқдаги йигирма сотихлик экинзорнинг қоқ ўртасидамасми қуришган давра, сув сепилганига қарамаздан, бирпасда чангиб кетди. Унинг устига, ҳамма билганича ўйнайди, тўррироғи, билганидай сакрайди, десам бўлаверди. Икки рақоса тинмай давра айланиб, аркакларга янаам илҳом улашади. Бу эркакни қурмағурлар ҳам терлаб-пишиб кетгунча сакрайди. Сўнг мусиқа тўхтади. Санъаткорлар бироз тин олди. Оқсоқол микрофонни ана қўлига олади. Оқсоқол нетадир сунат тўйига мос бир шерьни шошиб айтди-да:

— Энди сўз Қаримбой укамиз ва Қўзигул синглимизнинг, яъни келин-куёвларнинг синфдошларига, — деб, ана ота-она ҳақидаги бир шерьни илова қилиб, микрофонни келин-куёвнинг синфдошларига берди. Қорачадан келган, қуёш тафтида янаам қорайган куёвжўранинг юзи ичга кирган «шайтон сув»нинг таъсирими, билмадим, янаам қорайиб, қизариб кетганди. Куёвжўра сўзни саломдан бошлади:

— Бизлар Қаримбой дўстим билан бир синфда ўқиганмиз. Мен мактабда саккиз йил ўқиган бўлсам, Қаримбой ўқишга икки йил келган, кейин келмай қўйган. Шундай бўлса ҳам, барибир, синфдошмиз-да. Отасининг эркаси бўлганми ё бошқа боисми, билмадим. Биз кейин училишда ўқидик, Қаримбой дўстимиз мактаб шаҳодатномасини олди-ю, училишдаям ўқимади. Мен йигирма ёшимда уйлانганман, ҳозир ўғлимнинг бўйи Қаримбойнинг бўйига тенг. Бу Қаримбойни уйланишга зўрға кўндирдик, нималар демадик, буни уйланишга рози қилиш учун. Ҳа энди, камин қолмади-да, ўзиям ўттиз тўртга чиқди, биз ҳам... Ота-онасиём, мана бу хола-тоғамлар ҳам чар-

чаб кетди гаширавериб... Хуллас, мен нима демоқчиман. Каримбойнинг тўйини кўриш ҳам насиб қилди ҳаммамизга. Каримбой дўстим, илоҳим келаси йил бешик тўйларингизда хизматда бўлайлик. Болаларингиз кўп бўлсин. Суннат тўйларда ёнингизда турайлик...

Раисбобо, гулбазмига таклифлар бор, кейин руҳсат берсангиз...

Келин дутона ҳам нозу қарашма ила сузилди-да, сўзни шеър билан бошлаб, келиннинг яқин дутонаси эканлигини таъкидлаб (бугунни ҳисобга олмаганда, аслида сира дутона бўлмаган бўлса ҳам), келинни роса мақтаб, сўзини яна шеър билан якунлади.

Микрофонни олар экан, оқсоқол бир шеър илова қилди, сўнг:

— Келин-куёвнинг дўстлари, синфдошлари, гулбазми бўлмайдилар. Эшитиб олинглар, икки қулоқларингиз билан. Таклиф бўлган эмиш. Биринчидан, сизлар жаъна саккиз, йигирма ёш эмассизлар, энди бир-бирларингизда шеър айтгани. Кўпчилигинингиз болаларингизни бўйи етиб қолган, ана, кузатиб турибдиз сенларни даврада. Иккинчидан, Эркиннинг тўйини эсланглар, ҳа, нима-лар демадиларингиз, бу забоним бор, деб. Мана шу даврада бор ўша кунни шеър айтганлар, эшитасизлар-а сизлар ҳам... Сен Шавкатнинг ўғли, Тошкентда ўқийдиганмисан?

— Йўқ, мен Самарқандда ўқийман.

— Қани Тошкентда ўқийдиган акант, Санжармиди? Ҳа, озгиндан келган, новчаси, Санжарми ўша? Қани Санжар?

— Тошкентга кетган. Ўқини бошланди.

— Ҳа энди бу кишим катта жойда ўқийди-да, шунинг учун «алтамоало», биз билмаган шеърларни топиб келади. Эркиннинг тўйида ҳаманглиз эшитдингиз-а, Санжарнинг меҳмон қизларга қарата нима-лар деб шеър айтганини. Ўзи бу бола қайдан топади бу

ташларни. «Иван» дедими-ей, «Деван» дейдими, «се-миз ўт» дедими-ей... Меҳмонларнинг ҳурмати йўқми, қишлоқнинг тўйига меҳмон бўлиб келган-ку ахир шу қизлар, бу нима деган гап, қишлоқнинг обрўйи бор ўзига яраша, ўзларингизни ҳурмат қилмасаларингиз ҳам, шу қишлоқ аҳлини ҳурмат қилинглар. Ахир бундай бир ўйлаб кўринглар, энди нима деб гапириб юришадилар ўша меҳмонлар. Фалон қишлоқ одамларининг маданияти йўқ экан, тарбияси йўқ экан, катталари ҳам ёшларга қўшилиб, беаъъни, дейишмайдими? Шунинг учун бугун «гулбазми — гулбазми» бўлмайди. Яна бир марта икки қулоқларингиз билан эшитиб олинглар. Келин-куёвнинг дўсту биродарлари, олдимга «қилинглаб-жилинглаб» келаверманглар... Марҳамат, навбат яна санъаткорларга. Ҳой, ўртоқлар бироз тартиб билан ўйнанглар, энди қуд-анда-лар ҳам ўйнасин-да.

Қўшнинг кетидан қўшнинг уланиб, шўх-шўхлари бўлди, ўзбекча-тожикчаю «Белые розы»си ҳам талаб-ларга кўра икки-уч айтилди. Тун алламаҳал бўлди.

Ҳансираб қолган оқсоқолнинг овози қалтираб-қалтираб янгради:

— Болаларга шоколад ширин, яна кимтадир ўйин-кулги ширин, бизларга қолса тонгта қадар ўйин-кулги қилаверамиз, лекин, биродарлар, келин-куёвга гўшанга ширин, — деди.

Гулдурос қарсақлар чалинди, қийқириқлар бўлди, оғизлар чўччайиб, хўштаклар чалинди. Бироз кайфи ошганлари эса, хўштакни қўшиқдай чапиб юборди. Оқсоқолга бу ҳолат ёқиб кетди. Оқсоқол зўр тап тапиргандай, бир-икки бор томоқ қириб олди ва сал-моқланаб деди.

— Тўй бўлса шунча бўлади-да, энди ёр-ёрни чап, ёр-ёрни айт, — санъаткорларга юзланди у, — келин-куёвни гўшангага кузатайлик-да, кейин бу ёрни кўрамиз.

Мезбон-меҳмонлар, давра аҳлига бу гап ёқиб кетди. Ёр-ёр остида келин-куёв кузатиб қўйилди.

— Яна бир жуфт шўхидан айтинглар, майли талаблар бўлсин, даврадагилар хафа бўлишмасин. Бадал аканинг остоначидан ҳеч ким хафа бўлиб кетмаган шу кунгача, фақат бир жуфт, кўп эмас, сўнг тутта-миз, — деди оқсоқол.

Яна чапак чалинди, қий-чув бўлди, давра аҳлига бу таклиф ёқиб тушди. Шўх мусиқа бошланиши билан кўлини икки томонга беихтиёр ён бошлаган оқсоқолнинг кўлларидан келдир сиқиб ушлади. Белига боғланган бир жуфт зар белбоғ устидан яна бир зар белбоғ боғланди. Елкасига ҳам қиммат тўн ташланди. Сўнг оқсоқол кўлларини янада баланд кўтарди. Бадал акани ўйинга чорлади. Имо қилди, Бадал ака ўйнамади, оқсоқол яна имо-ишора қилди Бадал ака барибир ўйнамади. «Шайтон сув»нинг таъсири оқсоқолнинг қонини жўштираётган, унга куч ва шижоат бераётган эди. У шартга Бадал аканинг кўлидан тўтиб, давранинг тўрига судрагандай қилиб олиб борди, уни ўйнашга мажбур қилди. Бадал ака ҳам мажбуран ўйнаб кетди, ҳеч ўйнамаган акани, расмана рақсга тушмаган бўлса-да, ҳар ҳолда ўйнагандай бўлди; рақсга ақин ҳаракатлар қилди. Бир жуфт кўшиқча яна бир жуфт уланди, сўнг икки жуфт кўшиқча яна кўшиқ уланди... Ва ниҳоят, даврадагилар истамайгина тарқалишди. Хуллас, тўй ниҳоясига етди...

Карим оилада тўнғич фарзанд. Ундан олдин туғилганлари турмади. Аввал туғилганлари лоқақал бир-икки кун ҳам яшамасди. Турмаган фарзандлари билан ҳисоб қилганда, тўртинчи бола бўлган. Каримжонга Худонинг қарами деган маънода Карим

исмини беришди. Ундан олдинги чақалоқларга ҳатто исм қўйишга ҳам уллуришмаган эди.

Карим болалигидан бошқа тенгқурларидан ажралиб турар эди. У одамови, хаёлчан, доим нималарнидир ўйлаб юрадигандай эди. Баъзида худди дунёни рамини кўтариб юртандай ҳорин кўринар, бу ҳам етмагандай боғаликдан «уф» тортиш одаги бор эди. Бу одатни қанча эрта ўзлаштирган бўлса, аксига олиб, тарки олат ҳам шунча чўзгилверди. «Уф тортма» деган танбёҳларни бот-бот эшитавергач, бу одатидан тўла воз кеча олмаса-да, чуқур нафас олиб, хўсиниб кўярди. У «уф» тортиш одатини энди чуқур нафас олиб, кучли нафас чиқариш одатига ўзгартирди.

Ота-онасигаам аркалик қилишни хушламасди. Деярли ўйинчоқ ҳам ўйнамасди. Отаси аркалаб машинасига ўтқизиб, айлангириб келиш мақсадида турман марказига олиб борганида ҳам, гапирмай бориб, бир сўз демай қайтиб келарди. Отасининг саволларига базўр жавоб қайтарарди. Отаси музқаймоқ олиб берган пайтлардаам индамай музқаймоқни олиб, хушламайгина ерди. Хурсанд ҳам бўлмасди. Ўзинча бирор нарса олиб беринг, деб сўрамасдиам. Агар ўйинчоқми ёки бошқа бирор нима олиб беришса, қизиб ўйнамасди. Лекин бир марта Бадал ака уни ўзи билан шаҳар марказидати уй-рўзгор буюмлари сотиладиган дўконга олиб борганида, у ёш болаларга мўлжалланган белкуррак, кетмон, хаскаш, паншаха кабиларга қизиксиниб қараб қолди. Буни сезган Бадал ака ўзига уларнинг ҳар биридан биттадан олиб берди. Бу совғалар Каримга жулаам ёқди. У биринчи марта ўзига олиб берилган нарсаларни астойдил ўйнади. Айнан шу нарсалар билан вағ ўтказадиган бўлиб қолди. Бадал ака ҳам бундан мамнун бўлди, ўзинча ўғлим ўзгарди деб қўйди... Ўпошки унинг фетли ўзгарса, меҳнатга эрта меҳр қўйди холос. Энди

ундаги одамовилик янаям кучайди. Кўпчилики-ка кўшилимайдиган, кўпчиликини хушламайдиган «деҳқон»ча бўлди-қолди. Экин экиладиган ернинг бир четидан ўзига мўъжазгина жой ажратиб олди. Ўша жойга кичик-кичик жўяклар тортди, тортилган жўякларга катталардай разм соладиган, жўякнинг эгри жойларини қайта-қайта тузатиб қўядиган бўлди. Бадал акага айтиб помидор, бодринг, қовоқ ва ҳоказо кўчатлардан олиб келтириб, мўъжазгина ерига экинлар экди. Бадал ака уни Бригадбобо деб чақирар эди.

Онаси кунда «нима қиларкин», деб, яхна чойни банккага солиб, ўғлининг ишлаб турган экинзорига олиб борарди. Ўғил ҳам буни табиийдек қабул қилиб, чойни хўшлаб-хўшлаб, жўякчалар оралаб, кўзига хунук кўринган кесакларни уриб-уриб қўядиган, кетмончаси орқаси билан кесакларни майдалайдиган бўлди.

Карим ана шундай тарзда ерга ишлов беришга одагланди. Ерга меҳр қўйди. Мактабга боришга эса унда ҳеч ҳам қизиқиниш уйғонмади. Иккинчи синфни истар-истамас тамомлади-ю, мактабга бормаيمان, деб туриб олди. Ота-онаси неча марта уни қўлидан етаклаб, мажбурлаб мактабга олиб бориб қўйишди. Карим эса дарёдан қочиб келаверди.

— Майли отаси, қўйинг, Каримжон мактабга бормаса, бормай қўя қолсин, шу мактабга ҳеч ҳам хуши йўқ боламнинг, — деди онаси. — Дарс кирамиди калдасига, нетадир мактабдан шу қадар безанки, мактаб деса зирилайди болам бечора. Ҳеч тушуна олмадим, бир муддат мактабга бормай уйда юрсин-чи, балки бир кун зерикканидан ўзи мактабга бораманга тушиб қолар, — деди бир куни онаси.

— Ҳой хотин, мактабга бормайдиган бўлса, бу бо-ланг саводсиз бўлиб қолади-ку ахир. Бир оиллага бир

саводсиз етади. Мана, сени айтганиман-да. Сен ҳам ахир уч-тўрт йиллик мактабниям чала тамомлагансан. Саводнинг ҳам ўзингга яраша. Яхшиям пахта далагарида ишлаб, ағат санаб, озми-кўйми ҳисобни ўргангансан, лекин ҳанузгача бирор воқеани гапирсанг, фалон қовун пишиги маҳалти, дейсан. Ёзувчиэвни-ку айтмаса ҳам бўлаверарди. Энди Каримни ҳам ўзингга ўхшатмоқчимисан? Мен ҳам кўп саводли эмасман-у, армия кўриб, жанг кўриб, Германия кўриб, дунё кезиб бир нималарни оз-моз ўргандим. Лекин Каримни саводли одам қилишимиз керак... Бироқ бунга ўзим ҳам ҳеч ишонгим келмайди. Сента билмадим, қандай-ку, лекин мента нетадир... Карим сал ғалатироқ туюлади. Одамови. Мактабгайм менимча кўпчиликини хушламаганлиги сабаб бормаяпти, шекилли. Кўрдинг-ку, ўртоқлари келса, уйга кириб беркиниб олади. Уларниям ёттирмайди. Яна ҳалдан ортиқ тортинчоқ, тўғри бу характери мента тортган, лекин Каримда бу одаг ҳалдан зиёд-да... Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да, хотин.

— Гапингизни шамол учирсин, яхши ният қилинг-эй, отаси. Ўғлимиз ҳали ҳамма ҳавас қиладиган, эсли-хушли, мўмин-қобил, меҳнаткаш ва меҳрибон йипит бўлади.

— Меҳнаткаш бўлади дейсанми? Ана шундан хавотирдаман-да. Тортинчоқ, даврата қўшилимайдиган, фақат бош кўтармай меҳнат қиладиган, одамови бўлиб қолмасайди ишқилиб.

— Ҳой, яхши ният қилинг, Худонинг ўзи бир йўл кўрсатар, ваҳима қилаверманг кўпам, отаси...

— Билмадим, хотин, билмадим. Барибир шундан хавотирдаман. Бир-икки марта кўн-қўшнилариинг ҳам пиширлаб, Карим ҳақида гапирётганларини эшитиб қолганман. Лекин эшитмаганликка солганман ўзимни. Ростки, бу гаплар мени кўп ўйлантiryпти.

— Нима дейди шу кўшникилар, элчиликда... элак тутиб бўлармиди, оғзига келганини гапираверишди. Ўзларининг болаларига хўжайинчилик қилсин уларингиз. Ё ошириб қўйган жойлари бўлса айтишсин, билиб олайлик. Худди ўзларининг болалари бекаму кўстдай, бировнинг боласини ғийбат қилишлариغا бағо борми?! Яхшиям ҳали ўн ёшга киргани йўқ болам. Билмадим, каттароқ бўлса, нима гап чиқаришар экан бу кўшникларимиз. Аёлини аёл деса, эркаклари ҳам аёллардан ўтиб тушади-я буларнинг...

Мен ҳам тунов кун мактабга Қаримжонни етаклаб бораётгандим, кўшнимиз Асрорбой гапириб қолди. Мактабга боргиси келмаса, нима қиласиз судрагандай қилиб олиб бориб, мактабда болалар Қаримни мазах қилишар экан «иккичи» деб, дейди. «Асрорбой, сиз ўзингизни билинг, бировнинг боласи билан ипингиз бўлмасин, ҳали шу болаларни кўрай-чи, бир адабини бериб қўлман. Кейин билишди, бировнинг боласини мазах қилиш қандайлитгани», — дедим. Ана ишонмасангиз, ўзингиз сўранг Асрорбойдан. Кўнглим қолиб кетди шу одамдан. Қаримжоннинг суннат тўйида ўтирувди тўрға чиқиб олиб, уч кунлаб уйимиздан қадами узилмай. Менинг боламни «половон бола-повон бола» деб. Энди гапини қаранг, бу кишини... Мактабга бормаса бормабди. Нима бўлибди шунга, осмон узилиб, ерга тушармиди? Ўқиб-ёзиш-ни, санашни билса бўлди-да. Раисполком бўлармиди?! Ўзи-чи, шу Асрорбой ҳам мендан 4 ёш катта бўлгани билан бир йил бир синфга борганмиз. Ҳозирги маъит ўрнидаги мактабга, сиз ҳам яхши биласиз, сиз ҳам қойиллатиб ўқимагандирсиз. Мени саводи йўқ, саводи йўқ дейсиз, худди ўзингиз қойиллатгандай. Асрорбой ҳам на ўқибни ўрганган, на ёзишни, йиғлаб ўтирарди. Кўп йиғлайверганидан раҳматли онаси Ойжамои опа ҳар кунни келиб, дарс тутамай,

олиб кетарди. Энди бу кишининг тили бир қарич, бошқаларга ақл ўртатади.

— Бўлди қил-эй. Шу гапларнинг мавридимми?! Ҳар кимники ўзига. Мен Қаримнинг келажакидан хавотирдаман, дедиман сенга. Бошқалар билан менинг ишим йўқ. Худодан сўраб олганим, унинг ақлида бирор камчилик бўлмасин дейман-да. Ўқиб-ёзишга сира тоби йўқ... Шундан хавотирдаман. Ўқиб-ёзидан нега бунча беатан? Чаёндан, илондан қочгандай қочади-я ўзим. Ё сенинг авлодингда бўлганмикан шундай одат?!

— Ҳадеб мени камситишга ҳаракат қилмай, ўзингизни авлодингизни билинг аввал.

— Нима қилибди менинг авлодига. Қани айт-чи?!

— Айтаман-да, менинг авлодимни тапиравертганимизга. Менинг боболарим кучли қори-муллалар ўтишган, биласиз. Отамни билмагандай тапирасиз-а... Отам катта мулла, эшитиб қолса шу тапингизни, кўрадитганингизни кўрасиз. Бошқа тапирманг бизнинг авлодни, тапирман десам менда ҳам гап кўп. Ичим тўла дард. Қаримжонимдан олдин уч боламни ер бағрига топишардим. Учаласи ҳам ёруғ оламда ақалли уч кун ҳам яшамай кетишди.

— Бўлди, бўлди, сен билан ҳазиллашиб ҳам бўлмайди, дарров бошлайсан дийдиёингиз...

— Ҳазилингиз кўрсин сизнинг. Бошқа бундай ҳазиллашманг. Ўзи ота-онам ҳам мени деб сиқилиб юрганлари етиб ортади. Камига яна сиз уларни гапирасиз.

— Кўй, биласан-ку, хотин, захримни сенга сочаман-да, алаимини сендан оламан... кимга ҳам айтатўрт йил вайрон бўлган шу давлатни қайта қураимиз, деб уйдан олисларда ҳарбийда бўлдим. Ўйга эсон-омон, соғ-саломат келиб, оилга қурдим. Шунча чеккан азоблардан кейин роҳатда яшайман, десам, кўриб

турибсан... Айтганингдай аввалгига уч фарзандимиз турмади. Балки... Бу мен жанг майдонида отиб ташлаган фашистлар учун хунмикан ё мен ўлдирган одамлар учун Худонинг жазосидир. Карим ҳам рисоладагидек ўсмангити, буларнинг бари менинг туноҳларим учунмикан?.. Кеча-кундуз шулар хаёлимдан кетмайдди...

— Кўйинг-ей, отаси, ўзингизни айбдор қилманг, Худонинг хоҳиши шу эканки, ўзи берди, ўзи олди фарзандларимизни. Каримжонни берди, шукр қилинг, яна берар насиб қилса, немисни ўлдирган бўлсангиз, урушда ўлдиргансиз, Ватан учун, тинчлик учун ўлдиргансиз. Мен бир саводсизману, лекин, менимча, бутуноҳ бўлмаса керак... Худонинг ўзи кечирсин янаям...

— Қайдам, айтганингдай, Худонинг ўзи кечирсин, ишқилиб. Шунга мажбур бўлганмиз-да. Бўлмаса бизнинг тушпимизга кирибдими, уруш дегани. Оти ўчсин уни. Хотирамдан чиқариб юборай дейман-у сира иложини топмапман. Ўзи бунинг иложи ҳам бўлмаса керак...

Бадал ака чуқур ўйга толди. Орага сукут чўкди. Оғир ва дилгир сукут эр-хотинни бир муддат ўз домига тортди...

Хосият опа кўз ёшларини рўмоли учига артди-да, кўз қири билан эрига қараб кўйдди. Бадал ака ҳамон бир нуқтага термилганча ўй сурарди. Хосият опа чой совиб қолганини вақ қилиб, чойнакни кўтарганча ошхона томонга кетди. Бадал ака бунга эътибор ҳам бермади. Қайдан ҳам яна уруш хотиралари ёдига тушиб кетди. Оқибатда яна шум ўтмиш уни тавқиб қила бошлади. Яна ёлғиз қолгиси келиб кетди. Хосият опа бундай дамларда нима қилишни яхши биларди. Шунинг учун чойни янгилаш баҳонасида Бадал акани ёлғиз қолдирди-да, ўзи ҳам ошхонага кириб, йиғлаб-йиғлаб, бироз кўнглини юмшатиб олди...

* * *

Бадал ака 1940 йилнинг баҳорида йиптилик бурчини адо этиш учун отланди. Ҳарбий хизматни Белоруссияда ўтаётган эди. Ўша машғум кун, яъни 1941 йилнинг 22 июни унинг оруз-умидлари ва режаларини буткул барбод қилди. Келажagini у тасаввур қилганидан тамоман бошқа томонга ўзгартириб юборди. Уйига қайтишига атиги саккиз ой қолганди. Қуролдошлар қатори у ҳам биринчилардан бўлиб жангга отланди. Махсус тайёргарликсиз душманга пешвоз чиқувчилар сафига киритилди. Россия, Белоруссия, Украина тупроғида бўлган жангларда омон қолди. Кўксига орден, медаллар тақилди. Қанча-қанча Ҳимортлари, сафдошлари, қуролдошларидан айрилди. Уч мингга яқин қуролдошларининг 46 нафарити на омон қолди.

Бадал акани Яратганининг ўзи асради. 1942 йил сентябрдаги жангга уларнинг батальони қақшатқич зарбага учради. Ўқ ёмиридан кутулиш амри маҳол эди. Ўқ шундай ёғилардики, тўғ ҳар бир қаричга биттадан тушаётган эди. Душман пистирмадан туриб, дам оғир артиллериядан, гоҳ самолётдан бомба ташларди. Совет кўшинида саросима юзата келди. Кейин душман танклари ва катта пиеда кўшинини ишга солди. Совет батальони етти километр масофата чекинишга мажбур бўлди. Чекиниш пайтида ҳам батальон катта талафот билан мудофаа чизигини бир амаллаб сақлаб қолди. Каттиқ жанг бўлди. Жангнинг учинчи кунни душман кўшинининг кўли яна бағалд келди. Қолган-қутган аскарлар кейинги чизикча чекинишга руҳсат олди. Энди томонлар пиеда кўшинларининг чинакам муҳорабаси, кўл жанги бошланди. Душманнинг бир қисм кўшини бизнинг аскарларни айланиб ўтиб, орқа тарафда ҳам ҳозир бўлганди. Батальон қуршовда қолди.

Кўшимча кучининг келиб қўшилишига эса ўн бир-ўн икки соатча вақт талаб этиларди. Ягона чора эса, орқа тарафдан ўраб олган душман кўшинини ёриб ўтиб, кўшимча кучларга қўшилиш эди. Бундан бошқа йўл йўқ... Душман кўршовини ёриб ўтиш кўрсатмаси берилди. Кўшимча кучларга бириккан ҳолда душманга қарши ҳужум уюштирилди. Ҳар бир ўғни тежаш, яккама-якка жангга ҳозирлик кўришга бўйруқ берилди. Жанг қарийб етти соат давом этди. Душман ҳам етти соатлик жангдан кейин таваккалга қўл урмади. Душман разведкачилари ақинлашиб қолган кўшимча кучларимиз ҳақидаги хабарини берган шеккили, кам сонли совет батальони, яъни омон қолган ва қаттиқ қаршилик кўрсатиб, чекинаётган аскарлар охиригача таяқиб этилмади. Натикада совет кўшинини айланмиб ўтиб, кўршовга олган душман кўшини ҳам катта талафот кўрди.

Ҳарқалай, кўшимча куч белгиланган вақтдан эртароқ етиб келди. Бу пайтга келиб, кўршовдаги батальон катта йўқотишга учраб, унинг бир неча юз аскаригина жон сақлаб қолганди. Улар орасида беги ва чап оёғидан ўқ еган Бадал ака ҳам бор эди.

Шу жангда Бадал ака қаттиқ араланган бўлса-да, яккама-якка жангда тўрт нафар душманни ер тишлатди. Уларнинг бири анчайин ёш бўлиб, кўксига қадалган автомат пичоғини икки қўллаб ушлаганча жон берди. Бу ҳолат Бадал аканинг кўзларида қотиб қолди. Ана шу воқеа умрининг охиригача уни таяқиб қилиб келди. Айниқса, уруш тугатгандан кейин бу ҳолат тез-тез такрорланган бўлди. Уруш йилларида у кўп душманларни ўлдирди, лекин айнан мана шу воқеа унга қаттиқ таъсир этган эди. Тушларида ҳам ўша ёшгина немис аскарини кўриб чиқарди...

Бадал ака Белоруссиядан то Рейхстаггача бўлган йўлни босиб ўтди. Жангда яна бир бор жароҳатланди. Уни яна Яратганнинг ўзи асради.

Уруш тугатгандан кейин ҳам яна уч йил вайрон бўлган ўлкаларни тиклашда иштирок этди. 1948 йилда, қарийб тўққиз йил деганда, туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб келди. Қайтиб келди-ю, хотира барибир хотиралигича қолаверди. Бавзан ўша машъум хотиралар ўз кучини кўрсатарди...

Гоҳида тунлари кўрқиб уйғонар, сафдошларининг сиймоси, айниқса қўлида жон берган тожик йигитининг омонат гапи бот-бот эшитиларди. Ўйланганидан кейин эса, кечалари тушида муттасил гапириб чиқishi ва чўчиб уйғонишларидан хотини олдида кўп хижолат бўларди. Хосият она ҳам аввалгига бу ҳолатга ўргана олмасди. Вақт ўтиши билан аста-секин кўникиб қолди. Бошқа нимаам қила оларди, дейсиз...

Бадал ака чин маънода эътиқодли одам эди. Шунинг учун ўзи ер тишлатган душманлар ҳақида ўйлаб, бавзан хаёли қочганда, уч фарзандининг турмаганлиги, Каримнинг ҳам оддий боғалардек униб-ўсмаётганлигини кўриб, бунинг бари урушдаги хунрезлик учун тўловми, деган хаёлларга борарди ва ич-етини кемириб юрарди. Лекин ҳеч кимга ичидагиларни билдиришни лозим кўрмасди.

Бавзан ёшлар уруш ҳақида ҳикоя қилиб беришини сўраганларида ҳам нималарнидир баҳона қилиб, гапни буриб юборар, бу ҳақда гапириб, ярасини яна интилашни истамасди...

Бадал ака урушдан кейин вайроналарни тиклаш ишларида юк машинасини бошқаришни ўрганди. Шу машинасида қарийб тўрт йил хизмат қилди. Эҳ-ҳе, у қанча-қанча юкларни манзилига етказмасди дейсиз. Польща, Украина, Белоруссия ерларини беш қўлдай билди олди.

Ана шу тажрибаси туфайли уйига қайтгандан кейин ҳам унга колхоздаги юк машинасини бирикти-

риб кўйишди. Қолхознинг пахтаси борми, бўғдойи борми, чорвасими Бадал ака манзилга етказадиган бўлди. Ана шу ҳайловчилик касби билан эл орасида бўру орттирди. Кўпни кўрган, камсуқум ва олижаноб фазилатли одам бўлгани учун қишлоқдошлар ҳам, бригада ва қолхоздагилар ҳам уни эъзозлашарди.

Бадал ака ишга шўнғиб кетди. Чунки у меҳнатда суяги қотган инсон эди.

Вақт шундай ўтиб борарди. Сабр қилган олтин топибди, деганларидай, Бадал ака ва Хосият опа яна тўрт фарзанд кўришди. Хуллас, энди уларнинг беш фарзанди бор эди.

* * *

Карим иккинчи синфдан кейин мактабга бормади. У катталардек томорқада ишлай бошлади. Бадал ака олиб берган ускуналари билан ерта ишлов беришга кўнгли кўйди. Бу даврда Бадал ака қир-ялпир томонга — қолхоз чўпонларига озиқ-овқат, чорва учун ем-хашак ва бошқа керакли нарсаларни етказиб туради. Кўйлар кўзигаидиган маҳалларда деярли ҳар ҳафта чўпонлар ҳам бир-иккита савир қолган кўзини бериб юборар. Карим эса отаси олиб келган ана шу кўзиларга меҳр билан қарарди. «Агар мен кўзиларга яхшилаб қарасам, парварипи қилсам, отам мени мактабга боришга мажбур қилмайди», деб ўйларди у. Ана шундай ўй-хаёлларда Карим кўй-кўзиларни боқа бошлади. Мактабни четга суриб қўйди. Синфдошларидан узоқлашди. Кўчадами, тўй-ҳашамдами уларни кўриб қолса, ўзини олиб қочарди. Ўртоқлари билан гаплашмасди. Ўзидан уч ёш кичик кўпниси Аббос билангина яхши чиқишарди.

Аббоснинг тили чучук бўлиб, жулда бегубор, Каримга ўта меҳрибон эди. Карим ва Аббос ўртасида саримий дўстлик боғлиқ даврдан бошланди. Аббос

ўша йили биринчи синфга қадам қўйди, мактабга борди. Аббосда ҳам Каримдаги сингари ўқиш-ёзишга ҳафсаласизлик пайдо бўлди. Шу сабаб у дарслари тезроқ туташини интиқлик билан кутар, чиқиш қўнғироғи чапиниши биланоқ уйга томон қанот ёйиб учарди. Аббос кийимини алмаштириб, бир бурда нонни кўлига оларди-да, Каримнинг уйига келарди. Кун ботгунга қадар бу иккиси вақтини бирга ўтказишарди. Энг қизиги, иккиси ҳам ўз тенгқурларидек ўйинқароқ бўлмай, Каримнинг томорқачасида кичик деҳқончилик ускуналари билан ўзларича ерта ишлов берад, Каримнинг «чорва фермаси»да кўзиларни боқар, қиш фаслига келиб, кўзичоқлар билан бирга кўён боқини ҳам йўлга қўйдилар. Карим Аббосга ҳам бир жуфт кўён берди. Аббос ҳам уйда кўён қўнайтирадиган бўлди...

Кунлар ана шундай ўтар, Каримнинг қанотида энди укалари ҳам кириб қолган эди. Укалари Каримдан фарқли равишда мактабда астойдил ўқишарди. Улар мактабга меҳр қўйдилар.

Бадал ака ўғлининг умумий ўрта маълумотга эга бўлиши кераклигини ўйлаб, Каримга тўртта кўзи эвазига саккизинчи синф шаҳодатномасини олиб берди. Саводи ҳаминқадар Карим энди отаси тенги кишилар билан бригада далаларида меҳнат қиларди. Эрта баҳордан то қишгача далада қизгин меҳнат бўларди. Бу орада Карим тажрибали сувчиларга шоптирд тушди. Сувчилик сирларини ўрганди. Тажрибали сувчилар уни ўзларига югуртак қилиб олдилар. — Сенинг пайкалинга сувни ўзимиз тараб қўямиз, дарёга банд ташлаб кел, Каримбой...

— Уйдан тушликни олиб кел, Каримбой...

— Ярим тунда келиб, дарёга ташланган бандни олиб ташлайсан-да, ёдингдан кўтарилмасин, Каримбой...

– Каримбой, саҳарлаб келар чоғингда, бригада ом-
борхонасига ўтиб, қоғоз қопларни учинчи бўлимга
олиб ўтасан...

– Самоварда сув қайнат, Каримбой...

– Ғўзага ўғит бераётганларга қарашиб юбор, Ка-
римбой...

– Эгатларни адоғига сув етиб борибдимкин-а,
кўриб кел, Каримбой...

– Самоваринг ҳам қайнаб қолибди, чой дамлавор,
Каримбой...

– Каримбой, бекор ўтирмай, эгатлардаги бегона
ўтларни териб келсанг, мол-ҳолга олиб борардик.
Сенинг уйингда «ўт-пўт» керакмас. Бадал ака хас-ха-
шакни ортиги билан олиб келиб ташлаган. Пичанни-
ям, бошқасиниям... Оғилларинг омухта ем билан лиқ
тўла бўлса керак, колхоз чўпонлари, ферма мудури
қўллаб туришади отангни...

– Каримбой, биз бир эгат оралаб келгунча, тилам,
кўрпа-тушакларни иккинчи бўлим даласидаги ҳув
анави катта толининг тагига олиб ўтиб қўй, соя жойга
ва ҳоказо... ва ҳоказолар...

Аввалига бу ишларни Карим ҳеч эътирозсиз, «лом-
мим» демай бажарар, елиб-югурар, уйга борганда эса
тошдек қотиб ухларди. Болаликдан ерга меҳр қўйган
Каримни сувчилик эмас, балки югур-югур чарчатар
эди. Яна ёши катта сувчиларнинг ялпайиб олиб тин-
май иш буюраётганликлари унинг асабига тегарди.
Отаси тенги ва ундан ҳам ёши улур сувчилар йипи-
нинг иззатини сунистеъмол қилаётганди назарида.
Бу «қари каламушлар» ялпайиб олиб кун бўйи чой
хўшлар, ора-сира бир-бир эгат оралаб қўйишарди.
Яна келиб ёнбошлаб олишарди. Тинмай суҳбатла-
шишарди. Уларнинг гурунгида қишлоқ одамлари
рўйхат бўйича бир-бир ғийбат чигиригидан ўтарди.
Каримга ёрматган жихат ҳам асли шундамиди, бил-

мадим. Хуллас, унинг сувчиликдан ҳам кўнгли қол-
ди. Кўзлари киртайиб, ёши катталарнинг бундай
ишларидан хафа бўлиб, асаблари тобора тарангла-
шиб борарди.

Шундай кунларнинг бирида Карим ишга – дала-
га одатлагидан бироз кечикиб келди. Яхши ухлама-
ганди ҳам. Бунинг устига энди бағоят ёшга етгани
учун биргина сўздан ҳам портлайдиган дамлари эди.
Аслида, бу ҳолатда ўсмирларга «ха тинчликми, чап
ёнинг билан турднингми бўлув», дейишади.

Ана шу ҳолатда Карим ўз пайкалидаги эгатларга
сув тараётганди. Олтивой ака (бармоғи олтига бўл-
ганлиги учун уни шундай аташган, асти исми Исмаи,
Исмаи эканлиги туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада
ёзилганлигини айтмаса, ҳатто ўзининг ҳам ёдидан
чиқиб кетганди.) уни чақириб қолди:

– Каримбой, ҳўв Каримбой, самоварни тагига ўт
сол, а, бу томоқлар қақраб кетди-ку, ука...

Карим бу тапни эшитган бўлса-да, индамай эгат-
ларга сув тарашида давом этаверди.

– Уйқинг ҳалиям очилмадими дейман-а, Карим-
бой? Каримбой, ҳўв Каримбой, ҳа бир чой қўйвор
энди, бир чой ичайлики...

Карим тарафдан жавоб келавермагач, Олтивой
ани эгат оралаб унинг ёнига келди.

– Каримбой, нима баҳо қўлогинг том битганими?!
Ҳалидан бери жаврайман-а, самоварга ўт қўй, деб.
Бўл тез, самоварни қайнат, чой ичмоқчиниз, ана
ҳаммамиз кўтиб ўтирибмиз сени, имиллама. Бўл-бўл,
кейин тарайсан сувингни. Аслида вақтлнроқ кели-
шинг керак эди. Кўёш кўтарилгандан кейин келдинг
ўзим...

– Ким чой ичса, ўзи самовар ёқиб, ичаверсин, мен
чой ҳам ичмайман, самовар ҳам ёқмайман. Керак
бўлса, ўзингиз қўйиб ичаверинг чой-пойингизни.

Нима, мен сизларга мағайманми? Бир кунда уч сазмодар чой ичасизлар, қарга кетди бунча чой ўзи?!

— Кўп гапирма, бўл, бориб чой қил, тилинг чиқиб қолбидими, тиранча, эшитганмисан, «ўзбекнинг кичиги бўлдинг, кучути бўлдинг» дейишди. Ичимизда кичиги — сенсан, шундай бўлгандан кейин чойни сен кўясан-да.

— Мен ишга чиққунимча улар орасида ким дамларди чойни?!

— Мен дамлардим, чунки кичиги мен эдим.

— Ҳечам-да, эшитганман, навбат билан самовар ёқаркансизлар...

— Эй, бўлди, кўп гапирма. Бор самоварга ўт қала, тез. — Олтивой ака шундай деб Қаримнинг елкасидан бир оз туртгандай бўлди. Шусиз ҳам асаби таранглашиб, жаҳл отига миниб турган Қарим кетмонининг орқа томони билан Олтивой аканинг бошига уриб юборганини билмай қолди. Эскиганидан яғири чиқиб кетган дўшнинг ранги бир четидан қизара бошлади. Оқётган қип-қизил қон терлаб кетган бошга илтиган кир дўшида қора туста кирди. Сизиб оқётган қон тезлашди. Бошини ушлаган Олтивой ака қўлига ёпишган қонни кўриб, боши ёрилганини аниглаб қолди. Вой-войлаб дод солай деса, бўлмайдди. Фурур йўл қўймайдди. Дод солмаса, қон тўхтамапти... Қон тўхтамаса аҳвол чағоқ, қонига қўпилиб, жони ҳам чиқиб кетиши мумкин.

— Сувон ака, ҳўв Сувон ака, тез келинг, бошим ёрилибди. Тез келинг, ака, қон тўхтамапти, — дея Сувон акани чақирди у.

Ҳаллослаб югуриб келган Сувон ака унга:

— Нимага ёрилди? Этатдаги сувгадм қалта таштайсанми, Олтивой, дарёда чўмилиб келсанг бўлмайми?! — деб ҳазил қилмоқчи бўлди. Аммо ақинроқ келиб қараса, вазият жиддий.

— Ҳой нима бўлди, тинчликми, ким ёрди бошингн?..

— Қарим, Қаримбой...

— Йў-эй... у бола ахир...

— Ҳа шу ҳолимда ёлгон гапирманми?

Сувон ака Олтивой аканинг бошини белбоғи билан боғлаганча, устига ўзининг дўшисини ўрнатиб, қишлоқ «Тиббий пункт»га қараб олиб кетди. Нима қиларини билмай турган Қарим аса уйига чоғиб бориб, хашақхонанинг чордоғига беркиниб олди. Тунга қадар шу ерда пусиб ётди.

«Тиббий пункт» ёнидаги тол соясида қишлоқ одамлари тўпланиб туришган экан. Сувон ва Олтивой акаларни кўриб, улар бирин-кетин сувчи ҳамқишлоқларига ақинлашди. Йигитлар «нима бўлди, нима бўлди»лаб қилишди. Қишлоқ врачлари ҳам аҳволни кўриб шошиб қолди.

— Мен ёрилган жойни стериллаб, спирт билан артиб, боғлаб қўйишим мумкин, лекин, барибир уларни теда туман марказидаги шифохонага олиб бориш керак. Боши ёмон ёрилибди, бош чаноғи очилиб қолди, уҳ-уҳ, уҳ-уҳ-а, яхшигина очилибди-я, — деди тапшишти оҳангда қишлоқ врачлари.

Бу гап яшн тезлигида бутун қишлоққа тарқаб кетди. Олтивой аканинг аёлига бу гап янада «катталашиб, янада семириб, боғлаб» қуйидагича етиб келди:

«Нима қилиб ўтирибсиз, эрингизнинг боши ёрилиб, бир қарич ери очилиб қолганмиш, қон тўхтамапти, «Тиббий пункт»дагилар ҳеч нима ёрдам қилишга олмади, туман шифохонасига олиб кетишди, бормасангиз бўлмайди: кийим-кечак, бошқа кераклар нарсаларни оловлинг. Ҳа, пул-мул олиш ҳам асингиздан чиқмасин, кўпроқ оловлинг экан».

Ана энди бу гаплардан сўнг Олтивой аканинг хотини Гуласал опанинг ўзига «Тез ёрдам» чақирпиб-

ди. «Тез ёрдам» билан бирга Олтивой ака ҳам кириб келди, унинг боши ошпоқ бинт билан ўралган, бир чети сарғайиб турибди, дорининг ранги чиққан бўлса керак-да. Олтивой акани кўрган Гўласал опа бирдан тузалиб кетди. Ҳолбуки, ярим соат аввал юратгани чангаллаб ётиб қолганди. Оғриётган юраги ҳам эсидан чиқиб қолди боқинининг.

— Вой, чол, нима бўлди сизга, ким қилди бу ишни, ким ёрди бошингизни?! Менга кўрсатинг шу зўравонни, — деб сайраб кетди у.

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, ваҳима қилма бунча-эй, бошимга Каримнинг кетмони сал тегиб кетди.

— Кетмони сал тегиб кетди эмиш. Ёш боладан қалтак еб келиб, гапирган гапларини эшитинг бу кимини. Ҳозир бориб ўзим адабини бериб келаман ўша зўравоннинг — шундай деб, Гўласал опа «Тез ёрдам»га ҳам қарамай, кўча томон отланганди. Олтивой ака уни тўхтатиб қолди.

— Ўт бўёқча ҳе... Индаматган сари, айтдим-ку сенга кетмон тегиб кетди деб. Каримда айб йўқ, кўрмай қолди у.

«Тез ёрдам» машинасида келган дўхтир:

— Қани, ким чақиртирганди бизни, — деб сўради.

— Мана бу киши, — деб кўрсатишди кўшчилар Гўласал опани.

— Бу киши соппа-соғ-ку, нима қилди сизга, қани айтинг-чи, опа?

— Эримнинг боши ёрилганини эшитиб, юратим ўйнаб қолди-да, бирдан нафасим бўғилди. Кўз олдим қоронғилашиб, бошқача бўлиб кетдим, шунга чақиритган сизларни. Кўшчилар чақирди, мен чақирганим йўқ.

— Ҳўш, ҳозир яхшимиз?

— Яхши, яхши, шуккур, шуккур... Эримни соғ кўриб тузалиб кетдим. Раҳмат сизларга, сизларни ҳам ово-

ра қилиб қўйдик... Киришлар, бир пиёла чой ичиб борарсизлар.

— Раҳмат. Бу киши сизнинг эрингизми (Олтивой акани кўрсатиб), боши ёрилибди, лексин унчалик жиддий эмас, ётиб дам олсинлар, «медпункт»га чиқиб ирангизни боғлатиб турасиз. Бир ҳафта, ўн кунда бошингиздаги жароҳат битиб, кўрмагандай бўлиб кетасиз. Ҳа, бошингиз ёрилгани бўйича ҳеч кимга даъвоингиз йўқми?

— Йўқ, йўқ.

— Унда яхши, бошдан хавотир олманг, хўшми. Яхши бўлиб кетади. Майли, яхши қолинглар.

— Раҳмат, дўхтир болам, катта раҳмат, илоё умрингиздан барака топинг...

Шу кунни қишлоқ аҳлига яқин уч кун учун зўр бир мавзу топишди дент.

— Олтивойнинг ўзидан ўтибди-да, нима қилди бо-ланинг жигитга тегиб. Карим ҳам мўмин-қобил кўрингани билан жаҳли ёмон эканда-а, ўзим-чи, бу сувчи-лар болага роса ўтказиб юборибди-да иш буюравериб. Ҳа, бу кесакдан ҳам олов чиққан-да ўтиб кетгандан кейин. Яхши бўлибди, энди ўйлаб иш буюради бу бечорчилар ҳам...

— Лексин яхшиям «ўлдириб-пўлдириб» қўймабди, баалога қоларди ўзим.

— Ҳа, нимасини айтасизлар, Сувон ака бўлмаган-да, балки кўп қон кетиб қолиб, бошқача бўлармиди. Вақтида ёрдам қилибди, барака топсин Сувон ака.

— Шу Олтивойга ҳайронман, жулда майда гап-да ўзим, неча марта айтганман, бир гапни қайта-қайта гапираверма, гапираверма деб, ўзидаям айб бор бўни. — Ана шундай гаплар бўлди қишлоқда.

Бу гаплардан хабар тошган Бадал ака ҳам иккита катта тарвузни қўлтиқлаб, Олтивой акани кўргани отланди. Унга уч-тўрт киши ҳамроҳ бўлди.

— Ҳа, сизларга нима бор менинг ортимдан? — деди Бадал ака уларга қараб.

— Ҳа энди, сизга ҳамроҳ бўлиб борайлик, ака, жанжал-панжал бўлса, яраб қолармиз ажратишга, — деди ҳамроҳлар.

— Эй, кошки билмасам, сенлар ажратишга эмас, томошага боришсанлар, — деди Бадал ака.

* * *

— Олтивой, ҳўв Олтивой, а бу ётвобсан кўрпа-тўшак қилиб, тинчликми?! Қалланг сал ёрилганига шунча ваҳимами, бутун қишлоқда шу гап.

— Нима қилай, Бадал ака, шундай бўлиб қолди-да энди, ўлгингиз бошимни ёрди, ўлганнинг устига тепган қилиб сиз ҳам устимдан кулгани келдингизми?

— Йў-эй, Олтибой иним... Эпигдим, яхши иш бўлмабди. Қаримни кечир энди, сенга бир укангдай эркалик қилибди-да. Ёнлик қилибди... Бундай тезлик қиладиган олати йўқ эди, ҳайронман, унга нима бўлди?

— Тўғри айтасиз, Бадал ака, мен ҳам шундай деб ўйлаб, кўнглим сиғиб, бир чой дамла, дегандим... Болангизнинг бошимга кетмон билан тушириб қолгани хаёлимга келмаганди.

Шу пайт Гуласал опа истар-истамас салом бериб кириб келди-да, кўлидаги чойнакни дастурхонга қўйиб кетди.

— Ҳа, келин, бунча қовоғингдан қор ёғилмаса, бир бўп қолибди-да, ҳеч нарса қилмайди, ким ўйлабди бундай бўлишини...

— Кўйинг, Бадал ака, аёлимга эътибор қилманг, биласиз-ку аёлларнинг феълини... Қани дастурхонга қаранглар.

— Оббо Олтивой-эй, сени қара-ю, Қаримдан хафа бўлма, биласан-ку мактабга ҳам бормади. Савод

чиқармади. Биз ҳам кўнглига қараймиз, ортиқча тапирмаймиз. Унинг феълди биров оғир.

— Ҳа, биламан. Мента қолса-ку, ҳеч кимга билдирмасдим. Мана бу қон қуруғ тўхтайвермади-да, — деди у бошини кўрсатиб.

— Отанга раҳмат, Олтивой, тушунган одам экансан. Ўзингизда бошқа бўлганида участкавойни чаққиб, роса бошимни қотирган бўлармиди?..

— Эй, нима деганингиз, Бадал ака, мен унақанги ёзув-чизув қилиб юрадиган одам эмасман. Шундай бўлиши керак экан, бўлибди. Нима қиламиз...

— Ҳа, барака топинг, Олтивой ака, Қарим ўзи яхши йигит. Ўзингизнинг шогирдингиз, тўғри қилдингиз гапни кўпайтирмай. Раҳмат, раҳмат сизга, — дейишди Бадал акага кўшилиб келган ҳамқишлоқлар ҳам.

Олтивой ака ҳеч кимдан, ҳеч қачон бунча раҳмат эшитмаганди, кўнгли қошпаб кетди.

— Энди Қарим ўзимнинг шогирдим, ўзи ҳеч нарсам бўлгани йўқ эди, биродарлар. Ҳазил-ҳазил билан кетмон учиб қолди-да... Бўлиб туради йигитчилик-да. Қишлоқда бу гапни чўзиб юриш уят. Қон оқмаганда-ку ҳеч кимга билдирмасдим, — у шундай деб кулмоқчи бўлувди, боши зирқираб оғриб, оғзи ёпилиб қолди.

— Қон оқгани яхши бўлибди, Олтивой ака, бошингиз ёрилгандан кейин қон ташқарига эмас, ичкарига — мингизга қуйилса, биласизми, нима бўларди? Қон оқгани яхши бўлибди, ака. Ҳа шундай, шундай...

— Йў-эй, мен ҳали қон оқмаса яхши бўларди, деб ўтирибман-а. Билмаганимни қаранг-а, оббо... шу-нақаси ҳам бўлар эканда-а.

— Ҳа, ҳа, Худо бир асрабди-да сизни...

Шундан сўнг Бадал ака ўтирганларга урушда бўлган бир воқеани ҳикоя қилиб берди...

— Германиянинг Берлин шаҳрида бир бинота кириб олган душман аскарлари таслим бўлди. Биз

уларни қатор қилиб саф тортириб, қуролларини ташлатдик. Автоматнинг кўндоғи билан туртиб-туртиб, асирларни сағлаш учун махсус ҳибсхона сифатида ажратилган жойга олиб кетаётган эдик. Бора-бор-тунча қуролдошларимиз асирларни автомат кўндоғи билан турткилаб борарди. Аслида асирга тушганларга бундай муомала қилиш тақиқланганди. Бир грузин шеригимиз ёшроқ кўринган бир асирнинг бошига автоматнинг оқаси билан қаттиқроқ турткилаб борган эканми, боши ёрилиб, қон елкасидан ўтиб, кийими ичидан сизиб, йўлга томчилаб келаверибди. Бунга ҳеч ким эътибор қаратмаган. Манзилга яқинлашиб қолганимизда ҳалиги асир кўп қон йўқотганини, бунинг оқбати ўлим эканлигини аниглаб, охириги кучи билан ҳалиги грузинга ташланди. Грузинни қўлоғидан тинглаб, бир парчасини ўзиб олди. Грузин бечора дод солиб қолди. Кейин қуролдошлар аралашиб, ҳалиги асирни грузиндан ажратиб олдик ва бир-икки тепкиладик. Немис ҳам чакана эмас экан. У шу ҳолатда ҳам эмаслаганча бир шеригимизнинг оёғини тингламоқчи бўлди. Хуллас, ўша асир бир неча кун давомида тинчланмади. Ўлдиришсин деб, атай бизнинг жигимизга тегдим. Биз унга бир-икки кун эътибор қилмаганимиздан кейин тинчиб, туппа-тузук одам бўлиб қолди. Икки ўртада грузиннинг қўлоғидан ажрагани қолди...

Айтмоқчи бўлганим, инсон табиатан шундай яраган, унга ҳадеб жабр-зулм ўтказиб бўлмайди. Бундай тазйиқ ўтказилаверса, ҳар қандай одам ҳам бир кун-мас-бир кун албатта жавоб қайтаради...

Бадал ака уйига қайтгандан кейин бўлиб ўтган гаплардан хаёбар тошган Карим хашахонадан чиқиб келди. Юз-қўлини ювиб, қозондан бир коса овқатни сузди-да индамай ичиб, ётоғига кириб кетди. Унга на Бадал ака, на Хосият опа бир сўз демади.

Карим ҳеч ухлай олмади. Тўни билан ўйлаб чиқди: «Нотўғри иш қилдим. Олтивой ака яхши одам экан, алаимини, жаҳлимни у кишига кўрсатмаслигим керак эди. Бечора, қишлоқдошлар олдида шарманда бўлибди. Ёш боладан калтак ебди, деган маълуматларни эшитибди. Устига-устак фарзанди ҳам йўқ. Кўнгли ярим эди бечоранинг. Кечиринг, Олтивой ака...»

Эртаси кўни Карим саҳарлаб ҳеч нима бўлмагандай, кетмонни олиб далга, ишга кетди. Сувчилар ҳаммаси ўз иши билан машғул эди. Улар ҳам Каримга ортиқча тошириқ бермай қўйишди. Хижолат тортган Карим эса ўзи билиб-билиб, ҳеч ким айтмаса ҳам ишларни қилдиган бўлди. Бу ҳақда ўйлаб кўрган тажрибали сувчилар ҳам бамаслаҳат Каримга самоварни бириктириб, унинг пайкалига ҳам ўзлари сув тарайдиган бўлишлар. Шунингдек, Каримга яна бир-икки майда-чуйда аризмаган қомушлар тегди холос. Каримга ҳам бу маъқул келди, аммо аслида бундан кўпроқ қомушни бажаришга рози эди у. Сувчилар олдида хижолатда эди. Бригадир ҳам сувчиларнинг бу таклифларини маъқуллади.

Карим шу бўғундан бошлаб нафақат сувчилар, балки бошқа бригада аъзолари учун ҳам самовар ёқадиган, чой етказиб берадиган бўлди.

Тўшпикка яқин самовар қайнайди. Қолган пайт эгит ораб, яхна чойми ёки қишлоғ марказидан фляга ва катта билонда келтирилган водопровод сувиними чанқатанларга етказиб туради. Шу-шу «Карим самоварчи» деган ном олди. Вақт ўтиб, бу номга бошқалар каби унинг ўзи ҳам кўникиб қолди. Фақат Хосият опа ўғлини бундай деб чақиритларини сира хоҳламапти. Ҳатто бир неча бор Карим самоварчи деб чақирганлари учун бир нечасини қойиб берди. Лекин эл оғзига элак тутиб бўлмайди, деганларидек,

Карим барибир «Карим самоварчи» номини олди. Ахири Хосият она ҳам бунга эътибор бермай қўйди.

Кунлар шундай ўтаверди. Карим самоварчи энди нафақат бригада ишчилари учун, балки қишлоқдаги тўй-маъраканинг барчасида, самовар қайнатадиган бўлди. Белгига белбоғ боғлаб, элнинг яхши-ёмон кунинда хизмат қилди. Тўю маъракалар Карим самоварчисиз ўтмай қолди. Тўй-маъракаси борлар Карим самоварчинни уя-тўрт кун илгари тактиф қилиб қўядиган бўлди. Карим самоварчи тенгдошлари нигоҳида анча улғайган, эл корига ярайдиган одамга айланди. Ота-онаси, бобо-момоси қатори кишилар уни «келинг-келинг»лаб, борингизга шукурлаб» кутиб олавергандан кейин, «самоварнинг жойини кўрсатинг, қаерга ўрнатайлик», деб у билан ҳисоблашганларидан кейин Каримбой ҳам керакли одамга айланди-да. Нима қилсин. Қишлоққа самоварчи керак. Самоварчи эса қишлоқда битта. Бошқа ҳеч ким Каримдай самовар қайнатмайди, бунга сабриям, тоқатиам йўқ. Тўй-маъракада ҳамма ўйин-кулги билан овора бўлади, самоварчи тўй якунига қадар чойнакларга чойни дамлаб туради. Бу ишни Каримдан бошқа ҳеч ким қилмайди. Тўй кишиларнинг ўйин-кулги, хурсандчилиги қилиши, яйраши, ўша кунни маза қилиши учун-да. Ҳеч эътирозсиз, текинга бировнинг тўй-маъракасига, тагин камига мезбон-меҳмоннинг қош-қовоғига қараб чой дамлашга фақат Карим рози бўлади-да. Карим бунга одатий ҳолдай қабул қилади. Тўй-маъракадаям, бригада дагаларидаям самовар қайнатиб, чой етказиб беришга бирдай улгуради. Каримнинг кунлари ана шундай ўтарди.

Кунларнинг бирида Ашурбой катта ўғлини уйлантирди. Шу тўйда денг самовар қайнатаётган Каримга Ашурбойнинг катта қизи Қўзигул бошқача қараб қўйди. Чойнак кўтариб олти-етти марта келиб-кетди.

Карим ҳам Қўзигулга термиллиб қолди. Қуруқ чойни ҳам аямай солиб, аччиқ-аччиқ чой дамлаб берди. Шу кунни Карим бир бошқача бўлиб кетди денг ана, ана кўринг, илгари ҳеч бундай бўлмаган-да. Қизариб кетди, боласи тушматур. Бу ҳолатни ҳамма пайқагандай, кўллари қалтираб, чойнакларни тарақ-туруқ қилиб, бир-бирига уриб, синдириб қўйгудек бўлиб кетди. Қиз қуруқ ҳам шўхроқ эканини, чойнакни тез-тез бўшатиб-бўшатмай кўтариб келавериб, Каримни роса ноқулай аҳволга солиб қўйди. Карим шу тўйда жуда бошқача хизмат қилди. Бригаданинг қуруқ чойидан ҳам анчасини ишлатиб қўйди. Қуруқ чойнинг анаам чойини чиқариб дамлайверибдимиз денг, мезбоннинг олиб келгани етмай қолди. Агар бошқа тўй-ҳашамларда қуруқ чой етмай қолса, даров тўй эгасидан сўраб олар эди. Бутун Карим бу одагига қарши борди. Мезбондан сўрамади. Тортинди. Ашурбойнинг катта қизини ўйлаб тортинди-да. Ёки бир тангилити тугиб кетдимиз. Нима бўлганда ҳам, шу кунни Каримда катта ўзгариш бўлди. Карим ҳам жамиятга яқинлашиб, бир қадам босди. Одамовилиги ҳам бироз эсдан чиқди. Карим энди атрофдагиларга бир-бир гап отиб қўядиган бўлди. Ҳамма унинг ҳеч кимга қўшилмай, савол берса саволга бааър жавоб бериб, хўмрайиб юришига ўрганиб қолганди. Хуллас, шу кунги тўй охирида тўй эгаси Каримнинг белбоғи устидан яна бир белбоғ боғлади.

— Тўн етмай қолди-да, ука, — деди у.

— Ҳечқиси йўқ, тўнларим кўп уйда, тўнга жой йўқ.

— Ҳой, ундай дема-эй, Карим ука, шусиз бўладими, ахир, бир тўнга қарздормиз. Ука, эртага келинсалом ўн-ўн бирларда, энди яна бир хизмат қилиб берасан, ўзинг. Тўнни эртага ёпаман, шу баҳонада... Келип-дикми?! Барака топ!

Карим ҳам шу гапни кутиб турган эканини, қизариб кетди. Оғзи очилиб бир муддат ёпилмай қолди.

Бу гап жулда ёқиб кетганди унга. Негаки, шу тобда Ашурбойнинг катта қизи кўз ўнгига келиб кетган эди-да.

— Хўп-хўп, Ашур ака, хизматдан қочмаймиз. Тўн учун келмайман, биласиз-ку. Унда эртага саҳарлаб далага бораман-да, ишларимни қилиб, соат тўққизларда келаман. Кейин ўн бир-ўн бир яримларда ана далага кетаман. Чунки колхозчиларга чой қилиб беришим керак. Розимсиз?

— Яхши, яхши, ука, сента ишондим. Нима керак бўлади эртага сента?

— Ҳеч нарсга керакмас.

— Қуруқ чойинг борми?

Карим илтишга қаради.

— Йў, таомом бўлибди.

— Яхши бўлди, тушунарли, ўзим келтириб қўяман. Сен келавертинг эртага, хўпми?

— Хўп, хўп. Ўзи бутун ҳам етмай қолганди, сизни безовта қилмай, ўзимда борини ишлатдим.

— Ҳа, билдим, билдим. Барака топ, ука... Ўзим одам роса келди-я... Каримжон, ҳеч кутмагандим-ей, бунча одам келишини. Шошиб қолар экансан-эй, чоп-чоп билан бўлиб, эйтибор қилмаганимни қара... Ўзинг ҳам сўрамабсан-да, ҳам... тушунарли. Унда сени эртага кутаман, ука...

Тўйдан кейин Карим ухлай олмай, тонггача хаёли суриб чиқди. Кейин эса келинсалом бошланганини кутди. У ёғда эса Ашурбойнинг катта қизиди ҳам шу аҳвол кузатилди. Тўйдан кейин тонгга қадар илтиш-товоқларни йиғиштириш билан бўлиб, ҳовлини саранжом қилишга вақт сарфлаган бўлса-да, хаёли Каримга қараб тортаверди, тортаверди. Ўз-ўзидан хурсанд бўлиб, кўтаринки кайфиятда юрди. Одатий кунларда сингиллари билан ишларни «сен қил, мен қиламанми», дея жигибийрон бўлиб қолди-

шарди. Бутун эса у бутундай бошқача, сингиллари ҳам ҳайрон.

— Келинсалом маросими ҳам яхши ўтди, — деди Ашурбой.

Ашурбойнинг катта қизи Карим самоварчига қайта-қайта салом бериб кетди. Карим алиқ олгандай бош чайқаб, қизариб-бўзариб зўрға:

— Иминг нима эди? — деб сўради қиздан. Астида унинг исмини биларди.

— Вой, исмини билмайсизми ҳали, битта қишлоқда яшасак ҳам-а. Айтмайман, билиб олинг, керак бўлса!

Карим қиздан бу жавобни кутмаган эди. Нима дейишини билмай қолди.

— Билиб оламсан, майли, — деди зўрға. Қиз ана чойнакни кўтариб келди-да:

— Билдингизми? — деб сўради.

— Йў, билолмадим.

— Қишлоқда ҳамма бир-бирининг исмини биледи, сиз билмай қолдингизми?

— Йў, мен ҳам билардим. Лекин синглинг билан исмингни адаштириб қўйпманми, дейман-да.

— Хўш, синглимининг исми нима экан, билсангиз?!

— Менимча, Қўзигул бўлса керак.

— Эй, Қўзигул менинг исим-ку, уники Жумагул. Яхшилаб билиб олинг, энди адаштирмайдиган бўлиб, хўпми?!

— Хўп, билиб олдим.

Каримни ўзига яқин олиб, меҳр билан айтилган бу гаплар унга жулда ёқиб кетди. Қизнинг журъятига қойил қолди. Таъсирланиб кетган Карим бу қизни келин, ўзини куёв каби тасаввур қилиб кўрди...

Карим мактабда иккинчи синфдан кейин ўқиматган бўлса, Аббос ҳарқалай саккизинчигача амаллади. Лекин саккиз йилда ҳам саводи чиқмади. Ўқитувчилар «Аббосдан кутулганимизга шуккур, у мактабда ҳеч нима ўқимас, ҳеч нима ёзмас эди. Ўй вазифаларини бажармасди. Ўй вазифаси сўралганда, кўзларини пастга қадаб, «амманинг бузоғидай» мўлтираб тураверарди», – дейишбди.

Розия муаллим ҳар сафар мана бундай деб жаварди:

– Нега яна дарсингни тайёрламадинг, Аббос туштур? Кўзларингни мўлтиратмай қол, одамнинг раҳмини келтирад-я бу жавдираб... Бола бўлмай кет, қачон сендан кутуламан-я? Ментина эмас, шу мактаб қачон сендан кутулади-я? Шу кунлар тезроқ келсайди. Келармикин шу кунлар-я. Гап-пап тавсир қилмайди-я бунга?! Қандай бағло бўлдинг сен-я?! Қандай бағло бўлдинг?! Кўзингни мўлтиратиб, каллангни ҳам қилиб туравериб, инфаркт қиласан бир кун бизларни.

Бошланғич синф ўқитувчинг ҳам шунча ҳаракат қилди, сени одам қилолмади-ю, лекин дастингдан ўзи асаб касал бўлиб қолди. Ручка ушлагини билмай ўтнинг-а бошланғичда. Сента ручка ушлатаман, деб силласи кўриди бечоранинг, сен ва сента ўхшаган мана бу синфдошларинг ҳам баринг бир. Ҳой, биттанг шундай бўл, иккитанг шундай бўл, олти-еттитангга аҳвол шу-я, саводсизлар! Айниқса, охирти пайтда, Аббос, сенинг турқингни кўрсам, кайфиятим бузиллиб кетади. Наҳот бирор марта дарс қилиб келмасанг, бир ҳарф ёзмасанг, умрингни мактабда ўтказиб нима қиласан?! Сента танбеҳ ҳам бериб бўлмайди. Қайдан эшитади ҳайронман... «Ассалому алайкум», деб директорга аразини айтгани онанг етиб кетади. Бу гап кўп-

чилигингизнинг онангизга тегишли. Оналаринг бу ерта югуриб келгунча, «дарсингни қил, болам», деб, айтадими-йўқми, ўзи уйда?! Боласининг ўқишидан, тарбиясидан беҳабар, тўй-маъракада гап бермайди. «Муаллимжон, боланинг ўқишлари яхшими?», деб қўйишди кўпчилиكنинг ичиди. Худди боласини билмагандай. Қайдан яхши бўлсин-я ўқишлари... Мактабдан бориб сумканинг улоқтирасанлар. Эртасига ҳатто китоб-дафтарингни ҳам алмаштирмай, кўтариб келаверасанлар. Бир ҳафталик дарс китоблари тушмайди сумкаларингдан. Қачон одам бўлсанлар сенлар?! Ҳеч бир синфим сенлардай эмасди. Безбетлик ҳам шунча бўладими?! Янги мавзу ўтиш ўрнига ҳар дарсда сенларга тарбиявий соат ўтаман. Қайдан ҳам олдим-а ўзи шу синфларингни. Қайдан ҳам сенларга синф раҳбари бўлдим?! Бошимга битган бағло бўлдиларинг-ку...

Ёзинглар Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари. Хрес-томатия китобларингга бор, ёдлаб келасизлар. Ёдлаб ифодали қилиб айтиб берадиган бўлиб келинглар, тушунарлими? Асгаридай еўнигилаб, ўқиб берганларингиз керакмас мента. Сен Аббос, жигла кўрса шу ҳикоянинг бир бетини китобга қараб ўқиб берсанг ҳам майли... Синф раҳбаринг бўлмаганимда ҳали иккинчи синфни ҳам битирмаган бўлардинг, тушундингми?! Каллангни сарак-сарак қилма, тилинг борми, забон деган савил борми сенда, овоз чиқариб айт... Хўмпиш, кейинги дарсда кўрамыз аҳволингни. Энди-чи мendan ўлкаламанглар. Директорнинг олдига ҳам сизларга ён босавериб чарчадим...

Аббос ана шунақанги гапларни эшитавериб, гап тавсир қилмайдиган бўлиб, саккизинчинини тамомлади. Тамомлади-ю, нима қиларини билмай қолди. Савод кўргур ҳаминқадар. Отасининг ўрнига кечки сменада қоровуллик қилди. Бу ишта бўйни ёр берма-

ди. Қорамол боқаман деб кўрди, кўлидан келмади. Томорқаларига поллиз экиб, туман марказида сотиб кўрди, бу иши ҳам ўхшамади.

Ўйлаб-ўйлаб, дўсти Каримга маслаҳат солди. Карим ҳам самоварчинликдан бошқа иш қилмаган эмасми. Шундан келиб чиқиб, ўйлаб ҳам ўтирмай, далага чиқ, бригадирга учра, «далада ишла мента ўхшаб», деди.

— Сенинг ёнингдда ишингта ёрдамлашсам бўладими?!

— Майли, яхши бўларди. Лекин бригадирдан сўраш керак-да.

Шу-шу Аббос Карим дўстига шотирд тушди. Энди икковлон бригадда ишларини ҳам, тўй-ҳашаму маъракадаги ишларни ҳам биргаликда қилишадиган бўлидилар...

* * *

Карим билан Қўзигулнинг тўйлари бўлиб ўтди. Тўйнинг эртаси куни эрталаб атлас либосларда, бошга катта зар рўмоғ ташлаб олган Қўзигул кечаси кичик укасининг ёнида ухлаб қолган куёв бола — Каримга эгилиб салом қилди. Каримни укаси туртиб ўйотди. Қўзини уқалаб ўйронган Карим ҳайрон бўлиб ўтираверди.

— Келинжонимнинг саломига алик олмайсанми, Каримжон? — деб қолди Хосият опа. Карим гўнғиллаб қўйди. Укаси кулди.

— Қўп яшанг, янга, — деди у.

Қўзигул опхонага чиқиб кетди. Хосият опа уни Қўзигул келин деб чақира бошлади. Шундан сўнг қариндош-уруғ, кўни-кўшни ҳам уни Қўзигул келин деб чақирадиган бўлидилар. Карим самоварчининг хотини Қўзигул келин бўлиб кетди.

Шу куни келинсалом бўлди. Қариндош-уруғ, кўни-кўшни атаганини, аъни келин кўрмаларини

ҳовли ўртасига тўшланган қалин паттилам устига ташлади. Келинга хамир қордиришди. Қўлига мой қўйишди, навоатма-навоат ирим-сирим маросимларини қилишди. Бадал ака кўрмана учун бир катта зотлор ситирни бузоғи билан сизларники деди. Яна томоқ қириб қўйди. Каримга қараб кўз қисиб қўйди. Карим хижолат бўлиб кетди. Хосият опа ҳам уч кун олдин Бадал ака кўрмана учун олиб келиб берган катта тилга балдоқ зирак бўлса-да, पोша-пиша қулоғидати эски сирғасини еча солиб, келинига тутқазди. Келинини юзидан ўлиб қўйди. Баланд овозда «ҳали кўп олиб бераман бундай сирғалардан», деб қўйди...

Беш кунлик куёв бешинчи куни саҳарлаб далага отланди. Аббос унга ҳамроҳ бўлди. Далага етиб борганларида бригадда ишчилари ҳазил қилишди:

— Ие, Каримбой, шимингиз тушиб кетаяптими?!

— Озиб қолбисизми, тинчликми, ич кетдим, дейман-а...

— А, бу қандай бўлар экан янги ҳаёт, олаҳуржун?!

— Қўзларинг киртайиб қолибдими-а, ука, ай воҳ, ҳа-ҳа-ҳа!

— Каримбой ҳали бир ҳафта, ўн кун ишга чиқмасанг ҳам бўларди, мана Аббос амаллаб турарди самоварни. Келинни зериктириб қўйманг, деппизда, акоси...

— Эй, нималар даяпсиз, Бўри ака! Бу Каримбой келиндан қочиб келган, ҳали беш кун ҳам бўлгани йўқ, олаҳуржундан қочган, ака, бунингиз. Ҳа-ҳа-ҳа!

Карим қизариб кетди.

— Бўлди қилинглар, энди, — деди Аббос гапга аралашиб.

— Ие, Аббос, бўлди-бўлди деявермай, сен ҳам тайёргарлигингни кўравер, ука, Карим акангта ўхшаб қизариб қолмай десанг, воҳ, ҳа-ҳа-ҳа!

Гапта бригадир аралашди:

— Бўлди қилинглар-эй, сизларга қуруқ гап, сафсата бўлса бас, оғизларинг ёпилмай қолади. Куёш пешин томонга қараб кетди, ўрнингиздан жилай демасизлар. Кечгача шу бўлимнинг ишини якунлашимиз керак. Қани бўлди, кўп гап сотманглар энди. Карим, сен бугунча боравер, эртадан мана бу оқ кўйлақларингни алмаштириб, иш кийимида келин, хўпми? Ишдан кейин келинни ёнида кийиб ётасан оқ кўйлақни қора шим билан, майлими, укажон, воҳ, ҳа-ҳа-ҳа! — Бригадир ҳам бир гап келиб қолганди аямай тапириб олди. — Ҳа, айтгача, йўл-йўлакай қиплоғ адоғидаги дамбага бир-икки чим бостириб кет, бешинчи бўлимни суғориб оламиз. Бўпти, боравер энди.

Шу тобда эса у оқ кўйлақ, қора шимда қиплоғ орадаб минг хижолатда борарди. Карим чиндан ҳам кийимига эътибор бермаганди.

Карим дамбага етиб келгач, енг шимарди-да, атрофдаги тайёрлаб қўйилган чимлардан бир-иккисини дамбага бостирди. Энди учинчи чимни олган эди ҳамки, дарёда унга томон бир қизил матога ўхшаш нарса оқиб келаётганлигига кўзи тушиб қолди. Қизиксиниб уни яқинроқ оқиб келишини кутиб турди. Яқинлашиб келаётган матога синчиклаб қараган эдики, мато эмас, қизил кўйлақ кийган қизча сувда оқиб келаётган экан. Уст-боши билан дарёга ўзини олди. Қизчани кўтариб олиб амаллаб қирғоққа чиқди. Қизча ҳушсиз эди. Қизчанинг кўкрагига қўлоғини босиб кўрди. Унга қизча нафас олаётгандек бўлиб туюлди. Қизчанинг икки кўлини ушлаб, бир-икки ҳаракатлантирди, чалқанчасига ётқизиб кўли билан елкасидан босиб кўрди. Қизча жим. Кейин қизчани кўтариб олди-да, қиплоғдаги тиббий пунктга қараб югура кетди. Олтинш-етмиш метрча чопгандан

кейин қизча бўғилиб йўталди, оғиздан сув фаввора каби отилиб чиқди.

— Хайрият, тирик экан, — деди Карим.

Қизчанинг юзи кўкариб кетганди. Тиббий пунктга боргунча уларга йўлдаги одамлар ҳам ҳамроҳ бўлишди, бири кўйиб-бири кўтариб чолди қизчани. Қизча кўп сув ютган экан. Қиплоғ врачни ҳам роса тер тўкди. Ниҳоят, қизча ҳушига келди. Бу қизча Худёёр аканинг яккаю ёлғиз қизи Насиба экан. Қиплоғ врачни Каримга катта раҳмат айтди.

— Вақтида олиб келибсиз, ана кўтариб чопганингиз таъсирида ошқозондаги сув чайқалиб отилиб чиқибди, сал вақт йўқотилса, қиздан айрилиб қолардик.

Шундай қилиб, беш кунлик куёв қаҳрамонга айланди. Қизини Карим самоварчи кўтқариб қолганини эшитган Худёёр ака аввалгига хотинининг қариндошлари билан кўшиб бир-бир рўйхат бўйича мақтаб чиқди-да, сўнг ёнроқ дарахти соясида ётган оқ серкани кажавали мотоциклгига ортиб, тўғри Бадал аканикига борди. Каримга каттадан-катта миннатдорчилик билдирди. Рози бўлгин, ука, дея оқ серкани шохидан тортиб, Каримнинг кўйларига кўшиб қўйди. Карим олмайман, деб роса тиришди. Худёёр ака кўярда-қўймай қолдириб кетди.

— Қўйинг энди, Худёёр ака, мен тўғри келиб қолдим-да, шу жойда бошқа бўлса ҳам кўтқарарди. Худонинг марҳамати бу, ҳали насибаси бор экан ҳаётда. Серкантиз керакмас, мен ололмайман. Шундай ҳам розиман, мени рози қилиш шарт эмас, ака, — деди у.

— Эй ука, яккаю ағона қизим, гап серкада эмас, аввало сента катта раҳмат. Ҳали тутинган сингилнинг бўлади шу қиз. Лекин олмасанг хафа бўламан, ука. Айтдим-ку, ука, гап серкада эмас. Ўла-ўлгунимча миннатдорман, қарздорман сендан. Яхши кунларингда қайтарай бу яхшиликнингни, — деди Худёёр ака.

— Ўғлим, Худоёр акантининг кўлини қайтарма. Сенга илинибди, фалокатлардан Худонинг ўзи асрагани рост бўлсин. Серкани сўйиб худойи қиламиз. Худоёр акантиниям чақирасан, хўшми, болам. Энди Худоёр акантни ялнтираверма, кўриб турибсан-ку кўнглидан нималар ўтмаган. Бўлди Худоёржон, сиз ҳам бошқа гаплардан гапиринг, илойим фалокат ортда қолгани рост бўлсин.

Орадан икки йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Карим ва Кўзигул фарзанд кўришмади. Шодлик кунлар уларни тарк эта бошладди.

Кўзигул техникум дипломи билан туман марказида ишлаб юраверди. Карим самоварчи эса ўз ишида. Лекин қариндош-уруғ, кўни-кўлини аралашуви, маҳалла-кўйдаги гап-сўзлар ва бошқа вазжлар баҳонаи сабаб бўлди. Энди эру хотин фақат бир-бирининг камчиликларини кўра бошлади. Гап талашган вақтларида хотини Каримни анқов дерди. Кўзигулни эса Карим нотирон дерди, ана шундай гап-сўзлар билан бошланган тортишувлар секин-секин бир-биридан кўнгли қолиб кетишига сабаб бўлди.

Шундай кунларнинг бирида:

— Тинчликми, Карим, бунча жанжаллашасизлар, нима гап ўзи? — деб сўради Аббос. Карим ҳам дарду ҳасратини Аббосга тўкиб солди. Жимгина эшитиб, бу ҳолга чидаб тура олмаган Аббос:

— Карим, сенга уч-тўрт ойдан бери бир гап айтаман дейман-у, айта олмаяпман. Хафа бўлмасанг айтаман. Бу гапларни мен гапирганимни уйдатиларингга ҳам айтмайсан, келишдикми? — деди аллақандай сирли оҳангда.

— Бўпти, тинчликми ўзи, гапни бунча чўзмасанг, айтсанг-айт-да.

— Синглимни биласан-ку хотининг билан бирга ишлайди. Синглим ҳам айтайми-айтмайми, бадога қолиб кетмайманми, деди. Яна айтиб қўймагин, дўстим. Хуллас, биттаси хотинингнинг йўлини кўп пойлаётган эмиш. Ўзининг хотини ўлганмиш. Хотининг билан бир-икки марта гаплашиб турганини ҳам кўришган экан. Хотинингнинг оёқ олиши чатоқ, шунга айтиб қўймоқчи эдим...

— Ҳа, яқинда билдим ўзим ҳам. Кўзигулнинг ўзи айтди. Жавобимни беринг, дегпти. Фарзанд кўрмасак, бундай яшаб бўлмайди, деди. Ўша кишини ҳам гапирди. Бориб бўғзидан сўйиб келай шу ярамасни, бировнинг хотинини йўлдан урадиган ҳаромини, дейману... Менимча, у хотинимни мендан аллақачон совитиб бўлган шеклиги. Ота-онамининг кўнглига қараб келаётган эдим. Энди сабр ҳам шунча бўлади. Мен ҳам темирдан эмасман... Жавобини бериб юбораман. Бошқа иложим ҳам йўқ. Эл-улус ичида бошимни ҳам қилди бу тугмас хотин. Билмайман, нима қилиш-ням, бошим қотди. Жуда ўзгариб қолган ўзим шу кунларда... Уйлангунча унга раҳим келарди, ҳозир эса йўқ. Турқини кўргим ҳам келмай қолган...

Бир неча ой ўтиб, Кўзигул кетиб қолди. Отаси Ашурбой ҳам сендай қизнинг мента кераги йўқ дебдими, ота уйига сиймай, ўша йўлини пойлаб юрган хотини ўлган кишига тегиб кетибди...

Карим самоварчи «баттар бўл», деди. «Олтиншга кирган тўрт болали кишига илакишмай ўл, кунинг-ни кўрасан ҳали болалари катта бўлса!» деди.

Каримнинг ўзи эса бошқа оила кўрмади. Ўша болалигидаги одамови ҳолатига тушиб қолди. Яхшиям «самоварчи» деган номи бор, ана шу касби билан чалғиб юрди. Йиллар шу зайл ўтиб бораверди.

Эргалабки соат етилларда дарвоза тараф-туруқ этди.

— Карим ака, ҳўв Карим ака...

Каримнинг келини — укасининг хотини чиқиб қараса, Гўлбой аканинг ўғли кўлида таклифномалар билан турибди, тушундики, Карим акани йўқлаб келган.

— Янга, Карим ака уйдаими, чақириб юборинг, — деди у шошилиб.

— Уйда эди. Хозир чақираман.

Ҳа, бу пайтда ишда бўлишга одатланиб қолган Карим анча йиллардан бери, яъни хотини билан ажрашгандан бери тўй-ҳашамларда оз-оздан томоқ ҳўллайдиган бўлганди. Бутун ҳам шунинг таъсирида ухлаб ётганди. Ухлаганда ҳам туш кўраётган экан. Келини деразадан чақириб уйотгандан кейин кўраётган туши чала қолди. Бошини ушлаб бироз ўтирдиди, ким экан, деб кўйдди.

— Ака, чиқинг, сизни сўраб келишибди.

Юз-қўлини ювишга ҳам улгурмаган эди. Гўлбой аканинг ўғли кириб келди.

— Кел, кир.

— Майли, мен қайтаман, ака. Тўй бошлаб қўйгандик. Индинга... шунга сизни таклиф қилиб келдим. Бир хизмат қилиб берасиз, деб...

— Кимнинг қизига уйланысан? Келин шу қишлоқданми ё...

— Ҳа, шу қишлоқдан. Келин сизга ҳам бегона эмас, ака. Исми Насиба. Худоёр аканинг қизи, эсласангиз беш ёшида дарёда оқиб кетганда қутқариб олган экансиз. Сизнинг шарофатингиз билан тирик қолган экан. Шу қизга уйланышман.

— Ҳа, ўзимизнинг Насибамми? Яхши-яхши, бахтли бўлинглар, албатта бораман. Ётти мен юз-қўлимини ювиб келай, чой ичамиз.

— Раҳмат ака, бу ерлар чой ичмаган жойимиз эмас. Мен борай, ҳали кўп жойга киришим керак.

— Ҳа майли, бўлти унда.

— Ака, кутамиз, албатта боринг-а...

— Бўлди-бўлди, бораман, Аббос билан борамиз.

Карим энди юз-қўлини ювиб дастурхонга ўтирувди ҳамки, яна дарвоза тақиллади. Дарвоза эшиги очилиб, Насиба кириб келди.

— Ассалому алайкум, Карим ака. Сизни тўйга айтиб келдим.

— Ваалайкум ассалом. Яхши-да, сендан олдин куёв ҳам келиб-кетди. Куёв Гўлбой аканинг нечанчи ўғли?

— Учинчи фарзанди. Ҳа, у киши ҳам келганимиди? Мендан аввал ултурибди-да таклифнома беришга. Энди улар келган бўлсалар, сизни хизматга айтиб келган-да. Мен эса сизни меҳмонга айтиб келдим!

— Яхши-яхши, раҳмат, сингилжоним.

— Ўтинг албатта, Карим ака, акам деганман-а сизни.

— Хўп-хўп, албатта ўтаман. Ўтир чой-пой ичиб борасан.

— Раҳмат, ака, шошиб турувдим. Бошқа сафар...

Насиба чиқиб кетгандан сўнг Карим ўша Насиба сувада оққан кунни эслади. «Худонинг хоҳиши эканда, қаранг-а, индинга келин бўлман, дейди. Ўшанда беш ёшда эди, Яратганга айтгани бор экан-да. Илоё бахтли бўлсин». Шуларни кўнглидан ўтказиб, Карим беихтиёр эргалаб кўрган тушини эслаб қолди. Тушида қандайдир катта сувада, катта дарёдами-ей, кўм-кўк дентиздами-ей қайиққа ўхшаган алламоалода оппоқ кўйлақ кийиб олган Карим сузиб кетаётганмиш. Ундан сал нарида отаси Бадал ака худди шундай қайиқда оппоқ кийиниб кетаётганмиш. «Ота-ота», деб қанча чақирмасин, Бадал ака унга эйтибор бермай, сузиб кетаверибди. Ҳеч ортига қарамасмиш. Шунда Карим бор овозда: «Ота, ота, бу мен — Каримман», —

деса, Бадал ака истамайгына ортуга бир қараб кўйиб, кўлини силкиттанча «кет» деган ишора қилибди. Шу пайт дарё қирғоғида ошпоқ кийиниб, бошига катта оқ рўмол ташлаб олган Кўзигул «Карим ака, Карим ака», – деб чақираётган эмиш. «Карим ака, отангизнинг олдида борманг, борманг, у одам отангиз эмас!» дермиш Кўзигул.

– Отам-ку, мен ўз отамни танимайманми, жин-ни-пинни бўлдингми, Кўзигул, – деганида келини чақириб, уйғотиб юборди...

Карим шуларни эслаб боши қотиб ўтирувди, Хосият она келиб арзу додини айтиб қолди:

– Болам, ёшинг ҳам ҳадемай элликка етади. Хотининг кўйгандан кейин уйланмадинг. Хотининг эса топиб кетди тенгини. Энди бу юришинг уят. Аҳволингни қара, болам, шу зормандани ичинни қаердан ўргандинг-а?! Бизнинг авлодимизда йўқ эди-ку ароқ ичадигани. Кимга торлинг-а, болам?!

– Бўлди-да энди, она, сиз ҳам эрталабдан бошламанг... Бошқа ичмайман, дедим-ку, бошқа ичмайман. Ўзи озгина ичгандим.

– Шу кўруғуни озгинасиниам ичма, болажоним-а, бизларга тўғри келмайди, ёқмайди бизнинг авлодга бу ароқ-пароғинг тушундингми, болам? Бошқа ичганингни кўрмай. Хафа бўлман. Каттиқ хафа бўлман... Кеча тушимга отанг кирибди, нимадандир безовта кўринади. Кўй шунни ичма, отангнинг арвоҳи безовта бўляптимикин-а. Отанг бу зормандадан анча узоқ юрарди, ҳеч қачон ичмаган.

– Она, энди айтмоқчи бўлиб турган эдим. Мен ҳам эрталаб тушимда отамни кўрувдим. Ўзингиз гап бошлаб қолдингиз.

– Ана кўрддингми, отангнинг руҳи безовта, болам... Қани, бошидан айтиб бер-чи, кўрган тушингни.

Карим кўрган тушини онасига бошдан-оёқ сўзлаб берди.

– Болам, бу яхшилик аломати эмас-да. Менинг тушимга ҳам кирди. Авзойи бузук эди. Нимадандир хафами-ей, хавотирдами, билмадим. Лекин сен айтгандай ошпоқ кийимда эди отанг... Шунинг учун ташла, болам, шу «шайтон сувингни» ташла! Кеч юришингни ҳам ташла, сента қолгани йўқ қишлоқнинг тўй-ҳашами, эрталабдан ярим тунгача қолиб кетасан. Бир самоварчи бўлса топилиб қолар. Топилмаса, ана Аббоснинг ўзи қилаверсин. Кўй, болам, ўзи шу кунларда кўнглим бир беҳузур бўлиб, икки кўлим ёқамда юрибди. Ундан кўра биров-яримга оғиз солайлик, уйлангин. Яхши эмас бу юришинг. Элнинг гап-сўзидан ҳам чарчадим. Болам, ахир аркак кишига барибир аёл керак...

– Мента ким ҳам тегарди. Бирорта майиб-мажруҳни айтмаса, кўрддингиз-ку биттаси шу ҳолида ҳам нима қилиб кетди. Бошқаси гўр бўлармиди?! Бўйдоқ юрганам яхши, тинч юрман. Бўёғига қанча умрим қолди ўзи, Худога аён...

– Ҳой, оғзингга тош, бу сўзни бошқа тилингга ола кўрма, болам. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин, деркан. Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир-а, болам. Сешанба кўни бир мушкулкушод қилиб юбормасамми, ўзи сента бир нима бўлибди.

– Майли, она, насиб қилгани бўлади. Уйлансак уйланаверамиз. Топиб кўринг-чи биронтасини. Тўғри келса, майли.

– Мана бу бошқа гап, болам, бизларни ҳам гап-сўздан қутқарасан. Яхши бўлади, бу тақдирда... фақат ёмон томонини ўйлайверма. Биринчиси бўлмаган бўлса, худо хоҳласа иккинчиси билан яхши яшаб кетасизлар...

– Ҳўп. Мен далага бориб келай унда. Бригадир ҳам тиш қайраб ўтиргандир, – Карим шундай деб жойидан қўзғалди.

Эрталабки соат олтиларда ювилиб, дазмоллаб кўйилган кийимларини кийиб, Карим самоварчи Насибанинг тўйига огланди. Кўёвнинг уйига эса Аббосни жўнатди.

— Аббос, сен бориб Гулбой аканикида самовар ёқ. Мен Худоев аканикига, Насибаларникига бораман, соат ўн биргача келиннинг уйида бўлман, кейин кўёвникига ўтаман, хўшми? — деди у дўстига ўзгача меҳр билан.

— Яхши, тезроқ бор, ишқилиб кеч қоллиб кетма ана, — деди Аббос ҳам.

— Яхши, яхши.

Шундай қилиб, икки дўстнинг бири келиннинг уйига, бири кўёвнинг уйига қараб кетишди. Шу қиллоқ тўйларини Карим ва Аббос самоварчиларсиз тасаввур қилиш қийин...

Аслида тўй самоварга ўт қалашдан бошланади. Самоварчилар сурп фарғукни белгига боғлади, деса, билаверингки, қиллоқда тўй бошланган бўлади.

Туманнинг ички ишлар бўлимининг барча катта-конглари шу қиллоқда тўпланишган. Прокурор, милиция бошлиғи, участкавой, эксперт, криминалист ва ҳоказолар...

Эрталабки соат саккизларда Карим самоварчининг жасадни топиллибди, деган гап бутун қиллоққа тарқалди.

Шаҳардан телефон бўлганмиш, жасадни экспертизага олиб кетишди. Лекин жасадни ёришларига Каримнинг укалари руҳсат бермаётган эмиш, тўй агалари ҳам ҳозир бир аҳволда экан.

Бу хабарни эшитган кўёвнинг онаси Ҳанифа янгина «Тез ёрдам» келибди. Мазаси қочиб қоллибди.

Ана ўша гап урчитиб бўйича қиллоқда хизмат кўрсатганлар «нимам қилсин у бечора ҳам, бирор гап бўлгандир-да, сиқиётандир, бекоргамас-да», деди. Лекин шаҳардан телефон бўлгач, «сура-сур» бошланди. Прокурор ҳам, милиция бошлиғи ҳам оёққа турган эди. Ҳа, Каримнинг ўша қариндоши телефон қилган эмиш. Воқеани суриттираётган экан, прокурор шахсан ахборот бераётганмиш... Ҳа айтишганидек, ҳали кўп «сура-сур» бўлади...

Келиннинг уйида Карим самоварчи, кўёвнинг уйида Аббос самоварчи иш бошлади. Карим келиннинг уйида тушликкача самовар ёқиб, тушликдан кейин «келин келди-келин келди» билан кўёвникига кириб келди.

Аббос тўйхона ҳовлиси адоғидати катта анҳор даладиги соягина жойда иккита самоварни қайнатиб, анча-мунча чойни дамлаб бериб ҳам бўлган экан. Домигидай қозон-ўчоқлар самоварлар ёнида ўрнатилган.

Тўй қиллоқники эди. Келин ҳам, кўёв ҳам шу қиллоқдан. Шунинг учунми, кундузги давраям зўр бўлди. Кечки дастурхонга аталган ноз-неъматларнинг бир қисми тортилиб кетибди. Ҳа, энди иштаҳа очилганда кетади-да.

— Олиб келинглар-ей, — деди кўпни кўрган кайноиллар, — ҳаммаси ўзимизники, бегонаси йўқ, — деди. Эркаклар бошини қизитиб олди. Аёллар ҳам келинсаломи артага қолдирмай, шу бутун ўтказиб кўй қолди. Ахир ҳали базмгача анча-мунча вақт бор эди-да.

Эркаклар шипанинг ичига кириб кетаман, деб турганда аёллар зерикиб ўтирсинми? Йўқ, бу адолатсизлик бўлади. Шундай қилиб, аёллар ҳам ке-

линсаломдаёғ рақсни бошлаб юборишди. Кайвони кўшнисига «калонкангиз»ни ёқинг энди, Убай муаллим», — деди.

— Бўлди-бўлди, Фахриддин, дискни кўй.

Пешинда бошланган келинсаломда бир-бир салом айтилди. Тўхтатилди. Диск кўйиб, рақс тушилди. Айниқса, аёлларнинг ичига бир-иккига савдогарлари бор экан, дент, роса ўйнашди.

Хуллас, келинсалом ўйин-кулугига уланиб, кунботаргача давом этди. Ҳадемай базм бошланади. Келин эса арғалабдан бери тик оёқда туравериб толиқди, толиқганини билдирмаса-да, чарчаб, бир аҳвол бўлиб қолди. Келин дутона бир-икки ўйнаб келиб:

— Ҳа, Насиба, кайфиятинг йўқ, бўёи энди янги уй, янги рўзгор, кўникиб кетасан ҳали, қовоғингни очиб ўтир, — деди.

— Йў-ей, кайфиятим яхши, шунчаки чарчадим, холос. Ахир бунинг устига кечадан бери ҳеч нарса еганим йўқ, оч қолдим, — деди Насиба шивирлаб.

— Вой ўлмасам, нега вақтлироқ айтмадинг. Ҳозир хонангга кирайлик, базмга чиқиб олдиңдан яхшилаб овқатланиб олмасанг бўлмайди. Айтмаганингни қара-я.

— Қандай айтаман. Шунча одамнинг кўз олдида кавшаниб ўтирмайман-ку. Уйимиздаям кўрдинг-ку, овқат егани вақт ҳам, шароит ҳам бўлмади.

— Ҳа, тўғри айтасан, мендан ўтибди. Бу нарсаларни сента мен ўргатишим керак эди аслида...

Базм дегани ҳам очилди. Ёр-ёр айтила бошланди. Келин-куёв дўстлари кўршовида ҳовли узра одимлаб, маккажўхориси ўриб, текислаб, сув сепилган, ўртадан бир қатор электр сими тортилди, минг волтлик лампалар осилган, темир столларнинг устида очилдастурхонлар тузалган жойга чиқиб келишади. Ёр-ёр бир неча бор такрор айтилди. Келин-куёв унғача

даврани бир айланиб, салом бериб, турли чироқлар билан безалган «тахт»ларига чиқишди.

— Даврани яна бир бор очиқ, деб эълон қиламан, — деди раисбобо. — Марҳамат, навбат сизга санъаткорлар, — деди.

Рубоонинг акжиб ноласи, доиранинг бака-бак, тумбура-қарс садоси, аккардеоннинг роҳатбахш овози жўр бўлиб янради.

Самовар ёнидаги Карим ва Аббосга шерик бўлган бутунги улфатларнинг кўлидаги пиёдалар ҳам бир-бирига тегиб жаранглади. Бу жаранг ҳам муסיқата жўр бўлиб кетди тўё.

— Қаранг-а, даврада муסיқа бошланди ва бизнинг даврада ҳам қандаш сўзи айтилди. Пиёдаларимизни ҳам чўқиптирдик, — деди бангилар рўйхатида туралган Эрматбой.

— Тўғри келиб қолганини қаранг, бундай ҳолат камдан-кам бўлади, ана шунинг учун олампиз, — деди бир-бирларига ишшайганча қолган улфатлар. Кейин «оғ чой»ни лўқиллатиб юворишди. Бутунча катта одамга айланган «шарбатхоначи» Норбой ака ҳам шу даврада эди. Ўзи билан олиб келган икки латган яхнага имо қилиб кўйди, улфатларга илинди.

— Ўзакдан олинганлар, бир дил кетиб олиб келдим, хизматдасизлар-да, — деди.

Даврада муסיқа янгради, кетидан тилаклар айтилди, яна муסיқа чалинди, шўх-шўх кўшиқлар куйланди. Яна тилаклар, яна муסיқа. Самовар ёнига йиғилганларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат давом этаверди.

Жамиятда унчалик ҳам ўрнини топа олмаган бу одамлар катта даврада — тўйнинг асосий даврасида ўз ўрнига эга эмасликларини билишиб, самовар атрофида ҳурмат топишди. Улар самоварчилар ёнида ўтиргани билан чой ичишмайди аслида, тўйдаги қи-

ладитан хизматлари шу, самовар ёнида тўпланишадди, «оқ чой»ни дамлатишаверади, самоварга ёнма-ён қозон — ўчоқ осиглиқ, уларга ҳам ипи тушади. Хуллас, самовар ва ўчоқ атрофи маъқул уларга.

Бир-бирини мақташди, пиёла тўлдирилди, ичдагини лўқиллатиб ютишди; яна буни такрор ва такрор қилишди. Бироз фурсат ўтиб энди бир-бирини эмас, ўз-ўзини мақташга ўтишди. Ана шундай бўлди бутунли самовар атрофи. Бечора самоварчилар учун, деб ичишди. Самоварчиларнинг эса икки пиёлага ҳам ҳоли йўқ, уларни мажбурлашди. Нойлож шу даврада мўлтираб ўтиришди самоварчилар ҳам.

Эрматбой пиён ўзича даврани қизитмоқчи бўлади: — Санжарбой ука, мана сен ҳам Россияда ишлаб келдинг, тўғрими? А бизам ишлаб келганмиз шу Россияда. Кўрган уйимни кўрганмисан, катта-катта беш хона, ҳамма шароитини қилиб қўйганман, ука. Эшитдим, сен ҳам ахшигина ишлаб келибсан. «Нексия» олибсан. Лекин-чи, ука, мен сента барибир беш кетмадим. Акаларим бор қишлоқда, борсам йўқлашди, деб бир «Российский»сидан кўтариб келмайсанми-а? Нима делиларинг, тўғрими гапим, тўғрими, айтинг, опшаз ака?

— Тўғри, тўғри...

— Эрматбой ака, мени биласиз-ку, ёш бўлсам ҳам бўш келадиганлардан эмасман. Мен тўғрисида айтмай сизга, мана, даврадагилар ҳам балки эшиттандир, Россияда ахши жойда ишладим. У жойда ароқ-пароқ ичилмаган, ака. Коньяк, виски, ром, скочми-ей шунта ўшпаганларидан ичардик-да, ака. Мана, ишонасангиз, қишлоқдан борганлардан сўранг. Қанчасини меҳмон қилганман, менинг феълимни кўпчилик билди. Ишонмасаларинг, сўранглар ёнимга борганлардан. Шу Санжар Россияда қандай юрарди, деб бир сўранглар, биласизлар, ака.

— Эшитганмиз, эшитганмиз, ука...

— Энди Эрматбой ака, сиз айтгандай, қушпа-қуруқ келмаганман ҳар ҳолда. Зўридан олиб келганман. Қулоғингизни беринг айтаман.

У нимадир деб Эрматбойнинг қулоғига пичирлади...

— «Спай»инг нимаси, тушунтириб айт-да унинг нима матоҳлигини, ука, мен қайдан билай унинг нималигини.

— Эй, ака, бу ёққа келинг. Мана ютворинг биласиз. Эрматбойни четроққа тортди. Қўлга битта оқ таблетка тутқазди.

— Кўрманг, ичаверинг, кўрасиз кайфини, юрибсизда ароқни кайф деб. Эрмат ака, фақат йиқилиб қолмасангиз бўлгани...

— Эй, нима деясан, ука? Буларинг мента бир грамм ҳам таъсир қилмайди. Минг марта кучлисидан торганман, ука. Каптарларидан учирганмиз, ука, каптарларидан.

— Эй қўйинг-эй, опшворасиз-да, ака.

Эрматбой даврадаги улфатларга кўрсатиб, «таблетка»ни ютворди.

Самовар атрофи қизиди. Бироз нарида базм ҳам авжида эди. Қўшиқлар бир-бирига уланди. Самовар атрофдагилар ҳам бир ўйнаб келайлик деб қўзғалишди. Бўлмади. Зеро, уларнинг қўзғалишга ҳоллари ҳам йўқ эди.

— Эй, даврата чиқиб, чангда ўйнаб нима қилсанлар, — деди бир ақллирови.

— Тўғри айтасан, ўтиринглар жойларингга ҳамманг, Аббос куй, — деди ана бири...

Ёр-ёрнинг маҳзун ва ажиб куйи янграй бошлади. Базм якунланди. Самовар атрофдагилар ҳам қўзғала бошлашди...

мизни янада ривожлантиришга ҳисса қўшган бўллар-
мидик дейман-да. Ҳа яна бир нарса сўрамоқчи эдим.

— Марҳамат.

— Прокуратура эшиги олдида марҳумнинг укала-
ри, қариндошлари кўтиб туришибди, айбдорларни
жазолаёт, депти, шекилли, бу масалادا нима қил-
сам экан, уларга бир жавоб айтишим керак, шунга
бошим қотиб турибди?

— Дарвоқе, бугегиам бор-а... Бунисини майли, ўзим
тушунтираман. Сиз марҳумнинг жасадини уйига
юбориш масаласини ҳал этинг. Қолганини менга қў-
йиб беринг, ўзим ҳал қиламан...

Айбдорларни жазолаш керак, деб туриб олган
марҳумнинг ақинларини катта шаҳардаги қариндош-
ли тинчитди. Бу иш шарт эмаслигини уларга ётиги
билан тушунтирди. Ҳаттаннинг жазоси муқаррар
эканлигини уқтириб, бундан бошқа жазо учун ки-
ришмоқ уларнинг оиласига жабр келтиришини таъ-
кидлади. Унинг гапини икки қилолмаган қариндош-
лар юракларида минг бир алам билан қишлоққа
қайтишди. Кейин ҳамжиҳатлик билан бошларига
дўши кийиб, Қаримнинг маъракасини ўтказишди.
Қаримни ўзи яхши кўрган, сув таратган, самовар
остан ўша кенг далаинг ёнидаги қабристонга қўй-
ишди.

Ўша кунни кўпчилик қатори янги келин-куёв ҳам
ўз уйларида алам билан йиғлашди... Насиба дод со-
либ йиғлади: «Мени шу дарёда оқиб кетаётганимда
ўлимдан кутқариб қолган эдингиз. Энди эса ўзингиз
шу дарёда оқдингиз. Бизнинг тўйимиз кунни оқиб кет-
дингиз. Биз сизни тўйга чақириб, уйингизга кузатиб
қўя олмадик, биз сизни асраб қололмадик. Кутқарма-
дик, бунинг устига-устак айбдорларни яшириб ўти-
рибмиз, биз сизга хиёнат қилдик, хиёнат», — деди у
йиғлаганча пичирлаб...

Орадан бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтиб, қиш-
лоқта Эрматбой ақлдан озибди, хаёли кирди-чиқди
бўлиб қолибди, кечалари қаёқларадир чиқиб кетар-
миш, қаёққа бораётганини ўзи ҳам билмасмиш деган
гаплар урчиди. Кейинроқ эса кимдир уни «псих бол-
ница»да экан деса, яна кимдир Эрматбойни у ерда
қабул қилмабди, дейди. Бошқаси уни мажбурлаб ўша
ерда доволашаётган экан деганмиш.

Эҳ, одамлар, одамлар...

FITNA
QURBONLARI

FITNA QURBONLARI

[illegible]

-argga 'arguing about', -o'natli 'disputing', -oshliarning 'disputing', -antiyojini qondi

FITNA QURBONLARI

Terrorizmining biror dinga, jumladan, islomga ham hech bir daxli yo'q.

Terror, ekstremizm, fundamentalizm – har biri o'z nomi bilan aytilishi lozim.

Bu tushunchalar siyosiy unsurlardan oziqlangan va boshqa manfaatlarda niqoblangan razil ishlardir. Razil ishlar, e'tiqodimizga ko'ra, u dunyoda o'ta kechirilmaganoh, bu dunyoda esa o'z nomi bilan og'ir jinoyat sanaladi.

Bu razilliklarni kim, qaysi din, davlat yoki davlat vakili qilishidan qat'i nazar, ular jazoga mahkumdirlar...

Terrorchi guruhlarining Suriyadagi harakati muvaffaqiyatsizlikka yuz tutib borayotgani ayon bo'lib qolgan paytlar edi.

Suriya armiyasining harbiylariga qarshi kechagi o'tishmada oyog'idan o'q yegan Shokir kechasi bilan og'riqning zo'ridan uxlay olmadi. So'ng «yuzboshi» tortiq qilgan «oq dor»dan burniga naycha orqali chuqur nafas olib tortdi. Ha, og'riqni qoldirishning ana shunday yo'li bor, bu usul og'riqni tezda bosadi. Shokir biroz yengil tortganday bo'ldi. Badaniga kuch yugurdi. Oyog'idagi jarohatning og'rig'i bir oz bo'lsa-da chekindi. Tasavvurida uning ko'kragi kengayganday tuyuldi. Qoni qizidi. Ko'zi qizardi. Qizigan boshida turli o'y-fikrlar charxpalakday aylanib qoldi. Qizargan ko'zlari kattalashib, ko'z

kosasini to'ldirdi. Og'zi ko'pirib negadir o'ziga o'zi aljira-di. Qo'llari ham o'ziga buysumas edi. «Gera»ning kayfi yomon bo'ladi. Chalayonga ham birpasda jon kiritadi. Kishi o'zini sherday tutadi. Na'ra tortmaydi xolos... Shokir sapchib turmoqchi bo'ldi. Jarohatlangan oyog'i pand berdi. Na'ra tortmoqchi bo'ldi-yu, g'ayritabiiy bo'kirdi. Keyin bo'ri kabi irilladi. Bu irillashi atrofidagi «bo'rilar»ga yoqmadi. Shokir tulki qiyofasiga kirdi. Yonidagi o'zidan-da «tulki»roqlarni ko'rib, quyondek qiliqlar qila boshladi... Keyin uyquga ketdi.

Tong mahali u qattiq chingirayotgan, zorlanib, bo'g'ilib, g'ayritabiiy ohangda baqirayotgan ayolning ovozi-dan uyg'onib ketdi. Kechagi og'uning kayfi tarqagan, karraxt holatdan chiqib-chiqmagan, shu bois nima bo'layotganini to'la idrok etolmayotgan edi. Ayol kishining ovozi balandladi, endi u tanish tuyuldi, juda ham tanish. Ana xolos, bu xotinining ovozi-ku! Ha, bu uning xotini – Solihaning ovozi edi (asl ismi Sabohat, Soliha esa Suriyaga kelganda qo'yilgan edi).

«Uying kuysin sening. Senlarga o'xshagan dindorlarning, jihodchilarning padariga la'nat, ming la'nat, – deb dod solardi u. – Boshimda erim bor, rahming kel-sin. Shokir aka, siz ham odammisiz, erkakmisiz, meni qutqaring bu hayvonlardan!»

«Aslan chechen» laqabli yuzboshi Solihani majburlab nomusiga tegayotgan edi. Mingboshilikda o'rnatilgan tartib-taomilga ko'ra, Soliha o'zining «jinsiy jihod» degan majburiyatini bajarayotgandi. Bunday majburiyat esa, o'rnatilgan tartib-taomilga muvofiq, eri o'lgan ayolga tegishli bo'lgan. Biroq Soliha eri Shokir hali hayotligida Aslan yuzboshining shahoniy nafisini qondirayotgani o'ta alamlı va u ishongan shar'iy qoidalar-ga mutlaqo zid edi. Suriyada bunday guruhlarda o'rnatilgan tartibga binoan qo'l ostidagilar yuzboshilarning, yuzboshilar mingboshilarning jinsiy ehtiyojini qondi-

rishi uchun lozim sharoitlarni hozirlamoqlari shart edi. Ellikboshi maqomini olgan Shokirning esa jufi haloli bugun Aslan yuzboshiga tortiq etilgan edi. O'zni kelgan-da bu qabihliklar vaqtinchalik nikoh bilan poklanardi. Ya'ni bir kun, ikki kun yoki bir necha soatlik nikohiga olib, keyin taloq qilish odati urchib ketgandi...

Har qancha urimasin, oyog'ida jarohat tufayli Shokir xotiniga yordam bera olmasdi. Uning o'rnidan turishga holi yo'q edi. Xotini dod solar, ammo unga hech kim yordam ko'rsatmas, oxir-oqibat u taqdirga tan berdi. Aslan yuzboshi «jinsiy jihod» degan «sharafli» huquqini ado etdi. Nomusi toptalgan Soliha tinchib qoldi, qarshiligi foydasiz bo'ldi. U yorug' dunyoga kelganiga pushaymon bo'ldi... «Meni o'ldiring, Shokir aka, siz ham erkakmisiz, sizni katta qilgan ota-onangizga ming la'nat. Sizga tegmoqchi bo'lmaganimda majburlab turmushga bergan ota-onamga ming la'nat. «Din himoyachilari» bo'lgan sen to'ng'izlarning baringga la'nat... Meni o'ldiring», deb nola qildi. Oxirgi gapi shu bo'ldi, boshqa chorasi qolmadi. Aslan yuzboshidan keyin uni yana bir «Iroq» yuzboshi majburladi. Soliha ikkinchi yuzboshiga qattiq qarshilik ko'rsatmadi, qarshilik ko'rsatishga-da holi qolmagandi, ilojisizligini tan oldi. Qo'l-oyog'i bo'shashib ketgandi. Ho'ng'rab-ho'ng'rab yig'ladi...

Janubiy Koreya. Kimxe shahri.

Tohirning Andijondan Kimxe shahriga kelganiga ham, mana, hademay ikki yil to'ladi. O'zi kabi bu yerga ishlash uchun kelgan yurtdoshlari bilan do'stlashdi. U ishlayotgan zavodda yana to'rt nafar undan oldin kelib ishlab yurganlar — o'zbekistonlik Ahmad, Ravshan, Rustam, Ilyos ismli, yana ikki nafar qirg'izistonlik Erboy, Tojibek ismli yigitlar ham bor edi.

Ahmad Qashqadaryodan, Ravshan Toshkent viloyatidan, Rustam Surxondaryodan, Ilyos Samargandan, Erboy va Tojibek Jaloloboddan edilar.

Tohir sodda, samimiy, ochiqko'ngil, kirishimli bo'lganligi uchun bu bolalar bilan tez chiqishib ketdi. Yigitlarning hammasi ham musofir yurtida bir-biriga mehr ko'rsatgisi kelar, bir-birlariga suyanchiq bo'lib yurish tarafdori edilar.

Bu yettovlon tezda qalin jo'ralar bo'lib olishdi. yettovlon ikki-uch oy risoladagidek ishlab yurishdi. Jumladan, Tohir ham birinchi maoshini otasiga yubordi.

«Otajon, qo'shni Po'lat akadan olgan qarzimni berib qo'ying», dedi. Ikkinchi oyligini onasiga yubordi. Uchinchi oyda qo'qonlik Samandar O'zbekistonga qaytayotgandi, undan ukasiga atab olgan noutbukni berib yubordi. Ukasining quvonchi behisob bo'ldi. Otasining ham ko'ngli tog'dek ko'tarildi. U xotiniga «Bu o'g'limiz uddaburon chiqdi. O'zinga o'xshapti-da, o'zinga», deb kerilib qo'ydi. Oynisa opa ham bo'sh kelmay «qaydan sizning o'g'lingiz bo'lib qoldi, oxirgi paytda hovlida ko'rindi deguncha undan olib, bunga solardingiz Tohirjonimni, o'zining o'g'lim, o'zining Tohirjonim, dadasi». Shunday deb Oynisa opa o'g'li yuborgan, o'zi aytganidek, «Franklin boboning rasmi tushirilgan» pullardan ikkitaginasini — 200 dollarni tuman markazidagi bozorda o'tiradigan dollarfurushlarga maydaladi-da, yaxshigina bozorlik qilib qaytdi. Qo'mi-qo'shni ayollar, xotin-xalajni chorlab mushkulkushod o'qitib yubordi. Ana shu bahona qo'shni ayollar jam bo'lishdi.

— Otin buvi, aylanay sizdan, ko'z tegmasin deng-a, Tohirjonimning ishi ancha yaxshi ekan. Yanayam yurishib ketsin deb, bir mushkulkushod niyat qilgandim, boringizga shukur, shu bahonayi sabab biryo'la duoin-gizni olay dedim. Bir yaxshilab duo qiling, bolaginam katta boy bo'lib kelsin shu Koreyasidan. Hay, qo'sh-

nijonlar, sizlar ham qarab turavermay bir iloj qilib bo-laringizni jo'natinglar Koreyaga, mana, bolam oyiga ikki ming dollar jo'natyapti. Kontrakti uch yil, yana cho'zdiraman deyapti. Begonalardan ko'ra qo'shnilariga bo'lgani tuzuk-da.

— Shu koreslarga ham hayronman-ey, ko'zi qisiq bo'lsa ham ancha boy yasharkan-da, a! Kimdan so'rana, Koreyaga ishlagini boraman deydi. O'zi ish sharoiti yaxshimikan? Tohirjonning ishi zaharli zavod-pavodda emasnikan-a? Shunday gaplarni ham eshitayapmiz-da, Oynisa, — deb javradi qo'shni Oygul opa.

— Ey yo'g'a, Tohirjonning ishi yengil emish. Nimalarnidir tuzatamiz deydi. Ha, shunday. O'zi ham ishim qiyin emas, deydi telefonda. Yana deng, ovozi ham bir yaqin eshitiladi. Xuddi shu atrofdan telefon qilgandek. O'g'lim ishi yengil bo'lgani uchun yana bir qo'shimcha ish olaman dedi. Men bo'lsam qo'y, o'g'lim, shu ishing ham yetadi. Bizga sening sog'liging kerak, bolam, yeb to'yagan yalab to'yarmidi dedim. To'g'ri-da, menga bolamning sog'ligi kerak.

— Hammamizga ham, Oynisa opa, hammamizga ham...

— To'g'ri, to'g'ri aytasiz, Oynisaxon, — salobat bilan so'z boshladi otin buvi, — muqaddas kitoblarda yozilganiga tayansak, birni ham barakali qilib bersa, mingga tatirkan. Agar ming topsangiz-u, baraka berilmas ekan, zinhor biringiz ikki bo'lmaydi. Qani, dasturxonning duosini qilaylik, keyin rasm-rusumlarga o'tamiz-a bo'lmasam...

Hozirda Koreyadagi ishini yakunlab, O'zbekistonga qaytgan poplik Samandarning bu yerda orttirgan tajribasi va tavsiyasi bilan yettovlon dam olish kunlari shahar markazidagi turk yemakxonasiga borib taomlanib kelishni odat qilishdi. Bu yemakxonaning ish yurituvchisi Abdulloh bo'lib, turkiyalik edi. Uning aytishicha,

bu shahardagi musulmon musofirlarning barchasi shu yemakxonaga kelishar ekan.

— Taomlarimizning bari halol, yemakxonadagi ishchilarimiz ham namozxonidir. Ayollarimiz ham namozini sira kanda qilmaslar. yemakxonaning yerto'lasida namoz o'qishga barcha sharoitni qilganimiz. Sizlar ham kelib shu yerda namoz o'qishlaringiz mumkin. Agarda ishdan ruxsat bo'lmasa, hech bo'lmasa juma namozini bu yerga kelib ado etish lozimdir. Negaki, biz musulmonlarnimiz, o'zga yurtida ishimizning barakasi uchun Allohga ibodat qilmog'imiz, shukronalar aytishimiz kerak. Bu biz musulmonlarning birinchi farzimiz. Sizlar O'zbekistondan kelgansizlar, Buxoriy, Termiziy bobolarimning yurtidan. Biz va sizlarning tilimiz bir, dinimiz bir, qonimiz bir, musofir yurtda bamaslahat yurasak, Yaratganining o'zi bizlarni kam etmas. Kam bo'lmaymiz, inshoolloh. Yaqinda Turkiyadan katta ulamo Ziyodiy birodarimiz keladilar, u kishi diniy va dunyoviy sohalarida juda katta olim, egarning suygan bandasi — shunday birodarimiz kelib ma'ruza o'qib ketgani haqida eshitganimiz hech?

— Yo'q, eshitganimiz yo'q.

Ularni boshqa musofirlar kabi diniy mavzular qiziqtirgani bois Abdullohning gapini qiziqish bilan tinglashdi.

— Domla qachon keladi o'zi? — deb so'rashdi yigitlar.

— Ziyodiy domla juda qiziqarli masalalar yechimi haqida gapiradi. Kelishi bilan sizlarga xabar beraman, u bilan suhbat koni foydadir. Pirovardida faqatgina ilmingiz oshadi. Miyangizga shundoqgina quyib qo'ya qoladi ilmi o'ziyam. Iltasangiz, u kelguniga qadar biz bilan shahardagi «Turkiston» jome masjidiga qatnashingiz mumkin, u yerda hamyurtlarimiz juda ko'p, tez-tez ma'ruzalar bo'lib turadi, Allohni yaqindan anglaysizlar. Ko'nglingiz ravshan bo'ladi, yengil tortasiz, qalb halovat topadi, vaqtangiz qanday o'tganini bilmay qolasiz. O'zbe-

kistoniga borganingizda o'rgangan ilmingiz sizni bilganlarni qoyil qoldiradi. Meni aytdi dersiz...

– Yo'g'-yey, rostdanmi?

– Albatta. Bir borib sinab ko'rish lozim. Zero, har bir inson nimanidir tanidan o'tkazmay turib inonmaydi. Sizlar ham borib ko'ringlar-chi, undan so'ng gaplashamiz...

Ana shundan keyin ular Kimxe shahridagi «Turkiston» jome masjidiga bomdod va xufton namozini o'qish uchun qatnay boshlashdi. Qolgan uch vaqt namozni ijara uйда yoki ish joyida o'qishardi. Yettovlon bu yerda ko'pgina o'zbekistonlik va boshqa O'rta Osiyo hamda mustaqil davlatlar hamdo'stligiga a'zo davlatlaridan kelgan yigitlar bilan tanishishdi.

Ayniqsa, chustlik G'anisher ismli yigit ko'p masalalarda ancha-muncha hoziravoblīgi bilan ko'pchilikning ko'ngliga o'tirdi. G'anisher sportga ham qiziqar ekan, hatto hamyurtlaridan futbol jamoasi tuzganligini, istasa ularni ham qo'shib olishi mumkinligini bildirdi. G'anisher bir kuni subbat jarayonida Doston ismli sinfdoshi ham shu yerda ishlashini, ayni paytda u Saudiya Arabistoniga umra safariga ketganligini aytib qoldi. Koreyadan haiga borish juda osonligini, navbat kutish degan gap yo'qligini ham qo'shib qo'ydi. Doston safardan qaytganida u bilan tanishtirib qo'yishini ta'kidladi.

– Barcha o'zbekistonlik yigitlar uni chuqur diniy ilimga egaligi uchun qattiq hurmat qilishadi. Kelsa o'zingiz guvoh bo'lasiz hali.

– Doston umra safaridan qaytganidan keyin bizlarga diniy ta'lim berishni iltimos qilsak bo'ladimi?

– Albatta, o'zim tanishtirib qo'yaman, iltimosinizi yerda qoldirmaydi. Axir sinfdoshim-ku, begona emas, biz musofir yurtida bir-birimizni har doim qo'llab-quvvatlab yurishimiz dardkor, shunday emasmi?..

Shunday qilib, ular bir oyda ikki kun Doston va G'anisherining ijara uyida yig'ilishadigan bo'ldi. «Muallimi

soniy» va «Tajvid»dan ta'lim ola boshlashdi. Dostonning tavsiyasi bilan Tohirni jome masjidiga imomlikka taklif etishdi, shundan keyin u namozda imomlik qiladigan bo'ldi.

Yettovlonning safga yana ikki nafar tojikistonlik yigitlar – Iskandar, Ziyodnazar ham qo'shilishdi...

Oradan bir necha oy o'tganidan keyin Seul shahrida ishlovchi Oybek ham shartnoma muddati tugab, shundan bo'shaganligi tufayli Dostondan ish so'rab qo'ng'iroq qildi. Doston uni ham oldiga chaqirib oldi va ular birgalikda darsga qatnay boshlashdi. Ularning safi kengaygandan kengayib borardi. Endi yigitlarga ijara uy torlik qilgani bois, «Turkiston» jome masjidida yig'iladigan bo'lishdi. Dostonning taklif bilan Ziyodiydan internet orqali saboq o'tishni so'rab, murojaat etishdi. Biroq Ziyodiy vaqti yo'qligi tufayli, Ziyodiyning shogirdi, Rossiyaning Sankt-Peterburg shahrida yashovchi asli tojikistonlik Karomat ismli yigit skayp orqali dars o'tishi mumkinligini bildirdi. Ular rozi bo'lgach, haftada bir-ikki kun Internetda skayp orqali saboq ola boshlashdi. Yigitlar saboq vaqtida jihodchilarning jangari harakatlari aks etgan videolarni ham tomosha qilishar va O'zbekistondan «hijrat» qilib chiqib, mujohid birodarlarga birlashish, «jihod» amallarini bajarish kabi davlatlarni tinglashar edi.

Dastlab Koreyada ishlayotgan yigitlardan biri Akbarning Turkiyaga ketib, u yerdan Pokistonga o'tganligi, ayni paytda Ziyodiy xutbasiga qo'shilganini, kofirlarga qarshi jang qilayotganini, uning Internet orqali harbiy kiyimini, quroldan o'q uzib maqtangani aks etgan videoni tomosha qilishdi...

Oradan ko'p o'tmay, Akbarning halok bo'lgani, shahid sifatida dafn etilayotgani aks etgan video ko'rsatildi. Akbar Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahridan to'rt yil oldin Koreyaga ishlashga kelgan edi. Uch yillik

shartnoma muddati tugashi arafasida Pokistondagi diniy ekstremistik guruh safiga qo'shilgan edi.

Doston hammaga ham Akbarniki kabi shahidlik maqomidagi o'lim nasib etishini tiladi. Bu paytga kelib, yettovlon va do'stlari Koreyaga kelganlik maqsadini unuti, diniy ta'lim olishga mukkasidan ketgan edilar.

Endi ular terrorchilik tashkilotining yetakchisi tomonidan guruh faoliyatini muvofqlashtirish maqsadida yaratilgan «Jannat oshiqdori» veb-saytining doimiy kuzatuvchisi edilar. U yerda jangarilarning amaliyoti va ularning yer yuzida yagona xalifalik davlatini barpo etish maqsadida musulmon birodarlarni jamlashga qaratilgan da'vatlaridan ilhomlanib, terrorchilik tashkilotining tarkibiga kiruvchi «Tavhid va jihod» ekstremistik guruhiga ham a'zo bo'lishdi. O'ngi aqidaparastlik g'oyalari bilan to'lib, sheriklari bilan birga terrorchilik tashkilotining faoliyatini qo'llab-quvvatlagan holda Koreya respublikasidan «hijrab» qilib, chiqib ketishni reja qilishdi. Rejani amalga oshirish ishlarni tashkil etish va vazifalarni taqsimlash Abdulloh tomonidan bajarilardi. Abdullohga topshiriqlar goh telefon, goh kelgan mehmonlar, goh Internet ijtimoiy tarmog'idagi maxsus elektron pochta orqali kelib turardi. Biroq ko'rsatmalarining aksariyat qismi, ya'ni asosiy va tezkor topshiriqlar Abdullohning singlisi Mehmen orgali kelib turardi. Abdullohning singlisi Mehmen Seulda turk yemakxonalarining birida ish boshqaruvchi bo'lib ishlardi. Bu yemakxona uning eri Ne'mat hojiga tegishli bo'lib, u guruhning Turkiyadan Janubiy Koreya, Xitoy, Malayziya va Indoneziyadagi katalari (yacheykalari)ga yuboriladigan barcha ko'rsatma va vazifalarni yetkazuvchi hamda ularni o'zaro taqsimlovchi edi. Unga bu xizmatlari evaziga baytulmol va boshqa tushumlardan keladigan katta mukofotlar berilardi.

Abdulloh esa Ne'mat hoji, ya'ni pochchasi orgali olgan topshiriqlari asosida ish ko'ardi. Abdullohga kel-

gan ana shunday ko'rsatmalarining birida undan qo'l-oyog'i chaqqon, gapga chechan, moliya va hisob-kitobni yaxshi biladigan, rahnamolariga so'zsiz itoatkor bo'lgan ishonchli odam yuborilishi so'raldi. Unga bu xizmat uchun mukofot pulidan tashqari har bir yuborilgan odam uchun 7 ming AQSh dollari va'da qilindi.

– Kimni yuboramiz, Abdulloh. Ishonchli odamingiz bormi?

– Bor, pochcha. Doston – o'zbekistonlik birodarim. Yaxshi shogirdlarimdan. Aql-hushi joyida, bizning ko'rsatmalarni so'zsiz bajaradi.

– Nafsi-chi, nafsi qanday? Vaqt o'tib bizning qozonga qo'l cho'zadiganlardan emasmi? Ishonchingiz komilmi, qaynim?

– Ishonchim komil, ilmi, esli-hushli bo'lgani bilan sodda va samimiy, sinaganman. Xotiringiz jam bo'lsin.

– Yaxshi, unda Dostonning rasmini yuboring, bir hafta ichida hujjatlarni tayyorlab yuborishadi pochtdan. Turkiyadan yuboriladigan Dostonning pasportida uning ismi Dovud, anglingizmi?

– Angladim.

– Miyasiga yaxshilab quying, qaynim. O'zbekiston pasportini olib qo'yib, Mehmeniga bering, kimga yuborishni aytaman.

– Xo'p.

– Dostonning O'zbekiston bilan aloqasi masalasi nima bo'ladi? Turkiyaga ketishi sababini uyidagilari, yaqinlari so'rashsa, surishtirib qolishsa nima deb tushuntiradi?

– Aytдим-ku, u aqlli bola, ota-onasiga jo'yali bahona aytmasa unamaydi.

– Siz meni yaxshi anglamagan ko'rinasiz, qaynim, birinchidan, endi u Dovud, ikkinchidan, bu tomonidan xavotir olmang. Avval borganlar kabi, yurtimizdan ekanligi zinhor O'zbekistondagilarga bildirilmaydi. Doimgidek maoshini shu yerdan yuborib turamiz. Turkiyaga

yo'l olganligini na oilasiga, na vataniга aslo bildirmasin, tushunarlimi? Bilasiz, hozirda O'zbekiston Turkiyadagi fuqarolarini qattiq nazorat qilishga urinmoqda. O'zbekiston rahbariyati birodarlarimizning Turkiyadagi ishlaridan xabar topgan.

— Ha, tushunarli. O'zbekistonlik birodarlarimiz aytgan edi. O'zbekiston rahbariyati Turkiyaga yoshlarni o'qishga yuborishni to'xtatibdi. O'zbekistondagi turk litseylarini yopib qo'yibdi.

— To'g'ri aytishibdi... Shuning uchun ham o'zbek va tojik talabalarni Qohiradan olib kelyapmiz. Qohira orqali jalb qilish bizga ancha qimmatga tushmoqda. Ularni jalb qilishning boshqa yo'llarini ham izlashimiz lozim. Lekin hozircha birodarlarni Koreya orqali yuborilishini hech kim payqagancha yo'q.

— Pochcha, menimcha, o'zbek, tojik, qirg'iz birodarlarimizni Tojikiston, Afg'oniston yo bo'lmasa Turkmaniston orqali chaqirib olsak kam xarj bo'lardi. Shuningdek, chegaralarni aylanna yo'llar orqali kesib o'tganlarning vataniга qaytishi ham muammo bo'ladi. Ana keyin ito'atkorligi ham shunchaga oshadi...

— Doston nomzodi masalasida deyarli kelishdik... Yana o'nta yigitga ehtiyoj bor. Har biri uchun sizga beriladigani ikki ming AQSh dollari. Shularning birini Qirg'izistonga, ikkinchisini O'zbekistonga yuboramiz. Biroq yigitlarning biri qirg'iz va ikkinchisi o'zbek bo'lishi shart. Amiralarimizning Seul va Moskvadagi g'ayridinlarning tashkiloti bilan kelishuviga ko'ra, ikki kishini tayyorgarlikdan o'tishi uchun Seul va Moskvadagi sektaga yuborish kerak bo'ladi.

— Bu qiyin ish. Yigitlar rozi bo'lishmaydi.

— Ularni ko'ndirish va tashkilotga bog'lab berish sizning mahoratingizga bog'liq. Pul shu xizmatning uchun ham berilmoqda. Tushunarlimi, qaynim? Bu yog'iga dadil bo'lasiz. Tushundingiz-a? — deya xandon o'tib kuldi Ne'mat hoji.

— Bilmadim, bir nima deyish qiyin oldindan. Birodarlaringiz rozi bo'lisharmikin? Islom arkonlariga e'tiqodi baland. Shundoq ham oson bo'lgani yo'q ularni bunga o'rgatish. Endi boshqa din guruhlarida ishlashi yanada qiyin.

— Aytдим-ku, bu masalani hal etish sizning zimmanizda. Agar ishonchingiz komil bo'lmasa, boshqa kishining xizmatidan foydalanamiz. Lekin siz tayyor mablag'dan qolib ketasiz.

— Yo'q, iloji yo'q demadim-ku, faqat qiyin bo'ladi deyapman. Axir o'ylab ko'ring, bizga ixlos qila boshlagan, bizning ortimizdan ergashgan birodarlarimizni boshqa e'tiqodga xizmat qilasan deyishga xijolatman, xolos.

— Boshqa e'tiqodgami... bu ikkinchi darajali masala, bizning eng asosiy maqsadimizga, musharakat maqsadlarimizga xizmat qiladi. Siz chuqur o'nga tolmang, asosiy maqsadimiz Haq yo'lida xizmat qilish. Bu masalalarda bosh qotirish amirlarimizning ishi. Biz bilan sizning vazifamiz topshiriqlarni ado etish, qolaversa, tirikchilikning asosi shu kabi ishlardan. Shu bois ortiqcha hissiyotlarga berilmasligimiz, maqsadimizdan chalg'imasligimiz kerak. Albatta, xizmatimiz uchun haqimizni olamiz.

— Tushunarli, pochcha.

— Yashang, qaynim, bu boshqa gap.

— Siz avvalo men aytgan ikki nafar yigitni Seulga yuborasiz. Qolgani ularning ishi. Yigitlarga yaxshigina haq to'lashadi. Ular ham bunga rozi bo'lmay iloji yo'q. Chunki bu yerga pul topish uchun kelishgan. Aynan shu maqsadi bizga asqotadi. Sizning da'vatlaringiz ham balki pulning kuchini berolmas. Ammo pul, boylik hech bir insonni e'tiborsiz qoldirmaydi, qaynim. O'tni qamchilang. Shu o'n kishini aytilgan joyga yetkazib bersangiz, sizni Shvetsiyaga yuboramiz. Shuning taraddudidamiz.

– Shvetsiyada nima bor menga? Yurtga qaytib, shirkat ochsam deyman.

– Unga ham ulgurasiz hali. Amirilarimiz Shvetsiyada sizdek ish yurituvchiga muhtojlik sezishgan. Shunga yarasha haq ham olasiz. Buni men kafolatlayman.

– Siz nima desangiz shu, pochcha.

– Ha aytgancha, sizga Ziyodiyning uch qizidan biri, o'rtanchasini nikohlab beramiz. Shvetsiyada turar joyi bor.

– Ko'z ostinga olib qo'yganim bor.

– Qaynim, bunga ham e'tirozimiz yo'q. Onadolida ko'z ostingizga olib qo'yganingizni nikohingizga oling.

– Ziyodiyning qahriga uchrab qolmaylik yana.

– U kishining roziliklarini menga qo'yib berasiz, inim.

– Rahmat, pochcha!

– Yana bir gap. Pul o'tkazmalari hech bir bank orqali emas, Seulda o'zbek yemakxonasi orqali yetkaziladi. Buning nazoratini sizning o'ringizga qoladigan yigitingizga qat'iy tayinlang. Seulda yemakxonaga beriladigan pulni Samarqanddan olishadi. Mana bu Samarqand, Buxoro, Ko'lob, Tursunzoda shahri, Namangan, Andijon, Termiz, Muzrobod tumani, Chirchiq shahri, Jalolobodda o'z odamlarimizning koordinatlari. Albat, ular bilan bog'lanishsin. Bu joyda o'ta ehtiyotkorlik darkor, shuni uqtirish yodingizda bo'lsin.

– Xo'p bo'ladi...

Abdulloh so'nggi uch oyda Ravshanni (Toshkent viloyatidan) va Tojibekni (Jaloloboddan) Seulga tayyorgarlikdan o'tish uchun yuborishga erishdi. Ular Seuldagi sektada tayyorgarlikdan o'tgach, Ravshan o'z uyi – Toshkent viloyati Yuzori Chirchiq tumaniga, Tojibek Jalolobodga qaytishdi. Kelishuvga ko'ra, ular ikki oydan so'ng Moskvadagi belgilangan joyga yetib borishi hamda u yerdan kerakli qo'llanmalarni o'rganib, Ravshan sekta faoliyatini Chirchiq shahrida, Tojibek Jalolobodda

davom ettirishlari lozim edi. Rejaga ko'ra bu xizmatlar hamda boshqa sarf-xarajatlar uchun ularga beriladigan pul Seulda o'zbek yemakxonasiga berilar, kelishuvga ko'ra u yerdagi vakilning mobil tasdiqiga asosan Samarqanddan shu qiymatdagi pul Ravshan va Tojibekga yetkazilar edi...

Puxta ishlangan ko'rsatma – rejaga muvofiq, Tohir – Andijonga, G'ani sher – Namanganga qaytishlari va shu yerdagi vakildan qo'shimcha ko'rsatmalarni olib, guruhga xizmat qiladigan bo'lishdi.

Ahmad o'z uyi Qashqadaryoga, Ilyos Samarqandga qaytdi. Ma'lum muddatdan keyin ko'rsatma bo'yicha Rossiyaga va Rossiya orqali Turkiyaga boradigan bo'lishdi.

Iskandar ham Tursunzoda (Tojikiston)ga, Rustam Surxondaryo (Muzrobod)ga qaytishdi. Telefon bo'lishi bilan mehnat muhojiri bo'lib, Moskva shahrida, xuddi shunday Erboy avval Jalolobodga (Qirg'iziston), Ziyodnazar Ko'lob (Tojikiston)ga borishdi, so'ng Sankt-Peterburgga mehnat muhojiri sifatida jo'nab ketishdi... Bular haqida bir oz keyinroq to'xtalamiz.

Xullas, Doston – moliya va hisob-kitobni yaxshi biladigan loyiq nomzod sifatida Turkiyaga yuborildi... Ko'rsatmaning mazmuniga ko'ra ham yuborilayotgan nomzod imkon qadar iqtisod va hisob-kitob ilmidan xabardor bo'lmog'i kerak edi-da. Doston bu talabga ham mos bo'lib, oliy ta'limning ayni buxgalteriya va audit sohasini egallagan...

Doston endi Turkiyada «Dovud» ismi bilan guruh rahbari «Amir» tomonidan topshirilgan mas'ul vazifalarni amalga oshiradigan bo'ldi. U o'sha yerda jamoat a'zolari bilan birga «baytulmo»ga pullar yig'ish, yig'ilgan mablag'ni «Ehson – ilm yordamlashma darnagi» madrasasida tashkil etilgan yashirin jam'armada jamlashar edi. Jam'armani ham «Baytulmo» nomi

bilan atashardi. Jamg'arilgan mablag'lar esa, amirlar va rahnamolardan iborat qurultoy tomonidan taqsimot qilinardi. Taqsimotning asosiy maqsadi yer yuzida yagona xalifalikni tashkil etish maqsadi bo'lgan fundamental ekstremistik g'oyalarni ilgari surish uchun yollangan va «hijrat», «jihod» niqobi ostida terrorchilik faoliyatidan saboq olayotgan birodarlarni qo'llab-quvvatlash, shu g'oyalarni ularning ongiga singdirish, ekstremistik g'oyalarni targ'ib etilishi, terroristik aktlarni amalga oshirish bilan bog'liq xarajatlarga yo'naltirilardi. Aynan shu jamg'armaga mablag'larning ke- lib tushishi, taqsimot uchun amirlarga taqdim etilishi va sarflanishining moliyaviy va hisob-kitob hujjatlari yuritish ishlari mas'ullardan biri etib Dovud tayinlandi.

Hujjatlarni yuritish ishlari mas'ullardan biri deys-himizdan muddao shuki, «baytulmol»ning Turkiyadan tashqari Afg'oniston, Pokiston, Suriya, Iroq, Misr, Liviya kabi davlatlarda tarmoqlari, Rossiya, Checheniston, O'zbekiston, Qozog'iston, Tojikiston, Qirg'iziston, Xitoy, AQSH singari davlatlarda kichik tarmoqlari, ular-da ham hujjat ishlari alohida mas'ullar tayinlangan edi. Janubiy Koreya, Indoneziya, Avstraliya, Kanada, Finlandiya, Angliya, Fransiya, Germaniya, Ruminiya, Avstriya, Belgiya, Shvetsiyada esa, shu davlatlardagi islom diniga e'tiqod qiluvchi aholi orasidan Afg'oniston va Yaqin Sharqdagi yangari harakatlarning jabrdiydala- ri hamda Xitoy va O'rta Osiyodagi musulmonlarni qo'llab-quvvatlash niqobi bilan mablag' to'plashga mas'ul shaxslar tanlangan edi.

Hisob-kitob ishlari yurituvchi bo'lgan Dovud kabi mas'ullardan tashqari, jamg'armani shakllantirish, badal to'lovchi tarafdorlarning ro'yxatini kengaytirish, ularni jalb etish, «baytulmol» mablag'laridan tashkil etilgan tadbirkorlik shirkatlari va ularning faoliyatiga

mas'ullar kabi katta bir tuzilma, chambarchas bog'lan- gan yashirin uzviy tarmoq faoliyati tizimli ish olib bordi. «Baytulmol»ga o'xshagan jamg'armalarning, ya'ni ayni maqsaddagi jamg'armalarga mablag' hajmi jihati- dan Suriya, Misr, Liviya va Pokistondagi jamg'armalar- ning o'rni katta edi.

Turkiyadagi jamg'armaga kelib tushgan mablag'lar asosiy yo'nalish bo'yicha Afg'onistonga, ikkinchi yo'na- lish bo'yicha Rossiya orqali «baytulmol»ga yaxshigina mablag' yig'ilar, kirim-chiqimdan keyin qolgan qoldiq mablag'lardan Dovudga ham ma'lum ulush moyana si- fatida ajratib borilardi. Dovud o'z navbatida ajratilgan bunday ulushning bir qismini Janubiy Koreya orqali O'zbekistonga – ota-onasiga yuborardi. Negaki, rejaga asosan ota-onasini Janubiy Koreyada ishlayotganligi- ga ishonitirishi va ular uning Turkiyada ekanligini bilib qolmasliklari kerak edi.

Bundan tashqari, Dovudga bir yilda bir marta Ros- siya, Qozog'iston yoki Qirg'iziston orqali O'zbekistonga, uyiga borib kelishiga ham ruxsat berilgandi. Ammo berilgan ruxsatning o'z sharti bo'lib, bu shart yurtida- gi o'ziga o'xshagan yoshlarni «birodarlar» safga jalb etish, Rossiya orqali ularning Turkiyaga yuborilishini ta'minlashi kerak edi. Doston avval Rossiyaga «Dovud» ismi qayd etilgan pasport bilan o'tib, «Qozon» vokzaliga borishi va shu yerga yaqin joyda bir-ikki kun qo'nim topib, shu yerda ishlaydigan yurtdoshlarini topishi va ularni Turkiyaga chorlab, xarajat masalalarini hal eti- shi kerak edi.

Dovud asosan vodiya-dan ish izlab kelgan yoshlarni yaxshi ishga taklif qilish asnosida «Islom jihodchilari» (Turkiya hududida tashkil topgan terrorchi tashkilot- ning Afg'onistondagi firqasi. Firqa asosan Markaziy Osiyo aholisiga mansub jihodchilardan tarkib topgan) safga qo'shilishda katta oylik maosh, borish-kelish huj-

jatlarini rasmiylashtirish va yetib olish uchun boshqa xarajatlarni hal etishi lozim edi. Unga bu ishda «Islom jihodchilari» rahnamosi Abduvali qorining Rossiyadagi, xususan, Moskva shahri va Moskva viloyatidagi o'ng qo'li – o'zbek, tojik va qirg'iz, afg'on mehnat muhojirlariga «Pashka» nomi bilan tanish bo'lgan tojikistonlik Farhod ijrochi sifatida yordam berardi.

Dovudning «uy safari» ikki oy davom etgani bois, shu vaqt oralig'ida unga ish izlab yurgan va pulga muhtoj yoshlarni o'z maqsadlari sari og'dirish yuzasidan puxta ishlangan qo'llanna berilgandi. Dovud va Farhod ishini har kuni, kunora osh tashkillashtirib, qo'llanna muallifi Abduvali qorining mayin ovoza «yashashdan maqsad – mo'min-musulmon kishining hijrat (aslida «hijrat» so'zi bir narsadan ajrash, uzilish, tark etish, uzog'lashish degan ma'nolarni anglatadi. Shariada esa, Payg'ambarimiz sallolohu alayhi vasallam boshchiliklaridagi bir qancha sahobayi kironlarning Mak-kayi mukarramadan Madinayi munavvaraga ko'chib o'tganliklariga aytiladi) qilishi» kabi da'vatlarini targ'ibotidan boshlashadi.

Shu maqsadda «jamoat yig'in»larini tashkili etishdi...

– Dovud aka, bugungi yig'inimiz jivanim Javdotning mo'jag'ina ijara uyida bo'lsa, agar siz ruxsat bersangiz?

– Ishonchi joyini ishqilib...

– Albatta, hech qanday gap-so'z chiqmaydi, ishonchi joy, uchastka inspektori tanish. Vaqtida «cho'tal»ini olib turadi.

– Javdot-chi?

– U o'zining tug'ishgan jivanim, sinalgan, bizga sadoqati baland, o'lsa o'ladiki, hech kimga churq etmaydi. Sizga yig'inmi jivanimning uyida o'tkazaylik deyshining yana bir sababi bor, yig'indan keyin siz bilan shu haqda maslahatlashib olmoqchi edim...

– Yaxshiliklarni maslahatingiz?

– Ha, yaxshilikka, bo'lmasa aytarmidim. O'zi sizning kelishingizni eshitib anchadan beri o'ylab yurgandik, jivanim Javdot u yog'in tushuntiradi sizga.

– Yaxshi.

Moskva shahri, Belyayeva metrosi atrofida joylashgan Javdotning ijara uyi.

– Assalomu alaykum, xush omadiyeton tog'aei Farhod, xush omadiet akaeyi Dovud...

– Yaxshimisan, jivan. Mehmonho az O'zbekiston. O'zbeki gapzan tojikiro namedonad.

– Assalomu alaykum, Dovud aka, yaxshi keldizmi...

– Valaykum assalom, Javdot uka, yaxshimisan?

– Keling, kiring ichkariga.

Qo'li ko'ksida Javdot Dovudni kvartiraning ichki xonasiga boshladi. Xonadagi chamasi yig'irmaga yaqin yigitlar o'rnidan turib, qo'llari ko'ksida, salom-alikdan so'ng chordana qurib o'tirishdi...

Yog'siz va bir oz ezilib yumshab qolgan osh yeb bo'lingach, dasturxonga duo qilindi.

– Birodarlar, bu kishi Dovud akamiz, sizlar bilan tanishish uchun Turkiyadan keldilar. Biz va sizga o'xshab ish izlab musofirchilikda yurib, mana, amirlarimizning nazariga tushib, u yerlarda obro'-e'tiborga ega bo'lganlar. Hozirda yurtiga, ota-onasiga katta-katta pul yuborib, ularning duosini olmoqdalar. Shu bilan birga bugun siz-u bizga to'g'ri yo'lmi ko'rsatish niyatida bizning kamtarona hujranizga tashrif buyurdilar, – deb qo'li ko'ksida so'zini yakunladi Javdot. Shu orada Dovud yig'ilganlarni bir-bir nazardan o'tkazib chiqishga ham ulgurdi.

– Dovud aka, bu yigitlar shaharning Marinograd massivida joylashgan qurilish firmasida ishlashadi. Mening va jivanim Javdotning da'vatlarimiz hamda siz va amirlarimizning sharofati bilan Haq yo'lga kirdilar. Pirlarimiz Abduvali qori, Abdulloh domlaning ma'ruza-

lari, «Shahidlik», «Xalifalik», «Jannat oshig'larini», «Ko-fir-lar» asarlari bilan savod chiqarishdi. Suriyada bi-rodalarimizni o'ldirishayotganligi, janglar aks etgan videofilmlarni ko'chirib olib, birodarlarga imkon qadar namoyish etmoqdamiz. O'z telefonlari orqali ham Internet tarmog'idan maxsus saytlarga kirib turishni tavsiya etib, past-balandini o'rgatib keldik. Inshaolloh, yigitlarimiz jihodga shay. Albatta, birodalarimizni ko-fir-lar qo'lga topshirib qo'yishga yo'l qo'ymaymiz. Nima dedingiz, yigitlar? — deb Farhod o'tirganlarga bir-bir qarab chiqdi.

Ha, xuddi shunday, deganday boshini xam qilib, qo'li-ni ko'ksiga qo'yishdi ular.

— Farhod, birodar, o'ziyam birodalarimiz kamida «jannat oshig'larini» bo'lib yetishganlari yuz-ko'zlaridan ko'rinish turibdi, — deya davom etdi Dovud. O'rtada kulgi ko'tarildi.

— Nimasini aytasiz, Dovud aka, birodalarimiz, aka-ukalarimiz Haq yo'ldalar, inshaolloh.

O'sha kuni subhat tunga qadar davom etdi... Jjara uyda Dovud, Farhod, Javdot va yana bir yigit qolishdi.

— Dovud aka, ruxsatingiz bilan bu birodalarimizni tanishtirsam, ismi Baxtiyor. Yurtingizdan. Qashqa-daryoning Kasbi tumanidan. Birodalarimiz shahardagi qabristonlarning birida qorovul bo'lib ishlaydi. Baxti-yor birodalarimiz bilan pochchasi Xurshid aka orqali ta-nishganimiz. Hozir birodalarimizning pochchasi Xurshid aka Nijini Novgorodda katta bir qurilish firmasida ish yurituvchi — brigadir, ko'z tegmasin, ishi juda o'nglanib ketgan. Shu sabab o'z o'rniga qorovul qilib Baxtiyor bi-rodalarimizni qoldirgan. Shundaymi, birodar?

— Ha, rost. Avval mening joyimda pochcham ishla-ganlar. Pochcham tojikistonlik. Dovud aka, biz ham asli tojikistonlikmiz, taqdir taqozosi bilan Kasbi tumaniga borib qolganmiz. Ota-onam Kasbida yashashadi.

— Ey ukam, aslida biz hammamiz bu dunyoga meh-monmiz. Birimiz tojik, birimiz o'zbek bo'lsak-da, musul-mon birodalarimiz. Bizga yo'tlar faqatgina kofirlardir.

— Shundan gap boshlamog'chi edim, Dovud aka. Men o'sha kofirlarning qabristonida qorovul bo'lib ishlashim bizning dinimizga to'g'ri kelarmikan?

— Ey yashang, ukam. Bu savolni sizdan kutgandim. Men o'ylaganimdek, ancha-muncha farosatli chiqib qol-dingiz.

— Rahmat, Dovud aka.

— Agar bilsangiz, siz pul topib, oila boqmoqdasiz, faqatgina savob ilinjida. Bizning e'tiqodimiz barcha in-sonlarni musulmon bo'lib tug'ilishini tan olganliklari kabi, ular olandan o'tganlarida ham savol-javobi biz-ning dinimizda bo'ladi. Shuning uchun ham siz tirik ko-fir-lar yoki g'ayridinlarni emas, bil'aks, jannat va do'zax orasida turgan marhumlarni qo'riqlamoqdasiz. Shun-daymasmi, Javdot inim?..

Bu gapdan so'ng chunonam kulgi bo'ldiki, to'rtovi ham kulgidan zo'rilib, qizarib ketishdi.

— Shunday, shunday, okaei Dovud, uvvv.

Javdot og'zini qo'li bilan yopib gapirishga urinsa-da, kulgidan o'zini tutib tura olmadi.

Oradan bir oz vaqt o'tib, Dovud jiddiy ohangda yana so'z boshladi:

— Kulgi-kulgi-yu, lekin aytdim ayni haqiqat. Shuning uchun ham, birodar, boshqa buni o'ylab hech xijolat chekmang. Biz dini arkonlarimizga va amirla-rimizning ko'rsatmalariga xiyonat qilmasak bo'lgani. Bizni haq yo'ldan hech kim chalg'ita olmaydi. Alloh o'zi bizga madadkor. O'lsak o'lamizki, bu dunyoda Allohning rizoligi uchun har qanday yumushni qilishga tayyormiz. Bu yumush jonimizni talab qilsa bunga ham tayyormiz. Zero, chin dunyo bu dunyo emas. Biz chin dunyo oshig-larimiz.

– Dovud aka, men, joʻralarim va pochcham bilan qurilishda ishlaysan. Qashqadaryoning boshqa tumanidan kelgan tanishlarim ham bor. Ular pochchamning qurilish brigadasida ishlashadi. Hozir ular Nijiniy Novgorodda. Qurilish inshooti yonida 14 ta koʻchma vagonda yashab ishlashyapti. Ruhsat bersangiz, Javdot akam bilan ham maslahatlashgandim, agar siz mening oylik maoshimni, xarajatlarimni hal qilib bersangiz, Nijiniy Novgorodga borib ularga Haq yoʻlini daʼvat qilaman.

Bir oz oʻylanib qolgandan soʻng Dovud Farhod va Javdotga bir-bir nazar soldi-da, shunday dedi:

– Aytdim-ku, siz juda farosati chiqib qoldingiz deb, toʻgʻri oʻylabsiz, bu fikringizni ikki karra qoʻllab-quvvatlayman. Qorovullikdan qancha maosh olasiz, ukam?

– Olti yuz dollar.

– Yaxshi. Juda yaxshi. Siz aytgan qurilishda necha kishi ishlaydi?

– 200 tacha bor, mening tanishlarimning oʻzi 40 dan ortiq. Ular oʻsha men aytgan 8 ta vagonda yashaydi. Qolganlari Ozarboyjon, Tojikiston, Dogʻistondan kelgan, ularni tanimayman.

– Ayni muddao. Ular bilan ham pochchangiz orqali aloqa bogʻlaysiz. Ularni ham bizning maqsadimiz yoʻlida daʼvat qilasiz. Buning uchun sizga har oyda 1200 dollar berib turamiz. Pulni Farhod birodaringizning oʻzi sizga yetkazib turadi. Oʻringizga ham biror yaqiningizni qoʻyib ketsangiz, bu yerni ham yoʻqotmaymiz. Sizga barcha koʻrsatmalarni Farhod orqali beramiz. Yana bizni uyaltirib qoʻymang. Chunki amirlarimiz har bir pulning hisob-kitobini va uning natijasini mendan soʻraydi. Yana bir gap. Oʻsha tanishlaringizni bizning yoʻlga boshlaganingizdan soʻng, ishonchingiz komil boʻlgandan keyingina ulardan ham Haq yoʻlida «baytulmol»ga imkon qadar ehson yigʻishni oʻz zimmanizga olasiz. Qolganini Farhod sizga atroflicha tushuntiradi.

– Xoʻp, Dovud aka, rahmat, ishonchingizni oqlayman... Shundan soʻng Baxtiyor xayr-xoʻshlashib chiqib ketdi. Endi Javdotning ijara uyida Dovud, Farhod va Javdotlar qolishdi.

– Endi asosiy masalaga oʻtsak ham boʻlaveradi. Dovud aka, men sizga Javdot jiyanimning maslahati bor degandim. Esingizdami?

– Ha, albatta, avvalo shu uchun ham meni bu yerga taklif etgansiz-ku, shundaymasmi?

– Albatta. Gapir jiyan, maslahatingni.

Farhod Javdotga yuzlandi.

– Dovud aka, oʻrtamizda qolar gap yoʻq. Sizga ishonamiz. Biz kabi musofir yurtda oʻz oʻringizga ega boʻlib, amirlarimizning ishonchini oqlab yuribsiz, shu uchun ham togʻam bilan kelishib, sizdan maslahat soʻrashga qaror qilganimiz. Shuning uchun ham sizning Moskvaga kelishingizni intiq boʻlib kutayotgandik...

– Xoʻsh, xoʻsh?

– Anchadan beri menga «Hizbut-tahrir» jamoatidan taklif boʻlib, holi jonimga qoʻyishmayapti.

– Qanday taklif ekan?

– Qisqasi, taklifning mazmuni shundayki, men bu jamoat uchun Moskvada yurgan oʻzbek, tojik, qirgʻiz mehnat muhojirlarini daʼvat qilishim kerakmish. Evaziga yaxshigina haq berishar ekan. Shuni sizdan soʻramoqchi edik. Ular bilan ham hamkorlik qilsak, Turkiyadagi amirlarimizga bildirmay... Ham sixni, ham kabobni kuydirmay deganlaridek... Bu oʻzimning ishimizga xalaqit bermaydi. Faqat ular aytgan yana bir-ikki qoʻllanmani qoʻshib oʻrgatamiz. Ularga toʻplab beradigan yigitlarimiz biznikiga aslo aralashmaydi. Ularning maqsadlari ham bizniki kabi, faqat ular maqsadini Oʻzbekistonda amalga oshirmoqchi ekan.

– Ha, xabarim bor asl maqsadidan... «Hizbut-tahrir», «Akroniya» va «Yahobiya» ogimlarining mening yur-

timdagi rahnamolari bilan qiladigan amallarimiz bor. Amirlerimizdan maxsus ko'rsatma olganman. Bu ko'rsatmaning sizlarga aloqasi yo'q. Sizlarning bu ishlaringizga shaxsan qarshiligim yo'q. Biroq ular bilan ishingiz bizning amirlarimiz berayotgan ko'rsatmalarni so'zsiz bajarilishiga ta'sir etmasligi kerak. Aks holda boshdan ayridim deyaveringlar.

— Yo'q-yo'q, aslo ta'sir etmaydi. O'zbekistonga qaytayotgan mehnat muhojirlarini «Hizbut-tahrir»ga tarafdor qilsak, shu yetarli. Tarafdor bo'lmasa ham mayli, biz ularni bir joyga to'plab bersak kifoya. Farhod tog'am qo'llanna bilan tanishtirsa bo'lgani.

— Yaxshi. Bu uchun qancha haq taklif etishyapti?

— Tog'am iktimizga 70 000 dollar. Agar rozi bo'lsangiz, 20 000 dollarni sizga ataymiz, gap tamom.

Dovud rozilik berganday bosh qimirlatib qo'ydi.

— «Hizbut-tahrir»ga «Islom nizomi»ni targ'ib qilishda yordam beraman denglar. E'tirozim yo'q.

— Bilmadik, hali qanaqangi qo'llanmalari bor ekan ularning, — miyig'ida kuldi Dovud. — Ha, pul xohlasa kuldiradi, xohlasa yig'latadi, deganlari shu bo'lsa kerak-da.

— Faqat, Dovud aka, Abduvohid qorining ham bilmagani ma'qul, — deb qoldi Farhod.

— Tushunari... Qani endi dam olaylik, a. Tog'a-jivanlar, nima deysizlar?

— Albatta-albatta. Uzi, sizning suhbat-ingizga mush-toq bo'lganimizdan vaqt ancha mahal bo'lib qolganini ham sezmay qolibmiz...

Shu tariqa Dovud Moskva shahrining turli hududlarida tashkil qilingan «jamoa»ning «halqa» yig'ilishlarida qatnashib, shundan keyin Namanganga yo'l oldi. Ha, aytgancha, Namanganga Dovud emas, Doston bo'lib uchib ketdi...

Doston maktabda yaxshi o'qigan edi. Institutda ham eng yaxshi talabalar gatorida edi. Uchinchi kursda o'qib yurgan kezlariida Surayyo opa, ya'ni uning onasi 44 yoshida to'satdan yurak xurujidan vafot etdi. Bu voqea unga juda yomon ta'sir etdimi, o'qishni butkul tashlab qo'ydi. Bir amallab institutni tugatib oldi. Qishloqqa qaytib tayinli bir ishning boshini tutmadi. Otasining ham topish-tutishining tayini yo'q edi. Dilmurod hisobchi deyshardi uni bilganlar. Ustiga-ustak Dilmurod hisobchi ichkilikka ruju qo'ydi. Tuman shifoxonasida hisobchi bo'lib ishlab yurgandi, ishdan ham haydaldi. Qaysi bir fermer xo'jaligida hisobchi bo'lib arzimagan maoshga ishlab yurdi. Shu maoshni ham ba'zan olar, ba'zan yo'q. Gohida natura shaklida berishyapti deb bug'doymni, makkajo'xorimi, moshmi, no'xatmi yoki boshqa poliz ekinlarini — nima qo'lga ilashsa, uyiga olib kelardi. Ichkilikka ruju qo'ygan kishining hurmati ham shunga yarascha bo'ladi-da. Shuning ustidan ham oilada kunora janjal edi. Ota ham anoyi emas, Dostonga qarab «sen o'zing o'g'il bo'lib, yoshing 21-22 ga kirib bir so'm pul olib kelganingni ko'rganim yo'q. Yana o'z otangga nql o'rgatasan. Bor, sen ham ishla, bekor yurma ho'kiz-day bo'lib», deb baqirardi. Ayo'siz, onasiz qolgan uydan fayz ham ketdi.

Xullas, ana shunday kundalik holatlardan bezor bo'lib ketgan Doston, ancha-muncha chopa-chopdan so'ng, qarz havola qilib, diplomni sandiqqa solib, Janubiy Koreyaga ishga yo'l olgan edi. Koreyadagi qisqacha tarixi sizga ayon...

Dostonning Turkiyadan, oila a'zolarining nazarida esa Koreyadan bu galgi kelishi ikkinchi kelishi edi. Birinchi bor kelganida endigina kollejni tamomlagan xolasining qizi O'g'iloyga uylangandi. Hozir ularning Abubakr ismli o'g'illari bor.

Bu orada Dostonning Janubiy Koreyada ishlab topganlari asta-sekin qarzdani uzilib, otasini bir juvonga ulanishiga, singlisi Dilshodani uzatib, kamiga uyini qaytadan pishiq g'ishtdan ko'tarib, bir qora «Neksiya»ni darvozaxonaning tagiga «bog'lab» qo'yishga, kamiga kuyov bilan birga 5 gektar bog' qilib, bog'dorchilik fermer xo'jaligi tashkil etishga ham yetgandi. Ortig'chasi kelining, ya'ni Dostonning xotini O'g'iloyning qo'lida yig'ilarkan, degan gap ham bolalagandi. Qisqasi, oilada ijtimoiy ahvol izga tushgandi. Tag'in Dilmurod hisobchi ham kuyovining fermer xo'jaligi ishlariga qarashishi bilan birga, tumandagi bir kollej hisob-kitobini ham yuritir va Haj safariga boraman deb gap chiqargach, ro'yxatga turib, shu ilinjda ichkilikni ham yig'ishtirgan edi.

Doston «amir» ko'rsatmasi bilan «Hizbut-tahrir», «Akromiy», «Vahobi», «Turkiston islom harakati» tashkilotlarining O'zbekistonda, xususan, vodiya'dagi rahnamo vakillari bilan uchrashishi hamda hamma'slak Turkiyadagi tashkilot rahnamolarining hankorilikka daxldor gap-so'zlarini yetkazishi lozim edi. Tashkilot sifatida «jihodchilar» diniy-ekstremistik oqimi tashkiloti faoliyati O'zbekiston hududida taqiqlangan, shunga qararnasdan topshiriq yuzasidan u vodiya'da maxsus tay-yorgarlikdan o'tganlarni Rossiya orgali Turkiyaga yoki Tojikiston, O'zbekiston yoki Turkmaniston orgali to'g'ridan-to'g'ri Afg'onistonga, Pokistonga yuborish ishlarini, moliyaviy hisob-kitob masalalarini hal etishi lozim edi. Yana bir asosiy vazifa esa, rahnamolar tomonidan manzillari berilgan kishilarga uchrashishi va ulardan «baytulmo»ga vodiya'dan yuborilayotgan mablag'ning salmog'ini oshirish choralarini ko'rish lozim edi.

Ana shu maqsadda Doston sinfdoshi G'anisher hamda andijonlik Tohir (u ham Koreyada birga ishlagan) bilan oldindan kelishilgan reja asosida berilgan vazifalarni amalga oshirishlari kerak edi. G'anisher Doston-

ni ko'rganini uyiga kelganda bunga kelishib olishdi. Agar esingizda bo'lsa, G'anisher – Dostonning sinfdoshi, Janubiy Koreyada ham birgalikda ishlagan. Doston Turkiyaga, G'anisher va andijonlik Tohir jamoatga davlatni davom ettirish uchun o'z uylariga qaytarilgandi.

Agar Doston tayyorgarlikdan o'tganlarni Rossiya orgali Turkiyaga yoki Tojikiston, O'zbekiston yoki Turkmaniston orgali to'g'ridan-to'g'ri Afg'onistonga va yoki Pokistonga yuborish hisob-kitobiga vazifador bo'lsa, G'anisher, Tohirlar esa, aynan o'shalarni «hijrat», «jihod»ga tayyorlash uchun rahnamolarining ko'rsatmalarini og'ishmay, imi-jimida ado etayotgan edi. Shuning uchun ham Dostonning bu vazifasi oson kechdi. Endigi vazifa esa «Hizbut-tahrir», «Akromiy», «Vahobi», «Turkiston islom harakati» tashkilotlarining O'zbekistonda, xususan, vodiya'dagi rahnamolari bilan uchrashish edi.

Xuddi shunday tartibda G'anisher ham Namanganda bu faoliyatni olib borar hamda jome masjidlarining birida imonlik ham qilayotgan edi.

Doston, G'anisher va Tohir vodiya'da «Turkiston islom harakati», «Hizbut-tahrir», «Akromiy»lar tashkilotining mas'ul vakillari bilan, Andijonda esa ularga qo'shimcha yana bir guruh – «Vahobi»larning vakili bilan Namanganda uchrashishdi. Rejalashtirilgandek, uchrashuvdan ko'zlangan maqsad hosil bo'ldi. Bu haqda o'sha kunyoq Turkiyadagi rahnamolarga maxsus shaxsiy elektron pochta'dan shiftlangan – niqoblangan so'zlar orgali xabar berildi (bir marta foydalaniladigan bunday «elektron pochta», «profil» va boshqa ijtimoiy tarmoqdagi soxta elektron pochta, trol – akkaunt va profilar hamda ijtimoiy tarmoqlardagi hujralar eng xavfsiz aloqa vositasi sanalardi).

«Turkiston islom harakati» (Afg'onistonda faoliyat yuritayotgan, faoliyati O'zbekistonda taqiqlangan diniy ekstremistik-terroristik jamoat) tashkilotining mas'ul

vakillari bilan Toshkent shahrining Olmazor tumani-da ko'rishishdi. Toshkentdagi mas'ul vakilning ismi Shokir bo'lib, Doston va G'ani sher u bilan deyarli teng-qur bo'lgani bois gap-so'zlari juda bir-birlariga ma'qul tushdi. Doston Toshkent moliya institutini, G'ani sher O'zbekiston Milliy universitetini, Shokir esa Toshkent texnika universitetini tamomlagani haqida so'z ochilib, gurning qizidi. Shu kuni ular Shokirning uyida qoladigan bo'lishdi. Har ikki tomon ham o'z rahnamolari hamkorligining ayrim «nozik jihatlari bo'yicha kelishuvga erishgandek bo'ldi.

Shokir «Turkiston islom harakati» oqimi tashkil etilishida faol ishtirok etgan a'zolaridan biri sifatida tay-yorgarlikni dastlab Tojikistonda o'tagan. O'zbekistonda xalifalik davlatini tuzishga tish-tirno'gi bilan kirishgan radikallardan biri.

– Shokir aka, farzandlardan nechta? – so'radi G'ani sher.

– Hozircha bitta farzandim bor, Allohga shukur.

– Umri uzoq bo'lsin, insho'lloh.

– O'zingizdan so'rasak?

– Menda ham bir nafar-u, lekin egizak.

Kulgi ko'tarildi.

– Qanday qilib bir nafar egizak bo'lishi mumkin? – yana so'radi Shokir.

– Hazillashdim, aka, egizak farzandlarim bor, Fotima va Zuhra. Bir paytda tug'ilgani uchun o'rtoqlarimga hazillashdim, qo'rqmanglar, bitta egizak qizim bor deb. Shunga sizga ham haddim sig'ib bir hazil qildim, aka.

– Ey yashang, G'ani sher aka. Hazilingiz bor bo'lsin, odam sig'ilib ketgandi, mana, sizlarni ko'rib subhatlashib, ancha ko'ngil yozildi. Bu shaharda tengdoshlarim bilan gapimiz ko'pam to'g'ri kelavermaydi. E'tiqodi sust ko'p tengqurlarimni aytaman, bilimadim, oxiratga qaysi yuz bilan borishadi.

– Ha, gapirmang, aka.

– Doston aka, sizda farzandlardan nechta? Ko'ringiz, shingizdan uylanmaganga ham o'xshab turibsiz lekin?

– Uylanganman, aka, uylanmaganman, faqat xotinim bitta, shuning uchun yosh ko'rinsam kerak-da. Mening ham siz kabi bir nafar farzandim bor, aka, G'ani sher o'rtog'im biroz shoshib qo'yganda, a?

– Ha, Xudoning bergani. Doston aka, ilmoqli gapingizga tushummadim yo G'ani sher akamning xotinlari ikitami?

– Yo'q, jinday hazillashdim, xolos.

– So'raganning aybi yo'q, Shokir aka, qancha tarafdorlaringiz bor?

– Ancha bor. 700 tacha Afg'onistonda. Bu yerda ham 1000 dan ortiq a'zolarimiz bor. Asosan Toshkent va vodiya ko'proq. Keyin Qashqadaryo va Samarqand, Surxondaryo deganday...

– Ha yaxshi, Haq yo'lidagilar ko'payaversin. Endi Shokir aka, agar iloji bo'lsa, ikkimiz bir toza havoga chiqib kelsak.

– Albatta, uzr birodar, yuring, yuring.

Doston Shokirga ularning o'rtasida G'ani sher ham bilmasligi lozim gap borligiga shama qildi.

– Hovlingiz shunamgina ekan, Shokir aka.

– Rahmat, Doston aka. Rahmatli adamlardan meros, ikki opam borlar, ular allagachon oilali, uyli-joyli bo'lib ketishgan, jiyanlarimning bo'yi ham menga tenglashib qoldi, ko'z tegmasin.

– Ha, dadangizni Alloh rahmatiga olgan bo'lsin, ancha fayzli hovli qolgan ekan sizga.

– Shunday, shunday. Dadam rahmatli shofyor edilar. Oldingi qurilish ministri olib yurardilar.

– Shofyor edilar deng? Yaxshi kasb...Mening dadam hisobchilar...

– Shofyorlik ortidan halol o'stirganlar bizlarni. Hisobchining farzandi ekanligingiz sezilib turibdi, hatto har

bir gapingizda ham hisob-kitob bor. Bekorga gapni sarflamay siz deyma-da. Mana, bizning oilamiz bilan ham tanishib oldingiz.

– To'g'ri aytasiz, Shokir aka, avvalo siz bilan tanishganimdan xursandman, mehmondorchilik uchun esa alohida rahmat. Ishimiz shu-da, gap-so'zga e'tibor degandek...

– Yo'q, yo'q, u ma'noga burmang, men faqat gap kelganda kayfiyatingizni ko'tarish maqsadida aytgandim.

– Xullas, Shokir aka, kechagi ko'rsatmalar va kelishuvimizning asosiyini G'anisher yonida atay aytmagandim, qulay fursatni kutgandim. Mana, hozir bemalol gaplashib olsak bo'ladi.

– Marhamat, qulog'im sizda.

– Shokir aka, rahnamolarimizning kelishuvlariga ko'ra, tashkilotingiz a'zolaridan o'ta sadogatli, til-zaboni mustahkam uch-to'rt kishini huquqni muhofaza qiluvchi idoralarga ushlab berishingiz kerak.

– Iya nega, bu ish hammamizning boshimizga balo keltiradi-ku?

– Rahnamolar bu masalalarni o'zaro hal etishgan. Siz bog'lansangiz tushuntirishadi. Huquqni muhofaza qiluvchi organlarga qilib berayotgan yemimiz ularning nazarida yem, lekin bizga ularni chalqitish va qamoqnolarda mahbuslar orasida Haq yo'lni da'vat qilish. U yerda safdoshlarimizdan bizning maqsadimiz yo'lidaxizmat qiladiganlarni tayyorlashdir. Chunki rahnamolarning ko'rsatmasiga ko'ra, mahbuslar – mazlumlardak tushkunlikka tushar ekan, ularni ana o'sha davrda o'zimizga og'dirish va bizning g'oyalarga ergashtirish, ularni ozodlikka chiqqanlaridan so'ng faqat bizning foydamizigagina xizmat qilishga erishishdir. Qamoqnolarda mavjud tuzumni yomonlash, unga qarshi jihod qilish, amaldorlarning insofsizligi, tanish-bilish, adolat yo'qligi, oddiy xalqqa jabor qilina-yotgani kabilarni mah-

buslar ongiga singdirish, ularni zaharlash biz bilan sizning oldimizga qo'yilgan vazifa. Bu rahnamolarimizning katta yig'inida ishlab chiqilgan «ikkinchi bosqich» qo'llanmasidir.

– Gapni shundan boshlamaysizmi, men o'ylabmanki, rahnamolarimiz birodarlarimizni sotishni istashyaptimi deb, ey, odamni qo'rqitvordingiz-ku.

– Ha, endi maqsadni angladingizmi? Sizing odamlaringiz Toshkent, Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlarida qo'lga tushishi va o'sha yerda tergov qilinishi hamda hudud bo'yicha yuboriladigan qamoqxonalarga jo'natilishi lozim bo'ladi. Chunki boshqa hududlarda ham, masalan, Toshkent, vodi, Xorazm viloyatlarida ham «ikkinchi bosqich» qo'llanmasini bajarishga kirishildi.

– Demak, bizning yigitlar siz aytgan uchta hududda tergov qilinishi, o'sha hudud sudlari tomonidan ularga hukm o'qilishi kerak. Ana shunda o'sha hududlardan siz taxmin qilgan qamoqxonalarga yuboriladi, shundaymi?

– Yashang, shunday. Buni rahbarlarimiz ipidan ignasigacha o'ylab, shu ko'rsatmani ishlab chiqqan.

Doston qo'lidagi qog'ozlarni Shokirga tutqazdi. Ushbu ko'rsatmalar elektron pochta orqali yuborilgan hamda elektron tashuvchiga ko'chirilib, muhrlab olingandan keyin elektron pochta bilan ham o'chirib tashlangandi. Bu ham guruhning axborot xavfsizligiga mas'ul shaxslarning ko'rsatmalaridan biri.

– Shokir aka, G'anisher kutib qoldi, qolgan gaplarni olgan qog'ozlaringizdan batafsil o'qib-tushunib olasiz. Sizdan iltimos, barchasi rahnamolar kelishuviga ko'ra biz amal qiladigan qat'iy qoidalar bo'yicha bajarilishi kerak. Mukofotingiz ham shunga yarasha, – Doston Shokirning yelkasiga qoqib qo'ydi.

– Albatta, Haq yo'lidagi shahid ketsak ham bu ishlarni og'ishmay ado etamiz. Uch-to'rt yil emas, bir umr qa-

moqda o'tirishga rozi sodiq yigitlarimiz bor. Ular Afg'onistonga, jangga qachon borishini kutishyapti. Bu ishga ana o'shalarga o'xshaganlaridan tanlaymiz.

– Shokir aka, bir narsa yodingizdan ko'tarilmasinki, qo'lga tushgandan keyin o'zini qanday tutishi kerakligi, tergovda qanday ko'rsatma berish, ularni chalgitish ketma-ketligi, yana bir bor aytaman, qo'lingizdagi qog'ozda aniq qilib yozilgan, yigitlaringizga bu qog'ozlarni bermaysiz, faqat adashib ketmaydigan qilib tushuntirasiz aka, xo'pmi?

– Xo'p.

O'sha tunda uchovlon tungi soat ikkiga qadar suhbatlashishdi.

– Aybga buyurmasangiz, Doston birodar, bir nima so'ramogchi edim.

– Marhamat, Shokir aka, tortinmay so'rayvering, qo'lindan kelsa...

– Rahnamolarimiz «Ikkinchi bosqich» rejasi bo'yicha yakdill xulosaga kelishdi dedingiz. Mayli, u tushunarli. Men tushunmagan «Birinci bosqich» ham bormi yoki kelishilgan rejaning faqatgina nomi shunday – «Ikkinchi bosqich» deb qo'yilganmi? Mantiqan o'ylab ko'rsak, birinchi yo'l rejasi ham bo'lishi kerak-da, G'anisher do'stim, siz xabardormisiz?

– Yo'q, Shokir aka, biz kelgan ko'rsatmani bajaradigan kichkina odamimiz. Haq yo'ldan boshqasini bilmaymiz, aka. Doston do'stim bilmasa buyog'ini.

– Shokir aka, gapingizda jon bor. Birinchi dasturimizning nomini bilmayman-u, lekin birinchi bosqichda amirlarimiz ishlab chiqqan turli qo'llanmalar asosida Haq yo'lga boshlangan bo'lsa kerak. Bili-shincha, «Kam-kamdan» ko'rsatmasi bilan, esingizda-mi, G'anisher? Koreyadagimizda Abdullohning qo'lida shundan boshlaganmiz, ya'ni faqat birgalikda namozga borish, dam olish kunlarini birga o'tkazish, faqat bir

hafta kechqururlari birga diniy kitob va qo'llanmalarni o'qish, jamoaning yig'inlarida qatnashish, haftada bir marta do'stlarni ham da'vat qilib borish kabi kichik ittimoslar qilish yo'llari o'rgatilgandi. Undan keyin doimiy «Miya chayish» vositasida jamoaning g'oyalarni amalga oshirishga yollanayotgan birodarlarning shaxsiy qiyinchiliklari va jamiyatdagi muammolarni hal etishning yo'li, degan tushunchani tinmay uqitirib borardik. So'ng-
ra «Jamoaviy harakat usuli»ni qo'llardik. Jamoaning barcha a'zolari yangi a'zoni turli rivoyatlar asosida yagona g'oyaga yo'naltirilgan fikrlar bilan gamrab olardik. Bularning barchasini Abdullohdan o'rganaganmiz. Bil-madim, Abdulloh rahnamomiz Ziyodiyning qo'llanmasi deb aytgandi. Birinchi bosqichda endi islom arkonlarini o'rganayotgan birodarimizga betinim yangidan-yangi ma'lumotlar berish va o'z fikrlari bilan yolg'iz qolishga yo'l qo'ymaslik orqali unda e'tiroz bildirish yoki bahs-lashishga imkon qoldirmaslikka harakat qilish va unga nisbatan faqat shirin so'zlar gapirilib, g'amxo'rlik qilib, aksariyat hollarda moddiy yordam ham ko'rsatilar edi. O'zingizdan so'rasak, Shokir aka, sizlarning rahnamola-ringizning uslubini qanday?

– Ha, Shokir aka, aytib bering, juda qiziq-da bizga, – deb G'anisher ham turib oldi.

– Bizning uslub bizoz boshqacharoq ekan. Birodar-larimizga ilmi o'rgatdikmi, asl ilimga chuqur kirishga yo'l qo'ymaymiz. Shuning uchun o'zimizni nazorat qila-olaman, chiqqim kelsa, jamoamizdan chiqib keta ola-man deganlarga murosa qilmaymiz. Chunki jamoamiz-dan chiqishsa sotadi. Bunday xayolga bormasliklarini tushuntirib, ortga qaytishga imkon qoldirmaymiz. Aks holda bizdan boshqa ham turli ogimlar domiga tushib qolishining oldini olish zarur. Hozir o'zim guvohi bo'l-yapmanki, ko'p yoshlar va ayniqsa ersiz ayollarimiz g'ayridinlarning sektalariga o'tib ketmoqda...

Guruhning g'oyalarini targ'ib qilish bilan birga mana shu ko'rsatmalar Toshkent shahri, Farg'ona, Andijon, Namangan, Toshkent viloyati, Xorazm, Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlaridagi kichik rahnamolarga ham yetkazildi.

Turkiya. Istanbul.

Amir va rahnamolarning yopiq eshiklar ortidagi ikkinchi yashirin qurultoyi. «Baytulmol» jamg'armasining yana 13 ta davlatlarda yashirin faoliyat olib boruvchi mas'ullari ham jam bo'lishgan.

Qurultoyda ko'rib chiqilib kengashilgan va ko'rsatma berilgan masalalar qatorida O'rta Osiyo va MDH davlatlarida «Ikkinchi yo'l» qo'llanmasini amalga oshirish bor edi. «Ikkinchi yo'l» deb nomlangan qo'llanmada, avvalo, nomlari bayon etilgan davlatlardagi ozodlikdan mahrum etish joylarida jazoni ijro etayotgan mahbuslarni «Haq yo'l» kitobida yozilgan guruhning yashirin g'araz g'oya va maqsadlarini amalga oshirishga da'vat etish, bu g'oyalarni ular ongiga singdirish ko'rsatilgan edi.

«Ikkinchi yo'l»ning noan'anaviy jihataridan biri unda ko'rsatilgan maqsadga yetishish uchun boshqa har qanday radikal oqim, ekstremistik guruhlar, sektalar, firqalar va g'ayridinlardagi ana shunday guruh va firqalar bilan ham hamkorlik qilishga fatvo berilgandi. O'sha davlatlarning huquqni muhofaza etuvchi organlarga oldindan puxta ishlangan dastur asosida qo'lga tushishi (tushirishi) rejalashtirilgan guruhlarining juvonmardlari (guruh manfaat uchun kerak bo'lsa, jon beruvchilar) tergovni atayin tayyorlangan ssenariy asosidagi ma'lumot va axborotlarni oshkor qilishi orqali bu ma'lumotlarni ularning hukumatlariga yetkazilishini ko'zlagan edilar. Bundan maqsad shu davlatlarning

kuch ishlatar tizimi e'tiborini asosan davlatning ichki hududidagi guruhlar faoliyatiga qaratish, qamoqxonalardagi radikal guruhlar faoliyatidan e'tiborni chetlatish va eng asosiy ko'zlangan muddao esa, chetda yurgan mehnat muhojirlariga bu guruhlar katta kuch sarflayotganligiga e'tibor qaratga olmay chalg'ib qolishini ta'minlashga qaratilgandi.

Shu bilan birga boshqa davlatlarga, ayniqsa Rossiya, Turkiya, Janubiy Koreya, AQSh, Finlandiya mamlakatlari mehnat muhojiri bo'lib kelganlarni o'z saffariga tortish va bu yuzasidan qurultoyning mafkurachi, g'oya ijodkorlari, ya'ni «ekspert» – «miya»lari tomonidan ishlab chiqilgan qo'llanmalar qabul qilindi. Qo'llanmalar-da mehnat muhojirlarini guruhning maqsadlari yo'lida xizmat qilishga og'dirishning ketma-ketligi ipidan ignasigacha bayon etilgandi. Ayniqsa, qo'llanmalarni tasdiqlash yuzasidagi bayonotda har bir mamlakat va hatto ularning hududlaridan kelgan migrantlar bilan ishlashning o'ziga xos xususiyatlari ko'rsatilgani «verboshlik» («Haq yo'l»ga da'vat qilinganlarni guruh maqsadlariga yollovchilar) va «miya»larning juda puxta tayyorgarlik va tahlillarni tinimsiz va tizimli amalga oshirib borishini ko'rsatar edi.

Qurultoyda ko'tarilgan asosiy masalalardan biri maqsadlarni amalga oshirish va tarafdorlar safini kengaytirishda Internet va undagi ijtimoiy tarmoqlar imkoniyatidan, shuningdek, axborot va kommunikatsiya texnologiyalaridan unumli foydalanishga qaratilgan.

«Elektron hujra»larning vazifasi ijtimoiy tarmoqlarda guruhga birlashib, tavsiya etilayotgan axborotlarni, audio, video materiallarni, eshinish qo'llanmalarini o'rganish orqali ham foydalanuvchilarni o'z maslakdoshiga aylantirish edi. Va onlayn mulog'otlarda da'vat qilish singari usullardan izchil foydalanish rejasini keng qo'llash, buning uchun «verboshlik» – da'vatchilar guruhi

a'zolariga imkon qadar axborot va kommunikatsiya texnologiyalari sohasida ko'nikma va bilimga ega kishilarni jalb etishlari lozim edi...

Shu kuni qurultoyda, nima sababligi bizga qorong'i-yu, biroq aynan Qozog'istonda «Salaflar» oqimi boshqa hududlarga nisbatan faol ish yuritishiga ham kelishib olingani e'lon qilingan. («Salaflar» so'zi aslida Payg'ambarimiz sallolohu alayhi vasallamning yashagan asrlari va undan keyingi ikki asr ulamolariga nisbatan ishlatiladigan so'zdir. Bu oqim esa asl maqsadlarini «salaflar» nomi ila niqoblagan). Shundan keyin Qozog'istonning ikki viloyatida «Salaflar»ning harakati jonlandi. Ular bu viloyatlarda boshqa ekstremistik oqimlardan ko'ra ustunlikni qo'lga oldi...

* * *

Qashqadaryo viloyati, Qarshi tumanidagi «Shayxali» jazoni i'ro etish muassasasi.

- Yaxshimisiz?
- Assalomu alaykum.
- Isming nima?
- Bobur.
- Sizniki-chi?
- Baxtiyor.
- Qayerilksiz?
- Buxorolik.
- Siz-chi?
- Shu yerdanman, Kasbidan?
- Yoshingiz nechida?
- Yigirma to'rtida.
- Sizniki-chi?
- Yigirma birda.
- Unda senlasam ham bo'lar ekan, uka, statyang nechchi?

- 159.
- Nima edi u?
- Konstitutsiyaviy tuzumga qarshi...
- Ha, xalifalik, islom davlati quraman deganlardan-misan?

– Yo'q. Bilmagani narsangiz haqida gapirmang...

– Shundaymasmi?

– Yo'q, unday emas, biz islom dini va Haq yo'l tarafdorimiz.

– Bizning yo'limiz nohaq yo'limi?

– Musulmonmisiz?

– Ha, musulmonman.

– Musulmonlar shariat qoidalarini bilan yashashi kerak...

– Biz gonun bilan yashaymiz, ko'rib turibmiz afg'onlarni...

– Gonun bilan yashab kelgan joyingiz mana shu yermi?

– Gonunni buzganman, jazoiini olyapman...

– Statyangiz nechchi?

– 167. Kamomad.

– Qayerda ishlagansiz?

– Paxta zavodida.

– Qancha kamomad qilgansiz, «srok» qancha?

– 14 million so'm, 6 yil.

– Tarozida ishlaganmisiz?

– Qayerdan bildingiz?

– Taxmin qildim.

– Senda srok qancha?

– Yeti yil...

Shu tariqa Bobur va Baxtiyor do'stlashib olishdi. Bir yarim yilda Bobur Baxtiyorning ongiga o'z jamoatining g'oyalari va maqsadlarini singdrib ulgurd. Jamoat rahnamolarining asosiy maqsadlaridan biri ham shu edi. Ya'ni jazoni o'tayotganlarning tushkun va mazlum

kayfiyatidan foydalanib, ularni jamiyatdan norozi qilish orqali o'z safiga qo'shib olish edi.

Jazo o'tashdan muddatidan oldin ozodlikka chiqqan Baxtiyor esa keyinroq pul topish magasidida Moskva shahriga, pochchasi Xurshid akaning yoniga ishlab kelish uchun yo'l oldi. Moskvada Javdot bilan, u orqali esa Doston (Dovud) bilan tanishgani va Moskvadan Nijniy Novgorodga borib, qurilishda ishlayotgan mehnat muhojirlari – hamyurtlarini jamoatga da'vat qilishi va bu uchun 1200 dollardan haq olishiga kelishish voqeasini sizlarga ilgariroq qisqa bayon etib o'tgan edik...

* * *

Xorazm viloyati, Urganch shahri. Maxsus xizmat. Tergovchi xonasi. So'roq jarayoni.

– Kimsan?

– Baxtiyorman.

– ... To'liq ayt ism-sharifingni, latta...

– Jiyanov Baxtiyor Keldiyorovich.

– Nima qilib yuribsiz, janob Baxtiyor Keldiyorovich?

– Hech nima...

– Hech nima? Kamerangda tushuntirishmadimi?

– Nimani tushuntirishi kerak edi?

– Senga o'xshagan ifoslarga sarflaydigan ortiqcha vaqtin yo'q, tushundingmi, maraz? Ko'zingni mo'liratlir rahminimi ketiraman deb o'ylama, vatangado, xoin. Xalifalik tuzasan, islom davlati qurasan, O'zbekistonda tuzum bo'lmaydi, uni ag'darish kerak deysan... Mana, qog'oz, bir soat vaqt senga, bir boshidan birma-bir, yaxshilab mana bu qovog' kallangni ishlatib... Biografiyangni... bilasanmi o'zi biografiya nimaligini?

– O'zim haqimdami?

– Ha, o'zing, kimliging, ota-onang, bu yo'lga qachon kirgansan, kim kirgizgan, sen kimlarni da'vat etgansan,

nima qilmogchi edlaring «birodarlar» bir bo'lib, kimni o'ldirmogchi edlaring, qayerni portlatmogchisan, qayerga o't qo'ymogchi eding, nima uchun Qarshigamas, Urganchga uchding, rahnamolaring kim, amiring kim, ular senga qanday ko'rnatmalar bergan – senga bir soat vaqt, hammasini yozib berasan. Bir soatdan keyin kiranman xonaga, tushundingmi? Agar yozilmagan bo'lsa, mendan o'pkalama... Ho', tushundingmi?

– Ha, ha, tushundim, hammasini yozaman...

– Xo'sh, gani, yozib bo'ldingmi?

– Hozir, ozgina qoldi.

– Kitob yozyapsanmi? Bir yarim soat bo'ldi, nima yozding o'zi, gani, bu yoqqa ol-chi, nima bu, chumoli yurish, savoddan ham bor ekan-da, a? Yana shu savod bilan boshqalarni yo'ldan urasan, e o'rgildim, tez tugat, o'n besh daqiqa yetadimi?

– Ha, yetadi, aka.

– Mening senday ukam yo'q. Bo'lsa ham o'zim bo'g'ib o'ldirardim, aka dema meni, tez bo'l, hozir qaytib kiranman, tugatgan bo'l, o'qib berasan, tushundingmi?

– Ha, tushundim.

– Xo'p bo'ladi, hurmatli tergovchi degin, hurmatni o'rgatmaganni ustozlaring, a?

– Xo'p bo'ladi, hurmatli... tergovchi.

– Ana shunday, tez bo'l, hozir kelaman.

– Xo'sh, tugatdingmi, gani, ko'raylik-chi. Hmm... yaxshi, ey, 167 bilan o'tirgan ekan-san-ku, ey, ham davlatni o'imaraman, ham xoinlik qilaman de! Qashqadaryolik bo'lsang, nega samolyotda Qarshiga uchmading, Urganchga kelsam bilmaydi, u yog'iga sekin «Neksiya»-da likillab yetvolaman uyga, degansan-da, a? Ey, sen shoxida yursang, biz bargida yuramiz, har bir qadamning nazoratda edi sening, o'ylaysanki, shahar bedarvozami,

boshqa yerda qilasan o'yiningni, Afg'onistonidami, Pokistonidami yo davlat etayotgan Suriyadami, a, shundaymi? Suriyaga davlat etayotgandilarni homiylik bilan hamyurtlarini?

– Hurmati tergovchi, men hammasiga tushunib yetdim.

– Nimani tushunding?

– Noto'g'ri ish qilganimi...

– Noto'g'ri ish qilganingni, qanaga noto'g'ri ish, sen jinoyat qilgansan, jinoyat bo'lsa ham-chi, o'ta og'ir jinoyat, bilasanmi qanchaga ketishingni?

– Ha, bilaman.

– Qay go'rdan bilasan?

– Eshiganman.

– Og'ir jinoyat ekanini bilib turib ham shu ishga qo'l urdingmi-yey, qoyil, o'ylab gapiryapsanmi?

– Yo'q, yo'q, hurmati tergovchi, shu yerda, kamerada aytishdi...

– Kamerada bildirib qo'yishdimi?

– Ha, shunday...

– Nechtang Moskvada qo'lga tushding?

– Ko'pchilik, 20 kishicha bor.

– Ularingni ham olib kelamiz hali, sen a'zo qilganlarni ichida nechta xorazmlik bor edi?

– To'rtta.

– Nega yozmading? Hammasini yoz, bir kishi ham qolib ketmasin.

– Esimdan chiqibdi, hozir yozaman, hozir...

– Pulni kimdan olib turarding?

– Javdot degan tojik boladan.

– To'liq yozmabsan-ku, to'liq yoz, qachon, qayerda, ismi, familiyasi, otasining ismi kim, unga kim pul yetkazardi, uning boshlig'i kim, pulni qayerdan olardi – hammasini yoz, tushundingmi? O'zi aqli bola ekan-san-ku, nima qilarding bu yo'lga kirib, senga birov yomonlik qilgandi-

mi? Avval ham o'zing mana bu jig'ilidoningga davlatning haqini o'zlashtirib o'tirib chiqqan bo'lsang, tinchgina yurmaysanmi ota-onangning bag'rida, nima qilasan fına qo'zg'ab, urush kerakmi senga, ota-onang, qarindosh-urug', oshna-og'ayningning qonini to'kishing kerakmi?

– Yo'q...

– Nega unda O'zbekistonda tuzumni o'zgartirib, xalifalik qilish kerak deb davlat qilding?

– Ular o'rgatishdi menga...

– O'zingning kallang yo'qmi?

– Endi tushunib yetdim hammasini.

– Endi kech, o'zingga o'xshagan necha kishini zaharlab bo'lding? Necha kishini Turkiya orqali Suriyaga chiqarib yubordilaring?

– Uch kishini...

– To'liq yoz ularning ism-sharifi, tug'ilgan yili, qachon chiqib ketgan, nima deb aldagansizlar, yoz... Jang qilib o'lgan bo'lsa senlarning gapingga kirib... ota-onasiga nima javob qilasan-a, ey, shuni ham hech mana bu miyangda o'ylab ko'rganmisan yo faqat o'zingni o'yladingmi?

– Xo'p. Ismi, familiyalarini yozaman, lekin tug'ilgan yilini aniq bilmayman-da.

– Yaxshi bilasan. Yaxshigina bilasan, olib qochma, aniq-anig yoz. Manzilini ham bilasan, pasporti senlarning qo'lingda bo'lgan. Aytmoqchi, pochchajoning qayerda? Ismi nima edi?

– Xurshid. Tojikistonda.

– Uyam Tojikistonda kamerada senga o'xshab sayrab o'tiribdi hozir... Shuning uchun biror narsani yashiraman deb o'ylama, sendan oldin kelganlarning aytib berib bo'lishgan senlar haqida, nima, tasodifan ushlandingmi sen aeroportda. Ey bola, ey, ahmoq bola! O'zingni o'zing juvonnarmag qilding, shuni bilasanmi? Senga-ku rahmim kelmaydi, bechora ota-onangga qiyin u yoqda,

yaxshi qildingmi, a ota-onangga? Olib bergan rahmatning shu-da senlarning. Yig'lama, vaqtida o'ylash kerak edi. Shayxalida kirgan ekanan shu yo'lga, Bobur degani da'vat etdi deb yozibsan... Amnistiya bilan chiqding, davlat rahm-shafqat qildi senga, odam bo'lsin dedi, ha-yoti sinib ketmasin, imkon beraylik dedi. Sen nima qilding? Bobur bu ishi haqida ma'lumot berish o'rniga lillab borib, Moskvada o'zingnikilarni yo'ldan urdi. Shu to'g'ri ishm, to'g'ri ishm?

– Yo'q, pushaymonman.

– Hali ko'p pushaymon bo'lsan. Agar bilsang, seni mana shu ishlarningning o'zi gunoh, boshqalarni jinoyatga boshlash, o'z vatanga qurol ko'tarib kirishga da'vat etish.

– Men unday deganim yo'q.

– Sen aytmagan bo'lsang, rahnamalarningning shunday degan video tasviri ma'ruzalarini qo'yib bergansan, shundaymi?

– Ha, uni yozdim, tan olaman.

– E-y yasha, sen-ku yaxshi, mana, tan olyapsan, ayrimlarning tan olmaysanlar, bitta-ikkitaang bu yo'ldan qaytmayapsan, chirib bo'lgansanlar.

Senga bir narsani aytay, aqllilik qilyapti deb o'ylama-yu, agar mana bu boshing ishlasa, och bo'lsang ham, yalang'och bo'lsang ham o'z vatanningga, o'z yurtingga xizmat qilishga hech narsa yetmaydi, himoya qilsang, o'z opa-singlingni himoya qil. Senga o'xshaganlarning ba'zilari o'zimizning ayol-qizlarni o'sha jang ketayotgan joylarga yetaklab borib xor qilganlar. Yo noto'g'rimi?

– To'g'ri, lekin men ayollarni da'vat qilmaganman...

– Bugunga yetarli, boshqalarni ham so'roq qilishim kerak. Ertaga chaqiraman. Ertaga Turkiyaga o'tvolib ko'rsatma beradigan rahnamalarningni eslab tur, ular haqida yozib berasan. Keyin Qashqadaryoga seni poyezdda olib ketishadi, mazza qilib ketasan o'z yurtingga...

* * *

Rossiya. Sankt-Peterburg.

Janubiy Koreyada ishlagan va avvalgi sahifalarda bayon etganimiz uchun nomi tanish bo'lgan Erboy O'sh shahrida o'zining mintagaviy markazini barpo qilgan «Hizbut-tahrir» tashkilotining mazkur respublikadagi namoyandalari ishonchini qozonib, Abdulloh tomonidan bildirilgan kelishuvga ko'ra, Sankt-Petburgga mehnat muhojiri sifatida kelib, qurilish brigadiri bo'lib ishlayotgan edi. Aynan o'sha kelishuvga ko'ra, Janubiy Koreyada mehnat muhojiri bo'lib yurganda da'vat etilganlardan biri sizga tanish ko'loblik Ziyodnazar edi. Erboy va Ziyodnazar Sankt-Petburgdagi qurilish firmalarining birida ular tomonidan qurilayotgan inshootlarga mardikor ishchilarni yollashar va ularni boshqarishar – brigadirlik qilishardi. Erboy rus tilini yaxshi bilari, shu bois u Kavkaz millatiga mansub mehnat muhojirlari bilan ham tez til topishib, ularni ham qurilishdagi ishlari-ga yollab olishga erishgan. Ziyodnazar asosan Tojikistondan kelgan mehnat muhojirlarini ishga jalb etardi. O'rta hisobda Erboy va Ziyodnazarlarning qo'lida ikki yuzdan ortiq mehnat muhojirlari ishlashardi. Ularning asosiy qismi O'zbekiston, Tojikiston, Qirg'izistondan bo'lib, kamchilik qismi Armaniston, Ozarboyjon, Chexenistonliklar ozchilikni tashkil etardi.

Ha aytgancha, Erboy O'sh va Jalolobod hududlarida rahnamo tashkilot oqimiga taalluqli 30 mingdan ko'proq kitoblar va disklarni boshqa elektron tashuvchilar, ijtimoiy tarmoqlar orqali tarqatish va da'vat qilishga ulgurgan bo'lsa, Ziyodnazarining Ko'lobdagi yashirin faoliyati salmog'i Erboyning natijalaridan ham ko'proq edi. Rahnamo tashkilotning Qirg'izistonda 50 mingga yaqin, Tojikistonda undan ham ko'proq tarafdorlari shakllangan. Ularning bu faoliyatlarini mehnat muho-

jirlari niqobi ostida Rossiyada davom ettirishlarining uchta sababi bo'lib, birinchisi Janubiy Koreyadagi ke-lishuv, ikkinchisi o'z davlatlaridagi huquqni muhofaza qilish idoralarining nazariya tushib qolishining ijtimoiy oqibatlaridan yiroqda yurish va uchinchisi mo'may da-romad topish hamda da'vat etilgan va ular safiga kirgan birodarlarini Turkiya orqali jangari harakatlar davom etayotgan hududlarga jihod uchun yuborishni tashkil etib, ularning har biri uchun ikki ming dollardan mukofot puli va'da qilinganligi bilan ham izohlash mumkin. Balki biz bilan sizga jumboq bo'lgan boshqa vajlari ham bordir, hozircha bir narsa deyish qiyin...

Qurilishda ishlaydigan mehnat muhojirlarining shaxsini tasdiqlovchi hujjatlarini olib qo'yishar, qurilish ishlari tugatilgandan keyin beramiz deyishardi.

Ularning kamida yarmi qurilish inshootlari atrofiga o'rnatilgan ko'chma vagonlarda yashab ishlasa, qolganlari shu atrofdagi ijara uylarda yashardi.

Nega ularning qayerda yashayotganliklariga alohida to'xtalmog'damiz? Sababi rahnamolarning ko'rsatmalarini bajarish va da'vat qilishning targ'ibot shakli har ikki alohida turadiganlar orasida turlicha tashkil qilingan edi. Birinchisida vagonlardan biri bo'shatib qo'yilgan, namoz, ma'ruza, da'vatlar va videomateriallar namoyishi asosan o'sha bo'sh vagonlarda tashkili qilinardi. Ijara uylarda yashovchilar uchun ham har bir uyda bir targ'ibotchi – da'vatchi biriktirilib, boshqalardan bu maqsadni yashirgan holda da'vat qilishi shart edi. Xulas, mahalliy huquqni muhofaza qiluvchi organlarning e'tiborini tortmaslik uchun targ'ibot asosan mehnat muhojirlarining o'zaro subhati usulidan foydalangan holda olib borilardi.

Har haftaning seshanba va payshanba kunlari «Haq yo'l»ga da'vat qilinganlar uchun navbati bilan tashkilotning ma'ruzachilari amri-ma'ruf qilib berar va

rahnamolarining da'vatlari aks etgan videotasvirini ko'rsatishardi. Ushbu videoreolliklarni ko'chirib olishga ruxsat berishar va ijtimoiy tarmoqlar orqali o'zlarini ishongan va yaqin kishilariga ulashishni tavsiya etishardi. «Agar yurtga ketsangiz, bu yerdagi amri-ma'ruf va ko'rgan videolaringiz haqida churq etmasligingiz kerak. U yerda bilib qolishsa, sizlarni qamab qo'yishadi. Zinhor va zinhor birodarlaringizni sotmanglar. Biz aytgan kunlar ham keladi, hijrat qilib ko'fir-larga qarshi jihod qilamiz», deya ma'ruzachilar qat'iy talab qo'yishar edi.

Va'xzonlarning bosh maqsadlari «jihod», «hijrat», «shahidlik», «takfir» kabi diniy tushunchalarni qasddan soxta talqin qilish orqali musofir va mehnat muhojirlarini oilasi va yaqinlaridan, o'qishdan ajratib olib, qur'olli to'qnashuvlar ketayotgan Afg'oniston va Pokistonga, shuningdek, Yaqin Sharqda juda katta imkoniyatlarga ega bo'lib olgan «Iroq islom davlati» tashkiloti saffariga jo'natish edi. Shuning uchun ham faoliyatini mehnat migrantlarini o'z ta'sir doirasiga tushirib olish, «hujralar»da guruhning yashirin maqsadlari sari yetaklash uchun atay soxtalashtirilgan, yolg'on dalillashdirilgan diniy g'oyalarni singdirish, diniy ekstremistik mazmundagi materiallarni bosma va elektron shakllarda targ'atish Internet orqali da'vatning zamonaviy usullari, jumladan, elektron «hujralar»ga ko'chirildi. Ayniqsa «hizbuzbekiston.info» veb-sayti hamda «Facebook», «Youtube» kabi ijtimoiy tarmoqlar, «Telegram» va boshqa kanallarda da'vat urchidi...

Ana shunday kunlarning birida, Azamat ukasining «Facebook»dagi profilida shu kabi da'vatlarni o'qib qoldi. Shu kuniyoq darsdan keyin kechga tomon ukasining oldiga, ya'ni Erboy va Ziyodnazar qo'l ostida ishl-yotgan Umidning yoniga bordi. Ayni shu paytda ukasi ham ishni tugatgan va shu atrofdagi ijara kvartirada

birga ishlaydigan boshqa yurtdoshlar bilan zo'r berib, jon qulog'i bilan «gori»ning navbatdagi va zini tinglayotgan edi.

Kirib kelgan Azamatni avval ukasi Umid, keyin yurtdoshlar va «gori» ham alohida tavoze bilan kutib oldi.

Azamat Sankt-Peterburgdagi universitetning uchinchisi bosqichida tahsil olayotgandi. Bundan yurtdoshlar boxabar, «gori»ga esa bu haqda Umid aytgandi. Ma'ruza davom etar va dasturxon ham hali yopilgan, undagi bir-ikki guruch donalari osh yeyilganidan darak berib turardi. Azamatga ham yarim lagan osh keltirildi. Oling aka, deyishdi tanigan va tanimagan yurtdoshlar, «gori» ham tavoze bilan oshga imlab ishora qildi.

– Oling, birodar. Biz hozirgina yedik. Aytadilar-ku... qaynonangiz yaxshi ko'rar ekan. Mana, sizning ham nasibangiz qo'shilgan ekan, inshoolloh, oz bo'lsa ham shetik bo'lasiz endi.

– Rahmat! Men hozirgina ujin qilgandim.

– Nasibadan qaytmaydilar, birodar.

– Xo'p, xo'p, mana, bir-ikki og'iz olamiz...

– Oling, oling...

Azamat oshni tezda yedi-da, qo'lini artdi. «Gori» ham Azamatdagi xijolatchilikni sezib:

– Ey birodar, shoshmang, bemalol oling, noz-ne'matlardan olib o'tiring, gap bo'lsa bo'laveradi, vaqtimiz bemalol, shuning uchun shoshmang.

– Rahmat, yaxshigina yevoldim, qorin ham naq to'ldi, bugun ikki marta ujin qildik-da, studentga jaa ko'plik qiladi bu.

– Ey yashang, sho'x ekansiz, birodar, ancha kayfiyatimizni ko'tardingiz. Ha mayli, unda dasturxonga duo qilsak-da, keyin bir piyola choy ichib, suhbatimizni davom ettirsak, a, nima deysizlar?

Hamma bosh qimirlatib tasdiqladi.
Suhbat davom etdi.

– Birodarlar, o'tgan safar mo'minning «shahidlik» martabasi haqida imkon qadar ma'lumotlar olgandik. Bugun esa, birodarlar, shahidlik martabasi bilan bog'liq «takfir»ning nimaligini anglab olamiz, inshoolloh. «Takfir» birodarlar, kofir, dinsiz, e'tiqodsiz demakdir. Yaratganing kofirlar albatta, do'zaxning to'ridan joy olajak degan va'dasi bor. Ya'nikim, «takfir»ni misol bilan tushuntiradigan bo'lsam, mana o'zlaring ko'rib, bilib turibsizlarki, Afg'onistonda, Pokistonda va Yaqin Sharqda bizning musulmon birodarlarimizni o'ldirishyapti, bolalarning qonini to'kishmoqda, lekin biz bu yerda tomoshabin bo'lib o'tiribmiz. Yurtimizda ham dinimiz cheklangan, e'tiqodimiz bo'g'ib qo'yilgan, biz yana jimmiz.... Ana shunday jim o'tiraversak, biz – «takfir», imonsiz, imoni sust, e'tiqodi ishonchsiz, gumondor bo'lamiz, jihodchi birodarlarimizga ergashsak, biz «takfir»dan – kofirlardan batamom qutulamiz.

– Kechirasiz-u qori aka, – deb gap boshladi Azamat, – agar biz o'sha jang bo'layotgan joylarga bormasak ham kofir bo'lmaymiz menimcha. Chunki islomga iymon keltirganimiz, shahodat kalimasi doimo dilimizda, e'tiqodimiz bor. Bizning mazhabboshimiz Imomi A'zam Abu Hanifa «biz biror musulmonni qilgan gunohi sababli kofirga chiqarmaymiz, garchi u kabira – og'ir gunohkor bo'lsa ham, agar u gunohni halol deb e'tiqod qilgan bo'lsa, undan imon ismini olib tashlamaymiz, uni haqiqiy mo'min deb atayveramiz», deganlar. To'g'ri, siz aytgan joylarda qon to'kiyotganligi gunoh, lekin bizning ham u yerlarga borib shu qon to'kadiganlarga qo'shilishimizning o'zi gunohmasmi?

– Azamat inim, siz o'qigan kitoblar sizni birmuncha chalg'itibdi. Hozirda bu kitoblar ancha isloh bo'la boshladi. Biz kofirlardan dinimizni himoyalashimiz kerakligi bizning jonkuyar rahnamalarimizni shunday fatvolar chiqarishga undamoqda. Buni ham to'g'ri anglab yetish

darkor. Birodarimizni o'ldirsalar, biz dindoshimizni hi-moya qilmasak, bu gunohmi? Gunohni kofirlar qiladi-mi? Yana bila turib gunoh qilaverish imonsizlar, kofir-larning ishidir.

– To'g'riku-ya, lekin musulmonni kofirga chiqarish huquqi hech kimga berilmagan. Faqat Yaratganning o'zi buni hal etadi.

– Siz islomda ancha g'o'r ekansiz, birodar. Islom di-nini himoyalash, birodarlarimizning yonlarida bir safda turib jang qilish bizga buyurilgan. Bu amallarni men oldingi suhbatlarimizda «jihod», «hijrab», «shahidlik» ahkomlarini tushuntirish barobarida aytib o'tgandim. Siz o'sha suhbatlarimizda bo'lganingizda edi, hozir bunagangi shubha-gumonlarga bormas edingiz. Bizni ham, birodarlarimizni ham Haq yo'ldan chalg'itishga urinmang... Bu ishingiz Yaratganning g'azabini qo'zg'a-tadi, xolos. Do'zax ahlilaridan bo'lishni sizga ravo ko'r-masdim, birodar. Biz bir-birimizga faqatgina xayrli amallarigina ravo ko'ramiz.

– Gori aka, men Toshkent islom institutida (hozir-da universitet) o'qiganman. Mening fikrimcha, «jihod» so'zi inson o'z maqsadiga erishish yo'lida bor imkoniyatlarini ishga solib, harakat qilishi degani. Masalan, men ilmi o'zlashtirish uchun barcha imkoniyatlarimni sarflab, o'qib-o'rgansam, ilm yo'lida jihod qilgan bo'la-man. Hadisi sharifda aytilishicha, «Bir kishi Rasulu-llohning (salollohu alayhi vasallam) huzurlariga jihod-ga izn so'rab keldi. Shunda unga: «Sening ota-onang bormi?» dedilar. «Ha», dedi u. «Bas, ikkovlari (xizmat) da jihod qil» dedilar. Bu yerdagi aka-ukalarimizning ham asosiy vazifasi ota-onasiga xizmat qilib, olisasiga yordam berish deb o'ylayman. Men o'qigan yana bir ha-disda «Jihodning afzali havoyi nafsingga qarshi jihod-dir» deb yozilgan. Shuning uchun bizga hozircha o'qish, ishlash va ortiqcha hoy-havaslarga berilmay, tinchgina Vatanga qaytsak, shu kifoyamasmu?

– Sizing dunyogarashingiz qotib qolgan, yuz yilga yaqin kofirlar qo'lida bo'lgan yurtning sabog'ini olgan domlarlardan dars olganligingiz shundog'ina bilinib turibdi. Siz bilan munozara qilishni o'zinga ep ko'r-mayman.

Shunday degancha «gori» qisqacha duo qilib, kvar-tiradan chiqib ketdi va bo'lgan voqeani Erboyga so'z-ma-so'z aytib berdi.

Azamat Umidni ko'chaga boshlab chiqdi.

– Menga qara, uka, kimlarga qo'shilib yuribsan? «Facebook»dagi profilingga nimalarni qo'yayotganingni bilasanmi, ahmoq?

– Nimani qo'yibman? Yomonmi, o'zimiz o'rganayot-gan narsalarni joylayapman, aka.

– Ey ahmoq. Bu joylayotgan narsalaring «hizbut»-ning da'vatlari-ku. Bilasanmi buning jinoyatligini? Bu uchun qanchaga gamalib ketishingni bilasanmi? Meni ham tortib ketasan. O'limizni sharmanda qilasan. Aq-lingni yig', tez o'chir profilingdagi'larni, bu qo'yg'an nar-salaring davlatimizga qarshi da'vatlar-ku, shunchalik ham soddada, ahmoq bo'lasanmi-a? Kelganingga hali olti oy ham bo'lmadi. Sentyabrda seni o'zim o'qiyotgan uni-versitetga o'qishga topshiriramiz, deb dadam bilan kelishgandik. Dadam bilsa o'ldiradi ikkalamizni ham. Yo aqlingni yig'ib ol, yo uyga qaytib ketasan, tushun-dingmi?

– Ha, tushundim, ko'p vahima qilmang! Islom dinimi o'rgansak yomonmi, mana, siz ham islom universitetida o'qigansiz-ku.

– U rasmiy universitet. Nega tushunmaysan? Sen joylayotgan narsalar da'vat deyiladi. Extremistik gu-ruhlarning da'vati, tushundingmi endi?

– Ha, tushundim. Hozir o'chirib tashlayman.

– Shu oy yakuni bilan oylingingni olasan. Uyga keta-san, dadamning oldiga, imtihonlar boshlansa chaqira-

man, xo'pmi, uka, gapimni ikki qilma, bir narsani bilmasam aytmayman, xo'pmi?

– Xo'p, xo'p. Bo'ldi aka, vahima qilmang. Meni ham qo'rqitvordingiz, oyliyimni olib ketaman, xo'p. Faqat dadamga aytman.

– Bor narsalarini olib chiq. Ungacha men bilan turasan.

– Yo'q, aka, boshliqlarimiz xafa bo'ladi. Jahli chiqsa oyliklarini ololmay qolaman. Siz boravering, xavotir olmang, o'n-o'n besh kunda oylik maoshlarini olib olдингizga o'taman. O'zingiz kuzatib qo'yasiz. Xavotir olmang, aka.

– Xo'p, uka, o'zingni ehtiyot qil! Gaplarim esingdan chiqmasin, hech kimga aytna gaplarini, ehtiyot bo'l, telefon qilib tur.

Kvartiraga qaytib kirgan Umid yurtdoshlarining unga munosabati o'zgarганиni sezdi.

– Nima qilardi akang ham tortishib, ishdan haydab yuborishsa nima qilamiz, agar ishdan haydayman desa xafa bo'lma, Umid, ko'radiganingni ko'rasan.

– Umidning aybi yo'q, – Umidning sinfdoshi Jalil uning tarafini oldi. – Azamat akani men ham yaxshi bilaman. Juda bilimli, bu yerda ham o'z bilimi bilan o'qiyapti. Ham ishlaydi. Umidan alamimizni olmaylik, haydab yubormasa kerak, qurilish tugamadi-ku hali.

– Ha, bir narsa deyish qiyin, oldindan fol ochmay tur ringlar, bo'ldi, dam olamiz, ertaga ko'ramiz nima bo'lishini, boshga tushgani ko'z ko'radi... – dedi ularning orasida yoshi kattarog'i bo'lgan To'lg'in aka...

Oradan uch-to'rt kun o'tib, Azamatning telefoni jiringladi. Soat kunduzgi 12 lar chamasi.

– Allo.

– Assalomu alaykum, – degan bo'g'iq ovoz keldi.

– Vaalaykum assalom, Umid...

– Azamat aka, men Jalilman, Umidning sinfdoshi...

– Ha, Jalil, yaxshimisan, tinchlikmi? Umidning telefonidan qo'ng'iroq qilyapsanmi?

– Tinchlikmas, aka, Umid qurilishdagi binoning sak-kizinchi etajidan yiqilib tushdi...

– A, nega, nimaga, yiqiladi?.. Joni sog'mi ishqilib, biror nima qilmadimi?

– Keling aka, keling... – Jalil yig'lab yubordi...

Qori bo'lgan voqeani Erboyga aytib bergandan keyin u ham buni o'z navbatida Turkiyadagi rahnamoga yetkazdi. Rahnamodan hech bir xatoga yo'l qo'ymaslik va «isini chiqarmaslik» haqida ko'rsatma olingandan keyin Umidni qurilishi tugallanmagan binoning baland qavatidan turtib yuborish – baxtsiz hodisa rejasi tuzildi va bu imi-jimida amalga oshirildi... Bu Erboy va Ziyodnazar amaliyotidagi ikkinchi holat edi...

Erboy Azamatni yupatar ekan, bu falokat taqdir ekanligini tushuntirib, o'zini rosa g'amxo'r qilib ko'rsatdi, hatto o'likni uyga yuborish uchun ham Azamatga yordam ko'rsatishini aytib, agar ish ochilsa, ko'p sarson-sargardon bo'lishini, o'lik ham xor bo'lishini kuyunchaliklik bilan uqtira ketdi. Ha, tajribamda ko'p voqealarni ko'rdim, inson g'animat, omonatni olib borib tezrog' tuproqqa qo'ying, bu sizning burchingiz deb uning qo'lga Umidning oylik maoshidan tashqari 2000 dollar berdi. Azamat ham bu voqeadan karaxt edi. Pulni oldi, qolgan xarajatlari uchun Umid bilan birga ishlagan yurtdoshlar imkoniyatiga qarab yig'ib berishdi...

«Qori» esa, ma'ruzalarida erinmay, ana, ko'rdingizmi, Umid o'z akasi Azamatning Allohga yodmaydigan noto'g'ri gaplari, bizga qarshi chiqqan va ishonib kelayotgan yolg'on amali uchun tovon to'ladi, jabrini Umid ko'rdi, deb, qurilishda ishlayotgan mehnat muhojirlarining ongiga singdirishga zo'r berdi...

Azamat Umidni o'zi o'qiydigan oliy dargohda o'qitaman, ungacha ishlab tursin, pishiydi, hayotni o'rganadi,

musofirchilikni biladi, deb, ota-onasini ishonitirib olib kelgandi. Umid kelib ish boshlashi bilanog yoniga sinfdoshi Jalilni ham chaqirib olgandi. «Eh, bu ikki sinfdosh qancha-qancha orzu-umidlari qilgandi. Men nega vahi-ma qildim? Menimcha, Umidni mening aybim uchun atay o'ldirib yuborishdi. Dadamga qanday aytaman? Endi nima qilaman? Meni ham tinch qo'yishmasa ke-rak». Umidning jasadini vodiya, ona qishlog'iga olib ke-lib, qabriga qo'yib kelgandan keyin Azamatning boshida shu kabi o'y-xayollar tinmay aylanayotgandi...

«Eh, esiz ukam-a, jon ukam-a, seni o'qtaman degan men o'lsam bo'lmasmidi»...

Ana shunday ruhiy azobda ikki-uch kunni o'tkazgan Azamat o'ylab-o'ylab, bu haqda huquqni muhofaza qiluvchi organga bildirishga va ulardan yordam so'rashga qaror qildi. Huquqni muhofaza qiluvchi organ idorasiga borib, murojaat qildi va rasmiy amallarni kutib yana ikki kun gatnadi. Shundan so'ng Azamat yana Sankt-Peterburgga qaytdi. Huquqni muhofaza qilish organlari esa, tegishi chora-tadbirlarni ishlab chiqib, amaliy harakatlarni boshlab yubordi. Azamatning bu gaplari sir qolishi va ayniqsa ota-onasi xabar topmasligi lozimligi haqidagi iltimosi ham e'tibordan chetda qolmadi.

O'zbekiston, Rossiya, Qirg'iziston va Tojikiston maxsus xizmatlarining hamkorligi bilan oradan bir qancha vaqt o'tib, Erboy va Davlatnazar boshchiligidagi davlat qilinayotgan mehnat muhojirlari birin-ketin o'z davlatlariga olib ketilib, ayblik masalasi ko'rib chiqildi. Erboy va Davlatnazar uzoq muddatga ozodlikdan mahrum etildi. Qurilishda ishlayotgan jamoatga aloqador bo'lmagan boshqa mehnat muhojirlari orasida «gori» o'z joniga qasd qilbdi degan gaplar targaldi...

Rossiya. Moskva shahri.

Janubiy Koreyada ishlab yurgan paytlari Abdullohning davlatiga ergashgan tojikistonlik Iskandar, boy-sunlik Rustamlar o'z yurtlarida guruhning g'oyalari va vaqti-vaqti bilan yetkazilib turgan ko'rsatmalarini bajarib, qo'llanma va norasmiy diniy targatmalarini targatib, o'sha hududlarda tarafdorlar ko'paytirish vazifalari bilan shug'ullangandan so'ng kelishuvga ko'ra, endi Moskva shahrida, shaharning chekkaroq qismidagi Ziyodiya tegishi va uning tatar millatiga mansub mikhodagi avoliiga rasmiylashtirilgan dachada yashashayotgandi.

Ular bu yerda o'zlariga yuklatilgan vazifalarni, jamoatning Turkiyadagi rahnamolarining Ziyodiy orqali beriladigan yashirin ko'rsatmalarini bajarishardi. Birlamchi O'zbekistonning va Tojikistonning janubiy hududlaridan kelgan mehnat muhojirlarini Internetdagi jamoatning 10 ga yaqin veb-saytlari, «Facebook», «YouTube» ijtimoiy tarmoqlari, jamoat va uning a'zolarining proflari, «Telegram» va boshqa kanallardagi «elektron hujralar»ga jalb etish bilan shug'ullandi. Buning texnik jihatini ularga Farhod va uning jiyani Javdot o'rgatar edi.

Tog'a-jivan Farhod va Javdot bu paytga kelib Dovud, ya'ni Dostonning roziligini olib «Hizbut-tahrir» jamoati vakili bilan kelishuvini ado etib bo'lgandi. Endi ular rahnamosi Abdulvali qoriga yetkaziladigan va «baytulo»ga jamg'ariladigan mablag'dan tashqari, jamoat safga qo'shilgan va qo'shimagan tarafdor bo'lgan mehnat muhojirlaridan imkoniyatiga yarasha har oyda 1000, 1500, 2000 Rossiya rubli miqdorida «tabarruot»ga deb pul yig'ib olishni yo'lga qo'ygandi. Ularning aytishlaricha, bu pullar go'yoki Yaqin Sharqda kofrlarga

qarshi kurash olib borayotgan haqiqiy musulmon birodarlarni hamda u yerlarda qurilajak xalifalikka asoslangan Islom davlatini qo'llab-quvvatlash uchun ekan. Keyinchalik bu to'rtovlon boshchiligidagi guruh mehnat muhojirlari uchun qalbaki hujjatlar rasmiylashtirib beradigan to'daga ham rahbarlik qilishdi. Bu to'da Moskva shahridagi vokzallar va aeroport hududlarida mehnat muhojirlarini qalbaki hujjatlar bilan og'irini «yengil qilish», shu orqali ularni jamoatga jalb etish bilan shug'ullanishdi. Ularning bu sa'y-harakati bilan aynan O'zbekiston va Tojikiston, Qirg'iziston va Xitoyning 200 ga yaqin mehnat muhojirlari Afg'oniston, Pokiston va Yaqin Sharqdagi jang borayotgan hududlarga yollanib ketishdi.

Rossiya va yuqorida nomlari tilga olingan davlatlar maxsus xizmatlarining hamkorlikdagi amaliyoti bilan ushbu jinoiy to'da fosh etildi. Hozirda to'da a'zolari o'z mamlakatlarida qamoq jazosini o'tashmoqda. Jamoatning ikki a'zosi – tog'a-jiyan Farhod va Javdot qo'lga olish chog'idagi otishma tufayli halok bo'lishdi. Iskandar Turkiyaga va u orqali Yaqin Sharqdagi jangari guruhlarga safiga qo'shilganicha dom-daraksiz... Rustan esa, keyinchalik Turkiyadagi diniy-ekstremistik guruhdagi faoliyati uchun Turkiya huquqni muhofaza qiluvchi organlari tomonidan qo'lga olindi. Hozirda uzoq muddatli qamoq jazosini o'tamoqda...

* * *

Toshkent viloyati. Chirchiq shahri.

Seul shahridagi sekta bo'limida tayvorgarlikdan keyin Moskvadagi markaziy bo'limdan ham kerakli qo'llanmalar asosida «sir-sinoatlar»ni o'rganagan Ravshan Abdulloh sektaning maqsad va vazifalarini Chirchiq shahridagi rahnamosiga yordamchi bo'lib davom ettirayotgan edi. Ayni shu «ssenariy» asosidagi tayvorgarlik-

dan so'ng, mana bir necha yildirki, Tojibek ham sekta g'oyalarini O'shda targ'ib qilayotgan, sektaning Jaloloboddagi bo'limi rahbariga g'oyalarini davom ettirishlari uchun ko'maklashardi.

Bu xizmatlari hamda boshqa sarf-xarajatlari uchun ularga berib boriladigan pullarni hali-hamon Seuldagi o'zbek yemakxonasi – «Samarqand» orqali olishar edi... Buning boisi Seuldagi sekta rahbarlari va yuqorida nomi keltirilgan Ne'mat hoji hamda uning qaynisi o'rtasidagi kelishuvlarga ko'ra, mablag'ning «baytulmol»ga yubormay yashirish bo'lsa, ikkinchi tomondan O'zbekiston va Qirg'iziston maxsus idoralari nishonidan qochish bo'lishi mumkin.

Sektaning O'zbekistondagi bo'limiga yetkazib berilgan missionerlik mazmunidagi kitoblar va qo'llanmalar ularning homiyolari tashabbusi bilan tub aholi orasida mahalliy tilda, ya'ni o'zbek va hatto qoraqalpog' tillarida ham tayyorlangan bo'lgan. Tayyorlangan kitob va qo'llanmalar Germaniya va yaqin qo'shni davlatda chop etilar edi. Bu nashrlar avvalo sifatining yuqoriligi bilan kishini o'ziga tortsa, targ'ibot – da'vat materiallarining juda professional mutaxassislar tomonidan tayyorlanganini ham anglatadi. Albatta, bu olisdagi rahnamolarning soddada odamlarni ishonitirishning maqbul va samarali targ'ibot usulini qo'llashlari bilan izohlanadi.

Darvoqe «sekta, sektalar» deganda islom, nasroniy, buddaviy, yahudiy kabi ilohiy dinlarga e'tiqod qila turib, ularning o'z dinlaridagi e'tiqodini to'g'ri yo'ldan adashtirib, o'zlarining past va g'araz maqsadlarini amalga oshirishni niyat qilgan va boshqalarni shu yo'lda boshqarishga qasd etgan turli guruhlar, firqalar, oqimlar, jamoatlar va shu kabi tashkilotlar tushuniladi. Seantologiya otasi R. Xabard aqlini taniganidan boshlab miyasida doim bir fikr, ya'ni odamlar mening qulim bo'lishi kerak,

olam menga itoat qilishi shart, degan dominant fikrda yurgan.

Sektalar o'zlariga, asosan, ishi yurishmay, tushkun kayfiyatda yurgan kishilarni a'zo qilishga urindi. Chunki tushkun kayfiyatdagi, ishi yurishmayotgan, omadi chopmayotgan kishilar shirin so'zga, e'tiborga, taskinga uchib, yolg'on va aldovga ahamiyat bermaydilar. Sektalarning asosiy uslubi ham shunda, to'g'rirog'i asosiy kirish uslubi (*sektani mehribon, shirinso'z kishilar jamoasi, insonga uni hayotga bo'lgan ishonchini qayta uyg'otuvchi qilib ko'rsatish. Davat etilayotgan* shaxs bu tomoniga asosiy diqqat-e'tiborini qaratishi, «shu odamlar bilan bo'lsam, doim o'zimni yengil his etaman» degan tushunchani ular ongiga ustalik bilan joylab qo'yish, iloji bo'lsa bir-ikki harakat va seansning o'zidayoq) kishini o'zlariga og'dirib olgunlariga qadar bo'lgan jarayon. Kezi kelganda aytish joiz, dunyoda mavjud va faoliyat yuritayotgan turli sekta a'zolari orasida yolg'iz ayollar qirq besh foizdan ortiqni, bevalar ellik to'rt foizni, qari qiz bo'lib umuman erga tegmaganlari o'n to'rt foizdan ko'proqni tashkil etadi. Sekta ta'siriga tushganlar ichida o'ttiz sakkiz foizini nafagaxo'rlar, besh foizdan ko'prog'ini nogironlar, o'n ikki yarim foizini uy bekalar, yigirma besh foizga yaqinini vaqtincha ishsizlar, oltmish to'qqiz foizini ishsizlar tashkil etishi ular insonlarning o'z qalamini o'z manfaatlari uchun bo'ysundirish uslubidan ustalik bilan foydalanayotganini bildirardi.

Undan keyingi usul va uslublar esa, kutilmagan ko'rinish oladi. Ravshan va Tojibek Seul va Moskva shaharlaridagi sektalarning ham g'oyaviy, ham tashkiliy rahnamolari va homiylaridan bu usul va uslublar sabog'ini mukammal egallab olishgandi. Ravshan Chirchigda, Tojibek esa O'sh shahridagi rahnamolardan ancha-muncha sabog' oldi. Bu saboqlar ularning ong-u

shuuriga shunchalik ta'sir etdiki, ular butun vujudi bilan sektaga kirib ketishi bilan birga, nasroniylikni ham qabul qilishdi.

Endi Ravshan va Tojibek bir necha yillardan beri amalda qo'llab kelayotgan saboqlari, davlatlarining sir-u sinovati, usul va yo'llari kabilarga to'xtalamiz. Shunday qilib, ularga o'rgatilganmi yoki miyasiga quyib qo'yilganmi, har holda ularning aksariyati quyidagi tartibda ishlaydi.

Birlamchi, sektaga davat mukammal ishlangan das-tur asosida olib boriladi. Davatning birinchi ko'rinishida ular yuqoridagi toifa odamlar bilan bevosita ko'cha-ko'ycha uchrashib, shunday murojaat qilishadi: «Sizning yu-zingizda qandaydir nur bor. Lekin hozir negadir kay-fiyatingiz tushkun. To'g'rimi? Xavotir olmang, bizning Tangrimiz sizga juda mehribon, siz yaqinda juda katta yutuqlarga erishasiz. Sizni katta amallar kutib turibdi. Tangri sizni tanlagani muborak bo'lsin. Yaratganining nazari ayuan sizga tushgan... Mana bu kichkinagina kitobdagi Uning so'zlarini o'qisangiz, keyin tushunasiz. U sizga belgi beradi, yaxshilab yodda tutingki, sizga belgi berganda, bu sirni hech kimga ochmang, aks holda mo'jizalar yuz bermay qo'yishi mumkin...»

Yoki Internetdagi ijtimoiy saytlarda notanish odam bilan quyidagicha suhbat boshlanadi.

Missionerlik. «Missioner» – biror diniy guruh, biror diniy birlashma tomonidan boshqalarni o'z g'oyasiga targ'ib qilish va kiritish uchun yuboriladigan kishi. Ravshan va Tojibek sekta a'zolicigiga og'dirmog'chi bo'lgan kishi bilan oddiy masalalarda yoki din, Yaratuvchi haqida suhbat boshlasharkan, o'z so'zlarini ma'qullayotganini sezgandan keyingina sekin, ustalik bilan maqsadga o'ushardi. Undan keyin jamoati yig'iladigan suhbatlariga taklif etishar, bir-ikki kelib-ketib yurgan, o'zlari gaplashgan kishilarni sekin-asta yana muhim-

roq masalalar sari yetaklardi. Manipulyatsiyaning bu bosqichlaridan o'tgan kishi a'zo qilib olinadi. A'zolariga ular aytgan e'tiqodlar ham alohida-alohida qabul qildirlar va sir saqlanishi lozimligi uqtirilardi. Shu bosqich yakunlangandan so'ng Ravshan va Tojibek o'z gonararlarini olishardi.

Keyin esa, avvalo sektaga nisbatan bo'lgan shubha-gumonlarning oldindan puxta ishlab chiqilgan to'qima va yolg'on asoslantirishga qaratilgan faktlar, dalillar va isbotlashning majoziy, tarixiy misollari va uqtirish, mayin va nozik, sekin va ayni paytda donishmandlarga xos uslubda oldi olinardi. A'zo bo'lganlarni imkon qadar tinimsiz o'zlari tayyorlagan qo'llanmalar, axbotlar bilan band etish, boshqa adabiyot va kitoblarni o'qimaslik, ommaviy axborot vositalarini ko'p ham kuzatmaslik, boshqa kishilar bilan imkon qadar suhbat qurmaslikni uqtirishar, guruhdan tashqi boshqa axborot manbalarini jilovlashning barcha choralarini ko'rishardi. Bundan maqsad – boshqa narsalar bilan chalg'ib qolsam, Tangri menga mo'jizani ko'rsatmaydi degan qo'rguvni paydo qilish edi. Shuning uchun a'zolarining aksariyatida o'zlari e'tiqod qilgan haqiqiy din ahkomlarini eslamaslik, eshitmaslik, o'qimaslik, hatto o'z yaqinlarining to'y-ma'rakasiga bormaslikka moyillik paydo bo'lardi. Moyillik ham vaqt o'tishi bilan sekta da'vatidan boshqa har qanday o'y-fikrdan qo'rguv shakllanishi bosqichiga almashardi. Ana shunday qilib, sekta o'z a'zolarining ongini nazorat qila boshlardi.

Bu jarayonda «gipnoz» kabi vositalar ayniqsa yaxshi natija bergani uchun undan tizimli foydalanishning o'ziga xos maktabi yaratilgan edi. Sekta rahnamolari, va'xonlari, rahnamolarining ishongan shogirdlari «gipnoz» ilmini shu darajada o'zlashtirgan edlarki, ko'zi boylangan kishi sektadan chiqib ketisa ham gip-

nozdan sira ham chiqib keta olmas edi. Ko'pincha buning natijasi og'ir oqibatlar bilan yakunlanardi.

Gipnozning sir-u sinoati nafaqat va'zilar, balki a'zolar tomonidan o'qilayotgan adabiyotlari va boshqa ma'lumotlarda ham yashirin tarzda qo'llanilardi. Buni o'ta sinchkov, gipnozga bardoshi a'zolar sezmasa, boshqa a'zolar bu haqda o'ylashga yoki fikr yuritishga ham qo'rqishardi. A'zolar ijtimoiy hayotga ta'sir etuvchi bunday umum psixologik muhit yaratish, pirovardida sekta va uning rahamosini jismoniy va moddiy jihatdan qaram qilish uchun mustahkam zamin hozirlagan edilar. Bu jarayonda allaqachon hosil bo'lgan a'zolar-dagi qo'rguv ularni sekta a'zoliigidan chiqib ketishlariga to'sqinlik ham qilgan aslida. Bunday po'pisalar sirasida, albatta, muqaddas kitoblardan uzib-uzib olinib, yolg'on aralashtirilgan ko'chirmalar ham bo'ladi.

Ravshan va Tojibekning yutug'i sekta a'zoliigiga diniy ta'limoti shakllanib ulgurmagan, e'tiqodi mustahkam bo'lmagan, oilasida muhit maqtari emas, alamzada va tushkun kayfiyatdagi kishilarni da'vat etish sirlari va ilmini ancha durust o'zlashtirganliklarida edi deyish mumkin.

Sekta a'zolarining shaxsiy hayoti ustidan nazorat o'rnatilgandan so'ng, ularning turmush qurishi, kim bilan turmush qurishi, farzand ko'rish kerakmi, yo'gmi, oilaviy hayotini qanday kechirish borasida ham ko'rsatma berish jarayoniga o'tiladi. Bu bosqichda jamoaning gunohga yo'l qo'yg'an a'zolari bilan salomlashish ham taqiqlab qo'yiladi.

Agar ota-onasi u bilan gaplashmay qo'yg'anligi va uning bu ishlarining asl mohiyatidan boxabar qarindoshlari ham voz kechganligini hisobga olmasak, Ravshanning ishlari ancha yurishib ketdi. Daromadi kun sayin ortib bordi. Buning uchun esa, albatta, Ravshan Chirchiq shahridan tashqari, Olmalig shahri,

Samarqand, Buxoro, Jizzax viloyatlaridagi, Toshkent shahri Hamza tumanida yashirin faoliyat yuritayotgan sektalar hamda Qozog'iston, Qirg'izistondagi ba'zi no-rasmiy va faoliyat yuritishi mumkin bo'lmagan diniy tashkilotlar bilan Tojibekning yordamida hamkorlikni keng yo'lga qo'ydi. Tojibek ham o'z navbatida O'zbekistondagi bunday tashkilotlar bilan aloqadan bevosita manfaatdor edi.

Ularning bu missiонерlik faoliyatidan asosiy daromadlari sektalar va saentologlarning a'zolik badallari evaziga yog'ilib keladigan tushumlardan edi. A'zolariga gipnoz yordamida singdiriladigan ta'limotga ko'ra, bu pullar «ezilganlar va kambag'allar» ehtiyojlariga sarflanar, ko'rinish bermas zolimlar bilan jang qilish hamda Xudoning oldida yo'l qo'yilgan gunohlarni «sotib olish» uchun xarjlanar ekan. «Gunohlarni sotib olish»ni deyarli barcha a'zolar xohlashardi. Ravshaning o'limiga ham aynan mana shu a'zolik badallari sabab bo'ldi...

Mana, Parvinaning sekta a'zolicigiga kirganiga ham hademay uch yil to'ladi. Parvina Ravshan bilan ko'chada tanishib qolgan edi. Ravshan uni boshqa a'zolar kabi osongina tuzoqqa tushirdi.

– Assalomu alaykum, singlim, yukingiz og'ir ekan, keling, yordamlashib yuboraman.

– Rahmat, shart emas, uyim yaqin...

– Keling, keling, tortimang, ha, ancha og'irgina ekan, qoyilman sizga, buncha og'ir yukni ko'tarib kelayotganingizni-chi.

Bu gap Parvinaga yoqganligi shundogina uning yuz-ko'zidan sezilib turardi.

– Yo'g'-ye, unchalik, og'ir emas... o'rganib qolganman.

– Bilasizmi, to'g'risini aytсам, sizga o'xshagan qizlarga havasim keladi, yosh bo'lsangiz ham bozor, ro'zg'or, uy-joy deysizlar.

– Men turmush qurganman.

– Uzi, hecham o'xshamay-siz-da. Bir gap aytсам aybga buyurmaysizmi?

– Aying-chi?

– Sizning yuzingizda qandaydir nur bor.

– Yo'g'-ye, oshirvordingiz...

– Behazil. Lekin hozir negadir kayfiyatingiz tushkun. Yuzingizdan sezilib turibdi. Qandaydir tashvishdasiz.

To'g'rimi?

– To'g'ri, boshingizga kulfat tushgan...

– Xavotir olmang, Tangri sizga juda mehribon, sabr qilsangiz, yaqinda juda katta o'zgarishlar bo'ladi, xurand bo'lasiz.

– Siz qayerdan bilasiz yo meni birovdan so'rab-surish-trib oldingizmi, kuzatib yurgandirsiz balki?

– Nega unaga deysiz, rang ko'r, hol so'r, deganlar-ku.

– Folbinga o'xshab gapiryapsiz...

– Bilasiz, folbinlik gunoh. Lekin sizga Yaratganning nazari tushgan, aynan sizga...

– Mana, uyga ham kelib qoldik, katta rahmat sizga, yordamingiz uchun.

– Arzimaydi, singlim, mana bu kitobdagi Tangrining so'zlarini bir o'qib ko'ring, qolganini o'zingiz tushunib olasiz, xo'pmi?

– O'qib ko'raman, qiziqtirib qo'ydingiz.

– Yaxshilab o'qing, sizga belgi beradi. Sizga Uning nazari tushgan.

– Rahmat, ammo meni ko'p maqtab yubordingiz.

– Maqtash emas, bor gap shu. Bu telefon raqamim, o'qib qo'ng'iroq qilsangiz, sizga yordamim tekkanidan xursand bo'laman. Insonning tug'ilish va yashashdan maqsadi aslida shu. Albatta, men va sizning suyan-

digan tog'imiz bor, men Xudoga ishonaman, siz-chi? Ismingizni ham so'ramabman.

– Ismim Parvina, albatta, men ham Xudoga ishonaman.

– Meniki Ravshan, tanishganimdan xursandman, singlim. Shu kichkina kitobdagi hikmatlar Xudoning so'zlari, boshqa narsa emas...

– Rahmat sizga, xo'p, o'qib chiqib qo'ng'iroq qilarmen, lekin ancha ko'nglimni ko'tardingiz, sog' bo'ling.

– Qo'ng'irog'ingizni albatta kutaman. Darvoqe, Parvinoxon, agar xafa bo'lmasangiz, bu kitobni hech kimga bermang, kitob sizga o'xshagan yuzida farishtasi bor insonlar uchun atalgan, men har kimga ham ishonavermayman, aybga buyurmaysiz-da...

– Xavotir olmang, hech kimga bermayman, avval o'zim o'qib chiqay-chi...

– Unda yaxshi qoling, qo'ng'irog'ingizni kutaman, xayr.

Parvina asli bolalar uyida katta bo'lgan. Bundan uch yil oldin o'n to'qqiz yoshida Rustam degan yigit bilan turmush qurgandi. Rustam, mana ikki yildirki, qamogda o'tiribdi. Eri ham bolalar uyida o'sgan bo'lsa-da, uning Chirchiq va Toshkent shahridagi buyum bozorlarida mo'jazgina ikkita do'koni bor edi. Qamogqa tushib qolishiga esa, Toshkent shahridan Chirchiqdagi do'koniga mol olib kelayotganida yo'lga odam urib yuborgani sabab bo'ldi. Bir emas, uch kishini halokatga uchradi, ikki nafari olamdan o'tdi, uchinchisi esa nogiron bo'lib qoldi. Rustam qamogda...

Parvina Ravshan bergan kichik kitobni o'qib bo'lgandan keyin unga qo'ng'iroq qildi. Natija shu bo'ldiki, ko'p o'tmay Parvina ham sektorning faol a'zolaridan biriga aylandi. Bir-ikki oy o'tgach, Ravshan bilan uning ishqiy munosabatlari ham boshlandi. Rustamning ne-ne ma-

shaqatlar evaziga olgan Toshkent va Chirchiq shahridagi do'konlari sotilib, sektorning a'zolik badallariga sarflandi.

Bu paytga kelib, amnistiya akti asosida jazo muddatidan oldin ozodlikka chiqqan Rustam xotiniining do'konlarni sotib yuborganini eshitib, savob uchun bechoralarga yordam berdim degan gapiga ishongan bo'lsa-da, uning xatti-harakatlari o'zgarib, qanaqadir jamoaga qo'shilgani, eng yomoni, oyoq olishi o'zgariganidan shubhalanib qoldi. Bu orada qo'ni-qo'shnilar ham u qamogdiligida uyiga bir yigit kelib yurishini shupshitib qo'yishdi. Rustam xotiniining iziga tushdi, uni o'ynashi bilan qo'lga tushirish rejasini tuzdi. O'zi tuzgan rejaga ko'ra u ertaga zonada birga o'tirgan yaqin o'rtog'ining farzand to'yiga Samarqandga ketishi, bormasa bo'lmasligini aytdi.

– Samarqandda o'rtog'ingiz borligini aytmagandingiz-ku, – deb qoldi xotini.

– Aytmagan bo'lsam, mana, endi aytdim.

Rustam ertasi kuni go'yo Samarqandga otlandi-yu, safar sumkasi va pasportini oldi.

Rustam ataylab pasportining orasiga xotini ishonishi uchun poyezd chiptasini solib qo'ygandi. Shundan keyin u sinfdoshi Marat bilan shahar aylanib yurdi, qorong'i tushgach, uyi atrofiga kelib poyloqchilik qila boshladi. Rustamning shubhasi to'g'ri chiqdi. Keehki soat yigirma birlardan o'tganda Parvina keldi, besh-o'n daqiqda o'tib esa Ravshan ham uyga kirib ketdi. Ayni daqiqadagi Rustamning ahvolini ne so'z bilan ifodalash mumkin? U bir lahzada adoyi tamom bo'ldi. Butun dunyo ko'ziga qorong'i ko'rindi... «Xiyonat qilib yurgan ekan-san-da, manjalag'i, sen esa nomard, soxta xudojo'y, ko'ppak, qamogda o'tirgan erkakning xotini yo'ldan urdingmi?! Ikkovingni ham so'yanman endi...» Rustamning ko'z o'ngida Parvining kelin libosidagi tasviri gavdalandi, Parvina unga nozlandi, nozlangan tasvir

esa Rustamning nafratini battar oshirdi. «Ilkovingni ham so'yaman! Fohisha! Xotinboz!»

Oradan bir oz vaqt o'tgach, Rustam o'z uyining eshigini taqillatdi. Oyoq ovozi eshitildi.

– Kim u?

– Ochi!

Parvina Rustamning ovozini eshitib dovdirab qoldi. Oyoq-qo'li qaltirab, rangi o'chdi, ovozi titradi.

– Rustam aka, sizmisiz? Samarqandga ketmagandidingiz?

– Yo'q, ketmadim, ha, tinchlikmi? Nega qo'rqib ketding?

– Tinchlik, Rustam akajon, tinchlik... Sizga avvalroq aytgandim-ku, Ravshan aka haqida, jamoatimizning rahbari, meni ibodatga o'rgatgan, shu kishi kelgan. Jon Rustam aka, noto'g'ri xayollarga bormang, hozirgina keldi...

– Hozirgina keldimi? Seni «to'g'ri» yo'lga boshlaganmi u? Yo zinogami, xiyonatgami, fohishalikkami? O'sha Ravshanmi?

– Yo'q-yo'q, Rustam aka, bekorga shubhalanyapsiz, men sizga xiyonat qilganim yo'q...

– Qani u maraz?

– Oshxonada.

– O'ynashingni oldin yeb-ichirasan-da, a? Hayotimni barbod qilding, do'konlarimni sotib, ayshlaringni suribsan, indamadim, savob uchun bechoralarga berdim deding, ishonchim, qani bechoralaring? Qani dindor xudo'ylaring, Tangri, Tangri derding, yana ishonchim, ishonchimni harom qilding, ustimdan kulib kelding, qanjig, fohisha!

Shunday degancha Rustam bugun ertalab o'zi bilan sumkasiga solib chiqqan pichogni yalang'ochladi, oshxona tomonga yugurdi.

Ravshan salomga og'iz juftlagancha qotib qoldi.

– Ha, sening aybing yo'q, poksan, ayb menda, chunki men sendan so'ramay qamaliy ketganman-a, shundaymi? Mana, iflos, xotinboz! Mana, mana, mana...

Rustam Ravshaning tanasiga o'ylab o'tirmay o'n yetti marta pichoq sanchdi.

– Jazoiringni oldingmi, haromi? – dedi hansiragancha.

Bir zum o'zini yo'qotib qo'yg'an Parvina eri unga qarab kelayotganini ko'rib, jon holatda ko'cha eshikka qarab qochdi. Rustam uni quvlab, darvoza tagida yetib oldi-da, sochidan bor kuchi bilan o'ziga silab tortdi. Parvina orgasi bilan Rustamga urildi. Rustam uni chap qo'li bilan bo'g'ib, o'ng qo'lidagi pichogni bo'g'ziga tiradi.

– Jon Rustam aka, tavba qildim, meni kechiring, jon Rustam akaaaa...

– Meni ko'rgani borganingda ham aytgandim-a senga, ogohlantirgandim, ko'zingni lo'q qilib meni aldash ketgan ekan-san-da, a, nima degandim senga, a, o'zingga qarab yur deganmidim? Kechiraymi endi, xiyonatingni kechiraymi, a, fohishaligingni kechiraymi?!

U Parvining bo'g'ziga pichoq tortvordi... Qon tizilab o'tildi, darvoza qonga bo'yaldi. Parvina xirillay boshladi, bir oz o'tib qon sekinlab kamaydi, sizib oga boshladi. Shundan keyingina Rustam o'ziga keldi. U nimalar qilib qo'yg'anini endi ang'lay boshlagan edi... Boshini ikki qo'li bilan mahkam qisgan ko'yi jasadning yonida o'tirib qoldi. «Nimalar qilib qo'yding, Parvin, men nimalar qilib qo'ydim...»

Oshxonada esa Ravshan hali ham joni uzilmay xirillab yotardi. Rustam xotinini so'yg'an va Ravshanga o'n yetti bor sanchilgan pichogni olib, to'g'ri ichki ishlar bo'limiga bordi.

Hayron qarab turgan navbatchi serjantga:

– Men xotinim va o'ynashini o'ldirdim... Iqrorlik arizasi beraman. Qani tergovchi, qani surishtiruvchi, chaqir, chaqir tez... – deb baqirdi.

Oradan to'rt oy o'tdi.

Qirg'iziston. O'sh shahri. Maxsus xizmat. Tergov jayoni.

— Salom, Tojibekjon, ahvollaring yaxshimi? Yevropada tug'ilgansan, keyin Koreyada katta bo'lgan ekan-san-a?

— Assalomu alaykum, yo'q, men Qirg'izda tug'ilganman, O'shda katta bo'lganman, Koreyada emas, Koreyada islaganman.

— Bilami-i-iz, Tojibekja-an, bilami-i-iz... Koreyada islagansan, O'shni harom qilgansan. Sen o'zing kim-san, musulmonmisan, xristianmisan, buddistmisan?

— O'zinning xohishim kim bo'lish.

— O'zingning xohishing haliyam, kim e'tiroz bildirdi, men o'zingni xohishingmas dedimmi? Lekin sen birorta rasmiy din vakili emassan. Norasmiy-nogonuniy missionersan-da, ukam, bu ham o'zingning xohishingmi, a labbay?

— Ha, o'zinning e'tiqodimni targ'ib etaman, xohishim buyam.

— Xo'sh, e'tiqodindagi diningni ayt, qaysi din?

— Xristian.

— Bekorlarning beshtasini aytibsan, xristian dini-nga yurtimizda faoliyat yuritishiga qonuniy ruxsat bor. Ammo sening e'tiqoding, sening sektang u dinda ham yo'q, senlar buzg'unchi missionersanlar, endi tushundingmi bu yerga nega kelganingni?

— Mening aybim yo'q.

— Senda ayb nima qiladi, sen oppogasan, Tojibekjon, oppogasan, hamma ayb bizlarda, biz musulmon va xristianlarda. Chunki sen bilgan narsalarni bilmaymiz. Shuning uchun biz aybdormiz. Bizga ham o'rgat, Tojibekjon, yangi e'tiqodiningni. Gipnozningni ham o'rgatasanmi, Tojibekjon?

— Ustimdan kulmang.

— Kulganim yo'q, Tojibekjon. Nima deb aldaysizlar odamlarni? Gunohingni sotib olamiz deysizlarmi? Yotangri seni tanlagan deysizlarmi? Kitob, qo'llanmalarining Germaniyada chop etilgan ekan, pullaring ko'p ekan-da-a? Nega a'zolaringga boshqa kitoblarni o'qima, televizor ko'rma, bizdan boshqalar bilan ko'rishma deysizlar? Boshqa narsalar bilan chalg'ib qolsalaring Tangri mo'jizasini ko'rsatmaydi derkansizlarmi? Yana bir savol: sen ko'p narsani bilarsan ekan-san-ku, ayt-chi, nega sektalaringdagi a'zolarining ko'pchiligi nafaqaxo'rlar, eri yo'q bevalar, qizlar? Tojibekjon, shu savolimni boshqacha qilib bersam... Vijdoning qiyalmaydimi shularni aldashga, iflos? Hazil tamom. Ichki ishlarga yozib bergan ko'rsatmalaring bilan tanishdim. Menga u ko'rsatmalaring o'tmaydi! Xoin! Koreyada ishlagan davringdan boshlaysan, Moskva, O'zbekiston, Qozog'istondagi hamma ishlaringni yozib berasan. Toshkentdan sen haqingda ma'lumotlarni olganmiz, aldashga urina ko'rma! Tushunding-a?

— Tushummadim.

— Nima deding?

— Qirg'izcha aytayapman... Tushummadim. Bilganimni yozib berganman ichki ishlarga, men bu yo'ldan qaytmayman. Xohlasalaring o'ldirib yuborlaring!

— O'ldirib yuboraylik? Qo'rqmas Tojibekmisan? Seni hech kim o'ldirmaydi, qo'rqma. Osongina o'lib ketishing-nga ham yo'l qo'ymaymiz. O'lish senga oson jazo. Qancha pensionerning uyini kuydirding? Qanchasi gipnozingga laqqa tushgan? Buning uchun o'zing javob berasan, boshqa birov emas! Necha kishini sektangga tortgan-san, kimlar qancha homiylik qilgan? Bular jinoyatmi? Bilaturib o'z yurtdoshlaringni bunga da'vat qilib alding, gipnoz qilding? Hammasini aytasan, sayraysan, keyin yozib berasan. Ungacha bu yerdan chiqmayasan.

Hammasini yozganingdan keyin sudga borasan, so'ng zonaga ketasan. Undan keyin o'lasanni, qolasanni — menga farqi yo'q. Senga o'xshaganlarning hech kinga keragi yo'q. Tushundingmi? Qani, bir boshidan yoz! Bit-ta yo'ling yozib qutulish, ikkinchi yo'l — o'lib qutulish. U yo'l zonada bo'lishi mumkin, bu yerda emas. Tak cho davay, boshla! Hali sen bilan yuzlashtirishim kerak bo'lgan to'rt yuz odam bor. Shering Ravshan o'lib qutuldi. Senga men aytgan bitta yo'l qoldi, xolos...

Qashqadaryo viloyati, Chiroqchi tumani.

Ahmad Janubiy Koreyadagi faoliyatidan keyin Abdullohning yuborgan ko'rsatmasiga muvofiq Qashqadaryoda faoliyat olib borayotgan guruhning Chiroqchi tumanidagi vakili edi. U guruh tomonidan vaqti-vaqti bilan yetkazilib turgan ko'rsatmalarini bajarishi, qo'llanma va norasmiy diniy materiallarini tarqatishi, o'sha hududlarda tarafdorlar ko'paytirish vazifalarini bajarishi kerak edi. U ham boshqa sheriklariga o'xshab ehtiyotkorlik va vazminlik bilan ishga kirishdi. Bu orada Ahmad oilali va ikki farzandi bo'ldi. Guruhning maqsad va g'oyalari ta'sirida ancha-muncha tarafdorlarni jalb qilib, ular o'rtasida hurmat ham qozondi. U o'z otasini ham bu yo'lga boshlashga, mana, necha yillardan beri urinadi. Lekin otasi o'ziga yarasha ilimga egaligi bois o'g'liga bu yo'ling noto'g'ri, bola, sinalmagan otning sirtidan o'tma, sinalmagan do'stni do'st qilma deb bo'yin egmasdi. O'g'li bo'lsa da'vat qilishdan charchamasdi:

— Ota, ko'zingizni oching, yoshingiz oltmishga yetyap-ti. Hali-hanuz e'tiqodingiz zaif. Hatto besh vaqt namozni ham qoyillatib o'qimaysiz. Bizning jamoatga qo'shiling, haq yo'lga yuring, ota, keyin kech bo'ladi. Ertaga so'roq-javob kuni nima deb javob berasiz?

— Ey o'g'lim, sen chalamullalaringdan o'rganib to'rtta soqol qo'yib, e'tiqodi zo'r bo'lib qoldingmi? Qanday jamoat ekan sening jamoating, bir bilaylik-chi, otasiga gap qaytaradigan, ayt-chi, qaysi din u?

— Ota, kerak bo'lsa, haq yo'lida sizdan ham voz kechish buyurilgan. O'ylab ko'ring, ko'cha-ko'ya sizdan uyalaman, e'tiqod va hidoyat yo'lga kiring tezroq, boshqalarning oldida nima degan odam bo'ldim... Ana, so'rang, ota-onasidan voz kechganlar ham bor bizda...

— Senga ming marta aytganman, bu gapni gapirma deb, hatto ko'firlar ham o'z ota-onasidan voz kechmaydilar.

— Siz Allohning oldida gunohkorsiz, shuni bilasizmi? — Nega gunohkor bo'lay? O'ttiz yildan oshdi, maktabda dars beraman. Seni shuning orgasidan halol o'stirdim. Yaxshi tarbiya berdim. Mana, o'zing ham Koreyada ishlab kelding, Xudoga shukr. Hozir ham topish-tutishing yaxshi. Nima kamimiz bor? Mening yuragimda e'tiqod, imonim but, bundan hech xavotir olma sen. Qaytanga men sendan xavotir olyapman, bolam, yana bir buzg'unchi guruhga qo'shilib aldanib qolgan bo'lma. Jamoat deysan, masjidga borganing yaxshi, lekin allamahalgacha qayerlarda yurasan? Pulni qayerdan olyapsan? Masjid imomi ham oxirgi paytda sendan ko'p shikoyat qiladigan bo'ldi. Unga tanbeh berarmishsan. U bilsang, eshonlardan, xuddi bizlarga o'xshab. Ehtiyot bo'l, bola. Uni davlat ishonib shu masjidga imom deb tayinlabdimi, biladi davlat uni. Sen qiroatni bilolib, hammadan zo'rman deysanmi? To'g'ri, ilming bordir, ammo bu bilan odam kerilib, imomga aql o'rgatishi kerakmi? Agar aqlingni yig'ib olmas ekanasan, sen mendan emas, men sendan kechishim mumkin... Bu juda og'ir gap bo'ladi lekin...

— Ey otasi, unday demang-ey, Xudo saqlasin, — deb gapga qo'shildi ayvonda bularning mumozarasini kuza-

tib turgan kampiri Xayri opa. — Sen ham bir gapdan qol-da, bolam, otangning jahlini chiqarmay. Axir biz shun-day tarbiya beribmidik? Bir kun o'zingni ham, bizni ham jarga tortasan, bolam, bu ketishingda. Otangning gapiga kir, bilmasa bir narsa demaydi senga. Qachon-gacha bizni qiynavasan, sen o'qigan kitoblarni boshqalar o'qimabdimi? Faqat sen bilganing to'g'ri, qolganlar xu-dobexabarmi? To'yib ketdim shu gaplaringdan ham... Na otani bilasan, na onani...

— Ena, otamga qo'shilib siz ham noto'g'ri gapiraver-sangiz, bir kun shu uydan bosh olib chiqib ketaman.

— Ey, nafasingni yel uchirsin-ey. Unday dema-ya. Seni shuning uchun tugganmidim...

— O'g'lim, men sening otangman. Qaysi ota o'g'liga yomonlikni ravo ko'radi? O'zimdan o'tganini o'zim bi-laman, hatto onangga ham aytmayman. Sendan xavo-tirdaman, bolam. Erta bir kun o'zingni ham sharm-an-da qilasan, bizni ham adoyi tamom qilasan, bolam... Kechalari uxlay olmayman, har xil xayollarga bora-man. Gap-so'zingdan yaxshilikning daragi kelmayap-ti, o'g'lim. Namozing bo'lsa o'qi, gancha e'tiqod qilsang qil, lekin jamoat deganing nimasi, masjiddan boshqa qanaga jamoatning bor-a sening? Nimaga boriga shukr, yo'g'iga sabr qilib yashamaysan, nuqul noliganing noli-gan. Imom Termiziy rivoyaticha «Qaysi biringiz tongda uyqudan uyg'onganda oilasi tinch, tani sog' va uyida bir kunlik yeguligi bo'lsa, bilisinki, unda dunyodagi barcha ne'matlar mujassam ekan». Sen nimaga yana jamoat deysan? Haq yo'l deysan. Sen bilgan narsangni biz ham bilarmiz, mana, kichkina amaking uchastkovoy, u ham aytapti, Ahmadning qadam olishi yoqmayapti, aka, aytib qo'ying, deydi. Bekorga unday demasa kerak u ham. Jigarim-ku, ichi achiganidan yo biror narsani bil-ganidan aytayotgandir axir. Sen hali yoshsan, bolam, har kuni televizorda aytayapti, ogoh bo'l, deb. Yurtimiz-

dagi tinchlikka yomon ko'z bilan qarayotganlar, fitna qilayotganlar ham bor. Shularning qarmog'iga tushib qolmasayding bir kuni sen bola...

Ahmad ota-onasining nasihatlariga quloq solmadi. Eng asosiysi, masjid imomiga aql o'rgatib, havoyni gap-larni gapirib yurib, atrofida tarafdorlar yig'ilgandan keyin kibriga berildi. Yashirin faoliyat qoidalariga amal qilmay qo'ydi. Shu sabab ham kelishuvga ko'ra, Rossiya orgali Turkiyaga yo'l olishi kerak bo'lgan Ahmad Tosh-kent shahar xalqaro aeroportida anchadan buyon ku-zatib yurgan maxsus xizmat vakillari tomonidan qo'lga olindi.

Samargand viloyati, Kattaqo'rg'on tumani.

Ilyos ham Koreyadagi mehnat muhojirligidan keyin xuddi Ahmad kabi reja asosida Samargand viloyati Kat-taqo'rg'on tumanida guruh faoliyatini qo'llab-quvvatla-yotgandi.

Ilyos yoshligida otasi olandan o'tgan edi. Uni ota o'rnida amakisi Ikrom aka katta qilgan. Ilyos Koreya-da ishlab yurgan dastlabki paytlarda onasi va yolg'iz singlisiga yordam berib turdi. Ikrom amakisiga ham pul jo'natib turdi. Ikrom aka yaxshi hunarmand, topish-tu-tishi o'ziga yarasha barakali edi. Shuning uchun ham unda Ilyosning pul jo'natishiga ehtiyoji bo'lmasa-da, ji-yanim tarbiyali va juda farosatli bo'lib ulg'ayibdi deb, ukasini xotirlab ko'ziga yosh olib eslardi va bu haqda kelimga gapirib, uni ham alqab qo'yardi. Ikrom aka e'tiqodli, besh vaqt namozni kanda qilmaydigan, islom dinidan o'ziga yarasha xabardor, din-u diyonatli, ilmiy kishilardan biri edi...

Ilyos ham Ahmadga o'xshab Koreyadan kelgandan keyin radikal diniy oqim ta'siriga tushib qolgandi. Bu qarash avvaliga amakisiga sezildi. Keyin onasiga ham. Ikrom aka bilan ko'p bahs va munozara qilar, oxirgi

paytlarda esa «hijrat» qilib chiqib ketaman, bu farz, u dunyoda nima deb javob beraman, u yoqlarda (Afyoniston, Pokiston, Yaqin Sharq) musulmonlarning qonini to'kishyapti, degan gaplarga yopishib olgandi.

– Ey bolam, seni nima jin urdi? Gapirsa faqat o'zing-nikini ma'qullaysan. Axir bunaqa bola emasding-ku, Ilyos! Bu fikrlaring noto'g'ri.

– Sizniki to'g'rimi unda? Ko'rmayapsizmi televizorni, ko'rsatishyapti-ku?

– Ko'ryapman, bolam, ko'ryapman. Ular terrorchilar, ular buzg'unchilar, bizning dinimizdan uzog odamlar, vahshiyalar. Qur'oni karimda o'zingizni o'lDIRMANG'LAR (Niso surasi, 29-oyat). Fitna qotillikdan yomondir (Baqara surasi, 191-oyat). Ey imon keltirganlar! Hammangiz tinchlik ishiga kirishingiz! (*Bagara surasi, 208-oyat*) *deyilgan. Bunga nima deysan? Agar bilsang, odamlar o'rtasida ig'vo targatish, fitna chiqarish, adovat qo'zg'ash, jangga yetaklab bir-birini o'lDIRISH* dinimizda harom qilingan, bu juda katta gunoh. Borib ayt o'sha senga o'rgatayotganlarga, nima deyishar ekan. Yoki ularning kimligini ayt menga, men kerakli joylarga murojaat qilay. Sening ongini zaharlamasin, sen ham birovlarining hayotini zaharlama. Bola-chaqali bo'lding axir, bolam. Undan ko'ra kel, menga yordam qil.

– Ey amaki, baribir meni tushunmaysiz-da, tor o'ylaysiz.

– Bilganingni qil bo'lmasa-yey.

Ahmad qo'lga tushgandan keyin oradan bir qancha vaqt o'tib, «Turkiston islom harakati» jamoati safiga qo'shilish maqsadida Qozog'iston, Rossiya va Turkiya orgali rahnamolari ko'magida Pokistonga o'tib ketishni rejalashtirgan Ilyosni ham qo'lga olish operatsiyasi o'tkazildi. Ilyosni shaxsan hibsga olish operatsiyasi muvaffaqiyatli amalga oshirilmagan bo'lsa-da, operatsiyani amalga oshirish uchun maxsus xizmatlarning Ilyosni

bir yildan ko'proq vaqt mobaynida kuzatishgani ortidan Samarqand va Qashqadaryoda yashirin faoliyat yuritayotgan ellikka yaqin jamoatning a'zolari qo'lga olindi. Ilyosni hibsga olishda, u qurolli qarshilik ko'rsatdi, yuz bergan otishmada chegarachi jarohat oldi. Ilyos esa halok bo'ldi. Uning ikki farzandi otasiz qoldi.

Ahmad Qashqadaryodagi «Shayxali» jazoni ijro etish muassasasida jazo o'tash davrida ham jinoyatini davom ettirib, jamoatning maqsad va g'oyalari targ'ib qilganligi ortidan, qo'shimcha jazo tayinlanib, Qoraqalpog'istondagi jazoni ijro etish muassasasiga jo'natildi. U ikki yil oldin a'v etildi. Lekin hali-hanuz xurmacha qiliqlari tufayli huquqni muhofaza qiluvchi organlarning nazari-dan qolmagan.

* * *

Surxondaryo viloyati. Termiz shahri.

Mahalliy aholi tilida «Daydixon» nomi bilan mashhur ichki ishlar xizmatiga qarashli shaxsni aniqlash-tiruvchi maskan. Termiz shahar aeroportida «Sheremetevo» xalqaro aeroportidan uchgan samolyotda yo'lovchi sifatida kelib tushgan ota-bola Qo'ziyevlar ushlandi.

Surishtiruv jarayoni.

– Rossiyaga nima maqsadda borgan siz?

– Ishlash uchun.

– Yolg'on gapirma.

– Yolg'on gapirganim yo'q.

– Rahnamolaring shunday deb o'rgatdimi? Gapir!

– Tushunmadim, kim u rahnamo? Menga hech kim hech narsa o'rgatgani yo'q, komandir, O'zbekiston fuqarosi bo'lsam, meni nega bu yerga olib kelib dushman-day so'roq qilyapsizlar?..

– Tushunmadimmi... yaxshilikcha gapirmasang, shunday tushuntiramanki, juda tez tushunib qolasan,

xoin. O'zbekiston fuqarosi emish, kompyuteringdan nima chiqqanligini bilasanmi, a, galvars?

– Nima chiqibdi, tushunmadim. Komandir, qo'rqitmay tushuntiring-da bunday.

– Bilmaysanmi nima chiqqanini? O'zingni bilmagan-
ga solyapsanmi? Buniyam birodarlaring o'rgatganmi?
Mabodo qo'lga tushib qolsang, shunday deysan deb. O'z-
bekistondagi «lox operlar»ni aldaysan dedimi?

– Yo'q-yo'q, komandir, o'lay agar yolg'on gapirayot-
gan bo'lsam.

– Qasam ichma-ye... Shoshmay tur, hozir o'g'ling-
ni ham so'roq qivolay, agar bor gapni aytmasang,
tug'ilganingga shunday pushaymon bo'lsanki, tokka
qo'yganimdan keyin bulbulday sayrasan. Hozircha
shansing bor, ey maraz, yaxshilikcha ayt, seni kim yu-
bordi? Kompyuteringdagi videoni qayerda, kimlarga
targatmoqchi eding?

– Komandir, jon aka, men kompyuterni tushunmay-
man. O'g'lim kenjamizga arzon ekan ishlatilgan bo'lsa
ham deb 50 dollarga oldi. Nima bor ekan ichida: por-
nografyani yo anavindaga uyatsiz kinomi, a aka, nima
bor... kelishaylik... Kerak bo'lsa shu kompyuterni ta-
shab ketaman, kompyutersiz qolsin-ey shular.

– Ey, garang, birinchidan, men sening akang emas-
man, ikkinchidan, garangsirab meni lox qilmoqchimi-
san? Yoshingni hurmat qilib indamayotgan edim. Ho-
zir ko'rasan ko'radiganingni. Serjant! Obor mana bu
geroyni, tokka qo'y, aqli joyiga kelsin. Ey, senga o'x-
shaganning yuztasini ko'rdim, xoin... Yosh bola deb
o'ylayapsanmi meni a, laqillatish qanaga bo'lishini
ko'rsataman senga!

– Komandir, gunohim bo'lsa kechiring, bola-chagam
bor, rostini aytdim sizga. Ellik dollarga sotib oldik kom-
pyuterni.

– Kimdan sotib olding? Ismi bormi? Rossiyadan topib
olib kelsam, ikkalangning gaping boshqacha chiqib qol-
maydimi?

– Bemalol, yoshim ellikdan oshib yolg'on gapiraman-
mi? Bir tojik boladan oldi o'g'lim. O'zimiz bilan qurilish-
da birga ishlagan.

– Olib bor buni. Aqli kirsin, keyin gaplashamiz. O'g'li-
ni olib kiringlar...

– Assalomu alaykum.

– Kim isming?

– Dilshod.

– Otangning ismi-chi?

– Izzat.

– Sendan oldin kirgan otangmi? Aniqmi?

– Ha, ha, otam.

– Menga qara, tushungan bolaga o'xshaysan. Yolg'on
gapirgani uchun otangni hozir tokka qo'yadi. Hazilla-
shayotganim yo'q. Shuning uchun mening savollaringga
to'g'ri javob bersang, otangni ham qutqarasan, o'zingni
ham, tushunarlimi?

– Komandir, yordam qiling.

– Yordam qilishim senga bog'liq.

– Tushundim.

– Ey uka, baribir ota-bola ikkalang ham gamalasan.
Agar to'g'risini aytsang, jazoningni yengillashtirishga
yordam qilaman. Tushundingmi?

– Nahotki hech narsa qilmagan bo'lsak ham gamalib
ketaversak, aka?

– Hech narsa qilmagansan, sen davlatga, konstitut-
siyaviy tuzumga qarshi video targatmoqchi bo'lgansan.
Tohir Yo'ldoshning videoma'ruzalarini nega olib yurit-
san-a, ayt-chi?

– Kim u Tohir Yo'ldosh?

– U senlarning rahnamoing, shundaymasmi? Kom-
pyuteringdagi kim, qachon, nima maqsadda berti,

qachon aloqaga chiqasan? Rahnamolaring kim – hammasini birma-bir aytib bersang, yengillik bor, bo'lmasa, ketasan o'n besh yilga, ma, jinoyat kodeksining 242-moddasini o'qib ko'r, savodning bormi o'zi? Qayerda o'qigansan?

– Kolleida.

– Ey kollejda o'qimay o'l, garang. Ayt bor gapni, vaqtim yo'q sen bilan o'yin o'ynashga. Bo'l, seni ham hozir tokka qo'yaman bo'lmasa...

– Jon aka, noutbukni ellik dollarga oldik. Ishlatilgan ekan. Ichida nima borligini qayerdan bilibmiz. Ishlatib ham ko'rganimiz yo'q-ku hali.

– Kim sotib oldi, otangmi, senmi?

– Men sotib oldim.

– Otang men oldim dedi-ku?

– Yo'q, men oldim, otam faqat ukangga bir kompyuter olib berishimiz kerak-da, degandi.

– Qayerdan olding?

– O'zimiz bilan ishlab yuradigan bir boladan.

– Ismini ayt, qayerlik bola?

– Ismi Ibod, tojikistonlik.

– Qayerda birga ishlagsizlar?

– Teplicada.

– Necha kishi ishlardilaring?

– Sakkiz kishi.

– Kattalaring kim edi?

– Kattamiz yo'q. Shu teplicaning egasi.

– Millati nima?

– Rus bo'lsa kerak.

– Rusmi yo bo'lsa kerakmi?

– Rus.

– O'sha Ibod deganing qaysi oqimga a'zo?

– Nima degani oqim degani, aka?

– Bilmaysanmi? Kallangga mana bunday musht tushsa bilasan!

– Bilsam bilaman deyman-ku.

– Serjant, obor buni ham. Tokka qo'ysin, biladi, bil-magan narsalari ko'p ekan...

Ota-bola tokka qo'yildi. Tergovgacha surishtiruv yakunlandi. Ularning ishi jinoyat ishi qo'zg'atish uchun tergovga topshirildi. Tergov jarayonida rossiyalik huquqni muhofaza qiluvchi organlar hamkorligida ota-bola ishlagan joyda Ibod degan tojikistonlik yigit haqiqatda ham ishlaganligi va hozirda uni topishning iloji bo'lmaganligi haqida javob olindi. Shuningdek, Rossiya huquqni muhofaza qiluvchi organlarda ota-bolaga nisbatan qoralovchi ma'lumotlar mavjud emasligi bildirildi. Va nihoyat, ota-bola bilibmi, bilmaymi qilgan gunohlari uchun sud hukmi bilan aybdor deb topilib, tegishli jazolarini olishdi...

Namangan viloyati. Namangan shahri.

Tergov izolyatori.

– O'rtog boshliq, tergovchining talabnomasida 159-mabhusni so'roqqa olib borish so'ralgan (O'zbekiston Respublikasi jinoyat kodeksining 159-moddasi bilan ayblanayotgan Karimova Halimani tergov izolyatoridan so'roqqa olib borish so'ralgan). Mumkinmi?

– Olib kiring.

– Assalomu alaykum.

– Hmm, gani, kallangiz joyiga tushdimi? Esladingizmi? Yo yana kameraga...

– Yo'q, yo'q. Bilganimni aytaman.

– Agar yolg'on gapirsangiz, bilasiz-a nima bo'lishini?

– Bilaman.

– Xo'sh, kim edi sizga varaqalarni tarqatishni aytgan?

– Toshkentdan kelgandi.

– Ismi nima?

- Go'zal.
- Qayerdan tanisiz? Kim tanishtirgan? Qachondan beri tanisiz?
- «O'tchopar» bozorida tanishganman, besh yilcha bo'ldi. O'sha paytda o'tchoparda savdo qilardi.
- Hozir qayerda?
- Hozir bilmayman. Ikki yilcha bo'ldi ko'rmaganimga.
- Ko'rsangiz tanisizmi?
- Ha.
- Yoshi nechada?
- Mendan yoshroq edi.
- Aniq ayting!
- Mendan ikki-uch yosh kichik bo'lsa, hozir o'ttiz ikki yoshlarda bo'lsa kerak.
- Ikki yildan beri ko'rmagan bo'lsangiz, targatib yurgan kitoblaringizni qayerdan oldingiz?
- Go'zal mening manzilimni bir kishiga bergan ekan, shu odam to'rt-besh so'm pul evaziga shu kitoblarni olib kelib bergandi.
- Qancha ekan to'rt-besh so'm pulingiz?
- Har kelganda 500-1000 dollar berib ketadi.
- Jami necha marta kelgan? Qancha pul olgansiz?
- 6-7 marta kelgan. 3-4 mingcha bo'lsa kerak.
- Pullarni nima qildingiz?
- Ro'zgorga ishlatdim.
- Yana boshqa sheriklaringiz ham bor ekan-ku, balki ularga ham bergandirsiz, to'g'risini ayting.
- Yo'q, men bir o'zim targatganman, hech kimga berganim yo'q.
- Kompyuterni qayerdan o'rgangansiz?
- Kursda o'qidim.
- Nima uchun?
- Internetda ham da'vat qilsangiz, qo'shimcha pul beramiz degani uchun.
- Kim aytdi buni?

- O'sha odam.
- 7-8 marta kelgan bo'lsa, kimligini so'ramaganmiz? Nimaga o'sha odam-o'sha odam deb bilmaganday, tanimaganday lag'mon osasiz, ismi nima, qayerda turadi?
- Unisini bilmayman, bilsam aytardim.
- Yolg'on gapiryapsan, yaxshigina bilasan, shuncha pulni senga, tanimaganday odamga tashlab ketadimi?
- Meni kuzatgan bo'lishi mumkin.
- Nimani rejalashtirgandi o'sha odam, sendan yana nima so'radi, ko'zingni piriqatmay gapir borini, xoin?
- Bir kelganida o'zini o'ldirishga rozi ayolni topib berishini so'radi.
- Qanday o'zini o'ldirishni?
- O'zini portlatadigan.
- Topdingmi?
- Yo'q.
- Nega topmading?
- Topa olmading.
- Qayerni portlatmoqchi ekan?
- Unisini aytmadi.
- Esla yaxshilab, o'zimizda portlash qilmoghimidi yoki chetdami?
- O'zimizda, menimcha. Qaysidir bozorda bo'lsa kerak.
- O'zi aytganmidi, qayerdan bilasan?
- Odam gavjum joy degandi.
- Odam topdingmi, to'g'risini aytl! Agar biror joy portlasa, nima bo'lishini bilasan-a?
- Yo'q, topa olmading, topmading. Shundan keyin u odam ham kelmay ketdi.
- U odamingni qo'lga olganimiz. Shuning uchun ko'rinmay ketgan senga, xoinlar. O'z vatanninga qarshi chiqasan... Ertaga seni Toshkentda yuzlashtiramiz o'sha odaming bilan. Agar gapingdan qaytsang, tani-

mayman desang yo portlatishni aytganini yashirsang, qara, itning kunini boshingga solaman. Tushundingmi?

– Tushundim, tushundim, hammasini aytaman. Faqat menga yordam bersangiz bo'ldi. Bola-chaqam bor...

– Bola-chaqani vaqtida o'ylash kerak edi. Besh-to'rt so'm pul uchun boshqalarning bola-chaqasini, ota-onasini o'ylamaysanlar. Senlarni o'ylash kerakmi, sotqin, xoin. Qo'lga tushmaganlaringda nimalar qilmasdilar sen terrorchilar... Odamnisan senlar, manqurtlar, mana bu kallami, oshqovog'imi, kinga qarshi chiqyapsan, bir o'ylab ko'rganmisan ayol boshing bilan? O'z vatanningga, o'z ota-onangga, o'z farzandlaringga qarshi jinoyat qilyapsanlar-ku! Ertaga cha yana qayta-qayta o'yla. Biror narsa yodingdan chiqqan bo'lsa, aytasan, tushunding-a'?

– Ha, tushundim.

– Olib chiqing kamera...

* * *

Toshkent shahri. Olmazor tumani.

Shokirning mobil telefoni jiringladi. Xotini Sabohat (Solih) qo'ng'iroq qilayotgan edi.

– Assalomu alaykum.

– Buncha hovliqmasang, Sabo, tinchlikmi?

– Shokir aka, pochchangiz bor-u, xolangizning xo'jayini – Malik akani ikki-uch kishi kelib olib ketibdi.

– Militsiyadanmikin?

– Formasi yo'q ekan, fuqarolik kiyimda deyishdi.

– Kim? Qayerga olib ketadi?

– Jinoyat qidiruv bo'limidamiz debdi, ichki ishlar bo'limiga olib ketishibdi.

– Kim aytdi, nega opketishibdi?

– Bilmadim, opangiz aytillar.

– Eh, ahmoq, tamom... Endi tamom. Sabo, aytganimdek, esingdami, senga tushuntirgandim...

– Ha, ha, esimda.

– Uyni sarakom-sarishta qilib qo'y, tushunding-a'?

– Xo'p, o'zingiz qachon kelasiz?

– Men endi uyga bormay turaman.

– Nega? Men nima qilay?

– Sen aytganimni qilib, hech narsa bo'lmaganday bo'lalarga qarab tur. Telefonimni ishlatmayman. Sen ham ishlatmay tur, kerak bo'lsa o'zim seni topaman. Pul turgan joyni bilasan-a'?

– Ha, bilaman.

– Ro'zgorga ishlat.

– Ko'pga ketasizmi, adasi?

– Yo'q, pochcham tinchisin, qaytaman.

– O'zingizni ehtiyot qiling.

– Sen ham ehtiyot bo'l, birov bir narsa so'rasa hech narsa bilmaysan. Senga o'rgatganlarimni esla, so'ralsa faqat shularni aytasan...

– Xo'p, mayli. Lekin qo'rqyapman, endi nima qilaman, dadasi?

– O'zingni bos, sen hech narsa bilmaysan, biz yomon ish qilmaganimiz, tamom-vassalom. Sabo... hammasi yaxshi bo'ladi.

– Xo'p...

O'sha kuni Shokirning pochchasi Toshkent shahar ichki ishlar bosh boshqarmasi tergovida bo'lgan shaxsning ko'rsatmasiga ko'ra, o'z uyidan ushlab ketildi. Shundan keyin Shokir va uning yaqin hamtovoqlarining ham paytavasisiga qurt tushdi.

– Shokir aka, eshidingizmi, pochchangizni Jalil so-tibdi.

– Eh, Jalil, Jalil... Senga tergovda nima deyishni aytgandim-ku, senlar ham og'zingga mahkam bo'llaring, bugun kechga tomon birin-kecin Yangiyo'lga chiqib ke-

tamiz, dachada ko'rishamiz. Sardor, sen golasan, ertaga pochchamga advokat yollab, vaziyatni bilib turasan, tushundingmi?

– Tushunarli.

– Pochcham o'lsa ham bizni sotmasa kerak, ko'p tayinlaganman, shunday bo'lsa ham ishonchli advokat topib yana tayinlat, o'rgangan gaplaridan boshqa hech narsa demasin?

– Xo'p, shunday qilaman.

– Sodiq, sen kechgacha boshqalarning nomiga bildirmasdan ikki-uchta sim karta olvol.

– Xo'p.

– Qolgan gaplarni o'sha yerda gaplashib olamiz, omad yor bo'lsin hammamizga, insho'lloh...

Shokir va u ishongan yana olti kishi Yangiyo'l'dagi dala-hovida uch-to'rt kun pisib yotdi. Va nihoyat, oltinchi kun saharlab Sardor ham shahardan yetib keldi. Shokir uni kutib olarkan, darhol yangiliklardan so'radi.

– Aytganingizdek, advokat topdim, pochchangizdan xabar olib chiqdi, ko'nglingiz to'q bo'lsin. Lekin pochchangizning advokatga aytishicha, masjidding imomi chaqimchi ekan. Kecha pochchangiz bilan yuzlash-tiribdi.

– Yo'g'-ye...

– Ha, advokat shu gapni topib chiqdi.

– Bizning uyda nima gaplar, kenoyingni ko'rmadingmi?

– Yo'q, ko'rmadim-u, lekin tinch bo'lsa kerak, advokatning aytishicha, pochchangiz bizlarning nomimizni aytmagan. O'zim vodiylilik tanishlarim bilan ishlaganman debdi.

– Ha, yaxshi, biroz xotirjam qilding odamni, Sardor, gani choy-poy ichvolgin.

– Aytganday, Shokir aka, barcha yaqinlarini ham tekshirarmish degan gaplarni eshitdim.

– Kim aytdi?

– O'sha yerdagilar.

– Buni bilaman.

Shundan so'ng Shokir «Turkiston islom harakati» jamoatining yangi rahamosiga qo'ng'iroq qildi. Yangi rahnamo asli toshkentlik bo'lib, o'n yildan beri Afg'oniston va Pokistondagi jangari guruhlariga rahbarlik qilardi.

Shokir rahnamoga Toshkentda pochchasi bilan bo'lgan vogueani va hozirgi vaziyatni aytib berdi. Shokirga u yangi topshiriqlar berdi... Berilgan ko'rsatmalar bexato bajarilmasa, qanday oqibatlar kelib chiqishini Shokir va uning atrofdagilari juda yaxshi bilishardi.

Topshiriqqa ko'ra masjidding imomi pichoqlandi. Uni o'ldirishga jamoat a'zolaridan emas, muqaddam o'g'rilik va bosqinchilik uchun bir necha bor «otirib chiqqan», hozirda «narkoman» degan nomni olgan Ikrom tanlandi. Ikromning keyinchalik tergovga ayon bo'lgan ko'rsatmasiga ko'ra u 3 000 dollar evaziga imomning ko'ksiga pichoq sanchgan. Har qancha urinmasin, tergov buyurtmachini topa olmadi. Chunki buyurtmachilar rahnamoning ko'rsatmasi va yordami bilan O'zbekistondan Tojikistonga va Tojikistondan Afg'onistonga o'tib, «Turkiston islom harakati» jangarilari safida faoliyatini boshlab yuborishga ulgurishgandi...

Sabohatga yetib kelgan xatda «Sabo, bolalarga yaxshilab gara, qolganini o'zing bilasan, ko'rishguncha. Sizlarni Allohga omonat topshirdim», deb yozilgandi, xolos.

Toshkent shahri. Tergov jarayoni. Yuzlashtirish.

Tergovchi avval guvohlarning berayotgan ko'rsatmalari to'g'ri ekanini tasdiqlashni so'radi. Guvohlar igror bo'lishdi.

– Fugaro Halima Karimova, fugaro Xalilov Malik Mavlonovich (Shokirning pochchasi – xolasining eri)ni tanisizmi?

– Ha, taniiyman. Lekin ism-sharifni bilmasdim. Ismini aytmagan.

– Siz-chi, fugaro Malik Xalilov, fugaro Halima Karimova Nosirovnani tanisizmi?

– Ha, taniiyman.

– Demak, so‘roq bayonnomasidagi ko‘rsatmalarigizga e‘tirozlar yo‘q. Shundaymi? Endi sizlarga bir-ikkitaniqlashtiruvchi savollar beraman, javob berasiz. Karimova, sizlarni Malik Xalilov bilan kim uchrashtirgan?

– Yozib berganman-ku, Go‘zal degan ayol.

– Yaxshi.

– Uchrashtirgan ayol Malik Xalilovning ayoli ekanligini bilarmidingiz?

– Yo‘q, sizning xotiningizni Go‘zal?

– Ha, xotinim.

– Sizdan ancha yosh ko‘rinardi-ku...

– Necha marta ko‘rishganingiz, oldi-berdilaringiz, portlatishga odam yollash haqidagi oxirgi uchrashuvlaringiz – bu ko‘rsatmalarga qo‘shimchalar bormi?

– Yo‘q.

– Yo‘q.

– Siz jim turing, Malikov. Karimova, Go‘zal bilan oxirgi marta qayerda ko‘rishgansiz va hozir qayerdaligini bilasizmi, ko‘rishgan bo‘lsangiz nima haqda gaplashdingiz? Borini yashirmay ayting.

– Bu haqda Namanganda tergovchiga borini aytganman. Ikki yilcha bo‘ldi ko‘rmaganimga. Shundan keyin bu kishi kelib ketardi.

– To‘g‘rimi gaplari?

– Ha, to‘g‘ri, keyin chetga chiqib ketgan o‘ynash topib.

– Bu haqda Karimovaga aytganmidingiz?

– Yo‘q. Nima qilaman aytib?

– Hozir qaysi mamlakatda yashashini bilasizmi, yolg‘on aralashtirmay to‘g‘risini ayting, baribir topamiz, bizdan qochib keta olmaydi, yolg‘on ko‘rsatmaning oqibatini tushuntirganman-a sizga?

– Ha. Men oldin ham aytganman, u qanjiguing qayerdaligini bilmayman. Qo‘limga tushsa, kallasi o‘lar-dim... Turkiyaga ketgan deishigandi yonidagi savdogarlar. Hozir qayerdaligini bilmayman, to‘g‘risi.

Malayziya. Kuala-Lumpur shahri.

Rahnamolarning yopiq eshiklar ortidagi uchinchi yashirin qurultoyi. Unda Pokiston va Afg‘onistonda faoliyat olib borayotgan «Tolibon», «Al-Qoida», «Vah-hobiylar» «Turkiston islom harakati», «Hizbut-tahrir»-ning vakillari, Yaqin Sharq mamlakatlari: Iroq, Livan va Suriyada ildiz otgan «Iroq islom davlati» nomi ostida Iroqda tuzilgan tashkilot vakillari (keyinroq bu tashkilot Iroq va Shom (Suriya) hududida xalifalik tuzilgani va uning rahbarining xalifa ekanini e‘lon qilgandan so‘ng tashkilot nomini «Iroq va Shom islom davlati» – «ISHID» deb atadi. ISHID o‘zining xalifasi deb da‘vo qilgan yer yuzida yagona xalifalik tuzish da‘vati bilan chiqdi hamda xalifalik nomini «Islom davlati» – «ID» deb e‘lon qildi).

Shuningdek, endigina jonlanayotgan «Jihat an-Nusra», «Mujohid birodarlar guruh» va yana Turkiya, Rossiya, Amerika va ayrim Yevropa davlatlarida faoliyat olib borayotgan 9 ta ekstremistik guruh va oqimlar a‘zolari bor edi.

Ular gatorida Markaziy Osiyoda yashirin faoliyat yuritib, maqsadlari sari harakatlanayotgan hamda qurultoyda «Hizbut-tahrir» vakilining ma‘ruzasida yangragan ikki yuz mingdan ortiq tarafdorlari bo‘lgan turli oqim,

guruh va jamoatlar vakillari ishtirok etayotgan edilar. Xususan, O'zbekistondan «Jihodchilar», «Jihodiy», «Salafiyalar», «Turkiston islom harakati», «Hizbut-tahrir», «Akromiylar», «Nurchilar», «Tavhid va jihod katbasi» va «Tablig'chilar» diniy-ekstremistik tashkilotlar va norasmiy diniy jamoalar, Tojikistonda faoliyat olib boryotgan «Turkiston islom harakati», «Hizbut-tahrir», «Tavhid va jihod» oqimlarining vakillari, Qirg'izistondagi «Hizbut-tahrir», «Jayshul Mahdiy» va yana ikki guruh, Qozog'istondan «Tablig'chi», «Jundul xalifat» va «Salafiy» aqidaparastlari, radikal guruhlari, Turkmanistondagi «Jihodchilar» va «Jihodiy», «Tavhid va jihod» islom amirligi shaklidagi davlat qurishni maqsad qilgan diniy-siyosiy guruhlarining katta-kichik vakillari hozir bo'lishgan.

Qurultoyda Pokiston, Afg'oniston, Yaqin Sharqda jang olib borayotgan birodarlar – jihodchilarni qo'llab-quvvatlash va ularni rag'batlantirish ham islomiy davlat poydevori uchun ayollarni keng jalb etish maqsadida «Jinsiy jihod»ga fatvo berildi (Jinsiy jihod – jangari harakatlar olib borilayotgan hududlardagi jihodchilarni, birodarlarning jinsiy ehtiyojini qondirish va shu maqsadda shari'iy nikohga kirishga ayollarni shu hududlarga «hijrat» etish farz ekanligiga da'vat qilish). Fatvoning muhokamasi paytida «Iroq islom davlati» tashkiloti bilan «Tolibon», «Al-qoida», «Vahbiy»lar, «Turkiston islom harakati», «Hizbut-tahrir»ning rahnamolari o'rtasida qizg'in bahs-munozaralar bo'ldi. «Iroq islom davlati» va «Tolibon»lar o'z takliflarini o'tkaza oldi.

«Al-qoida» vakili «Iroq islom davlati» tashkiloti rahnamolarini maqsadlarga xiyonat qilganlikda, ba'zi davlatlarning maxsus xizmatlari bilan hamkorlik qilayotganlikda, ulardan katta-katta mablag' olib turganlikda aybladi. O'z navbatida «Iroq islom davlati» tashkiloti vakili ayni aybni «Al-qoida»ga ham mengzadi. O'rtadagi

munozara mushtlashuvga aylanib ketdi. Ikkala tashkilot vakillari zo'rg'a ajratib qo'yilgandan keyin «Al-qoida» vakili qurultoyni namoyishkorona tark etdi. «Iroq islom davlati» tashkiloti vakili uni yo'q qilib yuborish bilan dag'dag'a qildi. Shuningdek, «Jebhat an-Nusra» ham «Al-qoida»ni tark etishini ma'lum qildi.

So'zga chiqqan «Turkiston islom harakati» rahnamolaridan biri barcha guruhlar vakillariga qarata shunday dedi: «Birodarlari, bir jinsli nikoh, barchavozilik avolyapti. Guvohi bo'lib turibmiz. Biz bu yerda bir-birimiz bilan tortishib turgan bir paytda g'arbdagi sekta va guruhlar bizning hududimizda niyatlariga yetmoqda. Har biringiz bilasiz, bugun jangohlardagi hammaslalarimiz orasida ham bu narsalar urchimoqda. Chunki g'arbliklar Internet degan balodan zo'r foydalanishyapti. Targiboti yaxshi, shavqni, zimoni ko'rsatyapti, bir jinsli nikohini targ'ib qilyapti, bizni vahshiy qilib ko'rsatmoqda, biz esa bir-birimizning go'shtimizni yemoqdamiz. Agar shunday davom etaversa, biz yutqazishimiz tayin. Birodarlari, amirlari, rahnamolar, bunga qarshi bir qarorga kelmasak, o'ylaymanki, yaqin kelajakda hech kim bizing maqsadlarimiz uchun jang qilmaydi, jonini bermaydi, shahid bo'lmaydi. Birlashishimiz kerak. Yaqinda Germaniyada chop etilgan bir kitob qo'linga tushib qoldi. U O'rta Osiyoda targ'ib qilinmoqda. Nega biz o'z yurtimizni g'ayridinlarning sektalari nazoratiga berib qarab turibmiz... Birlashmasak bo'lmaydi...»

Gollandiya. Amsterdam.

G'anisher O'zbekiston huquqni muhofaza qiluvchi organlari kuzatayotganligi to'g'risida xabar topgan Dostonning yordami bilan avval Rossiya, Rossiya organi Turkiya va Yevropada bo'lib, Amsterdam shahriga yetib

keldi. Bu yerda uni hijobga o'rangan istarasi issiq, 30-32 yoshlardagi Go'zal ismli ayol kutib oldi. Go'zal asli Toshkentning Olmazor tumanidan bo'lib, «Akromiyalar» jamoatining a'zosi edi. U bu jamoatga turmush o'rtog'i Malik akani ham jalb etgan. Zukko o'quvchi buni Toshkent shahrida o'tkazilgan tergovning yuzlashtirish so'roq-javobidan (Malik Xalilov va Halima Karimovalar) ham fahmlab oldi.

«Akromiyalar» jamoatining g'araz maqsadlari amalga oshmay, ularga sichqonning ini ming tanga bo'lib qolgandan keyin Go'zal Ruminiyaga va undan keyin taqdir tagozosi bilan eri hamrohligida Amsterdam shahriga kelib qolishgan. Ha aytgancha, Go'zalning yangi eri andijonlik qori Ibodulloh edi. Malik aka emasmi uning eri? Ha, shunday edi. Biroq Ruminiyaga kelgandan so'ng o'zi kabi yurtdan qochib kelgan va qidiruvda bo'lgan jamoatning faol a'zolaridan biri Ibodulloh qoriga ikkinchi nikoh bilan turmushga chiqdi. Andijonda Ibodulloh qorining birinchi xotindan farzandlari ham bor edi.

Er-xotinlar Amsterdamda Internet tarmog'i orqali jamoatning g'oyalari tarqib qilib, «Akromiyalar»ning «komil musulmonni tarbiyalash» niqobi yo'lidagi radikal diniy ekstremistik g'oyaviy botqog'iga O'rta Osiyo va ayniqsa O'zbekiston aholisini botirish bilan mashg'ul edilar... Mana, ikki yildirki, Ibodulloh qori Suriyaga ketganicha qaytib kelmayapti. Erining yo'qligida esa, Go'zal Rashid qori bilan yashab yurishga majbur bo'ldi. Chunki Rashidning maiburiy qistovidan chiga olmas edi. Rashid qori unga seni huquqni muhofaza qiluvchi idoralarga topshiraman, ering jangarlarga – terrorchilarga qo'shilib ketgan deb qo'rqitardi. Rashid qorining pastkashligi shu darajaga yetgandiki, Yaqin Sharq va Pokistonga ketgan «Akromiy» safdoshlaridan bir nechtasining ayollari va qizlari bilan aysh qilib yurishni o'zi-

ga kasb qilib oldi. Rashid qorining Go'zal bilan qo'rqmay yashab yurishining ikki sababi bor edi. Birinchidan, Go'zal ismiga mos xushsurat juvon edi, ikkinchidan, Ibodulloh qori Suriya hududida o'q yeb halok bo'ldi degan gap tarqalgan edi.

Go'zal G'aniShermi iliq kutib olib, uyiga taklif qildi.

Go'zal yegulik keltirdi. Choy ichildi, subbat ham quyug bo'ldi. Subbat davomida Go'zal toshkentlik, G'aniSher namanganlik ekani oydinlashdi.

– O'zbekistonimiz juda ham o'zgarib ketgami? – deb so'radi juvon.

– O'zgarishlar katta, faqat birodarlarimizga kun yo'q, mana shuning uchun ham men bu yerlarga qochib kelishga majbur bo'ldim, – dedi yigit.

– Gapirmang, bir kun kelib bizning ko'chada ham bayram bo'lar.

– Go'zalxon, qachon jamoatga qo'shilgansiz, bu yerlarga qanday kelib qoldingiz, xo'jayiningiz qayerda? Uzi, ammo bilgim keldi-da, to'g'risi.

– Ey, nimasini aytasiz, necha yillardan beri sarson-sargardon bo'lib shu shaharga kelib qoldim. Toshkentdan qochib Turkiyaga, keyin Ruminiyaga va endi mana shu yerga joylashib turibmiz. Toshkentda birinchi xo'jayinim va ikki farzandim qoldi.

– Farzandingiz ham bormi? O'xshamaysiz...

– Ha, juda yosh turmushga chiqqanman, o'n yetti-ga to'lar-to'lmasimdan uzatib yuborishgan. Ikki farzandim Toshkentda. Katta bo'lib qolgandir, ularni bir ko'rib bag'rimga bossam, armonim yo'q, juda sog'in-manman.

– Sigilmang, hali albatta ko'rishasiz bolalaringiz bilan.

– Inshoolloh aytganingiz kelsin. Taqdir ekan, ikkinchi bor Ruminiyada Ibodulloh qori bilan nikohga kirdim. Xo'jayinim andijonliklar. Birinchi xo'jayinim mendan

o'n ikki yosh katta edi. Ibodulloh aka mendan sakiz yosh katta.

– Hechqisi yo'q, erkak kishi ayolidan kattaroq bo'lga-ni yaxshi.

– Ha, shunday deb ko'rib ketaveramiz-da biz ayol-lar, boshga choramiz ham yo'q. Shariat buyurgani biz uchun.

– Kimdan tahsil olgansiz, Go'zalxon?

– Qo'shnimiz Mugim akaning ayollaridan o'qib-o'r-ganib yurdim. Oxirgi darslarida «Jannatga yo'l» ki-tobida yozilgan narsalar butun hayotimni o'zgartirib yubordi. Jannatga kirish uchun jamoatga qo'shilish, rahnamolarning ko'rsatmalarini bajarish farzligiga ishonib qoldim. Lekin birinchi bor shu kitobdan saboq olganida butun hayot qo'rqinchli bo'lib tuyulgan. Shuning uchun erta turmushga chiqishga rozi bo'ldim. Qizlar balog'atga yetgan zahotiyoq erga tegishi, nikoh-siz yurmashigi miyamga singib qolgandi. Mana, ikki nikohimdan ham halovat topa olmadim, juda charcha-dim. Endi menga baribir, hech narsaning qizig'i qol-magan. Qachon ajal kelib meni olib ketishini kutib yuribman. Kechirasiz, sizga dardimni dasturxon qilib yubordim.

– Nega unaga deysiz, odam taftini odam oladi degan gap bor. Mening ham dardim siznikidan kam emas.

– Qani, G'ani sher aka, endi siz gapirib bering: ne-cha yoshdasiz, oilangiz, bu yerlarga qanday shamollar uchirdi?

– Mening hayotimda ham sizniki kabi sarguzashtlar bisyor, yozsam bir roman bo'lar.

– Hali shoirman ham deng?

– Yozuvchi deng, shoirilar she'r yozadi-ku, men roman yozmoqchiman.

– E baribirmasmi shoirmi, yozuvchini – ikkisi ham bir menga.

– Aytдим-qo'ydim-da, Go'zalxon. Yoshim 33 da. O'i-lam, ikki nafar farzandim bor...

– Qayerda o'qigansiz?

– Toshkentda, Milliy universitetda o'qiganman.

– Buncha yaxshi! Bizning uyimizga yaqin joyda o'qi-gan ekan-siz, G'ani sher aka, talabalar shaharchasidan o'tganida talabalarga biram havasim kelardi. Nima ham qilardim, taqdir ekan, afsuski, menga talaba bo'lish nasib etmadi.

G'ani sher Janubiy Koreyada ishlagani, jamoatga qanday qo'shilgani va keyingi hayoti haqida erinmay gapirib berdi...

Subhat qizg'in pallaga kelganda telefon qo'ng'irog'i jiringladi.

– Go'zalxon, yaxshi yuribsizmi? Telefonni G'ani sher-ga bersangiz.

– Xo'p, Dovud (Doston) aka.

– G'ani sher, yaxshi yetib bordingizmi, uka, bir mu-ammo chiqib qoldi.

– Tinchlikmi?

– Tinchlikmas, Tohirni gamab qo'yishibdi. Hamma-mizni sotayotgan emish.

– Yo'g'-ye?

– Ha, shunday, ishonchli ma'lumot. Men ham Shvetsiyaga ko'chib o'taman erta-indin. Borib joylash-ganimdan so'ng o'zim alogaga chigaman. Ha aytgancha, do'stim, amirimiz bilan gaplashdim, siz Go'zalxonni ni-kothingizga olib, uning uyida yashab turasiz, mening siz-ga yordamim shu.

– Eri bor-ku, qiziq ekan-siz...

– Ibodulloh qori shahid bo'lgan-ku, Go'zalxon aytma-gan bo'lsa kerak.

– Yo'q, aytmadi.

– Xo'p do'stim, gaplashamiz...

– Xo'p, o'zingizni ehtiyot qiling.

Afg'oniston, G'or viloyati, Tayvura tumani.

«Tolibon» bilan hamkorlikda «Turkiston islom harakati» jangari guruhi va Afg'on hukumati, AQSh ittifoqchi qo'shinlari o'rtasidagi to'qnashuv.

Erta tongda boshlangan otishma shom mahalgacha davom etdi. Jang shiddatli kechdi. Hukumat qo'shinlarining qo'li baland kela boshladi. Jangari guruhi a'zolari chekinishga majbur bo'ldi. «Turkiston islom harakati» jangari guruhi katta talafot ko'rdi. «Tolibon» «Turkiston islom harakati» jangarilarini qoldirib, chekinishga ulgurdi. Bundan foydalangan ittifoqchilar chekinayotgan tomonga fazodan zarba berish rejasini muhokama qilishdi. Ertalabki soat sakkizlarga yaqin hukumat qo'shinlari «Turkiston islom harakati» jamoatining ortda qolgan jangarilariga qarshi hujumga o'tdi. Shu kuni jamoatning yetmishdan ortiq jangarilari halok bo'ldi. Hukumat qo'shinlarida ham kam bo'lsa-da talafot bor edi. Ittifoqchilarning fazo zarbasi natijasida «Turkiston islom harakati» rahnamosi yo'q qilindi. Jangarilar butunlay chekindi.

Shundan so'ng jamoatning yangi rahnamosi martabasi uchun jamoat ichida zimdan kurash boshlandi. Buning asosiy sababi bu jamoatda o'nga yaqin davrlardan jamlangan jangarilar harakat qilayotgan edi... O'zbekistonda jamoat saffariga qo'shilgan jangarilar vatandosh rahnosini dafn etishdi. Shu tariqa jamoatda nizo yuzaga kelib, Shokir Sardor va o'zi bilan kelgan boshqa safdoshlarini olib, Suriyadagi «Iroq va Shom islom davlati» – «ISHID» saffariga qo'shildilar. Shokirga «o'nboshi» sifatida 4000, safdoshlariga 2000 dollar mijdorida maosh beriladigan bo'ldi.

– Sardor, amirimiz bilan gaplashdim, kelinoying Saboni ham olib kelmogchiman.

– Nima qilasis, aka, kelinoyimni bu yerlarga olib kelib, sharoitni ko'rib turibsiz-ku?

– Amir unga ham 4000 dollar maosh to'laydigan bo'ldi. Ayolimni sog'indim. Kelsa ovqat-povqatimizni qilib yuradi. Yaqin o'rtada baribir bu davlat xalifalik davlati bo'ladi. Keyin bolalarimni ham olib kelaman. Shu yerda yashayman, uka.

– Bilmadim, aka, sizga biror narsa deb aql o'rgatolmayman. Agar imkoni bo'lsa, men Toshkentga qaytib borardim. Ota-onam, ukam, singlim Zilolani juda sog'indim, kap-katta qiz bo'lib qolgandir hozir.

– Ha, katta bo'lib qolgan. Lekin Sardor ukam, taqdirimizga Alloh buyurgan ekan, shu yer vatanimiz bo'ladi endi. Toshkentga qaytib borsak ham umrimiz qamoqda chirydi. Shuning uchun xom xayollarga berilma, peshonada borini ko'ramiz endi. Bu yerda bo'sh ketma, bo'sh ketsang, boshingga chiqishadi. Ko'ring-ku, rosniyalik, yevropalik, hatto xitoyliklar ham shu yerga kelishgan, biz bilan birga jang qilyapti. Sardor, ayollarni aytmaysanmi, ayollari ham kelgan-a. Shu deyman, ular nimanidir bilishadi yo maoshi bizdan ancha kattami deyman-a?

– Bilmadim, bo'lsa bordir.

– Uyga pul yubordingmi?

– Men sinfdoshimga yuborib turibman, adam bilan gaplashgandim, olib turibmiz dedilar pulni.

– Ha, yaxshi qilbsan?

– Siz-chi Shokir aka, kinga yuboryapsiz?

– Saboga.

– Bilib qolishmasin tag'in.

– Bilishmaydi, boshqa kishining nomidan ketayapti pul, meni hamma Afg'onistonda o'lib ketgan deb yurishgan ekan.

– Ha, men ham eshitdim shu gapni, meni ham shunday deysisharkan o'rtoqlarim.

– Mayli, sigilma, biz haq yoʻldamiz, ukam, hali ajr-u savoblarni ham koʻradigan kunlar kelib qolar...

Dostoning koʻmagi bilan Shokirning ayoli Sabohat (Solih) Turkiya orqali Suriyaga, Shokirning yoniga eson-omon yetib keldi. «Jihod»ga kelgan boshqa ayollar kabi Shokirning va uning sheriklarining u-bu yumushlarini qilib yurdi. Sabohat kelganiga mingdan-ming pushaymon boʻlsa-da, oylik maoshini olib uyiga joʻnatgach, bir oz taskin topdi. Va yana erining yonidagi ham unga dalda berardi. Xayolining bir chetida esa, qani endi bu kunlar tezroq oʻtib, uyga ancha-muncha pul toʻplab bor-sak-da, hayotimizni oʻz yurtimizda tinchgina oʻtkazsak, degan orzu aylanaverardi...

Shuetsiya. Stokgolm.

Amir va rahnamolarning yopiq eshiklar ortidagi uchinchi yashirin qurultoyi.

Qurultoyda soʻzga chiqqan Ziyodiy Oʻrta Osiyodagi ahvol yuzasidan axborot berdi.

– Assalomu alaykum va rahmatullohu va barakatuh. Aziz amirlar va rahnamolar, Oʻrta Osiyodagi ikkinchi bosqich rejamizni amalga oshirish dargumon boʻlib qoldi. U yerlarda kuch ishlatar tizim bizning bu urinishimizdan voqif boʻlib, harakatlarni puchga chiqarayapti. Odamlarimiz qoʻlga olinib, qamoqxonalardagi va mehnat muhojiridagi birodarlarimiz amallariga oid koʻp narsadan xabardor boʻlishdi. Endi bu usullarimiz oʻtmaydi. Buni barchamiz yaxshi bilib turibmiz. Shuning uchun ham ayni damda bizning safimizga qoʻshilgan birodarlarimizni yoʻqotib qoʻyish xavfi yuqori. U davlatlarning muhojiridagi va qochqindagi fuqarolariga agar yurtiga qaytib borgudek boʻlsa, muqarrar eng ogʻir jazo kutayotganligini uqtirishimiz lozim. Shu yoʻl bilan ular-

ning safimizni tark etmasligini taʼminlashimiz mumkin. Internetda u davlatlarda qamalgan birodarlarimizning targʻibotini qilib, safimizda yurgan birodarlarimizni qaytib bormasligiga undashimiz dardkor.

Rossiyadagi mehnat muhojirlari orasida u davlatlardan kelgan koʻplab fuqarolarning spiritli ichimliklarga moyilligi ham bizning saʼy-harakatlarni natijasi pastligiga sababdir. Agar amir va rahnamolarimiz ruxsat bersalar, biz Haq yoʻlda ularga harom qilingan ichimlikni ichishiga ham toʻsqinlik qilmay, safimizga qoʻshib, vaqt oʻtishi bilan ularni sodiq qilmogʻimiz maqbul. Buning yana bir jihati shuki, bizdagi maʼlumotlarga koʻra, u davlatlarning kuch ishlatarlari ayrim hollarda gumonsiragan birodarlarimizga harom ichimlik tutqazib sinab koʻrar emish. Agar uni ichmasa, demak, bizning safimizda degan xulosaga borayotgan ekanlar. Agar birodarlarimizga ichimlikka ham ruxsat qilsak, ham kuch ishlatar tizimlarni chalgitigan, ham oʻz maqsadlarimizning roʻyobini sir tutgan boʻlar edik.

Yana bir bizni xavotirga solayotgan jihat shuki, Internet orqali targʻibotimiz davlatlar maxsus tashkilotlarining qatʼiy nazoratida turibdi. Tarmoq va profilarni bizga qoʻyilmogʻda. Bu masalada ham bosh qotirishimiz kerak. Endi soʻzga chiqishimning bosh natosi boʻlgan zarur masala xususida. Yaʼnikim, bizning jamoatlarni bilan hamkorlik qilmoqchi boʻlgan davlatlarning maxsus xizmatlari bizga mablagʻ ajratib, ayrim ishlarini qilishimizni taklif qilmoqdalar, bu mablagʻlar bizning maqsadimiz yoʻlida sarflansa, qudratli xalifalik sari qadam boʻladi. Hozircha bizning Oʻrta Osiyoda ikki yuz mingdan koʻp tarafdorlarimiz bor. Ularni harakatga keltirishimiz uchun ajratilayotgan mablagʻ ayni paytda biz u yurtlarda kelajakda islom davlati barpo etishimizga ham kafolatlir. Bu masala yuzasidan bugun amirlar-

rimiz va rahnamalarimiz bir to'xtamga kelishlari foydadan xoli bo'lmaydi.

Shaxsan men Yaqin Sharqda g'alaba qilishimizga ishonmay qoldim. Bunga asoslarimiz ham yetarli. Ma'lumotlarga ko'ra, bu yerda gegemon davlatlar aralashuvi boshlangani bizning maqsadimiz amalga oshmasligini anglatmoqda. Gapning qisqasi, mening taklifim, Yaqin Sharqdagi harakatimiz bilan cheklanib qolishimiz bizni tez orada halokatga boshlaydi...

* * *

Andijon viloyati, To'raqo'rg'on tumani. Soat tungi ikki.

– Dadasi, turing. Hovlida kimdir yuribdi.

– Kim yurardi, Tohiridir-da.

– Yo'q, yo'q, turing deyapman. Voy turing, dadasi, maska taqdan odamlar yuribdi, kelyapi biz tomonga, turing, qarang.

Tohirning otasi Sattor aka derazadan qaraguncha, niqob taqdan, harbiy formaga o'xshash kiyim kiygan kishilar uyga kirishga ulgurdi. Sattor aka va Tohirning onasi Malohat opa qo'rquvdan nima bo'layotganligini fahmlamay ham qolishdi.

– Kimsizlar, nima kerak sizlarga?

– Tohir o'g'lingiz qani?

– A-a, yotibdi o'z xonasida... Nima qildi o'g'lim?

Shu payt shovqinni eshitib, Tohir ham uyg'onib, ota-onasi yotadigan xona tomonga kelayotgan edi.

– To'xta, isming nima?

– Tohir, kimsizlar, nima qilyapsizlar bizning uyda?

– Ikki qo'lingni tepaga ko'tar, biz ko'raylik. O'g'iril devor tomonga, qo'lingni devorga qo'y.

– Mana, mana, xo'p.

Tohir ikki qo'lini devorga qo'ydi.

– Kishanni taq.

– Xo'p bo'ladi...

Tohirning qo'lga kishan taqishdi.

– O'g'limni qayerga olib ketyapsizlar?

– O'g'lingizni bo'limga olib ketamiz. Jinoyat qidiruv-damiz... Bir-ikkita savollarimiz bor. Ertaga qaytib keladi. Vahima qilmang.

Andijon viloyati, Andijon shahri. Surishtiruv jarayoni.

– Seni bu yerga nega olib kelganimizni bilasan-a, Tohir?

– Yo'q...

– G'anisher qayerda?

– Qaysi G'anisher?

– Savolimga savol bilan javob beryapsanmi, a, ey, sen xo'roz? Hali qayerdaligini bilmayman ham detsan-a?

– Qaysi G'anisher, aniqrog' ayting-da, bilmasam, kimni so'rayapsiz?

– G'anisher degan tanishlaring shuncha ko'pmi, shering G'anisherni so'rayapman, «birodaring»ni... Ha, birodar, tushundingmi endi kimni so'rayotganimni?

– G'anisherni yaqin o'rtada ko'rganim yo'q.

– Nega ko'rmas ekansan? Hozir shunday eslatamanki, qachon ko'rganingni bir umr yodingdan chiqmaydigan bo'lib eslab qolasan. G'anisher qayerda deb so'rayapman sendan, yaxshilikcha ayt. Bo'lmasa, boshingga it kunini solaman, eshityapsanmi?

– To'g'risini aytyapman, men uni ko'rganimga ancha bo'ladi. Ikki yildan oshdi.

– Yolg'on gapirma, oxirgi marta so'rayman, aytmasang, boshqacha gaplashaman sen bilan, podvalda tushuntirishadi, keyin chiqasan mulla mingan eshakka o'xshab, ana keyin bulbul bo'lib sayraysan. Ishonmayapsanmi? Pushkaga olyapti deb o'ylayapsanmi, ey xoin, terrorchi?

– Yo'q, bilaman, eshitganman. Lekin G'ani sherining qayerdaligini bilmasam, qanday aytaman? Uyni bilan, telefon raqami ham bor, ammo gaplashganim yo'q anchadan beri, ishonmasangiz tekshirib ko'ring.

– Sen aytmasang ham tekshirib ko'ramiz, sening telefoning qachondan buyon «proslushka»daligini bilasammi? Nimani, qachon gaplashganingni ham bilamiz, lekin o'zingdan eshitmoqchiman. O'zing yaxshilikcha aytib ber, bola, vaqtini cho'zavermal! Tushundingmi?

– Ha, tushundim, G'ani sher bilan anchadan beri gaplashganim yo'q. Qayerdaligini bilmayman. Bilsam ham aytmasdim.

– Nega bilsang ham aytmasding?

– Ha, aytmasdim, men birovi sotmayman. Advokat kerak menga. Advokat kelmasa, haqingiz yo'q meni so'roq qilishga.

– Yo'g'ye, huquqingni bilaman de, o'rgatilganman yaxshilab deysanda-a?

– Yo'q. Hech kim hech narsa o'rgatmagan menga.

– O'rgatganni, o'rgatmaganni, menga bir tiyin. Bu yerda sen uchun tergovchi ham, advokat ham menman. Ikkala qulog'ing bilan ham yaxshilab eshitib ol, qachon men ruxsat bersam, advokat keladi, ruxsat bermasan, kelmaydi. Ruxsat berishim uchun menga G'ani sherining qayerdaligi, qachon ko'rishganing, nimalarni reja qilganlaringni aytl! Turkiyadagi «oshna»laring bor-ku, kim edi ular?

– Bilmadim.

– Juda yaxshi bilasan, vaqtini cho'zib, tergovni chalg'itaversang, o'zingga qiyin bo'ladi, jazoing og'irlashadi xolos, ukal! Bo'ldi, keladigan joyingga kelib bo'lding, bu yerdan chiqmaysan, chiqsang to'g'ri «zonaga» ketish uchun chiqasan.

– Nima ayb qilibman gamaladigan?

– Yo'q, sen ayb qilmagansan, farishtasan, aybni biz qilyapmiz, sizdek beayb odamni noto'g'ri olib kelib so'roq

qilyapmiz, bekorch vaqtimiz ko'p-da yoki qiladigan ishimiz yo'q, zerikayapmiz, shundaymi?

– Unday demogchimasman, men hech qanday jinoyat qilmaganman deypaman, xolos.

– Men ham shuni aytayapman-da, sen jinoyatchi emassan, seni tavakkal ushlab keldik, ishimiz yo'qligidan. Andijonda ikki milliondan ortiq odam bor, sen tasodifan uchrab qolgansan bizga, shunday demogchimisani?

– Yo'q. Nima jinoyat qildim, aying unda?

– Aytaymi, yaxshi. Ekstremistik guruh a'zosisan, da'vat qilgansan, necha kishini yo'ldan urgansan, birodarlaring bilan xalifalik davlati quraman dedinglar, islom davlati qilamiz deding, rahnamolaring bilan qancha-qancha yoshlarimizni Suriyaga olib borib, jang qilishga da'vat qilding, lekin bularing hech biri sen uchun jinoyat emas, to'g'rimi? Nega jimsan, ayt, to'g'rimi?

– Men bu aytganlaringizni qilmaganman.

– Qilmagansan?...

– Yo'q.

– Demak, seni adashib olib kelganmiz... Ey, menga qara, agar shu ishlarni qilmaganingda bu yerga olib kelinmas eding... Seni ogohlantirdim-a, yaxshilikcha ayt dedim, ko'nmading-a, to'g'rimi?

– Ha.

– Zo'rman de hali, «geroy»...

– Zo'r emassan.

– Serjant, olib boring buni kamerasisga. Keyinroq aytaman bu xo'rozni qaysi kamera o'tkazishni, sayroqi bulbul bo'lib keladi oldimga hali...

Keyingi kun.

– Qani, «geroy», kamerada qanday bo'ldi? Maza qilib dam oldingmi? Menga aytadigan gaping bormi?

– Nimani aytishim kerak?

- Kecha kamera aytganlarini.
- Kecha kamera yozib berdim-ku.
- Yozganing boshqa, o'z og'zingdan eshitmoqchiman. G'ani sher qayerda?

– Menga Turkiyaga ketaman degandi.

– Turkiyaga? Rossiyaga emasmi?

– Yo'q, Turkiyaga.

– Nima uchun?

– Bilmadim.

– Gapni aylantirma, yaxshi bilasan.

– Qochib ketmoqchiman dedi.

– Yasha, endi o'zingga o'xshayapsan. Nimaga qochib ketaman dedi?

– Militsiya mening organdan tushdi dedi.

– Ha, barakalla. Nega orgasidan tushganini aytdimi?

– Yo'q.

– Mug'ombirlik qilma, endi senga nisbatan fikrim o'zgarayotgan edi, o'zingga qiyin qilma, bola, senga bir yordam qilay, xuddi sen qilgan ishlarni u ham qilgan. U Namanganda, sen Andijonda. Nima, argonni uzun tashlab qo'yganimizga bular hech narsani bilmaydi deb o'ylayapsanlarmi? Bilib qo'y, sening ko'rsatmaning men- ga umuman kerakmas, o'zim ham yaxshi bilaman – ni- maga, qayerga ketganini, faqat sendan qo'shimcha bir nima bilsang ayt, deb so'rayapman. To'g'risini gapir- sang, o'zingga yaxshi bo'ladi, ukal!

– Men faqat shuni bilaman – Turkiyaga ketaman dedi.

– Turkiyaga kimning oldiga ketdi, kim chaqirdi uni?

– Bunisini bilmayman.

– Bilasaaaan, uka, aytaver, endi aytding, oxirigacha ayt.

– Bilganini aytdim.

– Dostonni qayerdan taniansan?

– A...

– Ha, kutmaganding-a, nima, bilmaydi deb o'ylading- mi, ko'ringmi aldamayapmanmi? Ey ukam-yey, ukam, yuribsan-da sen ham nonni «nanna» deb... Shuning uchun sen ham savollarga javob ber...

– U bilan Janubiy Koreyada birga ishlaganmiz.

– Xo'sh, keyin-chi?

– Shu... shunda tanishganman.

– Davom et.

– Tanishdik, ishlab yurdik, keyin masjidga qatnadik, namoz o'qidik...

– Masjidga qatnash, namoz o'qish gunoh emas, be- malol o'qiyveringlar, kim halal beradi? Agar bilsang, eng ko'p masjid O'zbekistonda, senlar, noshukur non- ko'rlar... Nimani ham bilardilaring, odam ham shunc- ha laqma, sodda bo'ladimi? Nima bo'lgan bo'lsa bo'ldi, endi gonun oldida javob berasan, ukam. Tezroq savol-ja- voblardan qutulay desang, menga kim senlarni islomiy davlat qurishga, O'zbekiston konstitutsiyaviy tuzumiga qarshi da'vat qilganini ayt.

– U turkiyalik edi.

– Ismi kim?

– Abdulloh.

– Abdulloh... arabmi? Turkmi?

– Turk...

– Asl ismi bo'lmasa kerak bu... Xo'p, hozir qayerda o'sha Abdulloh deganing?

– Koreyada bo'lsa kerak.

– Aniqmi, aldamayapsanmi?

– Yo'q, nimaga aldayman. Oxirgi ko'rganimda Koreyada edi.

– Oxirgi marta qachon ko'rding, Koreyadan kelga- ningdan keyin ko'rdingmi, gaplashdingmi?

– Yo'q. Ko'rganim ham, gaplashganim ham yo'q.

– Doston qayerda hozir?

–...Turkiyada bo'lsa kerak.

– Kerakmi yo aniqmi?

– Aniq bo'lsa kerak.

– Ey, dovdir. Aniqmi deyapman?

– Aniq...

– Aniq emas-da, ukam, aniq emas, u Yevropaning qaysi bir davlatida yuribdi, chuchvarani xom sanab. Men senlarga hayronman, nima, senlarning ota-onang yo'qmi? Ota-onangni o'ylamaysanmi? Davlatga xoinlik qilsam, ular qanday kunlarga qoladi, la'natlar eshitmaydini men uchun deb o'ylamaysanlarmi?

– Men adashganimni tushunib yetdim, aka...

– Tushunib yetganing yo'q. Bir o'ylab ko'r, nima, boshqalar senlar bilgan narsani bilmaydimi? Nima uchun ular qilmaydigan ishini senlar qilasan? Buning uchun katta kalla kerakmas, shuncha aqlimisizlar – boshqalarga ma'lum bo'lmagan narsalarni biladigan? Senlarning shu xatolaringni deb qancha-qancha begunohlarning uyi kuyib ketyapti. Axir urushga, odam o'ldirishga da'vat etish gunoh-ku yo gunohmasmi?

– Gunoh...

– Sen bir narsani yaxshilab miyanga quyib ol, uka. Islom dini nuqtayi nazaridan kim, qaysi millat, qaysi din, qaysi davlat vakili amalga oshirishidan qat'iy nazar, bunday ishlar og'ir jinoyat. «Jihod», «xalifalik», «hijrat» kabi tushunchalarni buzib ishlatishning o'zi islom diniga qilingan razillik. Xudoning nafratiga uchrashdan qo'rqmaysanlarmi senlar?

– Qo'rqaman.

– Yo sen hali ham o'sha biryoqlama fikrdamisan?

– Yo'q.

– Ha yasha, Qur'oni o'qimagsan-da, ko'r-ko'rona kirib ketgansan aldov gaplarga, puch va dalarga ishonib, nima va da qilishdi o'zi senga rahnamo-yu amirlaring?

– Hech nima.

– Hech nima? Koreyadan kelganingga necha yil bo'ldi, tog' ishlab kelgan bo'lsang ham yeyilib ketardi, hozir sen hech qayerda ishlamaysan, pulni qayerdan topayapsan, osmondan tushmayotgandir yo osmondan tushayaptimi senga?

– Yo'q, ishlayapman...

– Aldama, hech qayerda ishlamaysan, nima qilib yurganingni bilamiz, yaxshi gapirayotganimda senga, yolg'on gapirib asabingga tegma, uka, mablag'ning qayerlardan aylanib senlarga yetib kelishi, senlar yig'ayotgan homiylik mablag'lariga nima deb nom qo'yib olkansaslar... «baytulmob»ga, yana nimaga, «Tabarruob»ga deb yig'asizlarmi?

– Yo'q, «baytulmob»ga deb men yig'mayman.

– Kim yig'adi?

– Bilmayman kim yig'ishini, men hech aralashmaganman.

– Doston jo'rang rahbar ekan-ku pul yig'ishga, sen bilmaysanmi? Uka, bilganingni aytaver, aytdim-ku sen-nga, hammasini bilib olamiz bari bir. Nimani yashirayotgan bo'lsang, ayt, o'zingga qiyin qilma.

– Bilganlarimni aytdim, kecha kameradagi akaga ham aytdim hammasini.

– O'sha kameradagi akangga aytdanlaringni hammasini yozib berasan. Mana qog'oz va ruchka, hech narsa esingdan chiqmasin, xo'pmi, agar xohlasang, yana o'sha kameraga yuboraman.

– Yo'q, kerakmas, yozib beraman.

– Yaxshi, yozib ber-chi, ko'ramiz. Doston haqida ham bilganlaringni hammasini yoz, xo'pmi?

– Xo'p.

– Aytib qo'yay, uka, vaqting bema'lol. Hali «zona»ga ulgurasan, jamoatning halqa yig'ilishlari qayerda bo'lardi, kim nima derdi, rahnamolaringdan qanday ko'rsatmalar kelardi – hamma-hammasini shoshilmay, kal-

langni bir joyga qo'yib yoz. Xo'p, xo'p deb tag'in aldashga urinma, mazangni qochiraman.

– Xo'p, bilganlarinni hammasini yozib beraman...

Germaniya. Bonn shahri.

Amir va rahnamolarning yopiq eshiklar ortidagi to'rtinchi yashirin qurultoyi. Norasmiy xalifa o'rinbosari so'z boshladi.

– Hurmati amirlar va rahnamolar. Guvohi bo'layotganingizdek, Yaqin Sharqni ham boy beryapimiz, xalifaligimiz inqiroz yoqasiga keldi. Bizning saflarimizda jang qilayotgan shahid ketgan birodarlarimizning bekorga jon bermaganini albatta isbotlashimiz kerak. Safimizda katta yo'qotish bo'ldi, «jihat an-Nusra» kabi jamoatlarimiz «Al-Qoida»dan ajrab, keyin barchamizning bosh maqsadimiz yo'lida foydadan ko'ra zarari ko'p tegdi. Aravani o'zi tomon tortib, mana bugun o'n besh mingdan ortiq a'zosidan besh mingi ham qolmadi. Bu o'zbo-shimchalik, ochko'zlik oqibati barchamizga saboq, oliy maqsadimizga to'g'anog bo'ldi. Qolgan jamoatlar ham kuchimizni birlashtirib, xalifalik davlati barpo etish o'rniga neftning katta miqdorini, gazni nazorat qilish payida bo'lib, shaxsiy boylik o'tirishga berilib ketdik. G'arbning ajratayotgan sadaga pul-yordamlariga ishonib qoldik. Mustahkam, kuchli armiya va hukumat tuza olmadik. Safimizga mutaxassislarni yetarlicha to'play bilmadik. Buning ustiga-ustak johillik qilib, Suriyadagi muzey osori-atigalari, san'at buyumlarini sotish bilan shug'ullanib, xalqning g'azabiga uchradik. Qani, kim aytadi: nega Janubiy Yevropadan Markaziy Osiyogacha xalifalik davlati yaratishdek maqsadimizni unutdik?

Endi asosiy e'tiborimizni uch yo'nalishda davom ettirishga majburmiz. Birinchi yo'nalish, janubiy Afg'o-

niston orgali Markaziy Osiyoga kirib borish. Ikkinchi yo'nalishimiz Markaziy Yevropani qo'rquvda ushlab turish, doim bizning bosh maqsadimizga erishish yo'lidan Yevropa mamlakatlarini chalqitib turishimiz kerak. Uchinchi yo'nalishimizni esa, vaqti yetib kelmagunga qadar Sharqiy Osiyoda davom ettirishimiz darkor. Bu hududda savdo yo'llarini qo'lga kiritish orgali hukumatlarga ta'sir o'tkazishni o'ylashimiz kerak.

Siz va bizga yaxshi tanish bo'lgan Abdulloh so'zga chiqdi. Abdulloh Avstriyaning Vena shahrida qurultoyning Markaziy Osiyodagi ko'rsatmalarini bajarishga mas'ul amirlardan biriga aylangandi.

– Hurmati amir va rahnamolarimiz. Men aytmoqchi bo'lgan xabar ham quvonarli emas. Bugun Markaziy Osiyoda, xususan, O'zbekistonda qilgan shuncha sa'y-harakatlarimiz sarobga aylanmoqda. O'zbekistonning yangi rahbariyati bizning safdoshlarimizni hukumatga do'st qilib olmoqda, ne-ne mashagatlar bilan hukumatga, O'zbekistonga qarshi kurashga shaylangan yuz mingga yaqin birodarlarimiz bizning safimizdan chiqdi. Suriya, Iroq, Turkiya, Afg'oniston, Liiviya, Rossiya va Amerikada muhojirotda yurgan O'zbekiston fuqarolari ham yurtiga qaytmogchilar.

Dinga butkul ijozat berilibdi, Qur'oni karim musobagasi, Qur'oni o'qitish, yoppasiga ilmdan boxabar qilish boshlanganmish, bu bizning ishimizga qaqshatqich zarba bo'ldi. Buni tan olaylik.

Birinchi navbatda muhojirotdagi va safimizda turib jang-u-jadallarda yurgan bu davlatlar fuqarolarini qanday yo'l bilan bo'lmasin, olib qolishimiz shart. Aksincha bo'lsa, barcha rejalarimiz xomxayol bo'lib qolaveradi... Internetda qilayotgan harakatlari ham biz kutgan-chalik samarasini bermayotir. Ayni damda Rossiyadagi mehnat muhojirlarini da'vatga chorlash uchun yo'lga qo'ygan veb-saytlarimiz hamda «Facebook», «Youtube»

va «Telegram» axborot resurslari va ijtimoiy tarmoqlar-dagi «Abu Saloh darsliklari», «Jannat oshiqdori», «Shom ovozi», «Tavhid va jihod», «Turkiston», «Najot», «Usuli fiqh», «Tavhid darsi», «Qiyomatdan avvalgi fitnalari», «Foida va qoidalar», «Tafsir darslari», «Talbis-u iblis darslari», «Namoz va benamozlarga taalluqli masala-lar», «Ayllar va aqiya darslari», «Silsilaviy darslar va ma'ruzalari», «Muhim darslar», «Aqiyadatul vosita», «Al-fath» kabi ikki yuzdan ortiq proflarimiz, kanal va sahifalar O'zbekistonda qonunga zid deb topilib, ularni taqiqlash bo'yicha tezkor choralar ko'rilmogda. Ayniqsa O'zbekiston rahbarining Birlashgan Millatlar Tashkilo-ti «Ma'rifat va diniy bag'rikenglik» Rezolyutsiyasi ham-da «Yoshlar huquqlari to'g'risidagi xalqaro konvensiya-si»ning tashabbusi homiyalarimizni ikkilantirib qo'ydi. Pul ajratishni to'xtatishmogda, ustiga-ustak, birodarlarimiz ham yurtiga bemaol qaytishmogda. Chorasiz qol-mogdamin. Go'yoki bizning har qadamimizdan bir qadam ilgariलगmogda u yerining yangi hukumati. Shuning uchun ham hurmati rahnamolar, hukumat u yerlarda o'z fuqarolari bilan do'st bo'lib yashashiga biz imkon qoldirmasligimiz kerak...

Sabohat (Solha) «Iroq» yuzboshining hirsini gon-dirgandan so'ng qancha payt behush yotganini eslay olmadi... Hushiga kelgan payt esa, bo'g'ziga pichog ti-ralganligini ko'rdi. Shokir oqsoq oyog'ini sudragancha xotini boshiga kelib, uni bo'g'ziga pichog tirab o'ldirmog-chi bo'lib turgandi. Ko'zlaridan esa tinmay yosh oqardi. Balki uning ko'z yoshi Sabohatni hushiga keltirgandir, u yog'i bizga qorong'i.

– Shokir aka... Sizmisiz?

– Ha... menman, Sabojon, menman, men badbaxt-man, jonim, sevgilim...

– Imm... Sardor, qolgan sheriklaringiz qani, Shokir aka?

– Ular shahid ketdi... O'ldi ular, Sabo, o'ldi...

– Ha, shahid deng... Yaxshi bo'ldi, Shokir aka, men ham sizning qo'lingizda jon beraman, meni ham o'ldira-siz-a, o'ldirasiz-a?

– Ha, Sabo, o'ldiraman...

– Endi armonim yo'q, Shokir aka... Faqat, adasi, uyga qaytolsangiz bolalaringa yaxshi qarang, ular o'lmasin... Bergan pullaringizni singlim yig'ib turibdi, singlimdan Bergan pullaringizni singlim olib ketolsangiz, olib ke-olarsiz. Adasi, agar o'ligimni olib ketolsangiz, olib ke-olarsiz. Otamning yoniga ko'ming, adasi. Olib ketolmasan-giz shu yerga qabrga qo'ying. Jon adasi, sizdan roziman, mendan rozi bo'ling!

– Ming-ming roziman, jonginam, Sabojon, roziman... Meni kechir, men badbaxt, yaramasni kechir... Ey Xudo... Ey Xudo...

Shokir Sabohatning ko'zlarini qo'llari bilan sekin ber-kitib, bo'g'ziga pichog tortdi. Sabohat xirillab o'rnidan turmogchi bo'ldi. Shokir jon holatda uning joni chiqib ketguncha ko'krigidan bosib turdi... Shokir bir tojik sherigiga besh yuz dollar berib, Sabohat uchun qabr kovlatar ekan, u faqat Sabohatni emas, yana bir kishini tuproqqa tiriklayin qo'yayotganligini bilmasdi. Sabohat-ning bo'yida bor edi...

Shokir Sabohatni qabrga qo'yib bo'lganidan keyin bir nimalar deb pichirladi-da, yuziga duo tortib, qadrdon bo'lib qolgan avtomatini yuragiga qadab tepkini bosdi...

XOTIMA

Inson e'tiqodsiz, din-u diyonatsiz yashashi amri mahol. Yurtimizda o'n olti diniy konfessiyaga mansub ikki ming ikki yuzdan ortiq diniy tashkilot faoliyat yuritadi. Bular islom, xristian, yahudiy, baho'iy jamoalari, Krishnani anglash jamiyati, Budda ibodatxonasi, Bibliya jamiyati va boshqalardir. E'tiqodlar qaysi konfessiyaga taalluqligidan qat'iy nazar, bir xil, emin-erkin faoliyat olib borish huquqlari ta'minlanganiga barchamiz guvohmiz.

Inson yaralgach, unga aql berilib, ongi charxlanib boradi, fikrlaydi, tasavvur qiladi hamda tafakkur yuritadi. G'oyalari, g'oyalardan esa manguilikka da'vogar mal'kurani yaratmoqchi bo'ladi.

Keksa va navgiron moziy guvohki, inson hech qachon dindan kuchli g'oya, dindan kuchli mal'kura yaratma olmagani. Yaratma olmaydi ham. Chunki dini inson yaratmagani. U mukammal g'oya, abadiy mal'kura, ilohiy kitobdir. Insonga esa e'tiqod xos bo'lib, u e'tiqodga tayanib yashaydi. E'tiqodki, odamiylikni, insoniylikni namoyon etsin.

Mana shuni yaxshi bilgan, aziz-u mukarram deya sifatlangan inson zotining ayro bir vakillari, ya'ni asl e'tiqoddan kechganlar, odamiylikdan yiroqlashganlar, odamsifat maxluqlar abadiy va mugaddas e'tiqod kitoblarini niqob qilib, o'z manfaatlariga moslab talqin qilish-gacha bordi. Manfaatlari sari yetaklovchi yo'lida g'arazli maqsadlariga erishishning puxta va soxta asoslantirilgan strategiyasini ishlab chiqdi va takomillashtirib

bormoqda. Bu strategiyaning asosini yoshlarimizning ongini zaharlash orgali ayni shu maqsadlarga erishish tashkil etadi.

Sodir etilayotgan teraktlarning aksariyat qismining ijrochilari yoshlar ekanligi taxminlardan ma'lum. Tayyorlanayotgan terrorchi va ekstremistlarning ko'pchiligini ham yoshlar tashkil etayotgani xavotirli holatdir. Bular biz e'tiborsiz qoldirayotgan, kelajagiga lozim darajada qayg'urmayotgan, keragicha himoya qilolmayotgan yoshlar. O'z vaqtida bandligini ta'minlab, to'g'ri yo'l ko'rsatmayotganimiz, oqibat voqelikni o'zimizdan soqit qilishga chirani, o'rni kelganda esa, tag'in ularga «adashganlar» deb tang'a bosayotganimiz – yoshlar...

Teraktlarning buyurtmachilari esa yoshi kattalar, kattalarki, «ulkan» marralarni ko'zlagan. Maqsadlari ham katta-katta, g'arazli, shu darajada g'arazliki, bir davlat chegarasiga sig'maydi, bir yoki ikki millat bilan chegaralanmaydi, kamida transmilliy, geosiyosiy vaznga ega. Bu kattalar deganda kazo-kazo insonlarni tasavvuringizga keltirib cheklanib qolmang, bunda katta-katta gegemon davlatlar ham bevosita ishtirokchidir. Ana o'shalarning maqsadlariga erishish yo'llari ham mukammal rejalar asosida qurilgan. Ularning mukammalligi shundaki, maqsadlari yo'lida eng avvalo inson ongiga ta'sir etadi. Bu maqsad yo'llari strategik unsur bilan mustahkamlangan. Strategiyaki, milliy axborot makonlarida o'z mavqelarini gegemon doirada o'rnatish, iqtisodni izdan chiqarish, energiya resurslariga, xalqaro transport yo'llariga, arzon ishchi kuchiga egalik qilish, hukumatlarni o'zlariga ma'qul bitimlar tuzish holatiga olib kelish, sarhad bilmas makon yaratish, xomashyo makoniga, kamyoab tabiiy resurslarga egalik qilish, mahsuloti uchun bozor bozori uchun xaridor topish. U shunday xaridorki, davlatlardagi haqiqiy davlat – «korporatsiyalar» qurol-yarog'ga ham doimiy buyurtmachil bo'lsin,

bu soha industriyasini ham qo'llab-quvvatlasin, to'xtab qolmasin. Chunki bugungi dunyoda eng katta daromad shu sohaga tegishli...

Mana shu kabirlarga erishish va davom ettirishning omili yoshlarni o'ziga og'dirish, ular ongiga ta'sir etish orqali chalg'itishdir.

Yoshlarning boyligi – ularning yoshligida, yolg'iz kamchiligi ham ularning yoshligidadir. Yoshlar – hi-moyaga muhtoj kuch, tizgindan chiqsa, eng vayronkor kuchdir. G'arazli maqsadlarga tiklayotgan investitsiya ham shuning uchun aynan yoshlarga qaratilgan, ularning jilovlanmagan, mehrga muhtoj, e'tiborga ehtiyojli kuchiga tikilgan...

Yoshlar deganda faqatgina yoshlar bilan cheklan-mang, tasavvuringizni keng quloch yoyib fikr qilishiga qo'yib bering va yoshlar deganda yosh, endigina oyvoqqa turayotgan yoki yillar davomida gegemon davlatlar to-monidan siqovga olinaverib, hech ham katta bo'la olma-yotgan davlatlarni ham qo'rqmay tasavvur qilavering, *demogchimiz*, xolos...

Yaratganing nazaridan qolmaylik...

XIVONAT

U aqlini tanibdik, el koriga kamarbasta edi. To'y-hashanda, ma'rakada deysizmi, elning xizmatiga doim hozir-u nozir edi. Kamtar va kamsuqum bo'lganligidan bironing uyi to'riga ham, davrasi to'riga ham aslo chiqmasdi. Umrlining oxiriga qadar ana shunday yashadi. El xizmatida bo'ldi. Ammo... Shu el unga xiyonat qildi. Uni o'ldirishdi...

Karimning to'yi bo'ldi. U o'ttizdan o'tib, ukasidan keyin uylandi. Ammo ko'z ostiga olib yurganiga uylandi. Qishloqdoshlari orasida «kelib-kelib shu qizga uylanbdimi?» – deganlari ham bo'ldi. Qiz ham roppa-ro-sa o'ttiz ikkida edi-da... Ustiga-ustak, jismoniy nuqsoni ham bor edi... Aytishlariga qaraganda, to'y anchayin qiziq o'tibdi. Borganlar «zo'r to'y bo'ldi o'ziyam», deyishdi. Qishloqdoshlarning rosa bitlari to'kilganmish. Bu gap-larni gap urchitish bo'yicha «qishloqda xizmat ko'rsat-gan»lar aytishganmish.

Mabodo kuzatgan yoki e'tibor qilib yurgan bo'lsangiz, xalq orasida «ko'zga ko'ringan kazo-kazolarning to'y-ha-shamlaridan ko'ra, kamsuqumgina, oddiygina odamlar-ning to'ylari qiziqarliroq bo'ladi», – degan gaplar bejizga emas. Men ularning bu fikrlariga yuz foiz qo'shilaman.

Jamiyatda o'tahol oilalar ko'pchilikni tashkil etadi, shundanmi yo o'zga asosmi, bilmadim, ana shu toifa-ga mansub kishilar bag'ri kengroq, saxovatliroq bo'la-

di nazarimda. Bu toifa kishilar o'z davralarida miriqib, yayrashadi. Shu kuni atay tuyg'ularga erk berishadi-mi-ey, har holda bir-birlariga mehriini ko'rsatib qo'yishadi; ya'ni bir-birlari bilan eng yaqinlari kabi samimiy suhbat qurishadi, hech qachon dilni ochmaganlari ham unisi bunisidan maslahat so'rab qolishadimi-yey, hatto bir-birlariga nasihat ham qilib qo'yishadi. Ha endi, bir goni jo'shsa kerak-da; to'y kuni bir-biriga mehlari tovlanib ketisa kerak, menimcha. Zero, bunday to'ylarda samimiy muhit hukmron bo'ladi, shu bois mezbou mehmoular behjolat, o'zlarini erkin tutishadi. Shu kuni o'ziga ham, boshqalarga ham ko'proq e'tibor qaratishadi. Nimasi yomon buning...

Shukhli, ammo nimasi bilandir mungli yor-yordan keyin davrani ochiq deb e'lon qilgan oqsogol avval O'lmas tog'aga so'z berdi.

— O'lmas aka, siz mehnatkash, halol insonsiz, sizga o'xshash insonlar ko'p bo'lsin, marhamat, yoshlarga niyatlarigizni bildiring, — dedi.

— Biz Karimbou bilan birga ishlaymiz, hammalaring bilasizlar, — dedi O'lmas tog'a oqsogolga bosh chayqab. — Men asli Karimning otasi bilan pachtu tengqurman. Otasi Badal aka bilan kurash tushib katta bo'lganmiz. Men o'zi yaxshi kurash tushaman, buniyam yaxshi bilasizlar. To'g'risini aytсам, qishloqda meni to'lka Badal aka kuragimni yerga tekizgan. Boshqasi tekizolmagan. To'g'rimi, Badal aka... Ha, endi u kishi urushdan kuchayib keldi. Qon kechib keldi-da. Unga qadar bizning qo'llarimiz teng kelardi. Badal aka urushdan chinigib, yanayam chayir bo'lib keldi. Lekin hozir Badal akani bir qo'lda olaman, o'ziyam biladi. Men soxta gapni yomon ko'raman. Ey, xotin-xalajlar biroz shovqin solmay turinglar-yey. Bu nimasi, gapirishgayam bermayapsizlar, tinch turinglar-ey... So'z bergan ekan, hurmat qilib, ti-laklarimni aytib olay, sabr qilinglar, qaynab ketayotgan bo'lsalaringiz ham...

Badal aka o'ziyam zo'r inson. Men qishloqda unchamunchani tan olmayman, bilasizlar. Mana g'o'zapoya vaqtida Badal akaga bir og'iz aytсам, umridan barakadan keltirish uchun. Endi g'o'zapoyaniyam deng, qishloqda eng ko'pi biznikiga tushadi-da, buniyam hamma yaxshi biladi. Gapirib yurasizlar, ko'p eshitganman. Ha endi, suvchi bo'lganimdan keyin xizmatimga yarasha g'o'zapoya olaman-da. Gaz ballon ham bor, trubaprovod gazimizam bor, shukur. Lekin oila katta, doshqozonga o't qo'ysang, ko'p o'tin ketadi. O'tin-da bu, mana bunday to'ylardayam gaz bilan bo'lmaydi-ku axir, himm... Mana qo'shim, hov Tolib, davradamisan o'zi? Dala desa, ish desa, jonning chiqadi, ishlaymaysan. O'tin kerak desa, ostonanda yotib olasan. Bizning g'o'zapoyani bir chetidan tortganing-tortgan. O'zi shu yerdamisan? Nega daming chiqmaydi, boy, Tolib, mayli, lekin ko'p ichma yana. Hammamni bezor qilasan tonggacha keyin.

— Huv oqsogol, bu O'lmas tog'a ja cho'zvordi o'ziyam. Hech bo'lmasa, kelin-kuyov haqida gapirsin-ey, bilimiz o'ziyam, g'o'zapoyasiniyam. Kim quyib berdi shu o'l-gurni O'lmas tog'aga, unaqamas-da endi, — deb davra ahli birvarakayiga shovqin-suron soldi.

Oqsogol O'lmas tog'aga bosh chayqab, imo qildi, qisqa qiling, degandek, ko'zlarini qisib qo'ydi.

— Ha endi, hamqishloqlar, kelin-kuyov haqida gapir-sak gapiribmiz-da, — kalovlanib yana so'z boshladi O'lmas tog'a. — Ikkelasiyam begona emas. Ko'z o'ngimiz-da unib-o'sishgan. Kelining otasi bilan ham ulfatmiz. Ha-ya, ulfat, nima dedingiz... beri keling-ey, men gapirayotganimda yonimda turing-da. Xullas, mening ikki yoshga tilaklarim ko'p, lekin sizlar qisqa qiling, qisqa qiling, deb qo'ymayapsizlar. Mayliga, qisqa qilsam, qilay... Boshlaring toshdan bo'lsin. Kelin sen kelgan joyingda

tosh qotgin. Uvali-juvali bo'linglar. Keyingi yil beshik to'y'i, hamma eshitsin, keyingi yildan kechikmasin...

Lekin bu artistlar kutib qoldi-a. Ana, Salim «medi-atr»ni torlariqa ishqab, rubobini «ingratib» boshladi. Endi navbatni san'atkorlarga beramiz. Ma'qulmi, oqsogol?

— Siz gapingizni tezroq tugating, o'zim bilib-bilib so'z beraman, san'atkorlarga.

Oqsogolga bosh chayqab, O'lmas tog'a yana so'zida davom etdi:

— O'rtoq san'atkorlar, ko'pam og'ir ashulalarni ayt-manglar, iltimos sizlardan. Tunov kungi to'yda «Mun-jo»ni yarim soat aytdilaring. Ha bu qishloq ahli, meh-monlar to'yga o'ynagani keladi. Yiglaganimas. Hoy, sen — Toshpo'latning o'g'li, bilamiz, o'zing ashulani yaxshi aytasan, o'sha televizorda chiqib aytayotgan «artistlar-dan ovozing ham, salobating ham ancha durust, xo'pimi, «uroven»ing ham durust ulardan, shirali ovozing ham bor... Mayli ko'p maqtavordim. Lekin sendan ham bugun bir iltimos qilmoqchiman. Menga qara eshit, Toshpo'lat-ning o'g'li, shu sendan yana bir bor iltimos, bugun o'sha kiyik haqidagi qo'shig'ingni aytna, xo'pimi? Ko'p eshit-ganmiz bu ashulangni, ona-bola kiyiklarni yodlab oldik desak ham bo'laveradi-a, nima dedilaring?

Davrada yana «qiy-chuv» boshlandi.

— Juda og'ir-da bu ashulang, axir bu to'y-ku. To'yda sho'x-sho'xidan aytinglar-da, bunday bir maza qilsin davradagilar... Oqsogol, sizdan uzr so'rayman. Bir qo-shiq qonimdan o'ting, sizning ruhsatingizsiz san'atkor-larga navbat bervordim... Qani san'atkorlar boshlang-lar-ey, mana mikrofon, marhamat.

Lekin, baribir, to'y mumtoz navolar bilan boshlandi. Keyin sho'xlariqa ulandi. Qishloqdagi yigirma sotixlik ekinzorning qoq o'rtasidamasmi qurilgan davra, suv se-pilganiga qaramasdan, birpasda changib keldi. Uning ustiga, hamma bilganicha o'ynaydi, to'g'itirog'i, bilgani-

day sakraydi, desayam bo'laveradi. Ikki raqqosa tinmay davra aylanib, erkaklarga yanayam ilhom ulashadi. Bu erkagi qurmag'urilar ham terlab-pishib ketguncha sak-raydi. So'ng musiga to'xtadi. San'atkorlar biroz tin oldi. Oqsogol mikrofonni yana qo'lga oladi. Oqsogol negadir sunnat to'yiga mos bir she'rni shoshib aytdi-da:

— Endi so'z Karimboy ukamiz va Qo'zigul singlimiz-ning, ya'ni kelin-kuyovlarning sinfdoshlariga, — deb, yana ota-ona haqidagi bir she'rni ilova qilib, mikrofonni kelin-kuyovning sinfdoshlariga berdi.

Qorachadan kelgan, quyosh tafida yanayam qoray-gan kuyovjo'raning yuzi ichga kirgan «shayton suv»ning ta'sirimi, bilmadim, yanayam qorayib, qizarib ketgandi. Kuyovjo'ra so'zni salomdan boshladi:

— Bizlar Karimboy do'stim bilan bir sinfda o'qiganmiz. Men maktabda sakkiz yil o'qigan bo'lsam, Karimboy o'qishga ikki yil kelgan, keyin kelmay qo'ygan. Shunday bo'lsa ham, baribir, sinfdoshmiz-da. Otasining erkasi bo'lganmi yo boshqa boismi, bilmadim. Biz keyin uchi-lishda o'qidik, Karimboy do'stimiz maktab shahodatno-masini oldi-yu, uchilishdayam o'qimadi. Men yigirma yoshimda uylanganman, hozir o'g'limning bo'yi Karim-boyning bo'yiga teng. Bu Karimboyini uylanishga zo'rg'a ko'ndirdik, nimalar demadik, buni uylanishga rozi qilish uchun. Ha endi, kami qolmadi-da, o'ziyam o'ttiz to'rtga chiqdi, biz ham... Ota-onasiyam, mana bu xola-tog'am-lar ham charchab ketdi gapiraverib... Xullas, men nima demogchiman. Karimboyning to'yini ko'rish ham nasib qildi hammamizga. Karimboy do'stim, ilohim kelasi yil beshik to'ylaringda xizmatda bo'laylik. Bolalaring ko'p bo'lsin. Sunnat to'ylarda yoningda turaylik...

Raisbobo, gulbazzmiga takliflar bor, keyin ruhsat ber-sangiz...

Kelin dugona ham noz-u karashma ila suzildi-da, so'zni she'r bilan boshlab, kelinning yaqin dugonasi

ekanligini ta'kidlab (bugunni hisobga olmaganda, aslida sira dugona bo'lmagan bo'lsa ham), kelinni rosa maqtab, so'zini yana she'r bilan yakunladi.

Mikrofoni olar ekan, oqsogol bir she'r ilova qildi so'ng:

– Kelin-kuyovning do'stlari, sinfdoshlari, gulbazmi bo'lmaydi. Eshitib olinglar, ikki quloqlaring bilan. Taklif bo'lyapti emish. Birinchidan, sizlar ja o'n sakkiz, yigirma yosh emassizlar, endi bir-birlaringga she'r aytgani. Ko'pchiligini bolalaringni bo'yi yetib qolgan, ana, kuzatib turibdi senlarni davrada. Ikkinchidan, Erkinning to'yini eslanglar, ha, nimalar demadilaring, bu zabonim bor, deb. Mana shu davrada bor o'sha kuni she'r aytganlar, eshityapsizlar-a sizlar ham... Sen Shavkatning o'g'li, Toshkentda o'qiydiganimisan?!

– Yo'q, men Samarganda o'qiyman.

– Qani Toshkentda o'qiydigan akang, Sanjarmidi? Ha, ozg'indan kelgan, novchasi, Sanjarmi o'sha? Qani Sanjar?!

– Toshkentga ketgan. O'qishi boshlandi.

– Ha endi bu kishim katta joyda o'qiydi-da, shuning uchun «allambalo», biz bilmagan she'rlarni topib keladi. Erkinning to'yida hammangiz eshitingiz-a, Sanjarning mehmon qizlarga qarata nimalar deb she'r aytganini. O'zi bu bola qaydan topadi bu gaplarni. «Ivan» dedimi-yey, «devan» dedimi, «seminiz o't» dedimi-yey... Mehmonlarning hurmati yo'qmi, qishloqning to'yiga mehmon bo'lib kelgan-ku axir shu qizlar, bu nima degan gap, qishloqning obro'yi bor o'ziga yarasha, o'zlarining hurmat qilmasalaring ham, shu qishloq ahlini hurmat qilinglar. Axir bunday bir o'ylab ko'ringlar, endi nima deb gapirib yurishadi-a o'sha mehmonlar. Falon qishloq odamlarining madaniyati yo'q ekan, tarbiyasi yo'q ekan, kattalari ham yoshlarga qo'shib, bema'ni, deyishmaydimi? Shuning uchun bugun «gul bazmi – pul bazmi»

bo'lmaydi. Yana bir marta ikki quloqlaring bilan eshitib olinglar. Kelin-kuyovning do'st-u birodarlari, oldimga «qipillab-jilpillab» kelavermanglar... Marhamat, navbat yana san'atkorlarga. Hoy, o'rtoqlar biroz tartib bilan o'ynanglar, endi guda-andalar ham o'ynasin-da.

Qo'shiq ketidan qo'shiq ulanib, sho'x-sho'xlari bo'ldi, o'zbekcha-tojikcha-yu, «Belsie rozas»i ham talablarga ko'ra ikki-uch aytili. Tun allamahal bo'ldi.

Hansirab qolgan oqsogolning ovozi, qaltirab-qaltirab yangradi:

– Bolalarga shokolad shirin, yana kimgadir o'yin-kulgi shirin, bizlarga qolsa tongga qadar o'yin-kulgi qilaveramiz, lekin, birodarlar, kelin-kuyovga go'shanga shirin, – dedi.

Gulduros garsaklar chalindi, qiyirig'lar bo'ldi, og'izlar cho'chchayib, hushetaklar chalindi. Biroz kayfi oshganlari esa, hushetakni qo'shiqday chalib yubordi. Oqsogolga-yam bu holat yoqib ketdi. Oqsogol zo'r gap gapirganday, bir-ikki bor tomoq qirib oldi va salmoqlanib dedi.

– To'y bo'lsa shuncha bo'ladi-da, endi yor-yorni chal, yor-yorni ayt, – san'atkorlarga yuzlandi u, – kelin-kuyovni go'shangaga kuzataylik-da, keyin bu yog'ini ko'ramiz.

Mezbon-mehmonlar, davra ahliga bu gap yoqib ketdi. Yor-yor ostida kelin-kuyov kuzatib qo'yildi.

– Yana bir juft sho'xidan ayinglar, mayli talablar bo'lyapti, davradagilar xafa bo'lishmasin. Badal aka-ni ostonasidan hech kim xafa bo'lib ketmagan shu kungacha, faqat bir juft, ko'p emas, so'ng tugatamiz, – dedi oqsogol.

Yana chapak chalindi, qiy-chuv bo'ldi, davra ahliga bu taklif yoqib tushdi. Sho'x musiq boshlanishi bilan qo'lini ikki tomonga beixtiyor yoya boshlagan oqsogolning qo'llaridan kimdir sigib ushladi. Beliga bog'langan bir juft zar belbog' usidan yana bir zar belbog' bog'landi. Yelkasiga ham qimmat to'n tashlandi. So'ng oqsogol

ekanligini ta'kidlab (bugunni hisobga olmaganda, aslida sira dugona bo'lmagan bo'lsa ham), kelinni rosa maqtab, so'zini yana she'r bilan yakunladi.

Mikrofoni olar ekan, oqsogol bir she'r ilova qildi so'ng:

– Kelin-kuyovning do'stlari, sinfdoshlari, gulbazmi bo'lmaydi. Eshitib olinglar, ikki quloqlaring bilan. Taklif bo'lyapti emish. Birinchidan, sizlar ja o'n sakkiz, yigirma yosh emassizlar, endi bir-birlaringga she'r aytgani. Ko'pchiligini bolalaringni bo'yi yetib qolgan, ana, kuzatib turibdi senlarni davrada. Ikkinchidan, Erkinning to'yini eslanglar, ha, nimalar demadilaring, bu zabonim bor, deb. Mana shu davrada bor o'sha kuni she'r aytganlar, eshityapsizlar-a sizlar ham... Sen Shavkatning o'g'li, Toshkentda o'qiydiganimisan?!

– Yo'q, men Samarganda o'qiyman.

– Qani Toshkentda o'qiydigan akang, Sanjarmidi? Ha, ozg'indan kelgan, novchasi, Sanjarmi o'sha? Qani Sanjar?!

– Toshkentga ketgan. O'qishi boshlandi.

– Ha endi bu kishim katta joyda o'qiydi-da, shuning uchun «allambalo», biz bilmagan she'rlarni topib keladi. Erkinning to'yida hammangiz eshitingiz-a, Sanjarning mehmon qizlarga qarata nimalar deb she'r aytganini. O'zi bu bola qaydan topadi bu gaplarni. «Ivan» dedimi-yey, «devan» dedimi, «seminiz o't» dedimi-yey... Mehmonlarning hurmati yo'qmi, qishloqning to'yiga mehmon bo'lib kelgan-ku axir shu qizlar, bu nima degan gap, qishloqning obro'yi bor o'ziga yarasha, o'zlarining hurmat qilmasalaring ham, shu qishloq ahlini hurmat qilinglar. Axir bunday bir o'ylab ko'ringlar, endi nima deb gapirib yurishadi-a o'sha mehmonlar. Falon qishloq odamlarining madaniyati yo'q ekan, tarbiyasi yo'q ekan, kattalari ham yoshlarga qo'shib, bema'ni, deyishmaydimi? Shuning uchun bugun «gul bazmi – pul bazmi»

bo'lmaydi. Yana bir marta ikki quloqlaring bilan eshitib olinglar. Kelin-kuyovning do'st-u birodarlari, oldimga «qipillab-jilpillab» kelavermanglar... Marhamat, navbat yana san'atkorlarga. Hoy, o'rtoqlar biroz tartib bilan o'ynanglar, endi guda-andalar ham o'ynasin-da.

Qo'shiq ketidan qo'shiq ulanib, sho'x-sho'xlari bo'ldi, o'zbekcha-tojikcha-yu, «Belse roza»si ham talablarga ko'ra ikki-uch aytili. Tun allamahol bo'ldi.

Hansirab qolgan oqsogolning ovozi, qaltirab-qaltirab yangradi:

– Bolalarga shokolad shirin, yana kimgadir o'yin-kulgi shirin, bizlarga qolsa tongga qadar o'yin-kulgi qilaveramiz, lekin, birodarlar, kelin-kuyovga go'shanga shirin, – dedi.

Gulduros garsaklar chalindi, qiyirig'lar bo'ldi, og'izlar cho'chchayib, hushtaklar chalindi. Biroz kayfi oshganlari esa, hushtakni qo'shiqday chalib yubordi. Oqsogolga-yam bu holat yoqib ketdi. Oqsogol zo'r gap gapirganday, bir-ikki bor tomoq qirib oldi va salmoqlanib dedi.

– To'y bo'lsa shuncha bo'ladi-da, endi yor-yorni chal, yor-yorni ayt, – san'atkorlarga yuzlandi u, – kelin-kuyovni go'shangaga kuzataylik-da, keyin bu yog'ini ko'ramiz.

Mezbon-mehmonlar, davra ahliga bu gap yoqib ketdi. Yor-yor ostida kelin-kuyov kuzatib qo'yildi.

– Yana bir juft sho'xidan ayinglar, mayli talablar bo'lyapti, davradagilar xafa bo'lishmasin. Badal aka-ni ostonasidan hech kim xafa bo'lib ketmagan shu kungacha, faqat bir juft, ko'p emas, so'ng tugatamiz, – dedi oqsogol.

Yana chapak chalindi, qiy-chuv bo'ldi, davra ahliga bu taklif yoqib tushdi. Sho'x musiq boshlanishi bilan qo'lini ikki tomonga beixtiyor yoya boshlagan oqsogolning qo'llaridan kimdir sigib ushladi. Beliga bog'langan bir juft zar belbog' usidan yana bir zar belbog' bog'landi. Yelkasiga ham gimmat to'n tashlandi. So'ng oqsogol

qo'llarini yanada baland ko'tardi. Badal akani o'yinga chorladi. Imo qildi, Badal aka o'ynamadi, oqsogol yana imo-ishora qildi Badal aka baribir o'ynamadi. «Shay-ton suvning ta'siri oqsogolning gonini jo'shtirayotgan, unga kuch va shijoat berayotgan edi. U sharta Badal akaning qo'lidan tutib, davraning to'riga sudraganday qilib olib bordi, uni o'ynashga majbur qildi. Badal aka ham majburan o'ynab ketdi, hech o'ynamagan ekanmi, rasmana raqsga tushmagan bo'lsa-da, har hol-da o'ynaganday bo'ldi; raqsga yaqin harakatlari qildi. Bir juft qo'shiqqa yana bir juft ulandi, so'ng ikki juft qo'shiqqa yana qo'shiq ulandi... Va nihoyat, davradagilar istamaygina tarqalishdi. Xullas, to'y nihoyasiga yetdi...

* * *

Karim oilada to'ng'ich farzand. Undan oldin tug'ilganlari turmadi. Avval tug'ilganlari loaqal bir-ikki kun ham yashamadi. Turmagan farzandlari bilan hisob qilganda, to'rtinchi bola bo'lgan. Karimjonga Xudoning karami degan ma'noda Karim ismini berishdi. Undan oldingi chaqaloqlarga hatto ism qo'yishga ham ulgurishmagan edi.

Karim bolaligidan boshqa tengqurlaridan ajralib turar edi. U odamovi, xayolchan, doim nimalarnidir o'ylab yuradiganday edi. Ba'zida xuddi dunyoni g'amini ko'tarib yurganday horg'in ko'rinar, bu ham yetmaganday bo'lalikdan «u» tortish odati bor edi. Bu odatni qancha erta o'zlashtirgan bo'lsa, aksiga olib, tarki odat ham shuncha cho'zilaverdi. «Uf tortma» degan tanbehlarini bot-bot eshitavergach, bu odatidan to'la voz kecha olmasa-da, chuqur nafas olib, xo'rsinib qo'yardi. U «u» tortish odatini endi chuqur nafas olib, kuchli nafas chiqarish odatiga o'zgartirdi.

Ota-onasigayam erkalik qilishni xushlamasdi. Devyurli o'yinchoq ham o'ynamasdi. Otasi erkalar mahbusiga o'tqizib, aylantirib kelish maqsadida tuman markaziga olib borganida ham, gapirmay borib, bir so'z demay qaytib kelardi. Otasining savollariga bazo'r javob qaytarardi. Otasi muzqaymoq olib bergan paytlaridayam indamay muzqaymoqni olib, xushlamaygina yerd. Xursand ham bo'lmadi. O'zicha biror narsa olib bering, deb so'ramasdiyam. Agar o'yinchoqmi yoki boshqa biror nima olib berisha, qiziqib o'ynamasdi. Lekin bir marta Badal aka uni o'zi bilan shahar markazidagi uy-ro'zg'or buyumlari sotiladigan do'konga olib borganida, u yosh bolalarga mo'ljallangan belkurak, ketmon, xaskash, panshaxa kabilariga qiziqsinib qarab qoldi. Buni sezgan Badal aka o'g'luga ularning har biridan bittadan olib berdi. Bu sovg'alari Karimga judayam yoqdi. U birinchi marta o'ziga olib berilgan narsalarni astoydil o'ynadi. Aynan shu narsalar bilan vaqt o'tkazadigan bo'lib qoldi. Badal aka ham bundan mamnun bo'ldi, o'zicha o'g'lim o'zgardi deb qo'ydi... Koski uning fe'i o'zgarasa, mehnatga erta mehr qo'ydi xolos. Endi undagi odamovilik yanayam kuchaydi. Ko'pchilikka qo'shilmaydigan, ko'pchilikni xushlamaydigan «dehqon»cha bo'ldi-qoldi. Ekin ekitladigan yerning bir chetidan o'ziga mo'jazgina joy ajratib oldi. O'sha joyga kichik-kichik jo'yaklar tortdi, tortilgan jo'yaklarga kat-talarday razm soladigan, jo'yakning egri joylarini qay-ta-qayta tuzatib qo'yadigan bo'ldi. Badal akaga aytib pomidor, bodring, qovoq va hokazo ko'chatlardan olib kelirib, mo'jazgina yeriga ekinlar ekti. Badal aka uni Brigadbobo deb chaqirar edi.

Onasi kunda «nima qilarkin», deb, yaxna choyni bankaga solib, o'g'lining ishlab turgan ekinzoriga olib borardi. O'g'il ham buni tabiiydek qabul qilib, choyni ho'plab-ho'plab, jo'yakchalar oralab, ko'ziga xunuk ko'ringan ke-

saklarni urib-urib qo'yadigan, ketmonchasi orgasi bilan kesaklarni maydalaydigan bo'ldi.

Karim ana shunday tarzda yerga ishlov berishga odatlandi. Yerga mehr qo'ydi. Maktabga borishga esa unda hech ham qiziqish uyg'otmadi. Ikkinchi sinfni istastamas tamomladi-yu, maktabga bormayman, deb turib oldi. Ota-onasi necha marta uni qo'ldan yetaklab, majburlab maktabga olib borib qo'yishdi. Karim esa darsdan qochib kelaverdi.

— Mayli otasi, qo'ying, Karimjon maktabga bormasa, bormay qo'ya qolsin, shu maktabga hech ham xushi yo'q bolamning, — dedi onasi. — Dars kirarmidi kallasiga, negadir maktabdan shu qadar bezganki, maktab desa zirillaydi bolam bechora. Hech tushuna olmadim, bir muddat maktabga bormay uyda yursin-chi, balki bir kun zerikkanidan o'zi maktabga boramanga tushib qolar, — dedi bir kuni onasi.

— Hoy xotin, maktabga bormaydigan bo'lsa, bu bolang savodsiz bo'lib qoladi-ku axir. Bir oilaga bir savodsiz yetadi. Mana, seni aytapman-da. Sen ham axir uch-to'rt yillik maktabniyam chala tamomlagansan. Savodning ham o'zingga yarasha. Yaxshiyam paxta dalalarida ishlab, egat sanab, ozmi-ko'pmi hisobni o'rgangansan, lekin hanuzgacha biror vogeani gapirsang, falon qovun pishig'i mahali, deysan. Yozuv-chizuvni-ku aytmasa ham bo'laveradi. Endi Karimni ham o'zingga o'xshatmoqchimisani? Men ham ko'p savodli emasman-u, armiya ko'rib, jang ko'rib, Gernonni ko'rib, dunyo kezib bir nimalarni oz-moz o'rgandim. Lekin Karimni savodli odam qilishimiz kerak... Biroq bunga o'zim ham hech ishongim kelmaydi. Senga bilmadim, qanday-ku, lekin menga negadir... Karim sal g'alatiroq tuyuladi. Odamovi. Maktabgayam menimcha ko'pchilikni xushlamaganligi sabab bormayapti, shekilli. Ko'rding-ku, o'rtoqlari kelsa, uyga kirib berkinib oladi. Ularniyam yoqtirmaydi. Yana had-

dan ortiq tortinchog, to'g'ri bu xakteri menga tortgan, lekin Karimda bu odat haddan ziyod-da... Ishqilib, oxiri baxayr bo'lsin-da, xotin.

— Gapingizni shamol uchirsin, yaxshi niyat qiling-yey otasi. O'g'limiz hali hamma havas qiladigan, esli-hushli, mo'min-qobil, mehnatkash va mehribon yigit bo'ladi.

— Mehnatkash bo'ladi deysanmi? Ana shundan xavotirdaman-da. Tortinchog, davraga qo'shilmaydigan, faqat bosh ko'tarmay mehnat qiladigan, odamovi bo'lib qolmasaydi ishqilib.

— Hoy, yaxshi niyat qiling, Xudoning o'zi bir yo'l ko'rmatur, vahima qilavermang ko'pam, otasi...

— Bilmadim, xotin, bilmadim. Baribir shundan xavotirdaman. Bir-ikki marta qo'ni-qo'shnilarining ham pichirlab, Karim haqida gapirayotganlarini eshitib qolganman. Lekin eshitmaganlikka solganman o'zimni. Rosti, bu gaplar meni ko'p o'ylantirayapti.

— Nima deydi shu qo'shnilar, elchilikda... elak tutib bo'larmidi, og'ziga kelganini gapiraverishadi. O'zlarining bolalariga xojayinchilik qilsin ularingiz. Yo oshirib qo'ygani joylari bo'lsa ayvishsin, bilib olaylik. Xuddi o'zlarining bolalari bekam-u ko'stday, bironing bolasini g'iybat qilishlariga balo bormi? Yaxshiyam hali o'n yoshga kirgani yo'q bolam. Bilmadim, kattaroq bo'lsa, nima gap chiqarishar ekan bu qo'shnilarimiz. Ayolini ayol desa, erkaklari ham ayollardan o'tib tushadi-ya bularning...

Men ham tunov kun maktabga Karimjonni yetaklab borayotgandim, qo'shnimiz Asrorboy gapirib qoldi. Maktabga borgisi kelmasa, nima qilasiz sudraganday qilib olib borib, maktabda bolalar Karimni mazax qilishar ekan «ikkichi» deb, deydi. «Asrorboy, siz o'zingizni biling, bironing bolasi bilan ishingiz bo'lmasin, hali shu mazax qiladigan bolalarni ko'ray-chi, bir adabini berib qo'yanman. Keyin bilishadi, bironing bolasini ma-

zax qilish qandayligini», – dedim. Ana ishonmasangiz, o'zingiz so'rang Asrorboydan. Ko'nglim qolib ketdi shu odamdan. Karimjonning sunnat to'yida o'tiruvdi to'rga chiqib olib, uch kunlab uyimizdan qadami uzilmay. Mening bolamni «polvon bola-polvon bola» deb. Endi gapini qarang, bu kishini... Maktabga bormasa bormadi. Nima bo'libdi shunga, osmon uzilib, yerga tusharmidi? O'qish-yozishni, sanashni bilsa bo'ldi-da. Raispolkom bo'larmidi?! O'zi-chi, shu Asrorboy ham mendan 4 yosh katta bo'lgani bilan bir yil bir sinfga borganmiz. Hozirgi machit o'rnidagi maktabga, siz ham yaxshi bilasiz, siz ham qoyillatib o'qimagandirsiz. Meni savodi yo'q, savodi yo'q deysiz, xuddi o'zingiz qoyillatganday. Asrorboy ham na o'qishni o'rgangan, na yozishni, yig'lab o'tirardi. Ko'p yig'layverganidan rahmati onasi O'jamol opa har kuni kelib, dars tugamay, olib ketardi. Endi bu kishining tili bir qarich, boshqalarga aql o'rgatadi.

– Bo'ldi qil-ey. Shu gaplarning mavridimi?! Har kimni-ki o'ziga. Men Karimning kelajagidan xavotirdaman, de-yapman senga. Boshqalar bilan mening ishim yo'q. Xuddan so'rab olganim, uning aqlida biror kamchilik bo'lmasin deyman-da. O'qish-yozishga sira tobi yo'q... Shundan xavotirdaman. O'qish-yozishdan nega buncha bezgan? Chayondan, ilondan qochganday gochadi-ya o'ziyam. Yo sening avlodingda bo'lganmikan shunday odat?!

– Hadeb meni kamitishga harakat qilmay, o'zingizni avlodingizni biling avval.

– Nima qilibdi mening avlodimga. Qani ayt-chi?!

– Aytaman-da, mening avlodimni gapiraverganigizga. Mening bobolarim kuchli qori-mullalar o'tishgan, bilasiz. Otamni bilmaganday gapirasiz-a... Otam katta mulla, eshitib qolsa shu gapingizni, ko'radiganingizni ko'rasiz. Boshqa gapirmang bizning avlodni, gapirman desam menda ham gap ko'p. Ichim to'la dard. Karimjonimdan oldin uch bolamni yer bag'riga topshirdim.

Uchalasi ham yorug' olamda aqalli uch kun ham yashamay ketishdi.

– Bo'ldi, bo'ldi, sen bilan hazillashib ham bo'lmaydi, darrov boshlaysan diydingini...

– Hazilingiz qursin sizning. Boshqa bunday hazillashmang. O'zi ota-onam ham meni deb sigilib yurganlari yetib ortadi. Kamiga yana siz ularni gapirasiz.

– Qo'y, bilasan-ku, xotin, zahrimni senga sochaman-da, alamimni sendan olaman... kinga ham aytaman dardimni?! Men ham to'rt yil qon kechdim, yana to'rt yil vayron bo'lgan shu davlatni qayta quramiz, deb uydun olislarda harbiyda bo'ldim. Uyg'a eson-omon, sog'-salomat kelib, oila qurdim. Shuncha chekkan azoblardan keyin rohatda yashayman, desam, ko'rib turibsan... Aytinganday avvaliga uch farzandimiz turmadi. Balki... Bu men jang maydonida otib tashlagan fashistlar uchun xunmikan yo men o'ldirgan odamlar uchun Xudoning jazosidir. Karim ham risoladagidek o'smayapti, bularning bari mening gunohlarim uchunmikan?.. Kecha-kunduz shular xayolimdanda ketmaydi...

– Qo'ying-yey, otasi, o'zingizni aybdor qilmang, Xudoning xohishi shu ekanki, o'zi berdi, o'zi oldi farzandlarimizni. Karimjonni berdi, shukur qiling, yana berar nasib qilsa, nemisni o'ldirgan bo'lsangiz, urushda o'ldirgansiz, Vatan uchun, tinchlik uchun o'ldirgansiz. Men bir savodsizman-u, lekin, menimcha, bu gunoh bo'lmasa kerak... Xudoning o'zi kechirsin yanayam...

– Qaydam, aytganingday, Xudoning o'zi kechirsin, ishqilib. Shunga majbur bo'lganmiz-da. Bo'lmasa bizning tushimizga kiribdimi, urush degani. Oti o'chsin uni. Xotirandan chiqarib yuboray deyman-u sira ilojini topmayapman. O'zi buning iloji ham bo'lmasa kerak...

Badal aka chuqur o'yg'a toldi. Oraga sukut cho'kdi. Og'ir va dligir sukut er-xotinini bir muddat o'z domiga tortdi...

Xosiyat opa ko'z yoshlarini ro'moli uchiga artdi-da, ko'z qiri bilan eriga qarab qo'ydi. Badal aka hamon bir nuqtaga termilganicha o'y surardi. Xosiyat opa choy so-vib qolganini vaj qilib, choynakni ko'targanicha oshxona tomonga ketdi. Badal aka bunga e'tibor ham bermadi. Qaydan ham yana urush xotiralari yodiga tushib ket-di. Oqibarda yana shum o'tmish uni ta'qib qila boshla-di. Yana yolg'iz qolgisi kelib ketdi. Xosiyat opa bunday damlarda nima qilishni yaxshi bilardi. Shuning uchun choyni yangilash bahonasida Badal akani yolg'iz qol-dirdi-da, o'zi ham oshxonaga kirib, yig'lab-yig'lab, biroz ko'nglini yumshatib oldi...

Badal aka 1940-yilning bahorida yigʻitlik burchini ado etish uchun otlandi. Harbiy xizmatni Belorussiya-d oʻtayotgan edi. Oʻsha mashʼum kun, yaʼni, 1941-yilning 22-iyuni uning orzu-umidlari va rejalarini butkul barbod qildi. Kelajagini u tasavvur qilganidan tamo-man boshqa tomonga oʻzgartirib yubordi. U yigʻa qay-tishiga atigi sakkiz oy qolgandi. Qurol doshlar qatori u ham birinchilardan boʻlib jangga otlandi. Maxsus tay-yorgarliksiz dushmaniga peshvoz chiquvchilar safga ki-ritildi. Rossiya, Belorussiya, Ukraina tuprogʻida boʻlgan janglarda omon qoldi. Koʻksiga orden, medallar taqildi. Qancha-qancha hamyurtlari, safdoshlari, qurol doshla-ridan ayrildi. Uch mingga yaqin qurol doshlarining 46 nafarigina omon qoldi.

Badal akani Yaratganning o'zi asradi. 1942-yil sentyabrda jangda ularning bataloni qaqshaqich zarbagach uchradi. O'q yomg'irdan qutulish amri mahol edi. O'q shunday yog'lardiki, go'yo har bir qarichga bittadan tushayotgan edi. Dushman pistirmadan turib, dam

ogʻir artileriyadan, goʻh samolyotdan bomba tashlardi. Sovet qoʻshinida sarosima yuzaga keldi. Keyin dushman tanklari va katta piyoda qoʻshinini ishgʻa soldi. Sovet bataloni yetti kilometr masofaga chekinishga majbur boʻldi. Chekinish paytida ham batalon katta talafot bilan mudofaa chizigʻini bir amallab saqlab qoldi. Qattiq jang boʻldi. Jangning uchinchi kuni dushman qoʻshinining qoʻli yana baland keldi. Qolgan-qutgan askarlar keyingi chiziqqa chekinishga ruxsat oldi. Endi tomonlar piyoda qoʻshinlarining chinakam muhorabasi, qoʻl jangi boshlandi. Dushmanning bir qism qoʻshini bizning askarlarni aylantib oʻtib, orqa tarafda ham hozir boʻlgandi. Bata-lon qurshovda qoldi.

Qo'shimcha kuchning kelib qo'shilishiga esa o'n bir-o'n ikki soatcha vaqt talab etilardi. Yagona chora esa, orqa tarafdin o'rab olgan dushman qo'shinini yorib o'tib, qo'shimcha kuchlarga qo'shilish edi. Bundan boshqa yo'l yo'q... Dushman qurshovini yorib o'tish ko'rsatmasi berildi. Qo'shimcha kuchlarga birikkan holda dushmanga qarshi hujum uyushtirildi. Har bir o'qni tejash, yak-kama-yakka jangga hozirlik ko'rishga buyruq berildi. Jang qariyb yetti soat davom etdi. Dushman ham yetti soatlik jangdan keyin tavakkalga qo'l urmadi. Dushman razvedkachilari yaqinlashib qolgan qo'shimcha kuchlarimiz haqidagi xabarini bergan shekilli, kam sonli sovet butaloni, ya'ni omon qolgan va qat'iq qarshilik ko'rsatib, chekinayotgan askarlar oxirigacha ta'qib etilmadi. Natijada sovet qo'shinini aylantib o'tib, qurshovga olgan dushman qo'shini ham katta talafot ko'rdi.

Harga-ay, qo'shimcha kuch belgilangan vaqtdan er-
taroq yetib keldi. Bu paytga kelib, qurshovdagi batalon
katta yo'qotishga uchrab, uning bir necha yuz askarigi-
na jon saqlab qolgandi. Ular orasida beli va chap oyog'i-
dan o'q yegan Badal aka han bor edi.

Shu jangda Badal aka qattiq yaralangan bo'lsa-da, yakkama-yakka jangda to'rt nafar dushmani yer tish-

latdi. Ularning biri anchayin yosh bo'lib, ko'ksiga qadalgan avtomat pichog'ini ikki qo'llab ushlaganicha jon berdi. Bu holat Badal akaning ko'zlarida qotib qoldi. Ana shu voqea umrining oxirigacha uni ta'qib qilib keldi. Ayniqsa, urush tugagandan keyin bu holat tez-tez takrorlanadigan bo'ldi. Urush yillarida u ko'p dushmanlarni o'ldirdi, lekin aynan mana shu voqea unga qattiq ta'sir etgan edi. Tushlarida ham o'sha yoshgina nemis askarini ko'rib chiqardi....

Badal aka Belorussiyadan to Reyxstaggacha bo'lgan yo'lni bosib o'tdi. Jangda yana bir bor jarohatlandi. Uni yana Yaratganning o'zi asradi.

Urush tugagandan keyin ham yana uch yil vayron bo'lgan o'lkalarni tiklashda ishtirok etdi. 1948-yilda, qariyb to'qqiz yil deganda, tug'ilib o'sgan qishlog'iga qaytib keldi. Qaytib keldi-yu, xotira baribir xotirahigicha qolaverdi. Ba'zan o'sha mash'um xotiralar o'z kuchini ko'rsatardi...

Gohida tunlari qo'rqib uyg'onar, safdoshlarining siymosi, ayniqsa qo'lida jon bergan tojik yig'itning omonat gapi bot-bot eshitilardi. Uylanganidan keyin esa, kechalari tushida muttasil gapirib chiqishi va cho'chib uyg'onishlaridan xotini oldida ko'p xijolat bo'lardi. Xosiyat opa ham avvaliga bu holatga o'rgana olmadi. Vaqt o'tishi bilan asta-sekin ko'nikib qoldi. Boshqa nimayam qila olardi, deysiz...

Badal aka chin ma'noda e'tiqodli odam edi. Shuning uchun o'zi yer tishlatgan dushmanlar haqida o'ylab, ba'zan xayoli qochganda, uch farzandining turmaganligi, Karimning ham oddiy bolalardek unib-o'smayotganligini ko'rib, buning bari urushdagi xunrezlik uchun to'lovni, degan xayollarga borardi va ich-etini kemirib yurardi. Lekin hech kimga ichidagilarni bildirishni lozim ko'rmasdi.

Ba'zan yoshlar urush haqida hikoya qilib berishini so'raganlarida ham nimalaridir bahona qilib, gapni

burib yuborar, bu haqda gapirib, yarasini yana yangilashni istamasi...

Badal aka urushdan keyin vayronalarni tiklash ishlari yul mashinasini boshqarishni o'rgandi. Shu mashinasi qariyb to'rt yil xizmat qildi. Eh-hye, u qancha-gancha yuklarni manziliga yetkazmadi deysiz. Polsha, Ukraina, Belorussiya yerlarini besh qo'liday bilib oldi.

Ana shu tajribasi tufayli uyiga qaytgandan keyin ham unga kolxozdagi yul mashinasini birlashtirib qo'yishdi. Kolxozning paxtasi bormi, bug'doyi bormi, chorvasimi Badal aka manzilga yetkazadigan bo'ldi. Ana shu haydovchilik kasbi bilan el orasida obro' ortirdi. Ko'pni ko'rgan, kamsuqum va oliyanob fazilati odam bo'lgani uchun qishloqdoshlar ham, brigada va kolxozdagilar ham uni e'zozlashardi.

Badal aka ishga sho'ng'ib ketdi. Chunki u mehnatda suyagi qotgan inson edi.

Vaqt shunday o'tib borardi. Sabr qilgan oltin topibdi, deganlariday, Badal aka va Xosiyat opa yana to'rt farzand ko'rishdi. Xullas, endi ularning besh farzandi bor edi.

Karim ikkinchi sinfdan keyin maktabga bormadi. U kattalardek tomorgada ishlay boshladi. Badal aka olib bergan uskunalarini bilan yerga ishlov berishga ko'ngil qo'ydi. Bu davrda Badal aka qir-adir tomonga – kolxoz cho'ponlariga oziq-ovqat, chorva uchun yem-xashak va boshqa kerakli narsalarni yetkazib turardi. Qo'yilar qo'zlaydigan mahallalarda deyarli har hafta cho'ponlar ham bir-ikkita sag'ir qolgan qo'zini berib yuborar. Karim esa otasi olib kelgan ana shu qo'zilariga mehr bilan qarardi. «Agar men qo'zilariga yaxshilab qarasam, parvarish qilsam, otam meni maktabga borishga majbur qilmaydi», deb o'ylardi u. Ana shunday o'y-xayollarda

Karim qo'y-qo'zilarini bog'a boshladi. Maktabni chetga surib qo'ydi. Sinfdo'shlaridan uzozqlashdi. Ko'chadami, to'y-hashamdami ularni ko'rib qolsa, o'zini olib qochardi. O'rtoqlari bilan gaplashgisi kelmasdi. O'zidan uch yosh kichik qo'shnisi Abbos bilingina yaxshi chiqishardi.

Abbosning tili chuchuk bo'lib, juda beg'ubor, Karimga o'ta mehribon edi. Karim va Abbos o'rtasida samimiy do'stlik bolalik davridan boshlandi. Abbos o'shayili birinchi sinfga qadam qo'ydi, maktabga bordi. Abbosda ham Karimdagi singari o'qish-yozishga hafsalasizlik paydo bo'ldi. Shu sabab u darslari tezroq tugashini intiqlik bilan kutar, chiqish qo'ng'irogi chalinishi bilanq uyga tomon qanot yoyib uchardi. Abboskiyimini almashtirib, bir burda nonni qo'lga olardi-da, Karimning uyiga kelardi. Kun botgunga qadar bu ikkisi vaqtini birga o'tkazishardi. Eng qizig'i, ikkisi ham o'z tenggurlaridek o'yingaroq bo'lmay, Karimning to-morgachasida kichik dehqonchilik uskunalari bilan o'zlaricha yerga ishlov berar, Karimning «chorva fermasi»da qo'zilarini bogar, qish fasliga kelib, qo'zichoqlar bilan birga quyon bogishni ham yo'lga qo'ydilar. Karim Abbosga ham bir juft quyon berdi. Abbos ham uyida quyon ko'paytiradigan bo'ldi...

Kunlar ana shunday o'tar, Karimning qanotiga endi ukalari ham kirib qolishgan edi. Ukalari Karimdan farqli ravishda maktabda astoydil o'qishardi. Ular maktabga mehr qo'ydilar.

Badal aka o'g'lining umumiy o'rta ma'lumotga ega bo'lishi kerakligini o'ylab, Karimga to'rta qo'zi evaziga sakkizinchi sinf shahodatnomasini olib berdi. Savodi hamingadar Karim endi otasi tengi kishilar bilan brigada dalalarida mehnat qilardi. Erta bahordan to qishgacha dalada qizg'in mehnat bo'lardi. Bu orada Karim tajribali suvchilarga shogird tushdi. Suvchilik sirlarini o'rgandi. Tajribali suvchilar uni o'zlariga yugurtak qilib oldilar.

– Sening paykalingga suvni o'zimiz tarab qo'yamiz, daryoga band tashlab kel, Karimboy...

– Uydan tushlikni olib kel, Karimboy...

– Yarim tunda kelib, daryoga tashlangan bandni olib tashlaysan-da, yodindan ko'tarilmasin, Karimboy...

– Karimboy, saharlab kelar cho'g'ingda, brigada omborxonasiga o'tib, qog'oz goplarni uchinchi bo'limga olib o'tasan...

– Samovarda suv qaynat, Karimboy...

– G'o'zaga o'g'it berayotganlarga qarashib yubor, Karimboy...

– Egatlarni adog'iga suv yetib boribdimikin-a, ko'rib kel, Karimboy...

– Samovaring ham qaynab qolibdi, choy damlavor, Karimboy...

– Karimboy, bekor o'tirmay, egatlardagi begona o'tlarni terib kelsang, mol-holga olib borardik. Sening uyingga «o't-po't» kerakmas. Badal aka xas-xashakni ortig'i bilan olib kelib tashlagan. Pichanniyam, boshqasiniyam... Og'llarning omuxta yem bilan liq to'la bo'lsa kerak, kolxoz cho'ponlari, ferma mudiri qo'llab turishadi otangni...

– Karimboy, biz bir egat oralab kelguncha, g'lam, ko'rpa-to'shaklarni ikkinchi bo'lim dalasidagi huv anavi katta to'lining tagiga olib o'tib qo'y, soya joyga va hokazo... va hokazolar...

Avvaliga bu ishlarni Karim hech e'tirozsiz, «domim» demay bajarar, yelib-yugurar, uyga borganda esa toshdek qotib uxlardi. Bolalikdan yerga mehr qo'ygan Karimni suvchilik emas, balki yugur-yugur charchatar edi. Yana yoshi katta suvchilarning yalpayib olib tinmay ish buyurayotganliklari uning asabiga tegardi. Otasi tengi va undan ham yoshi ulug' suvchilar yig'itning izzatini suiste'mol qilayotgandi nazarida. Bu «qari kalamushlar» yalpayib olib kun bo'yi choy

ho'plar, ora-sira bir-bir egat oralab qo'yishardi. Yana kelib yonboshlab olishardi. Tinmay subhatlashishardi. Ularning gurgungida qishloq odamlari ro'yxat bo'yicha bir-bir g'iybat chig'irig'idan o'tardi. Karimga yoqmagan jihat ham asli shundamidi, bilmadim. Xullas, uning suvchilikdan ham ko'ngli qoldi. Ko'zlari kirtayib, yoshi kattalarning bunday ishlariidan xafa bo'lib, asablari tobora taranglashib borardi.

Shunday kunlarning birida Karim ishga – dalaga odatdagidan biroz kechikib keldi. Yaxshi uxlamagandi ham. Buning ustiga endi balog'at yoshiga yetgani uchun birgina so'zdan ham portlaydigan damlari edi. Aslida, bu holatda o'smirlarga «ha tinchlikmi, chap yoning bilan turdingmi bugun», deyishadi.

Ana shu holatda Karim o'z paykalidagi egatlarga suv tarayotgandi. Oltivoy aka (barmog'i oltita bo'lganligi uchun uni shunday atashgan, asl ismi Ismat, Ismat ekanligi tug'ilganlik haqidagi guvohnomada yozilganligini aytmasa, hatto o'zining ham yodidan chiqib ketgandi) uni chaqirib qoldi:

– Karimboy, ho'v Karimboy, samovarni tagiga o't sol, a, bu tomoqlar qagrab ketdi-ku, uka...

Karim bu gapni eshitgan bo'lsa-da, indamay egatlarga suv tarashda davom etaverdi.

– Uying haliyam ochilmadimi deyma-a, Karimboy? Karimboy, ho'v Karimboy, ha bir choy qo'yvor endi, bir choy ichaylik...

Karim taraftan javob kelavermagach, Oltivoy aka egat oralab uning yoniga keldi.

– Karimboy, nima balo qulog'ing tom bitganmi? Halidan beri javrayman-a, samovarga o't qo'y, deb. Bo'l tez, samovarni qaynat, choy ichmoqchimiz, ana hammamiz kutib o'tiribmiz seni, imillama. Bo'l-bo'l, keyin taraysan suvingni. Aslida vaqtiroq kelishing kerak edi. Quyosh ko'tarilgandan keyin kelding o'ziyam...

– Kim choy ichsa, o'zi samovar yoqib, ichaversin, men choy ham ichmayman, samovar ham yoqmayman. Kerak bo'lsa, o'zingiz qo'yib ichavering choy-poyingizni. Nima, men sizlarga malaymanmi? Bir kunda uch samovar choy ichasizlar, qayerga ketadi buncha choy o'zi?

– Ko'p gapirma, bo'l, borib choy qil, tiling chiqib qolibdimi, tirrancha, eshitganmisan, «o'zbekning kichigi bo'lding, kuchugi bo'lding» deyishadi. Ichimizda kichigi – sensan, shunday bo'lgandan keyin choyni sen qo'yasan-da.

– Men ishga chiqqunimcha ular orasida kim damlardi choyni?

– Men damlardim, chunki kichigi men edim.

– Hecham-da, eshitganman, navbat bilan samovar yoqarkansizlar...

– Ey, bo'ldi, ko'p gapirma. Bor samovarga o't qala, tez. – Oltivoy aka shunday deb Karimning yelkasidan bir oz turtganday bo'ldi. Shusiz ham asabi taranglashib, jahli otiga minib turgan Karim ketmonining orqa tomoni bilan Oltivoy akaning boshiga urib yuborganini bilmay qoldi. Eskiganidan yag'iri chiqib ketgan do'pning rangi bir cheitdan qizara boshladi. Ogayotgan qip-qizil qon terlab ketgan boshga ilingan kir do'ppida qora tusga kirdi. Sizib ogayotgan qon tezlashdi. Boshini ushlagan Oltivoy aka qo'lga yopishgan qonni ko'rib, boshi yoritganini anglab qoldi. Voy-voylab dod solay desa, bo'lmaydi. G'urur yo'l qo'ymaydi. Dod solmasa, qon to'xtamayapti... Qon to'xtamasa ahvol chatog, qoniga qo'shilib, joni ham chiqib ketishi mumkin.

– Suvon aka, ho'v Suvon aka, tez keling, boshim yoritibdi. Tez keling, aka, qon to'xtamayapti, – deya Suvon akani chaqirdi u.

Halloslab yugurib kelgan Suvon aka unga:

– Nimaga yoriladi? Egatdagi suvgayam kalla tashlaysanmi, Oltivoy, daryoda cho'milib kelsang bo'lmaydi-

mi?! – deb hazil qilmogchi bo'ldi. Ammo yaqinroq kelib qarasa, vaziyat jiddiy.

– Hoy nima bo'ldi, tinchlikmi, kim yordi boshingni?..

– Karim, Karimboy...

– Yo'g'-ey... u bola axir...

– Ha shu holimda yolg'on gapiramanni?

Suvon aka Oltivoy akaning boshini belbog'i bilan bog'lagancha, ustiga o'zining do'ppisini o'rnatib, qishloq «medpunkt»ga qarab olib ketdi. Nima qilarni bilmay turgan Karim esa uyiga chopib borib, xashakxonaning chordog'iga berkinib oldi. Tunga qadar shu yerda pusib yotdi.

«Tibbiy punkt» yonidagi tol soyasida qishloq odamlari to'planib turishgan ekan. Suvon va Oltivoy akalarni ko'rib, ular birin-ketin suvchi hamqishloqlariga yaqinlashishdi. Yig'ilganlar «nima bo'ldi, nima bo'ldi»lab qo'lishdi. Qishloq vrachi ham ahvolni ko'rib shoshib qoldi.

– Men yoritgan joyni sterilab, spirt bilan artib, bog'lab qo'yishim mumkin, lekin, baribir ularni tezda tuman markazidagi shifoxonaga olib borish kerak. Boshi yomon yorilibdi, bosh chano'gi ochilib qolibdi, u-u-u, u-u-a, yaxshigina ochilibdi-ya, – dedi tashvishli ohangda qishloq vrachi.

Bu gap yashin tezligida butun qishloqqa tarqab ketdi. Oltivoy akaning ayoliga bu gap yanada «kattalashib, yanada semirib, bolalab» quyidagicha yetib keldi:

«Nima qilib o'tiribsiz, eringizning boshi yorilib, bir qarich yeri ochilib qolganmish, qon to'xtamayapti, «Tibbiy punkt»dagilar hech nima yordam qilisha olmadi, tuman shifoxonasiga olib ketishdi, bormasangiz bo'lmaydi; kiyim-kechak, boshqa kerakli narsalarni o'ylang. Ha, pul-mul olish ham esingizdan chiqmasin, ko'proq o'ylang ekan».

Ana endi bu gaplardan so'ng Oltivoy akaning xotini Gulasal opaning o'ziga «Tez yordam» chaqirishibdi. «Tez

yordam» bilan birga Oltivoy aka ham kirib keldi, uning boshi oppoq bint bilan o'ralgan, bir cheti sarg'ayib turibdi, dorining rangi chiqqan bo'lsa kerak-da. Oltivoy akani ko'rgan Gulasal opa birdan tuzalib ketdi. Holbuki, yarin soat avval yuragini changallab yotib qolgandi. Og'riyotgan yuragi ham esidan chiqib qoldi boyaqshining.

– Voy, chol, nima bo'ldi sizga, kim qildi bu ishni, kim yordi boshingizni?! Menga ko'rsating shu zo'ravonni, – deb sayrab ketdi u.

– Hech nima bo'lgani yo'q, vahima qilma buncha-yey, boshingizga Karimning ketmoni sal tegib ketdi.

– Ketmoni sal tegib ketdi emish. Yosh boladan kaltak yeb kelib, gapirgan gaplarini eshiting bu kishimning. Hozir borib o'zim adabini berib kelaman o'sha zo'ravonning, – shunday deb, Gulasal opa «Tez yordam»ga ham qaramay, ko'cha tomon otlangandi. Oltivoy aka uni to'xtatib qoldi.

– O't buyoqqa hye... Indamagan sari, aytdim-ku senga ketmon tegib ketdi deb. Karimda ayb yo'q, ko'rmay qoldi u.

«Tez yordam» mashinasida kelgan do'xtir:

– Qani, kim chaqirtirgandi bizni? – deb so'radi.

– Mana bu kishi, – deb ko'rsatishdi qo'shnilar Gulasal opani.

– Bu kishi soppa-sog'-ku, nima qildi sizga, qani aytg'-chi, opa?

– Erimning boshi yoritganini eshitib, yuragim o'ynab qoldi-da, birdan nafasim bo'g'ildi. Ko'z oldim qorong'lashib, boshgacha bo'lib ketdim, shunga chaqirishgan sizlarni. Qo'shnilar chaqirdi, men chaqirganim yo'q.

– Xo'sh, hozir yaxshimiz?

– Yaxshi, yaxshi, shukur, shukur... Erimni sog' ko'rib tuzalib ketdim. Rahmat sizlarga, sizlarni ham ovora qilib qo'ydik... Kiringlar, bir piyola choy ichib bo-rarsizlar.

– Rahmat. Bu kishi sizning eringizmi (Oltivoy akani ko'rsatib), boshi yorilibdi, lekin unchalik jiddiy emas, yotib dam olsinlar, «medpunkt»ga chiqib yarangizni bog'latib turasiz. Bir hafta, o'n kunda boshingizdagi jarohat bitib, ko'rmaganday bo'lib ketasiz. Ha, boshingiz yorilgani bo'yicha hech kimga da'voingiz yo'qmi?

– Yo'q, yo'q.

– Unda yaxshi, boshdan xavotir olmang, xo'pmi. Yaxshi bo'lib ketadi. Mayli, yaxshi qolinglar.

– Rahmat, do'xtir bolam, katta rahmat, iloyo umringizdan baraka toping...

Shu kuni qishloq ahliga yaqin uch kun uchun zo'r bir mavzu topildi deng.

– Oltivoyning o'zidan o'tibdi-da, nima qiladi bolaning jig'iga tegib. Karim ham mo'min-qobil ko'ringani bilan jahli yomon ekanda-a, o'ziyam-chi, bu suvchilar bolaga rosa o'tkazib yuboribdi-da ish buyuraverib. Ha, bu kesakdan ham olov chiqqan-da o'tib ketgandan keyin. Yaxshi bo'libdi, endi o'ylab ish buyuradi bu bekorchilar ham...

– Lekin yaxshiyam «o'ldirib-po'ldirib» qo'yabdi, baloga qolardi o'ziyam.

– Ha, nimasini aytasizlar, Suvon aka bo'lmaganda, balki ko'p qon ketib qolib, boshqacha bo'larmidi. Vaqtda yordam qilibdi, baraka topsin Suvon aka.

– Shu Oltivoyga hayronman, juda mavda gap-da o'ziyam, necha marta aytganman, bir gapni qayta-qayta gapiraverma, gapiraverma deb, o'zidayam ayb bor buni. – Ana shunday gaplar bo'ldi qishloqda.

Bu gaplardan xabar topgan Badal aka ham ikkita katta tarvuzni qo'ltiqlab, Oltivoy akani ko'rgani otlandi. Unga uch-to'rt kishi hamroh bo'ldi.

– Ha, sizlarga nima bor mening ortimdan? – dedi Badal aka ularga qarab.

– Ha endi, sizga hamroh bo'lib boraylik, aka, janjal-panjal bo'lsa, yarab qolarimiz ajratishga, – dedi hamrohlari.

– Ey, koshki bilmasam, senlar ajratishga emas, tomoshaga boryapsanlar, – dedi Badal aka.

– Oltivoy, ho'v Oltivoy, a bu yotvobsan ko'rpa-to'shak qilib, tinchlikmi? Kallang sal yorilganiga shuncha vahimami, butun qishloqda shu gap.

– Nima qilay, Badal aka, shunday bo'lib qoldi-da endi, o'g'lingiz boshini yordi, o'lganning ustiga tepgan qilib siz ham ustindan kulgani keldingizmi?

– Yo'g'-yey, Oltiboy inim... Eshitdim, yaxshi ish bo'lmabdi. Karimni kechir endi, senga bir ukangday erkalik qilibdi-da. Yoshlik qilibdi... Bunday tezlik qiladigan odati yo'q edi, hayronman, unga nima bo'ldi.

– To'g'ri aytasiz, Badal aka, men ham shunday deb o'ylab, ko'nglim sig'ib, bir choy damla, degandim... Bolangizning boshingizga ketmon bilan tushirib qolishi xayolingayam kelmagandi.

Shu payt Gulasal opa istar-istamas salom berib kirib keldi-da, qo'ldagi choynakni dasturxonga qo'yib ketdi.

– Ha, kelin, buncha qovog'ingdan qor yog'ilmasa, bir bo'p qolibdi-da, hech narsa qilmaydi, kim o'ylabdi bunday bo'lishini...

– Qo'ying, Badal aka, ayolingiz e'tibor qilmang, bilasiz-ku ayollarning fe'lini... Qani dasturxonga qaranglar.

– Obbo Oltivoy-yey, seni qara-yu, Karimdan xafa bo'lma, bilasan-ku maktabga ham bormadi. Savod chiqarmadi. Biz ham ko'ngliga qaraymiz, ortiqcha gapirmaymiz. Uning fe'li biroz og'ir.

– Ha, bilaman. Menga qolsa-ku, hech kimga bildirmasdim. Mana bu qon qurg'ur to'xtayvermadi-da, – dedi u boshini ko'rsatib.

– Otangga rahmat, Oltivoy, tushungan odam ekan-san. O'ringda boshga bo'lganida uchastkovoyini chaqirib, rosa boshini qotirgan bo'larmidi?...

– Ey, nima deganingiz, Badal aka, men unangʻi yozuvchizuv qilib yuradigan odam emasman. Shunday boʻlishi kerak ekan, boʻlibdi. Nima qilamiz...

– Ha, baraka toping, Oltivoy aka, Karim oʻzi yaxshi yigit. Oʻzingizning shogirdingiz, toʻgʻri qildingiz gapni koʻpaytirmay. Rahmat, rahmat sizga, – deyishdi Badal akaga qoʻshilib kelgan hamqishloqlar ham.

Oltivoy aka hech kimdan, hech qachon buncha rahmat eshitmagandi, koʻngli yumshab keldi.

– Endi Karim oʻzining shogirdim, oʻzi hech narsayam boʻlgani yoʻq edi, birodarlar. Hazil-hazil bilan ketmon uchib qoldi-da... Boʻlib turadi yigitchilik-da. Qishloqda bu gapni choʻzib yurish uyat. Qon oqmaganda-ku hech kimga bildirmasdim, – u shunday deb kulmoqchi boʻluvdi, boshi zirqirab ogʻrib, ogʻzi yopilib qoldi.

– Qon oqgani yaxshi boʻlibdi, Oltivoy aka, boshingiz yorilgandan keyin qon tashqariga emas, ichkariga – miyangizga quyilsa, bilasizmi, nima boʻlardi? Qon oqgani yaxshi boʻlibdi, aka. Ha shunday, shunday...

– Yoʻgʻ-yey, men hali qon oqmasa yaxshi boʻlardi, deb oʻtiribman-a. Bilmaganimni qarang-a, obbo... shunagasi ham boʻlar ekan-da-a.

– Ha, ha, Xudo bir asrabdi-da sizni...

Shundan soʻng Badal aka oʻtirganlarga urushda boʻlgan bir voqeani hikoya qilib berdi...

– Germaniyaning Berlin shahrida bir binoga kirib olgan dushman askarlari taslim boʻldi. Biz ularni qator qilib saf tortirib, qurollarini tashlatdik. Avtomatning qoʻndogʻi bilan turtib-turtib, asirlarni saqlash uchun maxsus hibsxona sifatida ajratilgan joyga olib ketayotgan edik. Bora-borguncha quroldoshlarimiz asirlarni avtomat qoʻndogʻi bilan turtkilab borardi. Aslida asirga tushganlarga bunday muomala qilish taqiqlangandi. Bir gruzin sherigimiz yoshroq koʻringan bir asirning boshiga avtomatining orgasi bilan qattiqroq turtkilab bor-

gan ekanmi, boshi yorilib, qon yelkasidan oʻtib, kiyimi ichidan sizib, yoʻlga tomchilab kelaveribdi. Bunga hech kim eʼtibor qaratmagan. Manzilga yaqinlashib qolganimizda haligi asir koʻp qon yoʻqtganini, buning oqibati oʻlim ekanligini anglab, oxirgi kuchi bilan haligi gruziniga tashlandi. Gruzinni qulogʻidan tishlab, bir parchasini uzib oldi. Gruzin bechora dod solib qoldi. Keyin quroldoshlar aralashib, haligi asirni gruzindan ajratib oldik va bir-ikki tepkiladik. Nemis ham chakana emas ekan. U shu holatda ham emaklagancha bir sherigimizning oyogʻini tishlamogchi boʻldi. Xullas, oʻsha asir bir necha kun davomida tinchlanmadi. Oʻldirishin deb, atay bizning jigʻimizga tegdimi. Biz unga bir-ikki kun eʼtibor qilmaganimizdan keyin tinchib, tuppa-tuzuk odam boʻlib qoldi. Ikki oʻrtada gruzinning qulogʻidan ajragani qoldi...

Aytmoqchi boʻlganim, inson tabiatan shunday yaralgan, unga hadeb jabr-zulm oʻtkazib boʻlmaydi. Bunday tazyiq oʻtkazilaversa, har qanday odam ham bir kunmas-bir kun albatta javob qaytaradi...

Badal aka uyiga qaytgandan keyin boʻlib oʻtgan gaplardan xabar topgan Karim xashakxonadan chiqib keldi. Yuz-qoʻlini yuvib, qozondan bir kosa ovqatni suzdi-da indamay ichib, yotogʻiga kirib ketdi. Unga na Badal aka, na Xosiyat opa bir soʻz demadi.

Karim hech uxlay olmadi. Tuni bilan oʻylab chiqdi:

«Notoʻgʻri ish qildim. Oltivoy aka yaxshi odam ekan, alamimni, jahlimni u kishiga koʻrsatmasligim kerak edi. Bechora, qishloqdoshlar oldida sharmanda boʻlibdi. Yosh boladan kaltak yebdi, degan malomatlarini eshitibdi. Ustiga-ustak farzandi ham yoʻq. Koʻngli yarim edi bechoraning. Kechiring, Oltivoy aka...»

Ertasi kuni Karim saharlab hech nima boʻlmaganday, ketmonni olib dalaga, ishga ketdi. Suvchilar hammasi oʻz ishi bilan mashgʻul edi. Ular ham Karimga ortiqcha topshiriq bermay qoʻyishdi. Xijolat tortgan Karim

esa o'zi bilib-bilib, hech kim aytmasa ham ishlarni qiladigan bo'ldi. Bu haqda o'ylab ko'rgan tajribali suvchilar ham bamaslahat Karimga samovarni biriktirib, uning paykaliga ham o'zlari suv taraydigan bo'ldilar. Shuningdek, Karimga yana bir-ikki mayda-chuyda arzimagan yumushlar tegdi xolos. Karimga ham bu ma'qul keldi, ammo aslida bundan ko'proq yumushni bajarishga rozi edi u. Suvchilar oldida xijolatda edi. Brigadir ham suvchilarning bu takliflarini ma'qulladi.

Karim shu bugundan boshlab nafaqat suvchilar, balki boshqa brigada a'zolari uchun ham samovar yoqadigan, choy yetkazib beradigan bo'ldi.

Tushlikka yaqin samovar qaynaydi. Qolgan payt egat oralab, yaxna choyini yoki qishloq markazidan flyaga va katta bidonda keltirilgan vodoprovod suvinimi changanlarga yetkazib turadi. Shu-shu «Karim samovarchi» degan nom oldi. Vagt o'tib, bu nomga boshqalar kabi uning o'zi ham ko'nikib qoldi. Faqat Xosiyat opa o'g'lini bunday deb chaqirishlarini sira xohlamasdi. Hatto bir necha bor Karim samovarchi deb chaqirganlari uchun bir nechtasini koyib berdi. Lekin el og'ziga elak tutib bo'lmaydi, deganlaridek, Karim baribir «Karim samovarchi» nomini oldi. Axiri Xosiyat opa ham bunga e'tibor bermay qo'ydi.

Kunlar shunday o'taverdi. Karim samovarchi endi nafaqat brigada ishchilari uchun, balki qishloqdagi to'y-ma'rakaning barchasida, samovar qaynatadigan bo'ldi. Beliga belbog' bog'lab, elning yaxshi-yomon kuni-da xizmat qildi. To'y va ma'rakalar Karim samovarchisiz o'tmay qoldi. To'y-ma'rakasi borlar Karim samovarchini uch-to'rt kun ilgari taklif qilib qo'yadigan bo'ldi. Karim samovarchi tengdoshlari nigohida ancha ulg'aygan, el koriga yaraydigan odamga aylandi. Ota-onasi, bobo-mostoni qatori kishilar uni «keling-kelinglab, boringizga shukurlab» kutib olavergandan keyin, «samovarning jo-

yini ko'rsating, qayerga o'rnataylik», deb u bilan hisoblashganlaridan keyin Karimboy ham kerakli odamga aylandi-da. Nima qilsin. Qishloqqa samovarchi kerak. Samovarchi esa qishloqda bitta. Boshqa hech kim Karimday samovar qaynatmaydiyam, bunga sabriyam, toqatiyam yo'q. To'y-ma'rakada hamma o'yin-kulgi bilan ovora bo'ladi, samovarchi to'y yakuniga qadar choynaklarga choyni damlab turadi. Bu ishini Karimdan boshqa hech kim qilmaydi. To'y kishilarning o'yin-kulgi, xursandchilik qilishi, yayrash, o'sha kuni maza qilishi uchun-da. Hech e'tirozsiz, tekinga bironing to'y-ma'rakasiga, tag'in kamiga mezbom-mehmonning qosh-qovog'iga qarab choy damlashga faqat Karim rozi bo'ladi-da. Karim buni odatiy holday qabul qiladi. To'y-ma'rakadayam, brigada dalalaridayam samovar qaynatib, choy yetkazib berishga birday ulguradi. Karimning kunlari ana shunday o'tardi.

Kunlarning birida Ashurboy katta o'g'lini uyantiradi. Shu to'yda deng samovar qaynatayotgan Karimga Ashurboyning katta qizi Qo'zigul boshqacha garab qo'ydi. Choynak ko'tarib olti-yetti mara kelib-ketdi, Karim ham Qo'zigulga termilib qoldi. Quruq choyni ham ayamay solib, achchiq-achchiq choy damlab berdi. Shu kuni Karim bir boshqacha bo'lib ketdi deng yana, ana ko'ring, ilgari hech bunday bo'lmagan-da. Qizarib ketdi, bolasi tushmagur. Bu holatni hamma payqaganday, qo'llari galtirab, choynaklarni tarq-turuq qilib, bir-biriga urib, sindirib qo'ygudek bo'lib ketdi. Qiz qurg'ur ham sho'xroq ekanni, choynakni tez-tez bo'shatib-bo'shatmay ko'tarib kelaverib, Karimni rosa noqulay ahvolga solib qo'ydi. Karim shu to'yda juda boshqacha xizmat qildi. Brigadaning quruq choyidan ham anchasini ishlatib qo'ydi. Quruq choyning yanayam choyini chiqarib damlayveribdimi deng, mezbomning olib kelgani yetmay qoldi. Agar boshqa to'y-hashamlarda quruq choy yetmay

qolsa, darrov to'y egasidan so'rab olar edi. Bugun Karim bu odatiga qarshi bordi. Mezbondan so'ramadi. Tortindi. Ashurboyning katta qizini o'ylab tortindi-da. Yoki bir tantiligi tutib ketdimi. Nima bo'lganda ham, shu kuni Karimda katta o'zgarish bo'ldi. Karim ham jamiyatga yaqinlashib, bir qadam bosdi. Odamoviligi ham biroz esdan chiqdi. Karim endi atrofdagilarga bir-bir gap o'tib qo'yadigan bo'ldi. Hamma uning hech kinga qo'shilmay, savol bersa savoliga bazo'r javob berib, xo'mrayib yurishiga o'rganib qolgandi. Xullas, shu kungi to'y oxirida to'y egasi Karimning belbog'i ustidan yana bir belbog' bog'ladi.

– To'n yetmay qoldi-da, uka, – dedi u.

– Hechqisi yo'q, to'nlarim ko'p uyda, to'nga joy ham yo'q.

– Hoy, unday dema-yey, Karim uka, shusiz bo'ladimi, axir, bir to'nga qarzdormiz. Uka, ertaga kelinsalom o'n-o'n birlarda, endi yana bir xizmat qilib berasan, o'zing. To'nni ertaga yopaman, shu bahonada... Kelishdikmi?! Baraka top!

Karim ham shu gapni kutib turgan ekanni, qizarib ketdi. Og'zi ochilib bir muddat yopilmay qoldi. Bu gap juda yoqib ketgandi unga. Negaki, shu tobda Ashurboyning katta qizi ko'z o'ngiga kelib ketgan edi-da.

– Xo'p-xo'p, Ashur aka, xizmatdan qochmaymiz. To'n uchun kelmayman, bilasiz-ku. Unda ertaga saharlab dalaga boraman-da, ishlaringni qilib, soat to'qizlarda kelaman. Keyin o'n bir-o'n bir yarimlarda yana dalaga ketaman. Chunki kolxozchilarga choy qilib berishim kerak. Rozimisiz?

– Yaxshi, yaxshi, uka, senga ishondim. Nima kerak bo'ladi ertaga senga?

– Hech narsa kerakmas.

– Quruq choying bormi?

Karim idishga qaradi.

– Yo'q, tamom bo'libdi.

– Yaxshi bo'ldi, tushunarli, o'zim keltirib qo'yaman. Sen kelavergin ertaga, xo'pmi?

– Xo'p, xo'p. O'zi bugun ham yetmay qolgandi, sizni bezovta qilmay, o'zimda borini ishlatdim.

– Ha, bildim, bildim. Baraka top, uka... o'ziyam odam rosa keldi-a... Karimjon, hech kutmagandim-yey, buncha odam kelishini. Shoshib qolar ekanan-yey, chop chop bilan bo'lib, e'tibor qilmaganimi qara... O'zing ham so'ramabsan-da, hmn... tushunarli. Unda seni ertaga kutaman, uka...

To'ydan keyin Karim uxlay olmay, tonggacha xayol surib chiqdi. Keyin esa kelinsalom boshlanishini kutdi. U yog'da esa Ashurboyning katta qizida ham shu ahvol kuzatildi. To'ydan keyin tongga qadar idish-tovoqlarni yig'ishtirish bilan bo'lib, hovlini saranjom qilishga vaqt sarflagan bo'lsa-da, xayoli Karimga qarab tortaverdi, tortaverdi. O'z-o'zidan xursand bo'lib, ko'tarinki kayfiyatda yurdi. Odatiy kunlarda singillari bilan ishlarni «sen qil, men qilamanni», deya jig'ibiyron bo'lib qolishardi. Bugun esa u butunlay boshqacha, singillari ham hayron.

– Kelinsalom marosimi ham yaxshi o'tdi, – dedi Ashurboy.

Ashurboyning katta qizi Karim samovarchiga qayta-qayta salom berib ketdi. Karim alik olganday bosh chayqab, qizarib-bo'zarib zo'rg'a:

– Isming nima edi? – deb so'radi qizdan. Aslida uning ismini bilardi.

– Voy, ismimni bilmaysizmi hali, bita qishloqda yashasak ham-a. Aytmayman, bilib oling, kerak bo'lsa!

Karim qizdan bu javobni kutmagan edi. Nima deyshini bilmay qoldi.

– Bilib olaman, mayli, – dedi zo'rg'a. Qiz yana choy-nakni ko'tarib keldi-da:

– Bidingizmi? – deb so'radi.

– Yo'q, bilolmadim.

– Qishloqda hamma bir-birining ismini biladi, siz bilmay qoldingizmi?

– Yo‘q, men ham bilardim. Lekin singling bilan ismingni adashtrib qo‘yyapmami, deyman-da.

– Xo‘sh, singlimning ismi nima ekan, bilsangiz?

– Menimcha, Qo‘zigul bo‘lsa kerak.

– Ey, Qo‘zigul mening ismim-ku, uniki Jumagul. Yaxshilab bilib oling, endi adashirmaydigan bo‘lib, xo‘pmi?!

– Xo‘p, bilib oldim.

Karimni o‘ziga yaqin olib, mehr bilan aytilgan bu gaplar unga juda yoqib ketdi. Qizning jur‘atiga qoyil qoldi. Ta’sirlanib ketgan Karim bu qizni kelin, o‘zini kuyov kabi tasavvur qilib ko‘rdi...

* * *

Karim maktabda ikkinchi sinfdan keyin o‘qimagan bo‘lsa, Abbos harqalay sakkizinchigacha amalladi. Lekin sakkiz yilda ham savodi chiqmadi. O‘qituvchilar «Abbosdan qutulganimizga shukur, u maktabda hech nima o‘qimas, hech nima yozmas edi. Uy vazifalarini bajarmasdi. Uy vazifasi so‘ralganda, ko‘zlarini pastga qadab, «ammamning buzog‘iday» mo‘ltirab turaverardi», – deyshibdi.

Roziya muallim har safar mana bunday deb javrardi:

– Nega yana darsingni tayyorlamading, Abbos tushgur? Ko‘zlaringni mo‘ltiratmay qol, odamning rahmini keltiradi-ya bu javdirab... Bola bo‘lmay ket, qachon rahmini dan qutulaman-a? Mengina emas, shu maktab qachon sendan qutuladi-ya? Shu kunlar tezroq kelsaydi. Kelar-mikin shu kunlar-a. Gap-pap ta’sir qilmaydi-ya bunga?!

Qanday balo bo‘lding sen-a?!

Qanday balo bo‘lding?!

Ko‘zingni mo‘ltiratib, kallangni xam qilib turaverib, in-farkt qilasan bir kun bizlarni.

Boshlang‘ich sinf o‘qituvching ham shuncha harakat qildi, seni odam qiolmadi-yu, lekin dastingdan o‘zi asab kasal bo‘lib qoldi. Ruchka ushlashni bilmay o‘ding-a boshlang‘ichda. Senga ruchka ushataman, deb sillasi quridi bechoraning, sen va senga o‘xshagan mana bu sinfdoshlaring ham, baring bir. Hoy, bittang shunday bo‘l, ikkitang shunday bo‘l, olti-yetittang-da ahvol shu-ya, savodsizlar! Ayniqsa, oxirgi paytda, Abbos, sening turqingni ko‘rsam, kayfiyatim buzilib ketadi. Nahot biror marta dars qilib kelmasang, bir harf yozmasang, umringni maktabda o‘tkazib nima qilasan?!

Senga tanbeh ham berib bo‘lmaydi. Qaydan eshitadi hayronman... «Assalomu alaykum», deb direktorga arziini aytgani onang yetib keladi. Bu gap ko‘pchiligingizning onangizga tegishi. Onalaring bu yerga yugurib kelguncha, «darsingni qil, bolam, deb», ayta-dimi-yo‘qmi, o‘zi uyda?!

Bolasining o‘qishidan, tarbiyasidan bexabar, to‘y-ma‘rakada gap bermaydi. «Muallimjon, bolamning o‘qishlari yaxshimi?» deb qo‘yishadi ko‘pchilikning ichida. Xuddi bolasini bilmaganday. Qaydan yaxshi bo‘lsin-a o‘qishlari... Maktabdan borib sumkangni uloqtirasalar. Ertasiga hatto kitob-daf-taringni ham almashtirmay, ko‘tarib kelaverasalar. Bir haftalik dars kitoblari tushmaydi sumkalarig-dan. Qachon odam bo‘lasalar senlar?!

Hech bir sinfm senlarday emasdi. Bezbetlik ham shuncha bo‘ladimi?!

Yangi mavzu o‘tish o‘rniga har darsda senlarga tarbiyaviy soat o‘taman. Qaydan ham oldim-a o‘zi shu sinflaringni. Qaydan ham senlarga sinf rahbari bo‘ldim?!

Boshimga bitgan balo bo‘ldilaring-ku...

Yozinglar Abdulla Qahhorning hikoyalari. Xrestomatiya kitoblaringda bor, yodlab kelasizlar. Yodlab ifodali qilib aytib beradigan bo‘lib kelinglar, tushunarlimi? Asalariday g‘o‘ng‘illab, o‘qib berganlaringiz kerakmas menga. Sen Abbos, jilla qursa shu hikoyaning bir beti-

ni kitobga qarab o'qib bersang ham mayli... Sinf rahbaring bo'lmaganida hali ikkinchi sinfni ham bitirmagan bo'larding, tushundingmi? Kallangni sarak-sarak qilma, tiling bormi, zabon degan savil bormi senda, ovoz chigarib ayt... Xo'pmish, keyingi darsda ko'ramiz ahvolingni. Endi-chi mendan o'pkalamanglar. Direktorning oldida ham sizlarga yon bosaverib charchadim...

Abbos ana shunangangi gaplarni eshitaverib, gap ta'sir qilmaydigan bo'lib, sakkizinchini tamomladi. Tamomladi-yu, nima qilarini bilmay qoldi. Savod qurg'ur hamingadar. Otasining o'rniga kechki smenada qorovulik qildi. Bu ishga bo'yni yor bermadi. Qoramol bogaman deb ko'rdi, qo'ldan kelmadi. Tomorgalariga poliz ekib, tuman markazida sotib ko'rdi, bu ishi ham o'xshamadi.

O'ylab-o'ylab, do'sti Karimga maslahat soldi. Karim ham samovarchilikdan boshqa ish qilmagan emasmi. Shundan kelib chiqib, o'ylab ham o'tirmay, dalaga chiq, brigadarga uchra, «dalada ishla menga o'xshab», dedi.

– Sening yoningda ishingga yordamlashsam bo'ladimi?!

– Mayli, yaxshi bo'lardi. Lekin brigadirdan so'rash kerak-da.

Shu-shu Abbos Karim do'stiga shogird tushdi. Endi ikkovlon brigada ishlarini ham, to'y-hasham-u ma'rakadagi ishlarni ham birgalikda qilishadigan bo'ldilar...

Karim bilan Qo'zigulning to'ylari bo'lib o'tdi. To'yning ertasi kuni ertalab atlas liboslarda, boshiga katta zar ro'mol tashlab olgan Qo'zigul kechasi kichik ukasining yonida uxlab qolgan kuyov bola – Karimga egilib salom qildi. Karimni ukasi turtib uyg'otdi. Ko'zini ugalab uyg'ongan Karim hayron bo'lib o'tiraverdi.

– Kelinjoning salomiga ailk olmaysanmi, Karimjon? – deb qoldi Xosiyat opa. Karim g'ong'illab qo'ydi. Ukasi kuldi.

– Ko'p yashang, yanga, – dedi u.

Qo'zigul oshxonaga chiqib ketdi. Xosiyat opa uni Qo'zigul kelin deb chaqira boshladi. Shundan so'ng qarindosh-urug', qo'ni-qo'shni ham uni Qo'zigul kelin deb chaqiradigan bo'ldilar. Karim samovarchining xotini Qo'zigul kelin bo'lib ketdi.

Shu kuni kelinsalom bo'ldi. Qarindosh-urug', qo'ni-qo'shni ataganini, ya'ni kelin ko'rmanalarini hovli o'rtasiga to'shalgan qalin patgiam ustiga tashladi. Kelinga xamir qordirishdi. Qo'lga moy qo'yishdi, navbatma-navbat itim-sitim marosimlarini qilishdi. Badal aka ko'rmana uchun bir katta zotdor sig'irni buzog'i bilan sizlarniki dedi. Yana tomoq qirib qo'ydi. Karimga qarab ko'z qisib qo'ydi. Karim xijolat bo'lib ketdi. Xosiyat opa ham uch kun oldin Badal aka ko'rmana uchun olib kelib bergan katta tilla baldog zirak bo'lsa-da, shosha-pisha qulog'idagi eski sirg'asini yecha solib, keliniga tutqazdi. Kelinini yuzidan o'pib qo'ydi. Baland ovoza «hali ko'p olib beraman bunday sirg'alardan», deb qo'ydi...

Besh kunlik kuyov beshinchi kuni saharlab dalaga otlandi. Abbos unga hamroh bo'ldi. Dalaga yetib borganlarida brigada ishchilari hazil qilishdi:

– Iye, Karimboy, shimingiz tushib ketyaptimi?!

– O'zib qolibsizmi, tinchlikmi, ich ketdimi, deyman-a...

– A, bu qanday bo'lar ekan yangi hayot, olaxurjun?!

– Ko'zlaring kirtayib qolibdimi-a, uka, ey voh, ha-ha-ha!

– Karimboy hali bir hafta, o'n kun ishga chiqmasang ham bo'lardi, mana Abbos amallab turardi samovarni. Kelinni zeriktirib qo'ymang, deyapmizda, akosi...

– Ey, nimalar deyapsiz, Bo'ri aka! Bu Karimboy kelindan qochib kelgan, hali besh kun ham bo'lgani yo'q, olaxurjundan qochgan, aka, buningiz. Ha-ha-ha! Karim qizarib ketdi.

– Bo'ldi qilinglar, endi, – dedi Abbos gapga aralashib.

– Iye, Abbos, bo'ldi-bo'ldi deyavermay, sen ham tay-yorgarligingni ko'raver, uka, Karim akangga o'xshab qizarib qolmay desang, voh, ha-ha-ha!

Gapga brigadir aralashdi:

– Bo'ldi qilinglar-ey, sizlarga quruq gap, safsata bo'lsa bas, og'izlaring yopilmay qoladi. Quyosh peshin tomonga qarab ketdi, o'ringizdan jilay demaysizlar. Kechgacha shu bo'limning ishini yakunlashimiz kerak. Qani bo'ldi, ko'p gap sotmanglar endi. Karim, sen buguncha boraver, ertadan mana bu oq ko'ylaklaringni almashtirib, ish kiyimida kelgin, xo'pmi? Ishdan keyin kelini yonida kiyib yotasan oq ko'ylakni qora shim bilan, maylimi, ukajon, voh, ha-ha-ha! – Brigadir ham bir gap kelib qolganda ayamay gapirib oldi. – Ha, aytgancha, yo'l-yo'lakay qishloq adog'idagi dambaga bir-ikki chim bostirib ket, beshinchi bo'limni sug'orib olamiz. Bo'pti, boraver endi.

Shu tobda esa u oq ko'ylak, qora shimda qishloq orallab ming xijolatda borardi. Karim chindan ham kiyimga e'tibor bermagandi.

Karim dambaga yetib kelgach, yeng shimardi-da, atrofdagi tayyorlab qo'yilgan chimlardan bir-ikkisini dambaga bostirdi. Endi uchinchi chimni olgan edi ham-ki, daryoda unga tomon bir qizil matoga o'xshash narsa oqib kelayotganligiga ko'zi tushib qoldi. Qiziqsinib uni yaqinroq oqib kelishini kutib turdi. Yaqinlashib kelayotgan matoga sinchiklab qaragan ediki, mato emas, qizil ko'ylak kiygan qizcha suvda oqib kelayotgan ekan. Ust-boshi bilan daryoga o'zini otdi. Qizchani ko'tarib olib amallab qirg'oqqa chiqdi. Qizcha hushsiz edi. Qizchanning ko'kragiga qulog'ini bosib ko'rdi. Unga qizcha nafas olayotgandek bo'lib tuyuldi. Qizchanning ikki qo'lini ushlab, bir-ikki harakatlantirdi, chalganchasiga yotqizib qo'li bilan yelkasidan bosib ko'rdi. Qizchajim. Keyin qizchani ko'tarib oldi-da, qishloqdagi tibbiy

punktga qarab yugura ketdi. Oltinsh-yetmish metrecha chopgandan keyin qizcha bo'g'ilib yo'taldi, og'zidan suv favvora kabi otilib chiqdi.

– Xayriyat, tirik ekan, – dedi Karim.

Qizchanning yuzi ko'karib ketgandi. Tibbiy punktga borguncha ularga yo'ldagi odamlar ham hamroh bo'lishdi, biri qo'yib-biri ko'tarib chopdi qizchani. Qizcha ko'p suv yutgan ekan. Qishloq vrachi ham rosa ter to'kdi. Nihoyat, qizcha hushiga keldi. Bu qizcha Xudoyor akaning yakka-yu yolg'iz qizi Nasiba ekan. Qishloq vrachi Karimga katta rahmat aytdi.

– Vaqtida olib kelibsiz, yana ko'tarib chopganingiz ta'sirida oshqozondagi suv chayqalib otilib chiqibdi, sal vaqt yo'qotilsa, qizdan aytilib qolardik.

Shunday qilib, besh kunlik kuyov qahramonga aylandi. Qizini Karim samovarchi qutqarib qolganini eshitgan Xudoyor aka avvaliga xotinining qarindoshlari bilan qo'shib bir-bir ro'yxat bo'yicha maqtab chiqdi-da, so'ng yong'oq daraxti soyasida yotgan oq serkani kajaivali mototsikliga ortib, to'g'ri Badal akanikiga bordi. Karimga kattadan-katta minnatdorchilik bildirdi. Rozi bo'lg'in, uka, deya oq serkani shoxidan tortib, Karimning qo'ylariga qo'shib qo'ydi. Karim olmayman, deb rosa tirishdi. Xudoyor aka qo'yarda-qo'yamay qoldirib ketdi.

– Qo'ying endi, Xudoyor aka, men to'g'ri kelib qoldim-da, shu joyda boshqa bo'lsa ham qutqarardi. Xudoning marhamati bu, hali nasibasi bor ekan hayotda. Serkangiz kerakmas, men ololmayman. Shunday ham roziman, meni rozi qilish shart emas, aka, – dedi u.

– Ey uka, yakka-yu yagona qizim, gap serkada emas, avvalo senga katta rahmat. Hali tutingan singling bo'ladu shu qiz. Lekin olmasang xafa bo'lamani, uka. Ayt-dim-ku, uka, gap serkada emas. O'la-o'lgunimcha minnatdorman, qarzdorman sendan. Yaxshi kunlaringda qaytaray bu yaxshiligingni, – dedi Xudoyor aka.

– O'g'lim, Xudoyor akangning qo'limi qaytarma. Senga ilinibdi, falokatlardan Xudoning o'zi asragani rost bo'lsin. Serkani so'yib xudoyi qilamiz. Xudoyor akangni yam chaqirasan, xo'pmi, bolam. Endi Xudoyor akangni yalintiraverma, ko'rib turibsan-ku ko'nglidan nimalar o'tmagan. Bo'ldi Xudoyorjon, siz ham boshqa gaplardan gapiring, iloyim falokat ortda qolgani rost bo'lsin.

Oradan ikki yildan ortiqroq vaqt o'tdi. Karim va Qo'zigul farzand ko'rishmadi. Shodlik kunlar ularni tark eta boshladi.

Qo'zigul texnikum diplomini bilan tuman markazida ishlab yuraverdi. Karim samovarchi esa o'z ishida. Lekin qarindosh-urug', qo'mi-qo'shni aralashuvi, mahalla-ko'yidagi gap-so'zlar va boshqa vajlar bahonavi sabab bo'ldi. Endi er-u xotin faqat bir-birining kamchiliklarini ko'ra boshladi. Gap talashgan vaqtlarida xotini Karimni anqov derdi. Qo'zigulni esa Karim nogiron derdi, ana shunday gap-so'zlar bilan boshlangan tortishuvlar sekin-sekin bir-biridan ko'ngli qolib ketishiga sabab bo'ldi.

Shunday kunlarning birida:

– Tinchlikmi, Karim, buncha janjallasizlar, nima gap o'zi? – deb so'radi Abbos. Karim ham dard-u hasratini Abbosga to'kiib soldi. Jimgina eshitib, bu holga chidab tura olmagan Abbos:

– Karim, senga uch-to'rt oydan beri bir gap aytaman deyman-u, ayta olmayapman. Xafa bo'lmasang aytaman. Bu gaplarni men gapirganimni yudagilaringga ham aytmayman, kelishdikmi? – dedi allaqanday sirli ohangda.

– Bo'пти, tinchlikmi o'zi, gapni buncha cho'zmasang, aytasang-ayt-da.

– Singlimni bilasan-ku xotining bilan birga ishlaydi. Singlim ham aytaymi-aytmaymi, baloga qolib ketmay-

manni, dedi. Yana aytib qo'ymagin, do'stim. Xullas, bittasi xotiningning yo'lini ko'p poylayotgan emish. O'zining xotini o'lganmish. Xotining bilan bir-ikki marta gaplashib turganini ham ko'risingan ekan. Xotiningning oyog' olishi chatog', shuni aytib qo'ymog'chi edim...

– Ha, yaqinda bildim o'zim ham. Qo'zigulning o'zi aytdi. Javobimni bering, deyapti. Farzand ko'rmasak, bunday yashab bo'lmaydi, dedi. O'sha kishini ham gapirdi. Borib bo'g'zidan so'yib kelay shu yaramasni, bironing xotinini yo'ldan uradigan haromini, deyman-u... Menimcha, u xotinimni mendan allaqachon sovitib bo'lgan shekilli. Ota-onamning ko'ngliga qarab kelayotgan edim. Endi sabr ham shuncha bo'ladi. Men ham temirdan emasman... Javobini berib yuboraman. Boshqa ilojim ham yo'q. El-ulus ichida boshimni xam qildi bu tug'mas xotin. Bilmayman, nima qilishniyam, boshim qotdi. Juda o'zgarib qolgan o'ziyam shu kunlarda... Uylanguncha unga rahmim kelardi, hozir esa yo'q. Turqini ko'rgim ham kelmay qolgan...

Bir necha oy o'tib, Qo'zigul ketib qoldi. Otasi Ashurbay ham senday qizning menga keragi yo'q debdimi, ota uyiga sig'may, o'sha yo'lini poylab yurgan xotini o'lgan kishiga tegib ketibdi...

Karim samovarchi «battar bo'l», dedi. «Oltmishga kirgan to'rt bolali kishiga ilakishmay o'l, kuningni ko'rasan hali bolalari katta bo'lsal» dedi.

Karimning o'zi esa boshqa oila qurmadi. O'sha bolaligidagi odamovi holatiga tushib qoldi. Yaxshiyam «samovarchi» degan nomi bor, ana shu kasbi bilan chalg'ib yurdi. Yillar shu zayl o'tib boraverdi.

Ertalabki soat yettilarda darvoza tarag-turug' etdi.

– Karim aka, ho'v Karim aka...

Karimning kelini – ukasining xotini chiqib qarasa Gulboy akaning o'g'li qo'lda taklifnomalar bilan turibdi, tushundiki, Karim akani yo'qlab kelgan.

– Yanga, Karim aka uydami, chaqirib yuboring, – dedi u shoshilib.

– Uyda edi. Hozir chaqiraman.

Ha, bu paytda ishda bo'lishga odatlanib qolgan Karim ancha yillardan beri, ya'ni xotini bilan ajrashgandan beri to'y-hashamlarda oz-ozdan tomoq ho'llaydigan bo'lgandi. Bugun ham shuning ta'sirida uxlab yotgandi. Uxlaganda ham tush ko'rayotgan ekan. Kelini derazadan chaqirib uyg'otgandan keyin ko'rayotgan tushi chala qoldi. Boshini ushlab biroz o'tirdi-da, kim ekan, deb qo'ydi.

– Aka, chiqing, sizni so'rab kelishibdi.

Yuz-qo'lini yuvishga ham ulgurmagan edi. Gulboy akaning o'g'li kirib keldi.

– Kel, kir.

– Mayli, men qaytaman, aka. To'y boshlab qo'ygan-dik. Indinga... shunga sizni taklif qilib keldim. Bir xizmat qilib berasiz, deb...

– Kimning qiziga uylanyapsan? Kelin shu qishlogdanni yo...

– Ha, shu qishlogdan. Kelin sizga ham begona emas, aka. Ismi Nasiba, Xudoyor akaning qizi, eslasangiz besh yoshida daryoda oqib ketganda qutqarib olgan ekansiz. Sizning sharofatingiz bilan tirik qolgan ekan. Shu qizga uylanyapman.

– Ha, o'zimizning Nasibami? Yaxshi-yaxshi, baxtli bo'linglar, albatta boraman. Bo'pti men yuz-qo'limni yuvib kelay, choy ichamiz.

– Rahmat aka, bu yerlar choy ichmagan joyimiz emas. Men boray, hali ko'p joyga kirishim kerak.

– Ha mayli, bo'pti unda.

– Aka, kutamiz, albatta boring-a...

– Bo'ldi-bo'ldi, boraman, Abbos bilan boramiz.

Karim endi yuz-qo'lini yuvib dasturxonga o'tiruvdi hamki, yana darvoza taqilladi. Darvoza eshigi ochilib, Nasiba kirib keldi.

– Assalomu alaykum, Karim aka. Sizni to'yga aytib keldim.

– Vaalaykum assalom. Yaxshi-da, sendan oldin kuyov ham kelib-ketdi. Kuyov Gulboy akaning nechanchi o'g'li?

– Uchinchi farzandi. Ha, u kishi ham kelgannidi? Mendan avval ulguribdi-da taklifnoma berishga. Endi ular kelgan bo'lsalar, sizni xizmatga aytib kelgan-da. Men esa sizni mehmonga aytib keldim!

– Yaxshi-yaxshi, rahmat, sing'ijonim.

– O'ting albatta, Karim aka, akam deganman-a sizni.

– Xo'p-xo'p, albatta o'taman. O'tir choy-poy ichib borasan.

– Rahmat, aka, shoshib turuvdim. Boshqa safar...

Nasiba chiqib ketgandan so'ng Karim o'sha Nasiba suvda oqgan kunni esladi. «Xudoning xohishi ekan-da, qarang-a, indinga kelin bo'laman, deydi. O'shanda besh yoshda edi, Yaratganga aytgani bor ekan-da. Ilo-vo baxti bo'lsin». Shularni ko'nglidan o'tkazib, Karim beixtiyor ertalab ko'rgan tushini eslab qoldi. Tushida qandaydir katta suvda, katta daryodami-yey, ko'm-kok dengizdami-yey qayiqqa o'xshagan allambaloda oppoq ko'ylak kiyib olgan Karim suzib ketayotgan-mish. Undan sal narida otasi Badal aka xuddi shunday qayiqda oppoq kiyimib ketayotgannish. «Ota-ota», deb gancha chaqirmasin, Badal aka unga e'tibor bermay, suzib ketaveribdi. Hech ortiga qaramasmish. Shunda Karim bor ovoza: «Ota, ota, bu men – Karimman», – desa, Badal aka istamaygina ortiga bir qarab qo'yib, qo'lini silkitgancha «ket» degan ishora qilibdi. Shu payt daryo qirg'og'ida oppoq kiyimib, boshiga katta oq ro'imol tashlab olgan Qo'zigul «Karim aka, Karim aka», – deb

chaqirayotgan emish. «Karim aka, otangizning oldiga bormang, bormang, u odam otangiz emas!»— dermish Qo'zigul.

— Otam-ku, men o'z otamni tanimaymami, jinni-pinni bo'ldingmi, Qo'zigul, — deganida kelini chaqirib, uyg'otib yubordi...

Karim shularni eslab boshi qotib o'tiruvdi, Xosiyat opa kelib arz-u dodini aytib qoldi:

— Bolam, yoshing ham hademay ellikka yetadi. Xotiningni qo'ygandan keyin uylanamading. Xotining esa topib ketdi tengini. Endi bu yurishing uyat. Ahvolingni qara, bolam, shu zormandani ichishni qayerdan o'rgan-ding-a?! Bizning avlodimizda yo'q edi-ku aroq ichadigan. Kinga torting-a, bolam?!

— Bo'ldi-da endi, ona, siz ham ertalabdan boshlamang.. Boshqa ichmayman, dedim-ku, boshqa ichmayman. O'zi ozgina ichgandim.

— Shu qurg'urni ozginasiniyam ichma, bolajonim-a, bizlarga to'g'ri kelmaydi, yoqmaydi bizning avlodga bu aroq-parog'ing tushundingmi, bolam? Boshqa ichgani-ningni ko'rmay. Xafa bo'laman. Qatig' xafa bo'laman... Kecha tushimga otang kiribdi, nimadandir bezovta ko'rinadi. Qo'y shuni ichma, otangning arvohi bezovta bo'lyaptimikin-a. Otang bu zormandadan ancha uzoz yurardi, hech qachon ichmagan.

— Ona, endi aytmoqchi bo'lib turgan edim. Men ham ertalab tushimda otamni ko'ruvdim. O'zingiz gap boshlab qoldingiz.

— Ana ko'rdingmi, otangning ruhi bezovta, bolam... Qani, boshidan aytib ber-chi, ko'rgan tushingni.

Karim ko'rgan tushini onasiga boshdan-oyoq so'zlab berdi.

— Bolam, bu yaxshilik alomati emas-da. Mening tushimga ham kirdi. Avzoyi buzuz edi. Nimadandir xafami-yey, xavotirdami, bilmadim. Lekin sen aytganday

oppoq kiyimda edi otang... Shuning uchun tashla, bolam, shu «shayton suvingni» tashla! Kech yurishingni ham tashla, senga qolgani yo'q qishloqning to'y-hashami, ertalabdan yarim tungacha qolib ketasan. Bir samovarchi bo'lsa topilib qolar. Topilmasa, ana Abbosning o'zi qilaversin. Qo'y, bolam, o'zi shu kunlarda ko'nglim bir bezovta bo'lib, ikki qo'lim yoqanda yuribdi. Undan ko'ra biror-yarimga og'iz solaylik, uylangin. Yaxshi emas bu yurishing. Elning gap-so'zidan ham charchadim. Bolam, axir erkak kishiga baribir ayol kerak...

— Menga kim ham tegardi. Birorta mayib-majruhni aytmasa, ko'rdingiz-ku bittasi shu holida ham nima qilib ketdi. Boshqasi go'r bo'larmidi?! Bo'ydoq yurganim yaxshi, tinch yuraman. Buyog'iga qancha umrim qoldi o'zi, Xudoga ayon...

— Hoy, og'zingga tosh, bu so'zni boshqa tilingga ola ko'rma, bolam. Yaxshi gapga ham, yomon gapga ham farishtalar omin, derkan. O'ynab gapirsang ham, o'ylab gapir-a, bolam. Seshanba kuni bir mushkul-kushod qilib yubormasammi, o'zi senga bir nima bo'libdi.

— Mayli, ona, nasib qilgani bo'ladi. Uylansak uylanaveramiz. Topib ko'ring-chi biron-tasini. To'g'ri kelsa, mayli.

— Mana bu boshqa gap, bolam, bizlarni ham gap-so'zdan qutqarasan. Yaxshi bo'ladi, bu taqdir-da... faqat yomon tomonini o'ylayverma. Birinchisi bo'lmagan bo'lsa, xudo xohlasa ikkinchisi bilan yaxshi yashab ketasizlar...

— Xo'p. Men dalaga borib kelay unda. Brigadir ham tish qayrab o'tirgandir, — Karim shunday deb joyidan qo'zg'aldi.

Ertalabki soat oltirlarda yuvilib, dazmollab qo'yilgan kiyimlarini kiyib, Karim samovarchi Nasibaning to'yiga otlandi. Kuyovning uyiga esa Abbosni jo'natdi.

– Abbos, sen borib Gulboy akanikida samovar yoq. Men Xudoyor akanikiga, Nasibalarinikiga boraman, soat o'n birgacha kelining uyida bo'laman, keyin kuyovnikiga o'taman, xo'pmi? – dedi u do'stiga o'zgacha mehr bilan.

– Yaxshi, tezroq bor, ishqilib kech qolib ketma yana, – dedi Abbos ham.

– Yaxshi, yaxshi.

Shunday qilib, ikki do'stning biri kelining uyiga, biri kuyovning uyiga qarab ketishdi. Shu qishloq to'ylarini Karim va Abbos samovarchilarsiz tasavvur qilish qiyin...

Aslida to'y samovarga o't qalashdan boshlanadi. Samovarchilar surp fartukni beliga bog'ladi, desa, bilaveringki, qishloqda to'y boshlangan bo'ladi.

Tumanning ichki ishlar bo'limining barcha kattakonlari shu qishloqda to'planishgan. Prokuror, militsiya boshlig'i, uchastkavoy, ekspert, kriminalist va hokazolar...

Ertalabki soat sakkizlarda Karim samovarchining jasadi topilibdi, degan gap butun qishloqqa tarqaldi.

Shahardan telefon bo'lganmish, jasadni ekspertizaga olib ketishibdi. Lekin jasadni yorishlariga Karimning ukalari ruxsat bermayotgan emish, to'y egalari ham hozir bir ahvolda ekan.

Bu xabarni eshitgan kuyovning onasi Hanifa yanga-ga «Tez yordam» kelibdi. Mazasi qochib qolibdi. Yana o'sha gap urchitish bo'yicha qishloqda xizmat ko'rsatganlar «nimayam qilsin u bechora ham, biror gap bo'lgandir-da, sigilayotgandir, bekorgamas-da», deyishdi. Lekin shahardan telefon bo'lgach, «sura-sur» boshlandi. Prokuror ham, militsiya boshlig'i ham oyogga turgan edi. Ha, Karimning o'sha qarindoshi telefon qilgan emish. Vogeani surishtirayotgan ekan, prokuror shax-

san axborot berayotganmish... Ha aytishganidek, hali ko'p «sura-sur» bo'ladi...

Kelining uyida Karim samovarchi, kuyovning uyida Abbos samovarchi ish boshladi. Karim kelining uyida tushlikkacha samovar yoqib, tushlikdan keyin «kelin keldi-kelin keldi» bilan kuyovnikiga kirib keldi.

Abbos to'yxona hovlisi adog'idagi katta anhor labidagi soyagina joyda ikkita samovarni qaynatib, ancha-muncha choyni damlab berib ham bo'lgan ekan. Doimgiday qozon-o'choqlar samovarlar yonida o'rnatilgan.

To'y qishloqniki edi. Kelin ham, kuyov ham shu qishloqdan. Shuning uchunmi, kunduzgi davrayam zo'r bo'ladi. Kechki dasturxonga atalgan noz-ne matlarning bir qismi tortilib ketibdi. Ha, endi ishtaha ochilganda ketadi-da.

– Olib kelinglar-yey, – dedi ko'pni ko'rgan kayvonilar, – hammasi o'zimizniki, begonasi yo'q, – deyishdi. Erkaklar boshini qizitib oldi. Ayollar ham kelinsalomni ertaga qoldirmay, shu bugun o'tkazib qo'ya qoldi. Axir hali bazmgacha ancha-muncha vaqt bor edi-da.

Erkaklar shishaning ichiga kirib ketaman, deb turganda ayollar zerikib o'tirsini? Yo'q, bu adolatsizlik bo'ladi. Shunday qilib, ayollar ham kelinsalomdayoq ragsmi boshlab yuborishdi. Kayvoni qo'shnisiga «kalon-kangizni yoqing endi, Ubay muallim», – dedi.

– Bo'ladi-bo'ladi, Faxriddin, diskni qo'y.

Peshinda boshlangan kelinsalomda bir-bir salom aytildi. To'xtatildi. Disk qo'yib, rags tushildi. Ayniqsa, ayollarning ichida bir-ikkita savdogarlari bor ekan, deng, rosa o'ynashdi.

Xullas, kelinsalom o'yin-kulgiga ulanib, kunbotargacha davom etdi. Hademay bazm boshlanadi. Kelin esa ertalabdan beri tik oyogga turaverib toliqdi, toliqqanini

bildirmasa-da, charchab, bir ahvol bo'lib qoldi. Kelin dugona bir-ikki o'ynab kelib:

— Ha, Nasiba, kayfiyating yo'q, buyog'i endi yangi uy, yangi ro'zg'or, ko'nikib ketasan hali, qovog'ingni ochib o'tir, — dedi.

— Yo'g'-yey, kayfiyatim yaxshi, shunchaki charchadim, xolos. Axir buning ustiga kechadan beri hech narsa yeganim yo'q, och qoldim, — dedi Nasiba shivirlab.

— Voy o'lmasam, nega vaqtliroq aytmading. Hozir xonangga kiraylik, bazmga chiqish oldidan yaxshilab ovqatlanib olmasang bo'lmaydi. Aytmaganingni qara-ya.

— Qanday aytaman. Shuncha odamning ko'z oldida kavshanib o'tirmayman-ku. Uyimizdayam ko'rding-ku, ovqat yegani vaqt ham, sharoit ham bo'lmadi.

— Ha, to'g'ri aytasan, mendan o'tibdi. Bu narsalarni senga men o'rgatishim kerak edi aslida...

Bazm degani ham ochildi. Yor-yor aytila boshlandi. Kelin-kuyov do'stlari qurshovida hovli uzra odimlab, makkajo'xorisi o'rib, tekislab, suv sepilgan, o'rtadan bir qator elektr simi tortilib, ming voltlik lampalar osilgan, temir stollarning ustida ochildasturxonlar tuzalgan joyga chiqib kelishadi. Yor-yor bir necha bor takror aytiladi. Kelin-kuyov ungacha davrani bir aylanib, salom berib, turli chiroqlar bilan bezalgan «taxt»lariga chiqishdi.

— Davrani yana bir bor ochiq, deb e'lon qilaman, — dedi raisbobo. — Marhamat, navbat sizga san'atkorlar, — dedi.

Rubobning ajib nolasi, doiraning baka-bak, gumbura-gars sadosi, akkardeonning rohatbaxsh ovozi jo'r bo'lib yangradi.

Samovar yonidagi Karim va Abbosga sherik bo'layotgan bugungi ulfatlarning qo'lidagi piyolalar ham bir-biriga tegib jarangladi. Bu jarang ham musiqaga jo'r bo'lib ketdi go'yo.

— Qarang-a, davrada musiqga boshlandi va bizning davrada ham qadah so'zi aytiladi. Piyolalarimizni ham

cho'qishtirdik, — dedi bangilar ro'yxatida turadigan Ermatboy.

— To'g'ri kelib qolganini qarang, bunday holat kamdan-kam bo'ladi, ana shuning uchun olamiz, — dedi bir-birlariga ishsaygancha qolgan ulfatlar. Keyin «oq choy»ni lo'qillatib yutvorishdi. Buguncha katta odamga aylangan «sharbat xonachi» Norboy aka ham shu davrada edi. O'zi bilan olib kelgan ikki lagan yaxnaga imo qilib go'ydi, ulfatlarga ilindi.

— Gazakdan olinglar, bir dil ketib olib keldim, xizmatdasizlar-da, — dedi.

Davrada musiqaga yangradi, ketidan tilaklar aytildi, yana musiqaga chalindi, sho'x-sho'x qo'shiqlar kuylandi. Yana tilaklar, yana musiqaga. Samovar yoniga yig'ilganlarda ham shunga o'xshash holat davom etaverdi.

Jamiyatda unchalik ham o'rmini topa olmagan bu odamlar katta davrada — to'yning asosiy davrasida o'z o'rniga ega emasliklarini bilishib, samovar atrofidagi hurmat topishdi. Ular samovarchilar yonida o'tirgani bilan choy ichishmaydi aslida, to'ydagi qiladigan xizmatlari shu, samovar yonida to'planishadi, «oq choy»ni damlatishaveradi, samovarga yonna-yon qozon-o'choq osig'liq, ularga ham ishi tushadi. Xullas, samovar va o'choq atrofi ma'qul ularga.

Bir-birini maqtashadi, piyola to'ldiriladi, ichidagini lo'qillatib yutishadi; yana buni takror va takror qilishadi. Biroz fursat o'tib endi bir-birini emas, o'z-o'zini maqtashga o'tishadi. Ana shunday bo'ldi bugungi samovar atrofi. Bechora samovarchilar uchun, deb ichishdi. Samovarchilarning esa ikki piyolaga ham holi yo'q, ularni majburlashadi. Noiloj shu davrada mo'ljirab o'tirishadi samovarchilar ham.

Ermatboy piyon o'zicha davrani qizitmog'chi bo'ladi:

— Sanjarboy uka, mana sen ham Rossiyada ishlab kelding, to'g'rimi? A bizam ishlab kelganimiz shu Rossiyang-

da. Qurgan uyimni ko'rganmisan, katta-katta besh xona, hamma sharoitini qilib qo'ygannan, uka. Eshidim, sen ham yaxshigina ishlab kelibsan. «Neksiya» olibsan. Lekin-chi, uka, men senga baribir besh ketmadim. Akalarim bor qishloqda, borsam yo'qlashadi, deb bir «Rossiyskiy»sidan ko'tarib kelmaysanmi-a? Nima dedlaring, to'g'rimi gapim, to'g'rimi, ayting, oshpaz aka?

— To'g'ri, to'g'ri...

— Ermatboy aka, meni bilasiz-ku, yosh bo'lsam ham bo'sh keladiganlardan emasman. Men to'g'risini aytay sizga, mana, davradagilar ham balki eshitgandir, Rossiya yaxshi joyda ishladi. U joyda aroq-paroq ichilmagan, aka. Konyak, viski, rom, skochmi-yey shunga o'xshaganlaridan ichardik-da, aka. Mana, ishonmasangiz, qishloqdan borganlardan so'rang. Qanchasini mehmon qilganman, mening fe'limni ko'pchilik biladi. Ishonmasalaring, so'ranglar yonimga borganlardan. Shu Sanjar Rossiyada qanday yurardi, deb bir so'ranglar, bilasizlar, aka.

— Eshitganmiz, eshitganmiz, uka...

— Endi Ermatboy aka, siz aytganday, quppa-quruq kelmaganman har holda. Zo'ridan olib kelganman. Qulog'ingizni bering aytaman.

U nimadir deb Ermatboyning qulog'iga pichirladi...

— «Spay»ing nimasi, tushuntirib ayt-da uning nima matohligini, uka, men qaydan bilay uning nimaligini.

— Ey, aka, bu yoqqa keling. Mana yutvoring bilasiz. Ermatboy chetrogga tortdi. Qo'lga bita oq tabletka tutqazdi.

— Qo'rqmang, ichavering, ko'rasiz kayfini, yuribsizda aroqni kayf deb. Ermat aka, faqat yiqilib qolmasangiz bo'lgani...

— Ey, nima deyapsan, uka? Bularing menga bir gramm ham ta'sir qilmaydi. Ming marta kuchisidan tortganman, uka. Kaptlaridan uchirganmiz, uka, kaptlaridan.

— Ey qo'ying-yey, oshirvorasiz-da, aka.

Ermatboy davradagi ulfatlarga ko'rsatib, «tabletkani yutvordi.

Samovar atrofi qizidi. Biroz narida bazm ham avjida edi. Qo'shiqlar bir-biriga ulandi. Samovar atrofdagilar ham bir o'ynab kelaylik deb qo'zg'alishdi. Bo'lmadi. Zero, ularning qo'zg'alishga hollari ham yo'q edi.

— Ey, davraga chiqib, changda o'ynab nima qilasanlar, — dedi bir aqlirog'i.

— To'g'ri aytasan, o'tiringlar joylaringga hammang, Abbos quy, — dedi yana biri...

Yor-yorning mahzun va ajib kuyi yangray boshladi. Bazm yakunlandi. Samovar atrofdagilar ham qo'zg'ala boshlashdi...

* * *

To'ying ertasiga Karimning jasadi kriminalist-ekspertlar tomonidan sinchiklab o'rganildi. Ishni prokuror qat'iq nazoratga oldi.

— Imillamanglar, kechgacha muhlat olganmiz, jasadni tekshirib, xulosa beringlar deb.

Shu kuni ekspertlar bir to'xtamga keldi. Xulosa qilindi. Prokuror xulosa tafsiloti yuzasidan shaharga axborot berdi.

— Marhumning ishi yuzasidan surishtiruv olib borildi. Ekspert xulosasi ham surishtiruvda keltirilgan xulosaga, bizning versiyaga mos. Tushuntirish xati berganlar ham deyarli shunday ko'rsatma berishmoqda. Jasad topilgan joy, to'y bo'lgan hudud va boshqa ehtimolli joylar chizmalar asosida o'rganib chiqildi. Marhum suvga tushgunga qadar, anigrog'i, tashlangunga qadar bizning taxminlarga ko'ra joni uzilgan bo'lgan. Guvohlar, ya'ni gumonlanuvchilar harakatlarini anglamas darajada mast bo'lishgan, hatto hozir ham ular karaxt, hushyor emaslar. Ularni qamoqqa olish mas-

lasini ko'ryapmiz, menimecha, hibsa ushlab turganimiz maqsadga muvofiq bo'ladi.

...Prokuror axboroti eshritilgandan keyin chamasi ikki soatlar o'tgach, katta shahardan qayta qo'ng'iroq bo'ldi.

— Har tomonlama o'ylab ko'rdik, ish qo'zg'atib, yana bir-ikkitasini qamagandan foyda yo'q, fikrimizcha. Yana bir-ikki oila aziyat chekadi xolos. Aybsiz-aybdor to'y egalari ham javobgar bo'lgani qoladi. To'y azaga aylanmasin. Bosdi-bosdi qilgan ma'qulmi, deyman, har holda qishloqchilik... Oqibatini hisobga olsak...

Avvaliga prokuror «jazolash kerak» degan fikrda qat-tiq turdi. Unga yaxshilab tushuntirildi:

— Albatta, qonun bo'yicha jazolash shart. Jazoning muqarrarligini ta'minlash, bunday holatlar boshqa ke-lib chiqmasligi uchun choralar, albatta, ko'riliishi kerak. Lekin mavjud holatda ham adolat qaror topmaydi, yax-shi bilasiz. Fikrimcha, bir-ikki kishi emas, bu holatda aybdorlar o'nlab kishini tashkil etishi ehtimoldan holi emas, prokuror bobo. Ular jazolansa, ortidan oxir-oqibat ularning oilalari jabr ko'rib qolishadi. Bola-chaqasiga qiyin bo'ladi demogchiman. Shuning uchun ekspert xu-losasini tuzatib, maqsadga moslab, ishni biroz yuritib, so'ng yopganimiz to'g'ri bo'larmikin, deb o'ylayapman. Bir-ikkitasi qamalib ketgani bilan adolat ta'minlandi degani emas-ku. Hayotning o'zi ulkan maktab, barcha-sini joy-joyiga solib qo'yadi. Men bunga ishonaman. Ana shunda biz uchun mukammal adolat bo'ladi, to'g'rimi, prokuror bobo, nima dedingiz?!

— Ha... nima ham derdik... Gapingizda jon bor... may-li, siz aytgancha bo'la qolsin. Necha kishi bo'lsa ham ja-zosini olishlari kerak edi-yu, aslida, biroq bir tomondan to'g'ri aytidingiz, eng og'ir jazo vijdon jazosi, ular vijdoni oldida har kuni javob berishsin.

— Prokuror bobo, jazolashdan jamiyatda amaliy naf bo'lganda qildardik bu ishni. Da'vo ham qildardik. Lekin bu

yog'i elchilik, qishloqni, oilalarni bir-biriga dushman qilib qo'ymaylik, bundan bir-biriga qarindosh-urug', quda-an-da qishloq ahliga hech bir naf kelmaydi. Bunday paytda qanchalik qiyin bo'lmasin, avni damda siz bilan biz jami-yatga foydaliroq qarorni tanlashimiz juda muhimdir.

— Ha yashang, ming rahmat sizga. Hamkasblardan bir pog'ona yugori fikrlaysiz-da, qaniydi hamma ham sizday fikrlasa, masalani shunday qilib tosh-u taroziga solib ko'rsa, jamiyatimizda ezgu ishlarimizni yanada rivojlantirishga hissa qo'shgan bo'larmidik deyman-da. Ha yana bir narsa so'ramogchi edim.

— Marhamat.

— Prokuratura eshigi oldida marhumning ukalari, qarindoshlari kutib turishibdi, aybdorlarni jazolang, de-yapti, shekilli, bu masalada nima qilsam ekan, ularga bir javob aytishim kerak, shunga boshim qotib turibdi?

— Darvoqe, buyog'iyam bor-a... Bunisini mayli, o'zim tushuntiraman. Siz marhumning jasadini uyiga yu-bo-rish masalasini hal eting. Qolganini menga qo'yib be-ring, o'zim hal qilaman...

Aybdorlarni jazolash kerak, deb turib olgan marhum-ning yaqinlarini katta shahardagi qarindoshi tinchitdi. Bu ish shart emasligini ularga yotig'i bilan tushuntirdi. Yaratganining jazosi muqarrar ekanligini uqtirib, bun-dan boshqa jazo uchun kirishmoq ularning oilasiga jabr keltirishini ta'kidladi. Uning gapini ikki qilolmagan qa-rindoshlar yuraklarida ming bir alam bilan qishloqqa qaytishdi. Keyin hamjihatlik bilan boshlariga do'ppi kiyib, Karimning ma'rakasini o'tkazishdi. Karimni o'zi yaxshi ko'rgan, suv taratgan, samovar osgan o'sha keng dalaning yonidagi qabristonga qo'yishdi.

O'sha kuni ko'pchilik gatori yangi kelin-kyuv ham o'z uylarida alam bilan yig'lashdi... Nasiba dod solib yig'la-di: «Meni shu daryoda ogib ketayotganimda o'limgan qutqarib qolgan edingiz. Endi esa o'zingiz shu daryoda

oqdingiz. Bizning to'yimiz kuni oqib ketdingiz.. Biz sizni to'yga chaqirib, uyingizga kuzatib qo'ya olmadik, biz sizni asrab qololmadik... qutqarmadik, buning ustiga-ustak aybdorlarni yashirib o'tiribmiz, biz sizga xiyonat qildik, xiyonat», – dedi u yig'laganicha pichirlab...

Oradan bir yildan sal ko'proq vaqt o'tib, qishloqda Ermatboy aqldan ozibdi, xayoli kirdi-chiqdi bo'lib qolibdi, kechalari qaydqlargadir chiqib ketarmish, qayoqqa borayotganini o'zi ham bilmamish degan gaplar urchidi. Keyinroq esa kimdir uni «psix bolnitsa»da ekan desa, yana kimdir Ermatboyini u yerga qabul qilmasdi, deydi. Boshqasi uni majburlab o'sha yerdavolashayotgan ekan deganmish.

Eh, odamlar, odamlar...

МУНДАРИЖА

Фитна курбонлари	3
Хиёнат	117
Фитна қурбонлари	173
Хиёнат	283

- 1890 -



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Адабий-бадiiй нашр

НУРИДДИН МУРОДОВ

ФИТНА ҚУРБОНАРИ

Қиссалар

Мухаррир

Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадiiий муҳаррир

Диафуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи

Диадюра ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир

Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: А1 № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 20.05.2020 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табори 10,5. Шартли босма табори 17,64.

Гарнитурa «Virtes Retervitug Uz». Офсет қоғоз.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 78.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113, Тошкент, Чилонзор-8, Катортола кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru